

Бахтиёр
АБДУҒАФУР

«Узбечка»



ЁХУД СНАЙПЕР ҚИЗ ҲАҚИДА ҚИССА

БАХТИЁР АБДУҒАФУР

**«УЗБЕЧКА»
ЁХУД СНАЙПЕР ҚИЗ
ҲАҚИДА ҚИССА**


ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2019

УЎК: 821.512.153-3.

КБК: 84 (5Ў)6

А – 15

Абдуғафур, Бахтиёр

«Узбечка» ёхуд снайпер қиз ҳақида қисса. / Бахтиёр
Абдуғафур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 288 б.

ISBN 978-9943-20-607-6

Асар воқеалари уруш ўчоғида рўй беради. Баловат ёшида-
ги қизнинг бу ваҳшат водийсига тушиб қолиши асло тасодиф
эмас. Уруш ортидаги меҳнати билан такрор тухматларга уч-
райвергач, ўзини ўзи борса-қайтмасга ҳукм қилади. Жангда
ҳам жиддий синовларга рубарў келади. Душманга қарши
урушда тарафдорлари томонидан ўлимдан оғир жазога ҳукм
қилинганда эса сукут ва сабр билан... кутади. Ҳақиқатнинг
қарор топиши жуда қийин, аммо барибир юзага чиқади!..

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84 (5Ў)6

ISBN 978-9943-20-607-6

© Бахтиёр Абдуғафур, «Узбечка» ёхуд снайпер қиз ҳақи-
да қисса». «Янги аср авлоди», 2019 йил.

РАД ЭТИЛГАН ҚАҲРАМОНЛИК

Асар асло қаҳрамонлик ҳақида эмас. Зеро, шундай даврлар буладики, тузумлар қаҳрамонларини бемалол рад этади, уларнинг жасоратига куз юмади. Сон-саноқсиз қурбонлар кузга қуринмайди, забт этилган марралар ҳақида сўзланади, холос. Инсон қадри ва шаъни унутилган, уни орзу-умидлар эмас. қўрқув бошқарад

Асар қаҳрамони — оддий ўзбек қизи Жамила. Қисмати бир-бирига ўхшаб кетадиган минглаб аскарларнинг — қай бири бедарак йўқолган, қай бири бегона юртларда кафангадо бўлган, яна бири асирлик машаққатларини тортган — рамзий қиёфаси.

Жамила — қаҳрамон. Яратган уни фавқулодда сезги ва жасорат билан сийлаган. Бутун салоҳияти ва иқтидорини душманга қарши сафарбар этади. Қаҳрамонликлар кўрсатади. Не кулфатки, тузумнинг шафқатсиз ишлаётган жазо машинаси — уни ҳам ўз қомига тортиб кетади. «Улуғ доҳий»нинг меҳнат лагерларидан бирига ҳукм қилинади.

Немисларга асир тушган собиқ Иттифоқ асирларининг тақдирини эсланг — Европа озод этилди, Германия мавҳ этилди, шўро асирлари эса Сибирга ҳайдалди. Уларнинг айби — қуршовда қолгани ва асирга тушгани.

Уруш вақтида фронтларда тузилган «жазо» батальонларини ёдингизга келтиринг. Уларга ҳукм қилинган жангчилар тайёр нишон эмасмиди?

уч ҳолат буйича тергов қилинишини сўраб, юқоридаги идораларга тегишли ҳисоботларни йўлаганман:

1) Жамила Қодирова лейтенант Сергей Бобров разведка гуруҳи билан махсус амалиётга юборилади. Разведка гуруҳининг асосий вазифаси немисларга сотилган ва «эс-эс» билан ҳамкорлик қилаётган ватан хоини Клим Вишневецкийни тириклайин келтириш эди. Лекин Жамила Қодирова амалиёт вақтида, гуруҳ раҳбарининг буйруғига буйсунмасдан, Вишневецкийни отади ва шу йўл билан махсус идораларимизни муҳим маълумот манбаига эга бўлиш имкониятини атайин йўқ қилади;

2) Жамила Қодирова маълум муддат бедарак кетган ҳисобланади ва ўзи берган маълумотларга кўра, немислар қўлида асирликда бўлади. Асирликдан қандай қочгани аниқ ошкор қилинмаган. Ҳаракатдаги ИДҚА сафларига қандай мақсадларда келиб қўшилгани ҳам шубҳали. Айни шу жиҳат, назаримда, эътиборимиздан четда қолиб кетган;

3) Урушга келмасдан аввал Жамила Қодирова Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қидирувда бўлган, тегишли идораларга унинг фронт ортидаги мажбуриятларидан бош тортиш, жамият мулкига қасддан зарар етказиш пайида бўлгани ҳақида маълумот келиб тушади. Лекин Жамила Қодирова жазодан қутулиб қолиш мақсадида Республика ҳудудидан чиқиб кетади.

Юқоридаги ҳолатлар буйича қайта суриштирув-тергов ишлари олиб боришни лозим деб ҳисоблайман...

БИРИНЧИ ҚИСМ

ВАҲШАТ ЎЛКАСИДА

1

Ёмғир аста шивалаб ёғарди.

Жамила ёмғирда қолиб кетишларидан хавотирга тушар, ўзи ёки кўзлари жавдираган, қотмадан келган Нуриддиннинг ёмғирда обдан ивишлари, лойга ботиб қишлоққа қайтишларидан эмас, балки аравадаги пахтанинг нам тортишини ўйларди. Қамчисидан қон томадиган раиснинг жазавога тушиши, «халқ душманлари!», «саботажчилар!» дейишидан қўрқарди. Қишлоқда раис туғрисида ҳар хил миш-мишлар, ваҳимали гаплар юради. Эмишки, кечқурунлари туман марказига жўнаб, тун алламаҳалгача «эн-кэ-вэ-дэ» деган идорада ўтирармиш. Ким нима қиляпти, нима гапиряпти, қўшиб-чатиб маълумот берармиш. Ўтган ой қишлоқдаги ягона мулла, одамларнинг тўй-маъракасида икки калима Қуръон ўқиб берадиган Собитхон домла йўқ бўлиб қолди. Қўйдек ювош, бировга озор бермайдиган домла сиёсатга қарши иш қилганмиш. Унинг бунақа ишларга йўқлигини қишлоқдагиларнинг ҳаммаси биларди. Жамиланинг ҳам тоғаси такрор-такрор қулоғига қуярди: «Қизим, бу иблиснинг кўзига ёмон кўринма, яхши бўлиб ном чиқар!»

Аравага қўшилган от асабий пишқирди-ю унинг ўйларини бузиб юборди. Ҳали ортилмаган қоплар кўп, ҳар бири одам бўйидек келади. Нуриддин билан уларни аравага қандай ортади?

— Опа, энди нима қиламиз? — титраган овозда деди Нуриддин.

— Бир амаллаб юклаймиз! — қатъий деди Жамила.

Қопларни кўтара олишларига кўзи етмаган Нуриддин индамай қўя қолди.

— Камолиддин акам бўлганларида бемалол кўтарардилар! — деб қолди Нуриддин.

Кенг кўйлагининг енгларини ҳафсала билан шимариб, ясси дўнглик каби уюлган қопларнинг энг юқорисидagini ушлаган Жамила бирдан тўхтаб қолди. Нуриддинга қарамасликка уриниб кўзларини яширди. Кўз олдида баланд бўйли, кенг елкали, бошида тахи бузилмаган марфилоңдўппи, эгнида оқ яктак Камолиддин бўй берди. Қишлоқдаги йигитлар билан бирга уни урушга олиб кетишди. Колхоз клуби ҳовлисида уларни кузатиш маросими бўлди. Қишлоқ аҳли қаторида Жамила ҳам борди. Қишлоқнинг ўн икки бўз йигити сафланиб олишган, ҳамманинг кўзи уларда. Худди бу йигитларни аввал кўришмагандек. Жамиланинг нигоҳи ўзи истамаган ҳолда йигитлар орасидаги Камолиддинни қидириб қолар, кўзлар тўқнашганда эса дарров ерга қарарди. Ёноқлари лов-лов ёнар, ён-веридагилар сезиб қолишларидан жуда қўрқар, ҳам юраги тез-тез урар, томоғи ёқимсиз қуруқшарди. Сўнг йигитлар туман марказига пиёда жўнашди. Ота-она, қариндош-уруғ уларни ўраб олган, бир-бирига гал бермай гапирарди. Қишлоқ аҳли уларни анча жойгача кузатиб қўйди. Жамила ҳам уларга эргашди. Шунда Камолиддин ниманидир уқтиришга ҳаракат қилаётган отасига эътибор бермай ортига ўтирилган ва одамлар орасидан Жамилани дарров топганди. У Жамиланинг йигитларни эмас, балки айнан ўзини кузатишга чиққанини ҳис қилди. Бу сафар Жамила кўзларини яширмади. Унинг кўзларига тўлган кўз ёшлар эса Камолиддиндан махфий қолмади. Жамила шунча вақт қалб тўрида сақлаб келган сирини ошкор этиб қўйганди. Ва бундан у уялмаганди ўшанда.

— Опа, ёмғир кучайяпти! — Нуриддиннинг овозидан Жамила ўзига келди. Ёмғир остида ўй суриб қолганидан хижолат тортди.

— Қани, кўтаринг-чи! — буюрди у Нуриддинга.

Қопнинг бир томонидан Жамила, иккинчи томонидан Нуриддин кўтаришди. Қўрғошин тўлдирилгандек туйиладиган қопни ердан узиш ва аравага ташлаш осон иш эмасди. Ҳатто мана ман деган йигитни ҳам анча довдиратиши турган гап. Жамила ва Нуриддин минг машаққатда биринчи қопни аравага ортишди. Қоп аравага улоқтирилгандан кейин Жамиланинг ичидан нимадир узилиб кетгандек бўлди. Беихтиёр букча-йиб қолди. Бироқ тобора тезлашаётган ёмғирни кўриб, қадини ростлади. Нуриддинни ҳам шошилтириб кейинги қопга ёпишди. Худо ўзининг бу саркаш бандаларига раҳми келди — бир қиз ва ўсмир ёмғир шаррос қуйган вақтда унча-мунча омборларни тўлдирадиган юкни аравага ортишга муваффақ бўлишди. Жамила ва Нуриддин, қолаверса, от ҳам обдан ивиганди. Ҳолдан тойган бўлса ҳам Жамила отнинг тизгинини олди.

— Араванинг ортидан итаринг, отга ёрдам бўлади!
— тизгиндан тортаркан, буюрди Жамила.

— Хўп, опа...

От базўр кучланиб аравани тортди. Томирлари бўртгудек бўлиб Нуриддин араванинг ортидан итарди. Оғир арава лойга бота-бота, одамларни қийнай-қийнай кета бошлади.

Улар қишлоққа кириб келишганларида аллақачон тун кирган, ёмғир авжига чиққан, камига совуқ ҳам кучайганди. Жамила ҳам, Нуриддин ҳам тиши-тишига тегмай қалтирарди. Жамила отни тўғри колхоз омборига етаклади. Аравани шу ерда қолдириб, уйга қайтишни ўйлади. Бироқ, омборхона ёнидаги шийпонда раиснинг отини кўрди-ю кўнгли нохушланди. Уч-тўрт қадам ташлаб улгурмай, омбордан раис ва омборчи чиқиб қолди. Раис Жамила ва Нуриддинларни сезмагандек тўппа-тўғри арава томон юрди. Қопларнинг устига омонат ташлаб қўйилган матони жаҳл билан сидирди-да, Жамилага қараб ўдағайлай кетди:

— Бу нима!? Бу нима деяпман? Давлат мулкига ҳам шунақа муносабатда бўладими, саботажчи! Одамлар куну тун демай етиштирган пахтани шундай аҳволга соладими?.. Йўқ, сенлар атай қилгансанлар! Икковинг тил бириктириб ҳосилни чиритмоқчи, фронтда жон олиб-жон бераётган аскарларнинг, халқнинг ризқини қиймоқчи бўлгансанлар!..

— Раис бува... — Жамила ўзини оқлашга уринди, аммо жазаваси кўзиган раис унга имкон бермасди.

— Йўқ! Мен сенларга давлатнинг пахтасини йўқ қилиш қанақалигини кўрсатиб қўяман! Уйингни ёғочларини ёқиб бўлса ҳам пахтани қуритаман! Сен икковингни... сен икковингни турмада чиритаман!

Жамиланинг бошидан бир челақ муздек сув қуйгандек бўлди. Раиснинг қўлидан бундай ишлар келарди. Айтганини қилмай қўймайди. Ахир атайин бундай қилишмади-ку. Ёмғирни атайлаб ёғдиришдими? Шунча ердан олиб келишди. Бўлмасам эрталабгача ёмғирда қолиб обдан сувга бўккан бўлмасмиди. Раис ҳозир бунга эшитадиган аҳвол ва вазоҳатда эмасди.

— Толибжонов! — раис омборчига қичқирди. — Аравани омборга олиб кир! Пахтани ерга ёйиб чиқ, эрталабгача димиқиб, моғорламасин!

— Хўп бўлади, раис бува!

Раис шахт билан шийпон томон юрди. Отини бўшатиб жаҳл билан эгарга ўтирди. Бир Жамилага, бир Нуриддинга совуқ қараб қўйди-да, отга қамчи босди. Раис тун қўйнида кўздан ғойиб бўлди.

Раис кетгач Жамила омборчига қаради.

— Ака, қарашворинг, аравани омборга олиб кирайлик!

— Хўп... хўп...

Жамила яна отнинг тизгинидан тортди. Омборчи ва Нуриддин араванинг ортидан итаришди.

Ёмғир тинадиганга ўхшамасди. Энди у жалага айлана бошлаганди...

2

Бу йил йигирма иккига кирадиган Жамила ўн ёшига қадар ота-онаси билан қариндош-уруғларидан узоқда, Тошкентда яшади. Отаси йирик завод муҳандиси, онаси мактабда ўқитувчи. Ўттиз иккинчи йилда отасидан, кўп ўтмай эса онасидан айрилди. Бу вақтда оила қариндош-уруғлардан ажралиб қолганлиги сабабли ўн ёшли Жамиланинг етим қолганини яқинлар билмади. Уни Тошкентдаги етимхоналардан бирига беришди. Ўн етти ёшигача шу ерда тарбияланди. Рус тили ва адабиётини пухта ўзлаштирди, роялда тузуккина куйлар чаладиган бўлди. Агар тасодиф юз бериб, тоғаси билан учрашиб қолмаганида етимхона тарбиячиси, ҳам ўқитувчиси Клавдия Михайловна уни ўзига қиз қилиб олмоқчи бўлганди. Кунлардан бир кун шаҳар марказидаги ёшлар саройида ташкиллаштирилган концертдан қайтаётганларида қирқ беш-элик ёшлардаги, уст-бошидан колхоз ишчиларига ўхшаб кетадиган киши Жамилани кўриб унга яқинлашди.

— Қизим, мабодо исмингиз Жамилахон эмасми?

— сўради у тортиниб.

— Ҳа...

— Онангизнинг исмлари Салимахон эмасмиди?

— Ҳа, Салима эди, сиз бизни қаердан танийсиз, амаки?

Нотаниш кишининг кўзларига ёш қалқди.

— Қизим, Жамила... мен сени тоғангман!..

Жамила қотиб қолганди. Уларнинг суҳбатига қулоқ тутиб турган Клавдия Михайловна эса:

— Ўртоқ гражданин, биз билан юра олмайсизми?

— дея сўради.

— Ҳа... албатта, албатта...

Жамила тоғаси топилганидан хурсанд эди. Тоғаси

— Абдумалик уни уйига олиб кетди. Шу-шу, у қиш-

лоқда қолиб кетди. Рус тили ва адабиётини яхши билганидан мактабда болаларга дарс ҳам берди. Уруш бошланди-ю ҳамма нарса тўхтади...

Тоғасининг бир ўғил, икки қизи бўлиб, ўғли яқинда урушга чақирилди. Шўрлик ота-она ҳар куни йўл қараб почтачини пойлашар, ўғлидан бир энлик хабар кутишарди. Қишлоқ йигитларига бирин-кетин чақирув хати кела бошлаган, кексалар ва Нуриддиндек ўсмирларни айтмаса, қишлоқда эркак зоти қолмаган. Колхознинг бутун иши энди аёлларнинг елкасида. Ер чопган ҳам, сув тортган ҳам, боринги, трактор минадиганлар ҳам энди аёллар...

Жамила уйга қайтганида вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Унинг келавермаганидан хавотир ола бошлаган тоғаси, олтмишлардаги Абдумалик тоға чопони елкасига ташлаб кўчага чиқмоқчи бўлиб турганди. Жамилани кўрди-ю кўнглидаги хавотир, шубҳа-гумонлар ўз-ўзидан ариди.

— Худога шукр, қизим, кепсан! Қаёқларда юрибсан? — сўради у.

Эрининг овозини эшитиб айвонга чиққан Мастура хола Жамиланинг бошдан-оёқ ҳўл эканини кўриб, капалаги учиб кетди.

— Вой, болам, ивиб кетибсизку! Тезроқ ичкарига қиринг, кийимларингизни алмаштиринг.

Мастура хола негадир унга сизлаб гапирарди. Етимлигиданми ёки тили бормаганиданми, «сен» дея олмасди. Аммо қизларига бундай муомала қилмасди.

Хотинининг гапидан кейингина Абдумалик тоға Жамиланинг бир аҳволда экани, совуқда титраб-қақшаб турганини сезди.

— Тез уйга кир, кийимларингни алмаштира, қизим! Хотин, тезроқ чой дамлагин, ичига иссиқ кирса ўзига келади!

— Хўп...

Жамила уйга кирди. Тоғасига айтайми-айтмайми, деган истиҳолада бир муддат туриб қолди. «Тоғам-

ларнинг билганлари маъқул, йўлини топадилар!» деган қарорга келди ва кийимларини тезда алмаштирди.

Қўшни уйга чиққач, Мастура хола узатган иссиқ чойдан бир ҳўплади-да, тоғасига юзланди. Бўлган воқеани ва раиснинг жаҳл устида айтганларини айтиб берди. Унинг гапларини эшитган Абдумалик тоға тинчини йўқотди. Чўккалаб олди-да, мош-туруч соқолини силаганича деди:

— Бу ифлос кўпларнинг бошини еди! Худо инсоф бермаса бу ишидан қайтмайди. Қизим, тур, кийин, бошқа ерга бориб турмасанг бўлмайди.

Абдумалик тоға раиснинг яқин ўтмишдаги ишларини ҳам унутмаган, кейинги вақтлардагиларини эса жуда яхши билади. Колхоз ташкил этилиши арафасида кўп одамларнинг бошини еди. Битта отию ҳўкизи борларни ҳам эски бойлардан, деб ифво гапларни ёзди, ўша одамларнинг кўпи оилалари билан қулоқ қилинди. Кейин раис бўлди, лекин одатини ташламади.

— Вой, қаёққа?! — ҳайратдан ёқасини ушлади Мастура хола. — Вақт бемаҳалда қаерга борасизлар, ёмғир ёғаётган бўлса.

— Бунақа вақтда ёмғир ёғмай тош ёғмайдими! — Абдумалик тоға ўрнидан чаққон туриб кетди. — Бу ишлар бости-бости бўлгунча Ҳақимбойникида яшаб турасан.

Ҳақимбой деганлари Абдумалик тоғанинг укаси бўлиб, асли исми Абдуҳақим, Жамиланинг кичик тоғаси эди.

— Бошингга янги чопонимни ташлаб ол, қизим, йўл узоқ! — деди Абдумалик тоға.

Абдумалик тоға хавотири бекорга эмаслигини эртаси куни билди. Раис икки киши билан келиб, Жамилани суриштирди. Абдумалик тоға ўзини билмасликка солди, «Билмайман, кечадан бери келмади-я, бунақа одати йўқ эди», дея баҳона қилди. Раис бу билан қанотланмади — келганларни ўзи билан олиб уйни кўздан

кечириб чиқишди. Жамиланинг йўқлигига ишонишгач эса кетишди. Абдумалик тоға ўша кунни кечаси укасиникига, қўшни қишлоққа физилади. Энди у Жамилани узоқроқ жойларга юборишни кўзларди...

3

Абдуҳаким чўпон эди. Чекига тушган колхознинг катта сурувини боқарди. Катта ўғли, бу йил йигирма бирга кирган Абдусамадга яқинда чақирув қоғози келган, урушга жўнатилганига икки ҳафталар бўлган.

Ярим тунда, бунинг устига шаррос ёғаётган ёмғирда кириб келган акаси ва Жамилани кўриб Абдуҳаким таажжубланди. «Ишқилиб тинчлик бўлсин!» — деган хавотирли ўй кўнглидан ўтди.

— Тузукмисан, Ҳакимбой, — обдан ивиган телпагини қўлига олиб деди Абдумалик тоға. — Бемаҳалда келавердик.

— Келинг, ака, келинг! Сен ҳам яхшимисан, Жамила қизим? Уйга киринглар..

Абдумалик тоға уйга уйга киргиси келмади. Остонада турганича бемаврид ташрифини изоҳлади, раис ҳовуридан тушгунча Жамиланинг шу ерда туришини тайинлади.

— Худо бир асрабди! — деди Абдуҳаким. — Бу худосизнинг кўзига кўринмаган тузук. Жамила бегонамиди, қанча турса ҳам малоллиги йўқ, ака. Бундай турманглар, уйга киринглар, ака!

Абдумалик тоға суви силқиган телпагини яна бир марта қўлига уриб бошига кийди.

— Майли, мен борай, анави гўрсўхта раис уйга ҳам келгандир. «Товаси билан қочибди!», деган гап чиқмасин тагин. Қизим, — у Жамилага юзланди, ишлар босди-босди бўлгунча Ҳакимбойникида яшаб турасан. Кейин келиб ўзим сени олиб кетаман, маъқулми?

— Хўп...

Эркаклардан алоҳидаланиб, нарироқда қимтиниб туришган Абдуҳакимнинг аёли ва қизи Абдумалик тоға эшикнинг тутқичини тутганида олдинга ўтишди.

— Қолиб борардингиз, ака, — деди Абдуҳакимнинг аёли.

Абдумалик тоға унга бир қараб қўйди ва эшикни очаркан:

— Худо хоҳласа яна келамиз, келин, — деди. — Абдусамдинг келсин, тўйга келамиз.

Аёлнинг кўзларига ёш югурди, бўғиқ овозда деди:

— Айтганингиз келсин, ака.

Абдумалик тоға тун қўйнида кўздан ғойиб бўлди. Абдуҳаким акасини кўринмай қолса ҳам ортидан қараб тураверди...

Ёнидан кимнидир пиқиллаб йиғлагани эшитилди-ю унинг ўйлари узилди; чўчиб овоз келган томонга қаради. Икки-уч қадам ортида Жамилани пайқади. У қўли билан оғзини тўсиб олганди.

— Тинчликми, қизим? — ажабланди Абдуҳаким.

— Ўзим... шундай... — ўзини оқлашга бошқа сўз тополмади Жамила.

— Уйга кир! Холанг, синглинг билан гаплаш!

— Хўп...

Жамила оғзини тўсганча уйга кириб келди. Абдуҳакимни мубҳам хислар чулғаб олганди. Жиянига нима бўлди? Ёки раисдан кўрқяптими? Раиснинг вазабига учради, дегани жувонмарг бўлдинг, дегани эмаску. Акаси ҳам айтди, излар босилгунча кўздан нари турса, бас. Кейин қишлоққа қайтса ҳам бўлаверади. Аслида Жамиланинг кўнгли ғаш, нохуш хислар безовта қила бошлаганди. Кичик тоғасиникига яширингани билан қутула олмаслигини юраги сезаётгандек. Тоғаси, унинг оиласи, қалби билан боғланган қишлоғини қайта кўриб олмайдигандек. Тун қўйнида кўздан йўқолган тоғаси аслида айрилиқ, жудолик дегерига равона бўлган... Сўнгги ўйлардан у жуда кўрқиб кетди, ичида «тавба қилдим-ей!» деб қўйди.

Жамила катта тоғасининг қизлари билан бу ерга кўп келарди. Қизлар уй ишларига, қозон-ўчоққа қарашса, у ҳовли адоғидаги отхонага ошиқар, тоғасининг тўриқ отини ёлларини силар, узун ва силлиқ бўйнига беозор шапиллатиб эркаларди. Тоғаси баъзида отни минишга рухсат берар, у эса от елдириб дала-қирларни айланиб келарди.

Уйга кирганида тоғасининг деворга осиглик қирқма милтиғига кўзи тушиб, ҳозиргина кўнглига оралаган, юрагини эзган ўйларни унутди. Ўтган йўли айна ёз чилласида катта тоғасининг қизлари билан шу ерга келгани ёдига тушди. Бундай вақтларда қиру даштларнинг туни ўзгача сўлим, ёқимли. Тун қўйнида, ой ёғдусида чигирткаларнинг қўшиғи авжига чиқади. Жамила даштнинг мана шу фусункор, оромбахш паллаларини севарди. Абдусамад туман марказига иш билан кетган, уч-тўрт кундан бери ўша ёқда. Сурувга фақат Абдуҳаким қарайди... Ана шундай тунларнинг бирида сурувга бўри оралади. Бир қўзи бўғизланган, ундан каллаю туёқлар қолган. Яна бир қўйнинг думбаси ражилган; чалажон бўлиб ерга чўзилган. Абдуҳаким хўжайинларга ҳужжат тайёрлади, акт қилдирди. Булар ўтмади. Раис Хўжаев қозғозларни парча-парча қилиб унинг юзига отди. «Кимни алдайман деяпсан, Қодиров? Давлат мулкани ўғирлашга бундан бошқа баҳона топа олмадингми! Сенга уч кун муҳлат, иккита қўйни қайтарасан. Йўқса, ўзингдан ўпкала!» дея ўдағайлади. Гап-сўзга йўқ Абдуҳаким ўзини қандай оқлашни билмай қолаверди. Акасида пул сўраб иккита қўй сотиб олди ва сурувга қўшди. Кейинги ҳафта раис колхоз идораси ходимлари — буғалтир, ғазначи ва омборчини ўзи билан олиб келиб, сурувни санокдан ўтказди. Қўйлар бут чиқиб, Абдуҳаким тухмат ва жазодан омон қолди. Бироқ энди у раисдан эмас, бўриларни отарга ҳужум қилишидан қўрқарди.

Жамила тоғасининг милтиғига қизиқар, отишни ҳавас қиларди. Бир-икки илтимос қилганида аввалига тоғаси рўйхушлик бермади. Кунлардан бир кун, жиянининг сазасини ўлдиргиси келмай қирқма милтиғини ўқлаб, тутқизди.

— Қизим, шунда бир отиб кўр. Қўрқмайсанми ишқилиб?

— Нега қўрқаман!

Жамила тоғасининг отишини кузатар, қандай ўқлашига разм соларди. Хаёлида бу ҳаракатларни бажарарди ҳам. Тоғаси қўлига милтиқ тутқизганда ҳаяжонланмади, қўрқмади ҳам. Сезган илк нарсаси милтиқнинг залвари бўлди, холос. «Овир экан!» — уй ўтди кўнглидан.

— Бир отиб кўр-чи, — деди Абдуҳаким. — Ҳўв анави ёғочга от. Эҳтиёт бўл, сочма ўқ.

Оддий ўқ нима, сочма ўқ нима, Жамила фарқи-га бормасди. У ўзини моҳир овчидек, кўпдан бери милтиқ отаётгандек ҳис қиларди. Унинг милтиқни энгилик билан қўлда тутишидан Абдуҳаким таажжубланди. Жамила қўрқмай, ўзини йўқотмай тепкини босди. Қулоқни қоматга келтирувчи варанглаган овози, қўндоқнинг елкага энгил тепкисига ҳам эътибор бермади. Тоғасини кутмай ёғоч — нишон томон чопди. Ёғочда беш-олти кичик қора доғларни кўрган Абдуҳакимнинг таажжуби икки карра ортди.

...Ўша ёз чилласида, тунда бўрилар яна отарга ҳужум қилди. Абдуҳаким отга миниб бўриларни қувмоқчи бўлди; қоронғида кўринмаса-да, тусмоллаб икки марта отди. Бироқ бўри галасига туйқус дуч келган от асабий кишнади-ю узангига тиралганича қўшқўллаб милтиқ тутган чавандозни ағдариб юборди. Абдуҳакимнинг ўнг елкаси азоб берар, қўлини қимирлата олмасди. Тоғасидан кўз узмай турган Жамила бўрилардан ҳадиксирамай югуриб келди-да, ерда ётган милтиқни олди. Четан атрофида тўпланиб қолган бўриларни илғиди.

Abdulla Qodiriy nomidagi
viloyat AKM
INV № 169249-20194

— Ўқлар қани? — сўради у.

Абдуҳаким чап қўли билан энлик камарига қис-тирилган ўқларни чиқариб унга узатди. Жамила чаққонлик билан қирқмани ўқлади. Дарров бўриларни нишонга олди ва кетма-кет икки марта тепкини босди. Четан девор томонда аянчли ангиллаган овоз эшитилди. Жамила милтиқни ўқлаганича шу томон югурди. Икки орқа оёғини судраётган биргина бўри турар, қолганлари қочиб кетганди. Жамила раҳм-шафқат кўрсатиб ўтирмади — милтиқни унга тўғрилаб иккала ўқни ҳам бўшатди. Елкасини ушлаганича етиб келган Абдуҳаким бир Жамилага, бир бўрига қарарди... Шундан кейин Жамиланинг «мерган қиз», дея номи чиқди.

Шуларни эсларкан, Жамила мийиғида кулиб қўйди. Тоғасининг аёли кирди-ю хаёллари узилди.

— Жамилахон, чойга чиқинг!

* * *

Раис қаршисидаги отлични кўрдию беихтиёр от тизгинини тортиб юборди. Отарни қирга ҳайдаётган Жамила эди. Агар бўйни аралаш ўралган рўмол бўлмаганида уни таниш қийин эди — эғнида уринган палто, оёғида этик.

— Тоғанг қани! — таҳдидли овозда сўради раис.

— Бетоблар... бутун уйда қолувдилар... — Жамиланинг кўнгли нохушланди.

Абдуҳакимнинг икки кундан бери мазаси йўқ. Нуқул йўталади. Шу аҳволда отарни қирга олиб чиқади. Тоғасига жони ачиганидан бутун эрталаб Жамила тўриқни ўзи эгарлади. Тоғасига: «Сиз бутунча дам олиб туринг, отарни ўзим олиб чиқаман», деди. Ўзини анча олдириб қўйган Абдуҳаким рози бўлди.

— Йўқ! Сенлар келишиб олгансанлар! — эгарда ўтирганича бирдан ҳурпайди раис. — Аввал пахтани чиритмоқчи бўлдинг, энди навбат колхознинг қўйларига етдимми!? Кимни алдайман, деяпсанлар!? Ўзим

ҳам қай гўрга йўқолди, деб юрувдим-а! Шу ерга қочиб келган экансан-да, а! Топдимми охири!

Ўша воқеадан сўнг раис барибир ўз ишини қилди — Жамилани устидан ёзиб, саботажда айблади. Бироқ Жамила ғойиб бўлди. Раис уни сўроқлатди, аммо дарагини тополмади. Абдумалик тоғани қисувга олди, «Сени ҳам қаматаман!» дея дағдаға қилди. У эса: «Қайдан биламан, ўзига ўзи хўжайин бўлса!» дея гапни қисқа қилди. Раис яна доғда қолди. Қизнинг Абдуҳакимникига келиши хаёлига ҳам келмаганди. Отарни кўздан кечиргани келдию Жамилани учратди. Буни у омадга йўйди. Ўзини давлатнинг содиқ ходими деб билганидан «давлатнинг душмани менинг душманам!» дерди.

— Нималар деяпсиз, раис бува?! — унинг гап-ларига чидай олмаган Жамила раиснинг кўзларига нафрат билан тикилди.

Қизнинг нигоҳидаги нафрат ва алақандай кучни сезган раис бўшашди. Бироқ қаршисидаги «саботажчи» тургани туйқус кўнглидан ўтиб асабийлашди. Ўзини енгилгандек, қўрққандек кўрсатгиси келмади.

— Кимга ақл ўргатаяпсан, илон! — жазаваси кўзиди раиснинг. — Сендақа чаёнларни ўз вақтида фош этишимиз керак! Токи мен раис эканман, колхозда илону чаёнлар бўлмайди, бунга йўл қўймайман!

Раис шахт билан отнинг бошини ортга бурди ва камчи урди. Жамила қирда ёлғиз ўзи қолди. Отар бир ерда ўралашиб қолганди.

4

Поезд бепоён кўринадиган даштдан кетиб боради. Бу ерларни кўрган одам бу даштдан кейин яна ҳаёт бошланармикин, деган ўйга боради. Жамила вагон тирқишларидан ичкарига кираётган совуқдан жунжиқди. Кўзларига энди келажаги шу ва-

гондек совуқ, даштдек файзсиз кўринар, келажакда уни нима кутаётганини тасаввур ҳам қилә олмасди. Арзимаган бир нарса билан ҳам ҳаёт ўзгариб кетиши мумкинлигига қатъий ишонганди. Ёнида яна учта қиз, улар ҳам индамай кетишади, қолганлар эса урушга чақирилган ёш-ёш йигитлар. Уларга ҳали ҳарбий кийим берилмаган, кимдир пиджақда, яна кимдир юпқа палто кийган. Одамларнинг гап-сўзларига қараганда ҳаммани Олмаотадаги ҳарбий мактабга жўнатишяпти. Йигитлар қуроолардан отишни ўрганишса, қизларни ҳамшираликка тайёрлашади.

Қанча юришганини билмайди, сабаби қуёш кўринмайди. Кун бирдек тураверади. Ниҳоят, вагонлар секинлаша бошлади. Поезд тўхтагач, вагонлардан тушган йигит-қизларни сафга тизишди. Ёш бир лейтенант йўлбошловчилигида шаҳар ташқарисидagi мактабга етиб келишди. Мактабнинг деворлари, аксар уйлари ёғочдан тикланган. Йигитларни умумий ётоқхонага қўйишган бўлишса, қизлар ҳовли бурчагидаги алоҳида уйчага жойлашишди.

Қизлардан бири, ўзини Людмила дея таништирган, оқ-сарикдан келган қиз Жамиладан сўраб қолди:

— Нега ҳарбий ҳамшира бўлишни хоҳлаб қолдинг, уруш кўрмаган бўлсанг...

Жамила дабурустдан нима дейишни билмади. Бошидан ўтганларни дастурхон қилишни лозим топмади. Ёдига раиснинг: «Токи мен раис эканман, колхозда илону чаёнлар бўлмайди, бунга йўл қўймайман!» дегани тушди. Ўша оқшом у отарни бир амаллаб қўрага қайтарди. Кичик тоғасига бўлган воқеани айтиб берди. У узоқ ўйланди, тайинли чора калласига келмади. Шунда Жамиланинг миясига туйқус бир ўй урилди. Ўйлаб ҳам ўтирмай, «шаҳарга кетаман», деди. Тоғаси нима дейишини билмади. Жамила кўп ўйланиб ўтирмади. Нарсаларини йиғиштирди. Унинг фикру хаёлини нима қилиб бўлса-да, раиснинг кўзларига

кўринмаслик эгаллаб олганди. Шаҳарда борадиган жойи йўқ, бўхчасини қучоқлаб анча вақт кўчаларда тентиб юрди. Юра-юра аввал маданият саройи бўлган, энди эса чақирув биносига айлантирилган, оқ устунли бино қаршисидан чиқди. Турли ёшдаги эркеклар саф тортишган, барчасининг елкасида халта. Бир зобит рўйхат бўйича уларни текширмоқда. Жамила бинога кираверишига осилган, оқ-қора йирик суратдаги «Ватан учун!» ёзувини ўқиди-ю кўнглидан фавқулудда ўйлар ўта кетди. Балки у ҳам урушга жўнар... Бир муддат бу ўйи унга бўш, эриш туйилди. У урушни ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди. Минг истиҳола билан бинога кирди, очиқ эшиқдан ичкарига бош суқди. Олтмишларга борган, шинел устидан пахталик кийган, кўкрагини столга бергудек нимадир ёзаётган киши ажабланиб унга қаради.

— Келинг, қизим, — деди у.

— Урушга кетмоқчийдим, — дабдурустан деди Жамила, кутилмаган ташрифини қандай изоҳлашни билмай.

— Урушга?! Сен-а?

— Ҳа... — деди бу сафар Жамила ишончсиз.

— Қизим, ҳозир аёлларни урушга олмаяпмиз. Агар шунақа бўлиб қолса хабар берамиз.

— Бормасам бўлмайди...

— Қизим, яхшиси сен уйингга бор. Урушни душманимга ҳам раво кўрмайман.

Шу пайт хонага ҳарбий врач кириб қандайдир ҳужжатларни берди-да, чиқиб кетди. Жамиланинг хаёлига бошқа ўй келди.

— Балки... ҳамшираликка борарман... — деди у. — Ахир, ярадорларга кимдир ёрдам бериши керак-ку!

— Майли, қизим, янгилик бўлса айтарман.

Бу гап мужмал айтилганини Жамила сизди. Кетиш-кетмаслигини билмай бир муддат тургач, кўнгли тиламай хайрлашди. Лекин барибир билганидан қол-

мади. Яна уч-тўрт марта келди. Охирги сафаргисида омади келдимиз, ҳамшираликка олинадиган бўлди...

— Билмадим... мен ҳам жангчиларимизга ёрдам бергим келди... — Жамила тўқиган ёлғонидан хижолат тортди.

— Мен қасос олгани кетяпман! — деди Людмила. — Онам билан Смоленскдан Тошкентга келгандим. У ерда отам ва акаларимни немислар отиб ташлашди. Кўз олдимда.

— Урушни кўрганмисиз? — негадир қўрқиб сўради Жамила.

— Сендан бир нарса сўрасам майлими? Биз сени сенсираймиз, сен бўлсанг сизлайсан.

Жамила бунга эътибор бермаган экан.

— Билмадим... — деди у тортиниб. — Яхши билмаган, танимаган одамни сенсираш осонмас.

— Сен ҳам бизни бемалол сенсирайвер, хўпми?

Жамила уларни сенсирашни тасаввур қилолмас, бунга негадир ботинолмасди. Бировдан қўрққанидан эмас, балки бировнинг кўнгли риоясида бундай қилолмасди. Ҳатто ўзидан ҳам кичикларни сизлаб ўрганганди.

— Нимани сўраётгандинг? — хаёлларини бўлди Людмила. — Ҳа, эсладим, урушни кўрган-кўрмаганимни сўрадинг...

Людмила бирдан жим бўлиб қолди. Қўрқинчли тушга айланган кечаги кунларини эслаш унга осон эмасди.

— Урушдан ёмони йўқ! — Людмиланинг кўзларида ёш ҳалқаланди. — Урушда одамлар бир-бирини ўлдирадилар, раҳм-шафқат, одамгарчилик унутилади, одам ҳайвонга айланади...

Жамила бирдан урушнинг совуқ нафасини ҳис қилди. Урушнинг бу қадар шафқатсиз ва аччиқ бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Туйқус хаёлида... Камолидин буй берди. Урушга жунаётганида ортига ўтирилиб

жонсарақ кўзлари билан уни қидиргани Жамиланинг ёдига тушди. У урушда нима қилаётган экан? Бировга озор бериш тугул, овозини ҳам кўтариб гапирган эмас. Шундай йигит душманни отишга журъат этадими? Ўзини ҳимоя қила олягтимми? Немислар бу мўмин-қобил йигит, уни мажбуран урушга олиб келишган, деб қараб туришмаса керак... Жамиланинг уруш ҳақидаги тасавури шундай ўйларга йўл очиб берганди. Эшик очилди-ю хаёллари пароканда бўлди.

— Қизлар, сизларни чақиритишпти, — деди ташқаридан кирган қиз.

Қизлар дарров ўрниларидан туришиб ташқарига чиқишди. Ҳарбий йўриқчининг буйруғи билан майдончага сафланишди. Илк машғулот бошланди. Йўриқчи ҳарбий ҳамширанинг вазифаси, жанг вақтида қандай ҳаракат қилиши лозимлигини тушунтирди. Бундай нарсаларни эшитишни хаёлига ҳам келтирмаган кўрқув тобора Жамиланинг журъати ва иштиёқи-га кишан сола бошлаганди. «Нега келдим бу ерга?!» — биринчи машғулотаёқ у ўзини ўзи сўкарди.

Эртаси кунги машғулотларда машқларни тўғри бажаролмай қийналди. Айниқса, жисмоний тарбия — тўсиқлар оша югуриш, ҳамма анжомларни осан ҳолда симтўрлар остидан эмаклаш тинкасини қуритди. Бошқа қизлар эса ҳаммасини бажаришди, ҳеч ким шикоят қилмади. Жамиланинг аҳди қатъийлашиб борарди: «бу ишлар мен учун эмас экан...»

5

Жамила милтиқ қўндоғини елкасига тираб, нишонни мўлжалга олди ва тепкини босди. Йўриқчи, лейтенант Скворцов нишонни текшириб кўриб ҳайрон бўлди. Жамила нишонни аниқ олганди. Нишонтахтага бошқа нишонқоғозни ёпиштирди-да, ўз ўрнини бошқа қизга бўшатиб бераётган Жамилага буюрди:

— Курсант Қодирова! Машқни бошқатдан такрорланг!

— Хўп бўлади, машқни бошқатдан такрорлайман!

— ҳарбий низом бўйича жавоб берди Жамила.

У ажабланди, ёмон отибман шекилли, деган ўйга борди. Стол устига ҳозиргина қўйган милтиқни олиб, лўкидонини юргизди. Нишонни мўлжалга олиб тепкини босди. Ўқ отилгач, лейтенант югуриб борди-да, нишонқоғозни текширди. Ўқ яна марказга яқин жойга текканди.

— Курсант Қодирова, машқни бошқатдан такрорланг! — лейтенант яна буюрди.

Жамиланинг кўнгли нохушланди. Шоша-пиша:

— Хўп бўлади, машқни бошқатдан такрорлайман!

— деди у дона-дона қилиб.

Лўкидонни юргизиб милтиқни ўқлагач, қайтадан алмаштирилган нишонни мўлжалга олди. Учинчи марта ҳам у нишонни аниқ олганди. Лейтенант ҳайратланганидан нима дейишини билмай қолди. Мана ман деган аскар ҳам уч марта нишонни бехато ололмади. Жамила эса отишда бир марта ҳам адашмади. Яраланганидан сўнг ҳарбий мактабга жанговар қуроолардан таълим берувчи йўриқчиликка жўнатилган лейтенант кўп курсантларга таълим берган, лекин Жамилага ўхшаганини биринчи марта кўриши эди. Айрим курсантлар нишон қолиб, нишон-тахтага зўрға теккизишар, уларни отишга ўргатгунча лейтенант анча машаққат чекишига тўғри келарди. Гарчи ҳамшира қизларга отиш мажбурий бўлма-са-да, уруш вақти талабларига кўра, уларга ҳам қуроолардан фойдалана олиш талаби қўйиларди. Шуни хаёлидан ўтказган лейтенант «бу қиз аслида бошқа гуруҳга қўшилиши керак экан!» деган ўйга борди.

— Курсант Қодирова, ёнимга! — овозини баландлатиб буюрди у.

Ҳеч нарсага тушуна олмай турган Жамила югурганича лейтенантнинг олдига борди ва қўлини чаккасига текказганича деди:

— Курсант Қодирова буйруғингизга биноан етиб келди!

— Эркин, курсант. Отишни қаерда ўргангансиз?

— сўради лейтенант.

Жамила унга таажжубланиб қаради.

— Кечирасиз, ўртоқ лейтенант, тушунмадим...

— Илгари ҳам милтиқдан отганмисиз?

— Ҳа... чўпон тоғамнинг милтиғидан отганман.

— Олдин қаерда ишлагансиз?

Жамиланинг юраги шув этди: Ёки раис унинг Олмаотадаги ҳарбий мактабга келганини билиб қолиб хат ёзганмикин? Саботажчилик қилган, уни дарҳол қўлга олиш керак, деганмикин? Нега бирдан буни сўраб қолди?..

— Колхозда... ишлаганман... — қўрқиб деди Жамила.

— Колхозда?! — таажжубланди лейтенант. — У ерда нима иш қилгансиз?

— Ҳамма ишларни... ер ҳайдаш, экин-тикин...

— Тушунарли. Гап бундай, курсант Қодирова! Энди сиз ўқчилар гуруҳида машқ қиласиз. Яъни йигитлар билан. Хавотирланманг, қизлар билан бирга яшайсиз.

Жамиланинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Бошқа гуруҳга ўтказилаётганидан эмас, балки раис билан боғлиқ шубҳалари бўшлиғи сабаб ўзини енгил ҳис қила бошлади.

6

Жамила нарсаларини йиғиштираркан, улар билан бирга келган татар қиз Фая ҳазиллашди:

— Энди йигитларнинг ёнида юраркансан-да, а! Шунча ҳаракат қилсак ҳам буни эпломадик, қойил сентга!

Жамила дув қизариб кетди. Қилаётган ишини ҳам нутиб Фаяга қараб қолди. У бундай мавзулардан сўз очилишидан уялар, ҳалигача бирор йигит билан тузук-қуруқ гаплашган ҳам эмасди.

— Омадинг бор экан, — суҳбатга қўшилди Людмила. — Ишинг беш!

Жамиланинг ёноқлари ёнар, ўзини оқлашга сўз тополмасди. Унинг аҳволини сезибми, қизлар эзишда давом этишди. Улардан бири йигитлар ҳақида билимларини ўртоқлашишга тушди. Бошқалар ҳам қараб туришмади. Жамилага роса маслаҳатлар беришди. Уятдан ўзини қаерга қўйишни билмай қолган Жамила беихтиёр бошини кафтлари орасига олди-ю... йиғлаб юборди. Буни кутмаган қизлар бирдан жим бўлиб қолишди. Людмила дарров Жамиланинг ёнига келди-да, унинг елкасидан ушлаб ўзига қаратди.

— Шунга шунчаликми, нега йиғлайсан!? Бунақа эканлигингни туш кўрибмизми. Вой-бў! Роса ёш бола экансанку, мактабда ўқил болалар билан ўқи-маганмисан? — деди Людмила.

Жамиланинг кўз олдида Камолиддин бўй берди.

* * *

Тоғасининг қизлари билан далага ўт ўргани чиқишгани ёдига тушди. Кун кеч бўлаётган, қизлар эса ўтти аравага орта олмай ҳалак. Қаердандир кетмонни елкасига қўйиб олган Камолиддин пайдо бўлди.

— Камолиддин ака, ўтимизни аравага ташлаб беринг! — тоғасининг кичик қизи Зулфия ялиниб қолди.

Камолиддин ўтти кўриб мийиғида кулиб қўйди. Кетмонни ерга қўйиб деди:

— Бунча ўтти йигитлар тутул, эшак ҳам кўтара олмайди-ку! Ҳеч бўлмаса ўзингларни аямадингларми, қизлар?

— Қаердан билайлик, ўт кўп экан, ўраверибмиз, — деди Зулфия.

Камолиддин кучоққа ҳам сиймайдиган қилиб боғланган ўтни кўриб тараддуланиб қолди. Салкам белигача чиқадиган қилиб боғланган ўтни икки йигит ҳам ердан зўрға узса керак. Лекин қизларнинг, бунинг устига, Жамиланинг қараб турганини ўйлаб ўтга ёпишди. Оёқларини кериб, бор кучини билакларига бериб ўтни кўтарди. Оғирлигидан бир муддат белини, елкаларини бошқара олмай қолди, бурун катаklarини кERGанича чуқур-чуқур нафас ола кетди. Бўйин томирлари ўқловдек бўртиб, чаккасида тер томчилари кўринди. Унинг аҳволини сезган Жамила дарҳол ёрдамга ошиқди. Арқоннинг бошқа томонидан ушлаётганида беихтиёр йигитнинг қайноқ билагига тегди-ю юраги тез-тез уриб кетди. Ҳаяжон ва энтикишдан ўзини йўқотди... Лекин буларнинг бари бир лаҳзада ўтиб кетди. Ўтни қўшқўлаб кўтарди. Арғамчига қил мадор, дегандек, бу Камолиддинга туртки бўлди. Сўнги кучини тўплаб, ўтни аравага ортди. У чуқур-чуқур нафас олганича Жамилага қаради, жилмайди.

— Сиз бўлмаганингизда уялиб қоларканман! — деди у.

Жамила ҳамон унинг қайноқ билагига тафтидан ҳаяжонда эди. У энтикар, юраги кўксига сиймай урарди.

— Менсиз ҳам эплардингиз, — деди у Камолиддиннинг кўзларига қарамай.

Жамила бу тафтда қандайдир меҳрни, қалб ҳароратини туйганди. Буни анчагача эсидан чиқара олмай юрди. Шу воқеа ёдига тушганда беихтиёр энтикар, ёлғиз қолганида ҳам, негадир хижолат тортарди. Людмиланинг гапидан сўнг у яна Камолиддинни, унинг ҳароратли билагини эслади...

* * *

Гуруҳдаги қизлар Жамиланинг отиш машқларидаги маҳоратини эшитишганди. Людмила лейтенант Скворцовнинг мактаб бошлиғи майор Иван

Кондратьевичга Жамилани мақтаганини тасодифан эшитиб қолганди. Курсантлар ҳафтада бир марта мактабни тозалаш ва ошхона ишларига навбатчиликка тайинланар, қизларнинг чекига эса маъмурият биоларини супуриш-сидириш вазифаси тушарди. Ўша куни Людмила Иван Кондратьевичнинг хонасини артмоқда эди. Майор ва лейтенант эса даҳлизда папирос чекиб, суҳбатлашишарди. Лейтенант Жамиланинг алоҳида бир хусусияти — ўта совуққонлиги ва нозик ҳиссиётидан сўзлаб қолди. У Москва остоналарида жанг қилаётганида қисмда ана шундай мерганлар — снайперлар бўлгани, улар одатда совуққон ва ақл билан иш кўрадиган кишилар бўлишдан сўзлади. Снайперлар жанглarda жуда катта фойда келтирганини эслади. «Ҳа, гапларинг тўғри!» — деб қўйганди Иван Кондратьевич. Шундан сўнг Людмиланинг Жамилага ҳурмати ошганди.

— Қизлар, уни ёлғиз қўяйлик, — деди Людмила.

— Бироз ўзига келиб олсин, кейин гаплашамиз.

Қизлар оёқ учида юргудек бўлиб ташқарига чиқиб кетишди. Жамила энди каравотига ўтирганида эшик бирдан очилди-ю Людмила кириб келди.

— Сени Иван Кондратьевич чақиряпти! — деди у нафасига бўғзига тикилгудек бўлиб. — Хонасида ўтирибди.

Жамила бундан икки-уч дақиқа аввал уни роса қизартирганларини ҳам унутиб, дарров ўрнидан турди. Гимнастёркаси ва пилоткасини тўғрилаб, ташқарига отилди. У мактаб бошлиғи хонаси эшиги ёнида яна кийимларини тартибга солди. Аста чертиб сўнг эшикни очди.

— Ўртоқ майор, курсант Қодирова буйруғингизга биноан етиб келди.

Мактаб бошлиғи майор Афонинни кўпчилик Иван Кондратьевич деб чақирарди. Камдан-кам одам унга «ўртоқ майор» деб мурожаат қиларди.

— Кел, Қодирова, қани, ўтир-чи!

Жамила Иван Кондратьевичнинг столи қаршисидаги курсига омонат ўтирди. Унинг ҳуркак нигоҳи стол устидаги ўқ тешган нишонқоғозлар, уларнинг четдаги «курсант Ж.Қодирова» ёзувига тушди. Иван Кондратьевич кўлидаги папиросни ўчириб, куддонга ташлади ва Жамилага қаради.

— Гап бундай, курсант, ҳозирча мерганлар гуруҳида тайёрланиб турасан. Агар имконият тузилса, ўзини кўрсатган курсантлар билан бирга сени ҳам алоҳида мактабга юборамиз. Қандай мактаб экан, деб қизиқишинг мумкин. Снайперлар мактаби. Снайперларни эшитганмисан?

Жамила бошини сараклатди.

— Ақлли жангчи, дегани! — ярим ҳазил, ярим чин қилиб деди Иван Кондратьевич. — Кўлида фақат битта Мосин винтовкаси бўлади. Шу билан бутун бошли взводларни, қисмларни назорат остида ушлаб туриши мумкин.

Снайперларни ҳақида Жамила эшитмаганди. Қолаверса, битта милтиқ билан взвод ёки қисмга қарши чиқишни тасаввур қила олмади, ақлига ҳам сиғмади. Иван Кондратьевич ҳазиллашаётган бўлса керак, деган ўйга ҳам борди.

— Хўш, снайперлар мактабига борасанми, курсант?

— Қаерга юборишса ҳам хизмат қилишга тайёрман, ўртоқ майор! — қимтиниб ўтирган Жамила бирдан дона-дона қилиб деди. Ҳарбий ҳаёт уни аста-секин измига сола бошлаганди.

— Мана бу бошқа гап, курсант. Ҳозир боравер, машғулотларда ўзингни кўрсат.

Жамила ўрнидан турди.

— Кетишга рухсат этинг, ўртоқ майор!

— Рухсат.

Жамила ташқарига чиқди. Мактаб ҳовлисидаги ёвоч ўриндиққа ўтирди-ю беихтиёр ўйга берилди.

Балодан қочаман деб, ҳарбий ҳамшираликни танлади. Энди эса ҳамширалик қолиб мерган — снайпер қилишмоқчи. У энди келажагини умуман тасаввур қилолмасди. Ҳамшира бўлди нима, снайпер бўлди нима, фарқи йўқ эди...

7

Олмаотадан сўнг Жамилани Москванинг шундоқ ёнидаги Вешнякдаги снайперлар мактабига жўнатишди. Бу ерда уч ой снайперлик маҳоратидан сабоқлар олди. Мактабни тугатгач, энди фронтга юборилмоқда эди.

Қисм штабига етиб олиши қийин бўлмади. Шаҳардан чиқаётган, кузовда аскарлар ўтирган полуторкага қўл кўтарди. Машина тўхтаб ҳайдовчи ёнида ўтирган лейтенант йигит Жамилага сўз қотди:

— Қаерга кетаяпсиз?

— 33-нинг штабига... Агар йўлингиз бўлса олиб кетсангиз яхши бўларди.

Лейтенант одатий тасаввурлардаги жангчи аёлларга ўхшамайдиган Жамилага ажабланиб қаради. Қора қошлари, буғдойранг чеҳраси ва пилоткаси остидан чиқиб турган бир тутам сочи славян аёллариникига ўхшамайди. Ҳамшира деса филоф кийдирилган милтиқни елкасига осиб олган, юкхалтаси ҳам бор. Кузовдан эшитилган овоз эса лейтенантнинг ўйларини бузди:

— Ўртоқ лейтенант, ўртоқ жангчи аёлга кабинадан жой берсангиз яхши иш бўларди!

Лейтенант оддий аскарнинг фикрига қўшилди: эшикни дарҳол очди-да, олижаноблик кўрсатгандек кабинага таклиф қилди.

— Сиз менинг ўрнимда кетаверинг, ўртоқ жангчи! Биз эркакларга кузов ҳам бўлаверади.

Жамила жилмайди. Раҳмат айтиб кабинага чиқди. Лейтенантни эса кузовдан узатилган қўллар юқорига тортди:

— Снайпер экан! — кузовдаги жангчилардан бири деди, полуторка оғир қўзғалганида.

— Қаердан билдинг?! — ажабланиди лейтенант.

— Кўрмаяпсизми, винтовкасини филофга жойлаб олган. Қаерда кўргансиз оддий милтиқларни филофга ўраб елкага осиб олганларини!

Лейтенант таажжуб ва ҳайрат ичида ортига ўтирилиб, кабина ойнасида ичкарига — Жамила томон қараб қўйди. Кейинги вақтларда фронтларда снайперлар, хусусан, снайпер-аёлларнинг донғи чиққан, тилларга тушганди...

Полуторка ботқоққа айланган, айрим жойларида катта-катта қўлмақлар тупланиб қолган йўлдан қийналиб юрар, кабинада ўтириш қийин бўлса-да, Жамила ўйга берилганди. Хаёлидан қишлоғи, тоғаси ва унинг аёли ўтарди. Улар нима қилишяпти экан? Уйдан чиқиб кетганига олти ойдан ошибди, бир энлик хат ҳам жунатмади. Тоғаси уни кечаси Тошкентга кузатаркан, астойдил тайинлаганди: «Бизга хат ёза кўрма, агар устингдан иш очилган бўлса, манзилингни топиб олишади!» Унинг сипоришларига қулоқ тутиб, хат ёзишдан кўрқди. Энди эса кадрдон қишлоғидан минглаб чақирим олисда, овлоқ ўрмонларда милтиқ кўтариб юрибди. Агар унга биров ҳаётинг шундай ўзгариб кетади, деганида асло ишонмаган бўларди.

Шом арафасида полуторка кимсасиз, атроф-жавонибда бирор уй кўринмайдиган сайхонликда тўхтади. Ҳайдовчи йигит унга:

— 33-га шу ўрмонни кесиб ўтиб етиб борасиз, — деди. — Тахминан икки соатлик йўл. Қоронғи кирмасдан етиб олишга ҳаракат қилинг. Тунлари ўрмонларда юриш осонмас.

— Катта раҳмат, сизларга! — Жамила кабинадан тушди.

Кузовдан тушиб, кабинага жойлашаётган лейтенант унга деди:

— Уруш тугаганида насиб қилиб учрашиб қолсак, биринчи бўлиб қўндоққа қанча чизиқ тортганингизни сўрайман², келишдикми?

— Келишдик, ўртоқ лейтенант! — деди жилмайиб Жамила.

Лейтенант ҳам, кузовдаги жангчилар ҳам унга қўл силкитиб хайрлашишди. Жамила ҳам уларга қўл силкиб қўйди.

Ҳайдовчи тўғри айтганди. Сайхонлик узра шом қўланкаси чўкаётган, тахминан ярим чақиримлар наридаги ўрмонда бу ваҳимали зулмат каби туйиларди. Жамила ўрмон томон тез-тез юриб кетди. Октябр бўлганидан қуёш тезда булутлар ортида кўздан ғойиб бўлар, ётоғига чекингунича унинг ғира-шира ёруғи адил сарв оғочларидан ўрмон ичига сизади. Бу ерда ҳаво қандайдир енгил, ёқимли. Жамила енгил югуриш билан қисм штабига бир соатда етиб олишни режалаштирганди. Кутилмаганда ўрмоннинг ғарб томонида моторнинг заиф товуши қулоғига чалинди-ю таққа тўхтади. Нафасини ичига юткудек бўлиб эшитишга тушди: адашмаганди, бир эмас, бир неча моторлар. Машиналар колоннаси. Узимизникиларми ёки немислар? Сўнгги сўз хаёлидан ўтди-ю вужуди музлаб кетди. Ҳали немисларни кўрмаган бўлса. У дарров буталарга орасига яширинди. Бу орада дарахтлар орасидан юк машиналарининг чироқлари кўринди. Уларнинг олдида кажавали мотоцикллар келар, уларда эса... немис аскарлари ўтиришарди. Жамилани кўрқув олди, лекин бу кўпга чўзилмади. Юрагидан ҳадик оралагач, совуққонлик билан ўйлашга тушди: ҳар қандай ҳолда ҳам хотиржамлик билан иш тутиш керак!

² Одатда снайперлар ҳар бир муваффақиятли нишон учун винтовка қўндоғига кичкина чизиқча тортишади. Чизиқчалар сонидан снайпернинг маҳоратига баҳо берилади.

Машиналар карвони ўрмон ўртасидан ўтган йўлдан ўтарди. Жамила эса улардан салкам ўттиз-қирқ қадамлар берида яширинганди. Машиналар кетгач, Жамила яширинган жойидан чиқди-да, югурди... У энди етиб олишни эмас, балки немислар ҳақида тезроқ хабар беришни истарди.

Ўрмон тугаб яна сайҳонлик бошланганида қоронғилиқда бўлса ҳам тупроқтепалар кўринди. Жамила шу томон югурмоқчи бўлганида қаёқдандир яқинда таҳдидли овоз эшитилди:

— Қимирлама, отаман!

Жамила таққа тўхтаб қолди. Овоз келган томонни тахминлаб шу тарафга қаради. Қоронғида ҳеч ким кўринмасди.

— Мен... ўзимизники... — журъати етиб-етмай деди у.

— Ҳозир текширамыз, ўзимизникими ёки йўқми!

— қоронғилиқдан ППШ³ ўқталган икки аскар чиқиб келиб, Жамилага бақамти бўлишди.

— Ҳужжатлар!

Жамила шоша-пиша кўкрак чўнтагидан ҳужжати ва йўлланма хатни олиб узатди. Аскар ҳужжатни синчиклаб кўздан кечирди. Жамиланинг назарида улар жуда имилаб ҳаракат қилаётгандек эди. У имкон қадар тезроқ штабга бориб, ўрмонда немислар колоннасини кўрганлигини айтишни хоҳларди. Ниҳоят, аскар ҳужжатни қайтариб бериб «ортимдан юринг» деди-да, ортига ўтирилди.

Штабга етиб олиш учун илонизига ўхшаш оқондан узоқ юришга тўғри келди. Окопнинг ўзиёқ мудофаа чизиги қанчалар кенг чўзилиб кетганини кўрсатиб турарди. Анча нарида эса, ниқобтўрлар ташланган зениткалар, ҳар хил калибмли тўплар қорайиб

³ ППШ — пистолет-пулемёт Шпагина (Шпагин пистолет-пулемёти, Иккинчи жаҳон урушида собиқ Шўро аскарлари кенг фойдаланган қурол).

кўринади. Бу ерда катта қўшин тўпланганини хулоса қилса бўлади.

Бостирма ёки ертўлага ўхшатиб қурилган штабни тутаб ёнаётган чироқ ёритган. Ичкарида, радист ўтирган бўлмадан ўтилгандан кейин, нисбатан кенгроқ хонада полковник Романенко столга ёйилган харитани энкайганича кўздан кечирарди. Ташқаридан соқчининг рухсат сўрагани эшитилди. Полковник харитадан кўз узмай «кираверсин!» деди.

Жамила ичкарига кириб ҳарбий низом бўйича ўзини таништирди:

— Оддий аскар Жамила Қодирова ҳарбий хизматни ўташ учун ихтиёрингизга келди!

Полковник унга қаради. Гапирмоқчи бўлиб энди оғиз жуфтламоқчи бўлганида Жамила:

— Ўртоқ полковник, бир нарсани тезроқ айтишим керак сизга, — деди.

Полковник ажабланди.

— Нима экан?

— Мен... ўрмонда немис машиналарини кўрдим.

Полковник унга ишонқирамай қаради.

— Қанақа машиналар?

— Кўпи юк машиналари эди.

Полковник шошганича деди:

— Бу ёққа кел-чи, қаерда кўрдинг, харитадан кўрсатиб бер-чи.

Жамила ҳам тез-тез юрганича хаританинг олдига келди-да, шартли белгиларга кўз ташлаб олгач, ўрмондаги йўл — ҳудудни кўрсатди. Полковник қизил қалам билан ўша жойни ҳалқа қилиб белгилаб олгач, ташқарига қичқирди:

— Соқчи! Олдимга!

Соқчи киргач:

— Разведка гуруҳи бошлиғини чақир, тез бўл! — дея буюрди.

— Хўп бўлади, ўртоқ полковник!

Полковник немис машиналарининг бу ҳудудларда пайдо бўлишини кутмаганди. Бугунги разведка берган маълумотга кўра, немисларнинг катта кучлари мудофаанинг бошқа жойида тўпланмоқда эди. Ҳамма ҳужумни айнан шу томондан кутарди. Разведка гуруҳи бошлиғи, ҳали ўттизларга бормаган лейтенант Сергей Бобров кириб келгунигача ертўлада оғир ва ўнғайсиз жимлик ҳукм сурди. Унинг баланд овози узоққа чўзилган сукутни бузди:

— Рухсат этинг, ўртоқ полковник...

— Менга қара, Бобров, ортимизда немислар колоннаси кўринибди, — полковник харитадан ўша ҳудудни кўрсатди, — мана бу жойда.

Бобров хаританинг олдига бориб кўздан кечиргач, полковникка саволомуз қаради.

— Бу ердан биз кундузи ўтган эдик, ўртоқ полковник.

— Яқинда ўтибди колонна. Икки соат ҳам бўлмади. Сен гуруҳингни ол-да, мана бу квадратни текшир! Йўлнинг охири шу ер. Агар немислар ҳақиқатан ҳам шу ергача етиб келадиган бўлса, аҳволимиз оғирлашади.

— Хўп бўлади, ўртоқ полковник. Кетишга рухсат беринг!

— Рухсат.

Бобров югурганича чиқиб кетди. Полковник Жамилага юзланди.

— Агар айтганларинг рост бўлса жуда катта ёрдам берган бўласан. Мен ҳозир командирларни йиғаман, сен бориб жойлаш. Михайлов!

Ташқаридан бир аскар югурганича кириб келди.

— Бу қизимизга жойини кўрсат, қорнини тўйдир, қолганини кейин гаплашамиз.

Жамила «раҳмат» деди-да, аскар билан ташқарига чиқиб кетди.

8

Одатда разведка гуруҳи юқорининг ёки штаб буйруғи билан иш кўрарди. Лейтенант Бобровнинг гуруҳи эса бу сафар полковник Романенконинг мантиғи ва режалари асосида разведкага юборилганди. Полковник немисларнинг машиналар юришига ноқулай ботқоқлик ва бутазорлардан келишига ишонмай, разведкачиларнинг умуман қарама-қарши томонга жўнатди. Жамила эса немислар колоннасига тасодифан гувоҳ бўлиб қолди-ю қисмни нафақат хавфдан, балки ҳалокатдан огоҳ этганди. Разведка немисларнинг ҳақиқатан ҳам бошқа ҳудудга қўшин тўплаётганини аниқлади. Штаб зудлик билан юқорига маълумот берди. Қўшин ва артиллерия қарама-қарши томонга юзланди. Уч кеча-ю уч кундуз шиддатли жанглардан сўнг немислар чекинди.

Шу уч кун ичида Жамилани биров эсламади. У штабда, алоқачи йигитлар ва ҳамшира қизлар билар бирга қолди. Ҳамшираларга қўшилиб ярадорларга ёрдам берди.

Жанг тугаб, полковник Романенко қисмга қайтганида командирлар билан қисқа йиғилиш ўтказиб олгач, Жамилани чақиртирди. Полковник унинг қўлини маҳкам сиқиб деди:

— Сенга катта раҳмат, қизим! Кўпларнинг ҳаётини сақлаб қолдинг. Тўғриси айтсам, мени ҳам трибуналдан асрадинг. Разведкани бошқа квадратга юборгандим... Қани, ўтир-чи!

Полковник тақдир унга Жамилани рўпара қилганидан жуда хурсанд эди. Арзимаган хато эвазига «Ставка»нинг⁴ ғазабига учраганларни ҳар қадамда эшитар, агар бу сафар немислардан зарба еб, муваффақиятсизликка учраганида роса омади келга-

⁴ Сталин бошчилигидаги Олий қўмондонлик, одатда муҳим ҳарбий қарорларни қабул қилган.

нида унвонидан туширилиб «Штрафбат»⁵ ёки Сталиннинг меҳнат лагерларида жўнатиларди. Одатда эса «айбдор»ларни, уруш вақти қонунларига кўра, ўлимга ҳукм қилинарди. Кейинги уч кун давомида полковник шу ҳақда ўйлаб юрди. У курсига ўтирди, Жамила эса унинг қаршисидан ўрин олди.

— Мана бу ишлар билан бўлиб, сен билан ҳам яхши танишиб ололмадик. Қаердансан, қизим?

— Ўзбекистонданман, ўртоқ полковник!

— Шундай дегин! Жуда ажойиб ўлка! Қуёш! Сахий одамлар... Гап бундай, Қодирова, — бирдан жиддий тортиб деди полковник. — Лейтенант Бобровнинг разведка гуруҳига қўшилсан. Унга снайпер керак.

— Тушундим, ўртоқ полковник.

— Мени тўғри тушун, Қодирова, одатда разведкага тажрибали, уздабурон ва махсус тайёргарликдан ўтган жангчилар олинади. Лекин ҳозир вазият шундай, мана бу ҳудудда, — полковник столга ёйилган харитада қалами билан хаёлий бир ҳалқа чизди, — номсиз тепаликларда немис снайперлари пайдо бўлган. Бу жуда муҳим жой ҳисобланади. Шу ердан қисмга озиқ-овқат, ўқ-дори захиралари олиб келинади. Кейинги икки ой давомида биз шу ҳудудда кўп жангчиларимизни йўқотдик. Лейтенант Бобровнинг гуруҳи ана шундай тепаликлардан айримларини аниқлаган. Сенинг вазифанг эса ўша снайперларни топиш, тушундингми?

— Худди шундай, ўртоқ полковник.

— Ундай бўлса жуда яхши. Қолганини лейтенант Бобровнинг ўзи билан гаплашасизлар.

— Хўп бўлади, ўртоқ полковник.

— Навбатчи, олдимга! — ташқарига овоз берди полковник.

Навбатчи аскар киргач полковник унга буюрди:

— Лейтенант Бобровни чақир!

⁵ Уруш вақтида тузилган жазо батальони.

– Хўп бўлади, ўртоқ полковник.

Кўп ўтмай лейтенант Бобров кирди.

– Қодировани биласан, лейтенант, гуруҳингда бўлади, – тушунтирди полковник. – Сен сўраган ўша снайпер!

Лейтенант Бобров ажабланиб Жамилага тикилиб қолди. Қанақасига снайпер?! Кўринишидан милтиқни ҳам кўтара олмайдиганга ўхшаб турибди. Полковник эса унинг нега ажабланаётганини сезди. Лекин фронтда махсус тайёргарликдан ўтган снайперлар етишмайди. Қолаверса, энг ёмони – снайпер винтовкалари учун оптик нишонлар ўта танқис. Снайперлар ва оптик нишонлар бундай овлоқ жойлардаги қисмларга деярли жўнатишмайди. Қисмга снайпер кераклиги ҳақида полковник икки ойдан бери юқорига илтимоснома юборарди. Ҳали жанг кўрмаган Жамилага ачинарди, лекин ҳозир уруш, раҳм-шафқат билан иш битмайди.

– Лейтенант Бобров, буйруғим сизга тушунарлими? – дона-дона қилиб сўради полковник.

– Худди шундай, ўртоқ полковник! – деди баланд овозда лейтенант.

– Ундай бўлса Қодировани гуруҳингиз билан таништиринг.

– Хўп бўлади, ўртоқ полковник. Кетишга рухсат беринг.

– Рухсат.

Лейтенант Жамилани гуруҳи билан таништирди. Гуруҳ беш кишидан – лейтенант Бобров, Витя Сорокин, Сергей Миронов, Григорий Литовченко ва Николай Зайцевлардан иборат эди. Лейтенантни демаганда қолганлар деярли тенгдош бўлиб, улар орасида Витя Сорокиннинг азбаройи қитмирлиги ва сергаплиги, кулиб турган кўзлари-ю юзи, бошининг ортига ўрнатган пилоткасидан ҳам билса бўларди. Лейтенант Жамилани таништириб, ўзбек қизи эканини айтганида Сорокин луқма ташлаб қўйди:

— Бир китобда ўқигандим, ўзбек аёллари паранжи деган нарсани кийиб юришаркан, шу ростми?

Жамила жилмайиб қўйди.

— Агар рост бўлганида мен ҳам паранжи кийиб юрган бўлардим, — деди у.

— Сорокин, бемаъни саволларингни бас қил! — танбеҳ берган бўлди лейтенант.

— Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант, ундай бўлса маънили савол бераман, — бўш келмади Сорокин. — Ўртоқ снайпер, қанча масофадан нишонни тўғри ола биласиз? Машғулотларда ўзингизни синаб кўргандирсиз!

Бу савол лейтенантнинг ўзига ҳам жуда маъқул келиб кетди. Рост-да, бу қизнинг ҳали нимага қодирлиги билишмаса, синаб кўришмаган бўлса.

Жамила эса бирдан жиддий тортди.

— Саккиз юз метр масофага кафолат бераман! — деди у қатъий.

— Воҳ! — Сорокин қўлларини бир-бирига ишқаб олди. — Серёга, а, Серёга, снайпер хонимнинг сўзларини эшитдингми?! Қани, бор, нишонни ўрнатиб кел! Айтилган гап — отилган ўқ!

Миронов бунга нима деркин, дегандек лейтенантга қаради. У эса оёқ остида афанаб ётган бўш тушён-ка идишини олиб, Мироновга узатди.

— Нишонни ўрнат, Миронов, — деди лейтенант.

Миронов окопдан ташқарига чиқди ва қадами-ни санай кетди. Қолганлар ҳам баланд овозда унга қўшилишди... «етти юз... етти юз элик...» Миронов анча узоқлашиб кетганди. Ундан кўзларини олмай санашга жўр бўлган Сорокин Жамиладан сўради:

— Балки етти юз элик қадам етар?

Жамиланинг юзи ва кўзлари жиддий эди. У винтовкани филофдан чиқараркан, бош чайқади. Миронов ропша-роса саккиз юз қадам санаб орта ўтирилди. Пастак бутанинг шохлари орасига тунука идишни омонат қилиб қўйди-да, югурганича ўзини четга олди. Лейтенант эса дурбинни олиб кузатишга тушди.

Жамила винтовканинг оптик нишонидан мўлжални топди. Оптик нишоннинг хочсимон кесишган чизиқлари тунуканинг устига тушди. У нафасини ичига ютди. Масофа олис. Милтиқнинг озгина ҳаракати ҳам муваффақиятсизликка олиб келади. Бундай вақтларда ҳатто юрак уриши ҳам милтиқ кўндоғига етарли куч берадигандек кўринади. Кўндоқ елкасига пухта ўрнашгани ва кўрсаткич бармоғи ғоят нафислик билан ҳаракатланишига ишонч ҳосил қилгач, чуқур нафас олди. Ичида санади: бир, икки, уч ва тепкини босди.

Биринчи бўлиб лейтенантнинг овози эшитилди:

— Қойил!

Анча нарига бориб олган Миронов эса бута остидан тунука идишни топиб, бош бармоғини юқорига кўтарди. Қолганлар ҳам Жамилага тан беришганди.

— Гап йўқ, снайпер хоним! — яна гапга тушиб кетди Сорокин. — Бунақасини кўрмаганман, энди ишончим комилки, ўша номсиз тепаликлардаги немисларнинг ҳам адабини берамиз! Бунга нима дейсиз, ўртоқ лейтенант?

— Мен ҳам шубҳа қилмайман! — деди лейтенант.

Жамила яна жилмайиб қўйди.

9

Ҳар бир амалиётдан олдин полковник Романенко шахсан ўзи разведкачиларни кўздан кечирарди. Бу сафар ҳам одатига хилоф қилмади. Разведкачилар яшил рангли кийимда — ниқоб-халатда, тўлиқ юк, қурол-яроғлари билан ҳозирланишган. Лейтенант Бобров уларнинг тайёр эканликларини кўргач, полковникка ҳисобот берди.

— Вазифанг тушунарлими? — сўради полковник.

— Худди шундай, ўртоқ полковник. 14-квадратдаги номсиз тепаликлардаги немис снайперларини аниқлаш ва уларни йўқ қилиш.

— Яхши. Ундай бўлса оқ йўл, лейтенант!

— Раҳмат, ўртоқ полковник.

Борлиққа қоронғилик аста чўкмоқда. Қуёш ғарб уфқини роса қонталаш қилган. Лейтенантнинг гуруҳи ғира-ширада кўздан йўқолди. Сафнинг бошида лейтенантнинг ўзи, ортидан эса Жамила кетарди. Ундан кейин елкасига рация солинган кутини осган Николай Зайцев ва бошқалар боришарди. Гуруҳ ўрмон бўйлаб бир соатдан ошиқроқ югуришди. Кенг сайҳонликка чиқишгач, гарчи энди қоронғи тушиб қолган бўлса ҳам, эмаклар юришга мажбур бўлишди. Бундай жойларда эҳтиёт бўлган маъқул. Кутилмаган жойда душманнинг кузатув нуқтаси бўлиши мумкин. Шубҳали ҳаракатлар сезилганида бирдан осмонга ракета отишлари ва пайқаб қолишлари ҳеч гапмас. Лейтенант сайҳонлик ортидаги улкан эман дарахти остига ўтди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, устидаги ниқоб-халатига ўраниб планшетидан харитани олди. Қўлчирикда харитани кўздан кечириб олгач, ортидан етиб келган шерикларига сўнгги топшириқларни берди:

— Яна ўн беш дақиқадан сўнг белгиланган жойда бўламиз. Мен Қодирова билан керакли маррани эгаллаймиз. Қолганлар эса бошқа тепаликларни кузатишади. Ҳозирги вазифамиз — имкон қадар пухта ниқобланишимиз керак. Қаршимизда учта номсиз тепалик. Улардан камида биттасида снайпер ўтирган бўлиши мумкин. Ҳеч ким ўқ узмайди, Қодировадан ташқари! Ҳаммаси тушунарлими?

— Тушунарли! — дейишди йигитлар бир овоздан.

— Зайцев, штаб билан алоқага чиқ, «нуқта»га етиб келганимизни айт!

— Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант!

— Қодирова, ортимдан! — буюрди лейтенант.

— Хўп...

Лейтенант ўт қалин ўсган майдон томон эмакларди. Жамила ҳам унинг ортидан эргашди. Тонг яқинлаш-

ганидан ўт-ўланларга қалин шудринг ўтирган, уларнинг уст-боши жиққа ҳўл бўлди. Камига ҳамма ҳарбий анжомлар ва бошқа нарсалар солинган қопчиқ ҳам халақит беради. Минг бир машаққат ичида улар лейтенант танлаган кузатув нуқтасига етиб келишди.

— Гап бундай, Қодирова, — оғир нафас олиб гап бошлади лейтенант. — Кун ёришганда тўғримиздан икки тепалик чиқади. Тепалик остидан катта йўл ўтган, немис снайперлари шу йўлни кузатишади. Бу ҳудудлар ҳозирча немислар тасарруфида, лекин ишончим комил, тез орада қайтариб оламиз. Унғача анави снайперларни олишимиз керак, тушундингми?

— Тушундим, ўртоқ лейтенант.

— Яхши, ишга кириш!

— Хўп бўлади...

Жамила елкасидан винтовкасини олди. Ўзига қулай жойни топди — ўтлар қалин ўсган, кичик-роқ дўнглик, бу ердан номсиз тепаликлар бемалол кўринади. Энди ўша тепаликларни кузатиш керак. Снайпер яширинган жойни аниқлаши лозим. Ундан кейин асосий ишни бажаради. Лекин энг оғир иш — снайперни топиш. Мактабдаги сабоқлар ёдига тушди: қимирлаган шох ёки шамолда чайқалган ўтнинг ортида снайпер яширинаверайди. Қуёшда ярақлаган нарса эса оптик нишон бўлавермайди. Ана шундай вазиятларда снайпернинг ички туйғуси, тажрибаси ва энг асосийси — омади муҳим. У оптик нишонда тепаликларни обдан текшириб чиқди. Ҳеч қандай ўзгача бир нарсани сезмади. Кўринишидан оддий, қамишлар, бошқа ўт-ўланлар қалин ўсган тупроқ-тепа. Атрофини баланд-баланд қамишзорлар ўраган. Оддий кўз билан қаралса, бу ерда бирор кишининг биқиниб ўтиришига одам ишонмайди.

Жамила кузатишда давом этаркан, ўй суриб қолди. Агар у немис снайперининг ўрнида бўлганида тепаликнинг қаерига яширинган бўларди? Тепаликнинг

орқа томонига эмас — катта йўлга тескари бўлиб қолади. Тепалиқда эса, гарчи қамишлар орасига яширинса ҳам, барибир сезилиб қолади. Чунки тепаликнинг майдони жуда кичик... Сўнгги ўй кўнглига оралади-ю сергак тортди. Снайпер айнан тепалик устида биқиниб ўтирибди, деб ҳеч ким айта олмайди-ку! Демак... у тепалиқда бўлмаслиги ҳам мумкин. Жамила энди тепалик остларини ҳам кузатишга тушди. Бу ерлар эса яшириниш ва ниқобланиш учун жуда қулай жой эди. «Балки снайпер шу ерлардадир!» — ўй оралади кўнглига. Лекин бу ерда ҳам ҳеч нарса сезилмасди.

Кутиш ва кузатиш билан анча вақт ўтди. Қуёш тиккага келди. Лекин Жамила тепаликлардан кўз узмасди. Ҳар бир ҳаракатни илғаш пайида эди. Натижа эса йўқ...

...Қуёш ғарб томон ошиқа-ошиқа ётоғига етди. Атроф-борлиққа тун чўқди. Осмонга ой чиқди, сон-саноксиз юдузлар уни қуршади...

Жамиланинг ортидан ўтларнинг шитирлагани эшитилди. У ортига ўтирилди — ундан ўн-ўн беш қадамлар нарида лейтенант эмаклаганича келарди.

— Нима гап, бирор янгилик борми? — ППШнинг тасмасидан тортиб ёнига қўяркан, сўради у.

— Ҳозирча ҳеч қандай янгилик йўқ, ўртоқ лейтенант, — ой ёруғида қоронғилиқда хунук қўққайган тепалиқдан кўз узмай деди Жамила.

— Бу... снайпер деганлари овқат ейдими? Сув-пув ичадими? Сигарет чекадими? — сўради лейтенант. — Мен ҳам кузатиб ўтирдим, ҳеч нарса сезмадим.

— Ниқобланган снайперни узоқ вақт ҳаракатсиз қолиши мумкин, ўртоқ лейтенант. Ҳаракатланса ўзини сездириб қўяди.

Лейтенант буни Жамила мисолида ҳам сезганди. Кун бўйи у деярли ҳаракатсиз ётди. Бунақада қон айланиши сушлашиб, қўл-оёқ, акашак бўлиши ҳеч гап эмас. «Бу қиз бўлса худди мушукнинг ўзи экан,

ўлжаси дардида нафае олмай пусиб ўтиради» — деган ўй ўтди лейтенантнинг кўнглидан.

— Балки улар кетиб бўлишгандир? — сўради лейтенант.

— Бўлиши мумкин, — деди Жамила.

Лейтенант нима дейишини билмади. Жамиланинг гаплашишга сиёқи йўқлигини сезгач:

— Майли, мен жойига қайтдим, сизга омад! — деди.

Жамила эса кўзларини тепалиқдан узмай:

— Раҳмат, ўртоқ лейтенант! — деб кўйди.

Лейтенант ортига қайтди. Жамила эса кузатишда давом этди.

10

Жамиланинг кўзлари юмилиб кетарди. Кечаси ухламай йўл юришди, салкам олтмиш километр йўлни югуриб ўтишди. Камига кун буйи бир жойда қотганича тепалиқни кузатди. Одамнинг ожизлиги ҳам шу — унинг вужуди ортиқ юкламани кўтара олмайди. Милтиқ қўндоғини елкасига тираганича Жамиланинг кўзлари илинибди.

Қаршисида ҳаракат сезилди — аввал қамишлар титради, кейин ўт-ўланлар шитирлади. Жамила жон ҳолатда винтовкасига ёпишди. Оптик нишонидан атрофни, овоз келган томонни кузатди. Ҳеч нарса кўринмасди. Демак, нишон яқинда. Миясига бу ўй урилмасдан қаршисида улкан бир гавда бўй берди. Жамиланинг юраги уришдан тўхтаб қолаёзди. Ким бу? Қаердан келди? Наҳотки бу девқомат анави тепалиқлардаги немис снайпери?! Кутилмаганда эса бу нотаниш ўзбекчада гапира кетибди:

— Шу ерда экансан-да! Барибир топдимми?

Ахир... ахир бу раиснинг овози-ку! Бу ерларга қандай келиб қолди? Одамнинг ишонгиси келмайди-я!

— Саботаж қилиб қутулиб қоламан, дедингми! — тишлари орасидан тупук сачратиб дермиш раис. —

Айтмаганмидим, барибир ниятимга етаман, деб! Мен кимнинг устидан ёзган бўлсам албатта сургун бўлиши керак! Керак!..

Раиснинг жазаваси қўзиб Жамиланинг бўйнидан бўғиб олибди. Жамила эса нафас ололмай хирилларди...

У кўзларини очганида ҳали тун, ой кўқдан маъюс термилган, юлдузлар самони тўлдирган. Жамила энтикиб нафас оларкан, жиққа терга ботганинени сезди. Нега бундай туш кўрдим?! Ажабланди. Ёки раис у ёқда тинч юрмаганмикин? Тоғасини қистовга олаётган бўлмасин тагин. Ундан ҳамма нарсани куттиш мумкин-ку... Бир-бирига зид ўй-хаёллар ичида яна винтовкасини олди, қоронғида ҳеч нарса кўринмаса-да, тепалик томон юзланди...

Бу ерларда тунлар нисбатан салқин бўлса-да, тонг яқин, ўтлар, дов-дарахтлар шудрингга роса чўмилганида этни жунжиктирадиган ҳаво туради. Туни билан ўранмасдан ухлаган одам барибир тонгга яқин кўрпани қидириб қолиши аниқ. Буни Жамила иккинчи марта ҳис қилди. Уст-боши, ниқоб-халати шудрингдан жиққа ҳўл бўлган, деярли икки кунлик ҳаракатсизликдан сўнг аъзойи-бадани уюшиб қолган, қўл-оёқларини ҳис қилмасди. Тонг ёришаётган паллада эса кескин ҳаракат қилиш ҳалокатли — тепаликдаги немис снайпери сезиб қолиши мумкин. У бармоқларини қимирлатиб кўрди, улар карахт бўлиб қолган. Винтовка қўндоғини амалаб елкасига тиради, оптик нишонини тепалик томон тўғрилади. Кузатишда давом этди. Шунда у заиф тутунни сезиб қолди. Жамиланинг юраги тез-тез ура бошлади. Немис снайпери ўзини сездириб қўйганди. У ҳали ўзини кузатишаётганини билмайди. Шунинг учунми, сигарет хумори тутганда нафсига эрк бергандир. Агар уни кузатаётганларини билганида ўлиб қолса ҳам сигарет тутатмаган бўларди. Жамила энди

унинг қаердалигини биларди. Тепалик остидаги қалин қамишлар орасида. Уни энди топйиш шартмас. Энди ўшаларни кузатса бўлди. Кенг майдонга ясланиб кетган қамишзорни кузатишдан кўра шу нуқтадан оптик нишонни узмаслик унинг омади эди. Ўша қамишлардан иккитаси қимирлади — снайпер ўзини тамом фош этиб қўйганди. Жамила учун шунинг ўзи кифоя эди. Немис снайперини кўрмасдан ҳам нишонни олса бўлади. У оптик нишонни қамишларнинг ерга яқин жойига туширди. Немис снайпери кўринмаса-да, мантиқан олиб қараганда ерга ётган тақдирда тахминан қайси жойга отиш маълум. Жамила чуқур нафас олиб ўзи белгилаган нуқтани нишонга олди-да, тепкини босди. Қамишлар галати чайқалди. Немис снайпери елкасидан ўқ еганди. Жамила яшин тезлигида винтовкасини ўқлади-да, хийла кўриниб қолган немис снайперига ўқ узди. Сўнг шошганича жойини ўзгартирди — сездирмасликка уриниб ортга эмаклади. Агар иккинчи снайпер бўлса биринчи ўқ узилганидаёқ уни сезарди. Унинг тахмини тўғри чиқди. Ҳозиргина ётган жойига кетма-кет икки ўқ тегди, бири ўша ерда қолдирилган қопчигини тешиб ўтди. Орқага эмаклаётганидаёқ у иккинчи снайпер қаердан отганини илғаб улгурганди. Бошқа жойга яширингач, дарров ўқ отилгани томонни оптик нишоннида текширишга тушди. Иккинчи снайпер бошқа тепаликка яширинганди. Энди у билан сичқон-мушук ўйини бошланмоқда эди.

Снайперлар ўртасида отишма бошланганида лейтенант эмаклаганича Жамиланинг олдига келганди.

— Нима бўлди? Қаердан отишди? — сўради у хансираб.

— Қаршимиздаги тепаликдаги снайпер йўқ қилинди, — деди Жамила кўзларини оптик нишондан олмай. — Шериги нариги тепаликда!

— Қаердалигини топдингми?

— Ҳозирча йўқ...

— Гап бундай, Қодирова, мен Сорокинни олиб тепаликни ён томондан айланиб ўтаман. Имкон топилса автоматдан ўққа тутиб кўраман.

— Йўқ! — кескин оҳангда эътироз билдирди Жамила. — Бир марта отганингиздаёқ снайпер сизларни топади. Ўзим эплайман! Ҳозир мендан узоқда бўлиб туринг. Иккинчи снайпер мени тахминан қардалигимни билади.

Лейтенант унга қарши чиқмади. «Яхши» деди-да, ортига эмаклаб кетди. Жамиланинг вужуди кўз ва қулоққа айланган, туши ва субҳидамда аҳволи ёмонлашганини ҳам эсидан чиқиб кетганди. Бир муддат кузатгач, бу ўйин анчага чўзилишини тушуниб, ақлли тадбир қўлашга қарор қилди. Қўйнидан мўъжаз кўзгучани чиқариб сиртини ёпганича бута шоҳлари орасига қистирди. Ўзи эса ғоят эҳтиёткорлик билан бошқа томон эмаклади. Кўзгу қолдирилган бутадан тахминан ўттиз-қирқ қадамлар берида тўхтаб, винтовкани тўғрилади.

Вақт ўтиб борарди. Жамиланинг тахмини бўйича қуёш ғарбга оғаётганида унинг нурлари бутадаги кўзгуда аксланиши керак. Фақат шу режаси иш берса бўлди, иккинчи снайперни албатта топишига ишонарди. Қуёш осмон тоқини забт этиб энди ғарб уфқи томон йўл олди. Унинг ҳаракатини назардан қочирмай турган Жамила нафасини ютгудек бўлиб тепалиқдан кўз узмай турарди. Бир соат ўтди, иккинчиси... У яна қанча ўтганини билмади. Тепалиқдан ўқ узилди. Жамила кутганидек, бутадаги кўзгу нишонга олинди. Унинг чирсиллаб синганини аниқ эшитиш билан бирга ўқ отилган нуқтани ҳам топганди. У ўша жойга кетма-кет ўқ узди. Аёл кишининг заиф «оҳ» дегани эшитилди. Иккинчи снайпер аёл эди.

Лейтенант шоша-пиша эмаклаганича етиб келди.

— Тугадими энди? — сўради у.

— Ҳа, тугади! — деди Жамила.

— Иккинчисини қандай топдинг?

— Кўзгуга қараганди, шундан сезиб қолдим, — ярим чин, ярим ҳазил қилиб деди Жамила.

Лейтенант унга саволомуз қаради. Унинг нигоҳида «тушунмадим» деган маъно бор эди. Жамила унга ҳаммасини батафсил тушунтиришни истамади. Икки кун ниқобланиб ўтириш, узоқ кутиш ва асабий зўриқишдан жуда чарчаганди. Аслида оптик нишоннинг линзаси ҳам қуёш нурларида аксланиши мумкин. Немис снайпери кўзгуни винтовканинг оптик қурилмаси деб ўйлаган, уни аниқ нишонга олган ва турган жойини фош қилиб қўйганди. Аслида буни тажрибасизлик, дейиш ҳам мумкин. Лекин тажрибали снайперлар ҳам айнан шундай йўл тутарди. Сабаби оптик нишоннинг линзаси оний лаҳзаларда аксланиши, кейин эса фурсат бой берилиши эҳтимоли ҳам бор. Бундай вазиятларда снайперлар ўзининг тажрибаси ва ички туйғусига қўра иш тутарди. Жамиланинг иккинчи рақиби у каби тажрибасиз эди. Шу томони унга панд бериб қўйганди.

— Уларни кўрсак бўладими? — бир муддатлик жимликдан сўнг сўради лейтенант.

— Албатта!

— Сорокин! Миронов! Литовченко! — шерикларини чақирди лейтенант.

Икки кун пана-пастқам жойда биқиниб, азбаройи зериккан жангчилар ўтларни шатир-шутур қилганларича етиб келишди. Уларнинг ортидан рациясини елкасига осган Зайцев ҳам ҳозир бўлди.

— Гап бундай, йигитлар, икки тепалиқдаги снайперларни кўздан кечирамиз, уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, қўшимча маълумот берадиган бошқа нарсалар бўлса, оламиз. Зайцев, штаб билан алоқага чиқ, икки немис снайпери йўқ қилинганини хабар қил!

— Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант!

Сорокин, Миронов ва Литовченко тепаликлар томон югуриб кетишди. Лейтенант пилоткасини бошининг ортига қиларкан, Жамилага деди:

— Бошида сенга ишонмагандим, қарасам адашган эканман. Қойил!

Жамила жилмайиб қўйди.

Гуруҳ ортга қайтди.

11

Лейтенант Бобровнинг гуруҳи қисмга қайтганида полковник Романенко лейтенант ва Жамиланинг ўзини штабга — ертўласига чақирди. Аввал лейтенант, сўнг Жамила ертўлага киришди. Ҳарбий низом бўйича аввал лейтенант қисқача ҳисобот берди, Жамиланинг қаҳрамонлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Полковник бу ишни гуруҳ радисти Зайцевнинг маълумотидан сўнг билганидан Жамиланинг қўлини маҳкам сиқиб қўйди.

— Бу ишинг, Қодирова, камида «Жасорат» медалига тортади! — деди полковник.

Полковник ҳали гапини тугатиб улгурмасдан ертўла остонасида ўрта бўйли, тўладан келган, икки юзи лўппи, лекин негадир қарашлари совуқ бир киши пайдо бўлди. Елкасидаги юдузлардан унинг майор эканини англашилари. Туйқус унга кўзи тушган полковникнинг кўнгли нохушланди, энсаси қотди. Кириб келган киши қисм «особисти»⁶ майор Громов Николай Иванович эди. Полковник уни унча хушламас, майор ҳам буни биларди. Айниқса, сўнгги икки ойда майорнинг юқорига ёзган ҳисоботларидан кейин уч жангчи олиб кетилган, уларнинг кейинги тақдири номаълум. Полковник таниш-би-

⁶ Ҳарбий қисмлардаги НКВДнинг махсус бўлими ходими, русчада «особый отдел»нинг ўзига хос қисқартмаси.

лишларидан маълумот олишга уринди, фойдаси бўлмади. Ҳар хил тахминлар айтилди. Хуллас, тайинли бир гап эшитмади.

Майор кириши билан ўртага таранг ва асабий жимлик чўқди. Бу ҳолатни юмшатишга уриниб полковник:

– Мана, ўртоқ майор, кун қаҳрамони билан танишинг – снайпер Жамила Қодирова! Кеча немисларнинг икки снайперини йўқ қилди! Уни «Жасорат» учун тавсия қилаймикин, деб ўйлаб турувдим.

Майорни бу янгилик унчалик қизиқтирмади. Фуражкасини ечиб стол устига қўйди-да, курсини яқинроқ суриб ўтирди.

– «Жасорат», дейсизми? Снайперни отганларга ҳам «Жасорат» берилаверса, сиз ҳали давлатимизнинг обрўли орден ва медалларини ерга уриб юбормадингизми, ўртоқ полковник!

«Сенга ҳам айтаманми!» – аламли ўй ўтди полковникнинг кўнглидан. Майорнинг феъли-хўйини билиб туриб гапирганига пушаймон ҳам бўлди. Жамила эса дув қизариб кетди. Беихтиёр кўзларини ерга тикди, иложи бўлса тезроқ бу ердан чиқиб кетмоқчи бўлди. Майорнинг бетакаллуф бу гаплари лейтенантнинг ҳам ҳамиятига тегди. Аччиқ-аччиқ гапирмоқчи бўлди-ю унинг қўлидан ҳар қандай иш келишини ўйлаб, ўзини босди.

– Николай Иванович, сен гапни бошқа томонга бурма, – бўш келмади полковник. – Ўша номсиз тепаликлардаги снайперлардан шу кунгача неча кишини йўқотдик? Эслай оласанми? Ёки, давлатимиз, ўртоқ Сталин учун курашаётган дўстларимизнинг ҳаёти сенга сариқ чақага ҳам арзимайдими?

Сталин номи тилга олинишидан майор сергак тортди, юраги шувиллади. Полковник эса унинг нозик жойидан олганди. Громов Худодан кўрқмасди, лекин Сталин ва НКВД раҳбарларидан ўлгудек кўрқарди. Унинг писиб қолганини кўрган полковник ичидан кулди: «Ҳолинг шу эканку, нимангга қариллайсан!»

Гарчи полковник Романенко унвон жиҳатидан Громовдан юқори бўлса-да, майорнинг НКВД одами бўлганидан кўп нарсаларда ён берар, паст келарди. Майор Громов бошлиқларига ҳар қандай ҳисобот етказиши мумкин. Яна шуниси борки, ўша идорадагилар аввало унга — майор Громовга ишоняшади. Мана шу нарсадан полковник чўчирди. Ўртага ғараз ёки хусумат аралашиб абгор бўлиб кетиш ҳеч гап эмасди.

— Майли, сизлар бораверинглар, — деди полковник лейтенант ва Жамилага. — Албатта, «Жасорат» медалидан мосуво бўлганинглардан афсусдаман!

Майорнинг боши янада эгилди, стол остидagi қўллари муштга тугилди. Лейтенант ва Жамила ертўладан чиқиб кетишди. Ташқарига чиқиб кетаркан, лейтенант эшитилар-эшитилмас деди:

— Мараз!..

Полковник билан холи қолишгач майор Громов сўраб қолди:

— Бу снайпер қизни яхши танийсизми?

— Қаердан танийман? Ўзи бир ҳафта бўлди-ю келганига!

— Келиши билан шундай қахрамонлик кўрсатди-ми, ўртоқ полковник?

— Нимасига шубҳа қияпсан, Николай Иванович? Сенга тушунмай қолдим, — ҳайрон бўлди полковник.

— Давлат мени бу ерга шубҳа қилиш учун юборган, ўртоқ полковник. Вазифам шундай. Шубҳа қилмасам мен давлат душманларини фош қила олмайман. Шунини яхшилаб тушуниб олишингизни истардим, ўртоқ полковник.

— Давлат душманлари, дейсанми?! — ажабланди полковник. — Яна қанақа душман? Ҳаммани беш қўлингдек яхши биласан, Николай Иванович, тўғрими? Кўз олдингда жон олиб-жон беряпти! Энди соғлом ақл билан айт-чи, шуларнинг орасида душман бўладими?

— Адашасиз, ўртоқ полковник, қаттиқ адашасиз! Ичимиздаги душман ўзини пухта яширади, ниқоблайди. Жангларда жасорат кўрсатади. Хамма ни ишонтириш учун. Кейин нима қилади? Ишончимизга кириб, хунарини кўрсатади.

— Йўқ, бу фикрларинг хато, Николай Иванович. Менинг қисмимда бунақалар йўқ. Агар ростдан ҳам душманни топмоқчи бўлсанг, маслаҳатим, қўлингга қурол олгин-да, окопдан ташқарига югур. Йўлингдан мингтаси чиқади, хоҳлаганингча фoш қилаверасан. Фақат улар қараб ўтирмайди-да, «хенде хох» деб қаршинга чиқади.

— Нима, мени курашмайсан, демоқчимисиз, ўртоқ полковник?! — хўмрайди майор Громов. — Менинг урушим, фронтим шу ерда! Мен шу ерда хизмат қиламан.

Унга гап уқтириш бефойда эканини тушунган полковник қўлини асабий силкиб қўйди. Сўнг столдаги жойига бориб ўтирди. Ўзини иш билан алаҳситмоқчи бўлди — харитани ёзди, қўлига қалам олди. Унинг гаплашиш нияти йўқлигини сезган майор Громов эса планшетида қoғоз олиб ишлари юзасидан ҳисобот ёзишга киришди...

12

Полковникнинг ҳузуридан чиққан Жамила майор Громовнинг муомаласидан таажжубда эди. Арпасини хом ўрдими? Ички туйғуси унга: «Шу одамдан эҳтиёт бўл!» демоқда эди. Шунда беихтиёр тушини эслади. Жазаваси тутган раиснинг: «Шу ерда экансан-да! Барибир топдимми?» дегани ёдига тушди. Назарида майор Громов ҳам, раис ҳам аслида нияти, мақсади бир одамлар, бировларни қон қақшатиб кун кўради. У ёқда тоғаси билан унинг аёли нима қилаётган экан? Раис: «Атайлаб қочиргансанлар!» деб

уларга кун бермаётган бўлмасин... Сўнгги ўй кўнглига оралаганида юраги увушди.

— Эй, қиз! Эй, қиз! — аёл кишининг овози эшитилди-ю ўйлари узилди. У чўчиб, овоз келган томонга қаради.

Ундан ўн беш-йигирма қадамлар нарида челақ кўтарган, оқ халатли ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги жувон унга қараб жилмайиб турарди.

— Қисмга келган снайпер қиз сизмисиз? — сўради у.

— Ҳа, — деди негадир ийманиб Жамила.

Жувон келиб қўлини узатди.

— Марина, сизники... Жамила эдимиз? — Марина «Жамила» сўзини биров қийналиб талаффуз қилди.

— Ҳа...

— Сиз ҳақингизда дув-дув гап, ҳамма сизни гапиряпти!

Жамила негадир хижолат тортди. Нима дейишини билмади.

— Немисларнинг снайперларини йўқ қилибсиз, — давом этди Марина. — Ўтган ой қисмга юқоридан одамлар келаётганди. Бири генерал эди, шериги полковник. Худди ўша тепаликлардан снайперлар ўққа тутган. Полковник билан ҳайдовчи ҳалок бўлган, генерал эса тирик қолганди. Хўш, овқатландингизми? Жамила бош чайқади.

— Юринг, ўзим сизни меҳмон қиламан, — деди Марина. — Ошпазман; баъзи вақтларда ҳамшираларга қарашиб тураман. Лейтенант Бобров айтганди, снайперимизнинг қорнини тўйдилинг, деб.

Жамила жилмайиб қўйди. Марина уни ошхона томон бошлади. Кетишаркан, Марина сўради:

— Ўзбекмисиз?

— Ҳа.

— Тўғриси, Ўзбекистонни билмайман... лекин кўп эшитганман, ҳар хил нарсаларни...

— Аёлларни паранжида юришлариними? — ҳазиллашиб сўради Жамила.

— Ҳа... айнан шуни сўрамоқчийдим. Кейин, Шарқда эркаклар уйини тўлдириб хотин оларкан, кўчага чиқармасакан. Сизга қараб туриб, очиги, бу гапларга ишонгим келмай қолди.

Жамила индамади.

Ошхона ўрмон ичида жойлашган бўлиб, кўздан холи жойда эди. Аскарлар ўтин ёришар, тўладан келган, оқ яқтакчан бўлиб олган бошқа бир аскар эса картошка артарди.

— Биласизларми кимни олиб келдим! — бирдан баланд овозда деди Марина. — Снайпер қизни!

Одамлар ишларини ташлаб Жамилага тикилиб қолишди. Бирданига кўпчиликнинг назарида қолганидан у қизариб кетди, юриш-юрмаслигини билолмай қолди. Ҳамма унга қизиқиш билан қараб турарди. У ўнғайсиз жилмайди, одамларга бош ирғагандек бўлди-да, Маринанинг ортидан юрди.

— Бирорга эркак қилолмаган ишни бу қиз қилди, қойилмисизлар! — давом этди Марина. — Осон эмас хавфли душманга қарши курашиш!

Жамила кўпчиликнинг назарига тушганини тушунди. У ўнғайсизланар, тезроқ одамларнинг кўзларидан яширинишни истарди. Марина ортига ўтирилиб:

— Мана бу ерга керамиз, — деди.

Жамила тез-тез юриб брезентдан тикланган муваққат хонага — ошхонага кирди.

— Энди сиз бу ерда машҳур одамсиз! — деди Марина.

— Қанақасига машҳур бўламан? — ажабланди Жамила. — Иккита снайперни йўқ қилган билан одам машҳур бўлиб қоларканми?

— Гап нечта душманни эмас, балки қандай душманни йўқ қилганликда! Ўша немис снайперлари икки ойдан бери томоққа тиқилган суякка ўхшаб

қолганди. Мен айтган генерал воқеасидан кейин қисмга снайпер юбориладиган бўлди.

Жамила нега уни бу қисмга юборилганларини иллагандек бўлди. Демак, ўша генерал воқеасидан кейин уни бу ёққа юборишган.

Марина челақни қўйиб алюмин идишлардан бирдан унга овқат солиб берди. Тақсимчада кесилган қора нон узатди.

— Бемалол ейверинг, ёқимли иштаҳа.

— Анчадан бери шу ердасиз, — овқатланаркан сўради Жамила.

— Эрим қирқ биринчида ўлди, — гап бошлади Марина. — Капитан эди. Қиш эди, айна қаҳратон маҳали. Қорахат келди. Йиғладим, сиқтадим. Барибир фойдаси йўқ. Икки боламини қайнонамга топширдим, ниятимни айтдим. Эрим учун ҳам курашман, дедим. Қайнонам қаршилиқ қилмади, ўрлининг руҳи шод қилай деди, шекилли. Қорахатнинг манзили бўйича шу ергача келдим. Энди эримнинг ўрнига душманга қарши курашман.

Жамила унинг ярасини янгилаб қўйганига пуншаймон бўлди. Буни сезган Марина:

— Кўнглингизга олманг, ҳаммасига кўникиб кетганман, — деди. — Одам бир умр мотам тутмайди-ку, тўғрими?

Жамила тасдиқ ишорасида бош ирғаб қўйди.

— Болаларингизни соғинмайсизми?

— Соғинаман, лекин душман енгилмагунча уйга қайтмайман. Шундай қилсам эрим мендан хурсанд бўлади, деб ўйлайман.

Жамила «ҳа-а» деб қўйди.

— Полковник Романенко айтувди, сиз биз билан бирга яшаб турасиз, деб, — суҳбат мавзусини бирдан ўзгартириб деди Марина. — Хўжалиқда беш-олти аёлмиз, ошпазлар, ҳамширалар.

Жамила «хўп» деб қўйди. У ўйга толган Марилага қараб-қараб қўяркан, урушнинг нақадар шафқатсиз

Эканини янада чуқурроқ ҳис қилди. Душманга қарши нафрат ҳисси кучлилигидан ҳатто уйини, болаларини ташлаб келибди.

— Сиз бемалол овқатланиб олаверинг, менинг ишларим бор қиладиган, — деди Марина.

— Хўп...

Марина челақни олиб чиқиб кетди. Жамила яна ўйлари билан ёлғиз қолди. Маринанинг мухтасар тарихи уни анча ўйлантириб қўйганди. Одамлар турли мақсадларда яшайдилар. Марина эри учун урушга келган бўлса, у эса сургундан, қамоқдан қутулиб қолиш учун шундай қилди. Кўнглидан ўтган ўйлари биров билан қоладигандек туйилиб, шоша-пиша ён-атрофига қаради. Хонада ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У яна ўй суриб қолди... Уйдагиларни эслади. Раис барибир тинч юрмайди. Агар шундай бўлса, у ўзини сира кечира олмайди. Яқинлари ёмонлиқ бўлмаслиги учун у қаҳрамонлик кўрсатиши, орден-медаллар олиши керак, шунда уни кечирришлари мумкин (гарчи айб иш қилмаган бўлса ҳам раиснинг чақувидан кейин қора рўйхатга тушганига шубҳа қилмасди). Урушдан қаҳрамон бўлиб қайтса, раиснинг ҳам юзи шувут бўлади. Дарвоқе... Камолиддин ҳам қаҳрамон бўлса... Негадир Жамила ширин энтиқди. Ҳар гал Камолиддинни эслганида юраги тез-тез урар, ширин туйғулар қалбига меҳмон бўларди. Шунда у бир нарсани сезди.

Бу муҳаббат эди!

Орадан шунча вақт ўтгандан кейингина у шуни англади, юрак талпинишлари, гоҳида ёқимли, гоҳида эса тушуниксиз энтикишлари сабабини англади.

Бу соф ва илоҳий бир туйғу эди!

Илк бор тоза ва самимий қалбига ишқ меҳмон бўлганини ҳис қилди. Ҳис қилди-ю ўз-ўзидан хижолат бўлди. Бировлар сезиб қолгандек уялди...

...Кейинги кунларда келаётган хабарлар бир-биридан совуқ эди.

Немислар кенг фронт бўйлаб ҳужумга ўтишлари, асосий зарба эса полковник Романенко қабул қилиши керак эди. Марказ полковник бошқараётган мудофаа чизивига қўшимча кучларни — артиллерия ва танк қисмларини юборишга қарор қилди. Мудофаа чизиви қаршисида немисларнинг катта қўшини — зирҳли техникаси, артиллерияси йиғила бошлаган, аммо унинг қачон ҳужумга ўтиши номаълум эди. Душман эгаллаган ҳудудларга турли разведка гуруҳлари юборилган, уларга биргина вазифа қўйилганди: «Душман ҳужумга ўтадиган муддатни аниқлаш». Бунинг учун разведкачилардан ҳужжатлардан ташқари, немисларнинг юқори мартабали зобитлари — «тил»ни қўлга киритиш талаб этиларди. Асир олинган зобит жуда қимматбаҳо маълумотларни бериши мумкин эди. Душман назоратидаги ҳудудларига ташланган гуруҳлардан бири лейтенант Бобровнинг гуруҳи эди.

13

Бу ердаги қишлоқлар бир-бирига деярли ўхшайди. Ёрочдан қилинган уйлар, томига похол ёпилган саройлар, омборлар ва молхоналар, четан-девор билан ўраб олинган ҳовлилар... Худди шу манзарани исталган рус, украин ёки беларус қишлоқларидан топасиз. Ҳозирда немислар тасарруфига ўтган қишлоқ ҳам ана шундай қишлоқлардан бири эди.

Сирдан қаралганда қишлоқ ҳувиллаб қолгандек, лекин аслида ундай эмас. Одамлар кўчага чиқишга қўрқиб қолишган. Немислар тайинлаган маҳаллий шотирлар аҳолини мудом ваҳимада тутиб туради. Уларнинг бошлиғи Клим Вишневецкий деган бир киши. Разведкага чиқишдан аввал майор Громов лейтенант Бобровни чақиртириб, стол устига бир даста ҳужжатларни ташлаган ва унинг вазифасини тушунтирганди.

— Гап бундай лейтенант, фронт чизигидан тахминан эллик-олтмиш чақиримлар нарида бир қишлоқ бор, мана бу ерда, — у столга ёзилган харитадан қишлоқнинг ўрнини кўрсатганди. — Бошқа разведгуруҳлардан фарқи, иложи борича шу қишлоқдан «тил» оласан. Бу ерда немислар йўқ...

— Немислар йўқ?! — таажжубланганди лейтенант. — Унда кимни тутамиз?

— Бу ерда бир гуруҳ давлат душманлари бор, немисларга сотилган! Менга ана шулар керак, тушундингми? Ҳар қандай ҳолатда ҳам «тил» олиб келишинг керак. Мана бу, — майор ҳужжатлар орасидан ҳарбий кийимдаги кишининг суратини топиб, лейтенантнинг олдига сурганди, — уларнинг бошлиғи, Клим Вишневецкий. Кўриб турганингдек, олдин бизда хизмат қилган, лейтенант бўлган. Асирга тушиб немислар томонига ўтган. Асирлар орасидан ўзига ўхшаганларни топиб, гуруҳ тузган. Бунақалар ҳозир жуда кўпайиб кетган. Ўзларини «жазо отрядлари» деб номлаб олишган. Ёшу қари, эркагу аёлни ўлдириб ётибди булар. Менга шуларни тутиб келсанг бўлди, нима қилишни ўзим биламан. Яна бир нарса — Вишневецкий немисларнинг фронтнинг қайси жойига «эс-эс» гуруҳи туширилганини билади. Сабоби, агентура берган маълумотларга кўра, Вишневецкий «эс-эс» билан ҳамкорлик қилади, ундан топшириқлар олади. Асосий нарса эсингдан чиқмасин, бу гапларни фақат сен билишинг керак, гуруҳингдигиларга айтиб юрма, тушунарлими, лейтенант?

— Худди шундай, ўртоқ майор!

— Унда омад сенга, лейтенант!

— Раҳмат, ўртоқ майор...

Қишлоқни жанубдан сийрак, шимол ва шимол-ғарбдан қалин ўрмон ўраган, лейтенантнинг гуруҳи айнан шу томондан — шимолдан қишлоқни кузатарди.

— Одамлар қолмаганми, ўртоқ лейтенант? — сўради Сорокин.

— Одамлар бор, Сорокин, фақат улар уйларида ўтиришибди, — дурбиндан қишлоқни кузатаркан, деди лейтенант.

— Нега? Ёки уларга уруш бўлади, деб огоҳлантириб қўйилганми? — яна сўради Сорокин.

— Йўқ, улар шунга ўрганишган, тартибли одамлар яшайди бу ерда, Сорокин, энди тушундингми?

Сорокин унинг жавобидан қониқмади. Лейтенант ниманидир яшираётганини сезди.

— Одамлар уйларида ўтиришган бўлса, биз нега бу ерда биқиниб ўтирибмиз? — пилоткасини юқорироқ кўтариб сўради Литовченко.

— Гап бундай, йигитлар! — дурбинда кузатишда давом этаркан, деди лейтенант. — Саволларни кейин берасизлар! Қодирова!

— Шу ердаман, — деди Жамила.

— Қишлоқни кузатиш учун қулай жойни эгалла! Кутилмаган вазият бўлган тақдирда ҳам буйруғимсиз отмайсан! — буюрди лейтенант.

«Отмайсан!» дейилишидан вазият жиддий эканини ҳамма англади.

— Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант!

Жамила аллақачон ўзига қулай жойни кўзлаб қўйганди. Лейтенантнинг буйруғидан сўнг буталар ва дарахтлар орасида кўздан йўқолди. Лейтенант дурбиндан кўзларини олгач аниқ-тиниқ қилиб тушунтирди:

— Бу гап қолганларга ҳам тегишли, буйруғимсиз ҳеч ким отмасин!

— Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант! — бирдек жавоб беришди йигитлар.

Улар гапларини тугатишга улгурмай узоқдан мотор овози эшитилди. Лейтенант дарҳол дурбинни кўзларига тутди. Ўрмонни иккига ажратган кенг сайҳонлик-

даги йўлдан кажавали мотоцикл ва машина келарди. Мотоциклда фуқаро кийимидаги қуролланган кишилар бўлса, машинадагиларни эса кўриш қийинроқ эди.

— Ҳамма жой-жойига! — буюрди лейтенант.

Йигитлар дарҳол дарахтларнинг панасига, дунгликлар ортига яширинишди. Мотоциклнинг кажавасида келаётган ўттиз-ўттиз бешлардаги, бошида кепка, эгнида кулранг костюм, оёғида қунжи узун йигитни лейтенант дарров таниди — Вишневецкий! У қотмадан келган, қиррабурун, қараши оғир ва совуқ эди. Мотоцикл ва машина қишлоқ кўчасида тўхтади. Мотоциклдаги йигитлар бирин-кетини тушишди. Мотоциклни миниб келган йигит чаққонлик билан тушди-да, машинанинг орқа эшигини очди. Унда немис зобити ва қора костюм-шимли, шляпали, кўринишидан зиёлиларга ўхшайдиган киши тушди. Вишневецкийнинг йигитлари бақир-чақир қилганларича ҳовлиларга бостириб одамларни ташқарига ҳайдай бошлашди. Аёллар, болалар йиғлар, Вишневецкийнинг одамлари эса шафқатни унутиб қўйганди. Дуч келганни урар, дўппослар, автомат қўндоғи билан туртишарди.

— Аблаҳлар! — ҳаммадан ҳам Сорокин ўзини қўйгани жой тополмас, автоматини маҳкам ушлаганича қишлоқни кузатарди.

Вишневецкийнинг одамлари қишлоқдагиларнинг ҳаммасини бир жойга йиғишди. Уларнинг бари аёллар, кексалар ва болалар эди. Ўрта ёшдаги эркаклар, хатто ўсмирлар ҳам кўринмасди.

— Эркаклар партизанларга қўшилиб кетган бўлса керак, — ўзича тахмин қилди Литовченко.

— Жим бўлинглар! — деди лейтенант.

Немис зобити гапирди, шляпали эса таржима қилиб турди.

— Тушунарли! — деди Сорокин. — Партизанларнинг оилаларини қидиришяпти!

Вишневецкий одамларидан бири оломон орасидан бир аёлни олиб чиқишди. Немис зобити уни сўроқ қила бошлади. Сўнг Вишневецкийга бош ирғаб қўйди. Вишневецкий эса чўнтагидан тўппонча чиқариб аёлнинг пешонасидан отиб ташлади.

— Ўртоқ лейтенант, рухсат беринг, ҳужумга ўтайлик! — ғазабга минган Сорокиннинг овози эшитилди.

— Ўзингни бос, Сорокин! — деди лейтенант, кутилмаганда Вишневецкийнинг бу ишидан шошиб қолиб.

— Ахир у ерда одамларни отишяптику! — бўш келмади Сорокин.

— Қандай қилиб отасан! Одамлар турган бўлса! Анавиларга отсанг одамларни ҳам қийратасанку, калтафаҳм! — жаҳли чиқиб кетган лейтенант ўзини босиб тура олмади.

Гуруҳдан анча нарида турган Жамила эса даҳшатга тушган, винтовка тутган қўллари титрарди. Оломон орасида энди ёш қизчани олиб чиққанларида у ўзини қўйгани жой топа олмади. У тез-тез лейтенант томон қараб қўярди. Лейтенант эса совуққонлик билан кузатарди. Вишневецкий тўппончани қизчанинг пешонасига тиради. Жамила эса бунга қараб туролмасди. Оптик нишонда Вишневецкийни мўлжалга олди-да, тепкини босди. Вишневецкий ғалати чайқалганича юзтубан бўлди. Одамлар қийқирганларича тумтарақай қоча бошладилар. Ўқ қайси томондан отилганини билмаган Вишневецкийнинг одамлари эса автоматлардан ўрмон тараф ота бошладилар.

Асосий нишон — Вишневецкийнинг ўлдирилганидан кейин лейтенант учун энди немис зобити муҳим эди. У ўрнидан тура солиб Жамила яшириган томон югурди. Етиб келиб деди:

— Зобитни отма! У бизга тирик керак!

Жамила гуруҳнинг асосий мақсади «тил» экани, зобитни ҳар қандай вазиятда тирик олиш кераклигини биларди. У бирин-кетин Вишневецкийнинг одам-

ларини қўлатди. Немис зобити ва шляпали машинага чиққанларида лейтенантнинг жангчилари машинани ўраб, автоматларни уларга тўғрилаб туришарди. Зобит машинадан тушиб қўлларини кўтарди. Лейтенант унинг ёқасидаги «эс-эс» белгисини кўриб анча тинчланди. Вишневецкийнинг отилганини билса, майор Громов унча-мунчага омон қўймаслиги, «эс-эс» зобитини кўриб ҳовуридан тушиши мумкин эди.

Қишлоқ аҳолисининг қувончи чексиз эди. Уларни қийнаётган, ўлдираётган Вишневецкий ўлдирилганди. Бир кекса чиқиб лейтенантга деди:

— Болам, сенга катта раҳмат, бу қонхўрнинг дастидан даҳшатда яшардик. Юр, сенга бир нарсани кўрсатай!

Қария уни қўярда-қўймай қишлоқ адоғидаги далага етаклади. Лейтенант не кўз билан кўрсинки, очиқ мозористонда одамларнинг кўмилмаган жасадлари, кўллари ириган. Айримлари кеча отилгандек.

— Булар қишлоқнинг одамлари, шу Вишневецкийнинг одамлари ўлдирган, — йиғламсираб деди қария. — Буларни кўмишга ҳам рухсат бермасди. Агар кўмадиган бўлсанглар ҳаммангни шу ерга келтириб отамиз, дерди.

Кўнгли бузилган лейтенант нима дейишини билмас, кўзларидан тирқираган ёшларнинг лабигача борганидан шўр таъмини туйди. Бу ерда кўп тура олмаслигини ўйлаб қарияга деди:

— Отахон, энди бу кишиларни кўминглар! Биз ортга қайтамиз.

Қария астойдил чуқиниб олгач, деди:

— Катта раҳмат, болам, Худо сени ёрлақасин!

Немис зобити ва унинг таржимонини олиб ортга қайтаётган лейтенантни бир нарса жиддий ташвишга соларди: Вишневецкийнинг отилганини майор Громовга қандай тушунтиради? Ахир асосий вазифалардан бири Вишневецкийни келтириш эмасмиди!..

Лейтенантнинг кўнгли хижил эди.

14

Лейтенантнинг ўйлаганлари тўғри чиқди: майорни на «эс-эс» зобити, на унинг таржимони қизиқтирди. У фақат Клим Вишневецкийни қўлга олиш истаги ва иштиёқи билан ёнарди. Немисларни тутгандан кўра халқ душманлари ёки сотқинларни фош қилишни афзал биларди.

— Вишневецкий қани? — сўради қайтиб келган лейтенантдан.

— Ўлди!

— Ўлди?! Қаерда ўлди?

— Отишмада. Вазият шуни тақозо этганди...

— Ким отди?

— Сотқинларни мен отдим! — нарироқда турган Жамила бирдан гапириб юборди.

— Демак, буйруққа бўйсунмагансиз, шундайми?

— Ўртоқ майор, вазият шундай бўлиб қолганди...

— Ўртага аралашди лейтенант.

— Сиз аралашманг, лейтенант! — унга қараб газаб билан деди майор Громов. — Керак бўлса ҳали сиз ҳам жавоб берасиз! Мен олдин оддий аскар Қодирова билан гаплашиб олишим керак!

Жамила нима дейишини билолмай бир майор Громовга, бир лейтенантга қарарди. Майор Громов бўлса:

— Қодирова, ортимдан юринг! — дея буюрди-да, тез-тез юрганича ўзининг хонаси томон юриб кетди. Унинг ортидан қараб қолган лейтенант Бобров эса лом-мим деёлмай ўрнида қотиб қолди.

Майор Громов хонасига киргач дарҳол столига ўтирди. Фуражкаси ечиб қўйиб, сочининг фарқини тўғрилаган бўлди-да, остонада туриб қолган Жамилага совуқ қараб:

— Ўтиринг! — деди тўнғиллаб.

Жамила унинг қаршисидаги курсига ўтирди. Гарчи ташқарида илиқ ҳаво бўлса-да, майорнинг хо-

наси зах, яна аллақандай ёқимсиз ҳид келарди. Папирос тутуни, ювилмаган пайтаванинг қўланса ҳиди ва ароқнинг қоришиқ ҳиди бу ерга аввал кирмаган одамни беҳузур қиларди. Жамила ҳам бундан ноқулай аҳволга тушди. Майор кумушранг портсигардан папирос олди. Бир томонини эзиб, лабига қистирди ва гугурт чақиб ўт олдирди. Оғзидан бурқситиб аччиқ тутун чиқараркан, деди:

— Қани, Қодирова, воқеани бир бошдан гапиринг-чи.

— Нимани гапирай? — Жамила гапни нимадан бошлаш кераклигини билмади.

— Нимани гапирардингиз, Қодирова! Лейтенант Бобров билан Вишневецкийни қандай йўқотиш ҳақида келишиб олганингизни, сиз эса буни амалга оширганингизни сўзланг!

— Лейтенант Бобров билан биз ҳеч нарсани келишиб олганимиз йўқ...

— Ёлгон гапирманг, Қодирова! Кўнглингиздан қандай ўйлар ўтаётганини кўриб турибман! Лейтенант Бобров сизга тайинлаган, Вишневецкийни отасан деб, шундайми?

Жамила «йўқ» дегандек бош чайқади.

— Нега унда Вишневецкийни танидингиз? Уни гуруҳда фақат лейтенант Бобров биларди. Демак, лейтенант сизга кимни отиш кераклигини кўрсатган, тўғрими?

— Йўқ! Лейтенант Бобров ва менинг ўртамда тахминан етмиш-саксон метрлар бор эди.

Жамиланинг сўзларидан майорнинг режаси бузилди. У Жамилани сўроқ қилиб аввал лейтенантни фош қилмоқчи эди. Жамила эса Вишневецкий отилганида лейтенантдан узоқдалигини айтмоқда.

— Буни ким тасдиқлаши мумкин? — олдинги бошимни сусайтирмай савол беришда давом этди майор.

— Гуруҳдаги ҳамма тасдиқлаши мумкин. Лейтенант Бобровдан ташқари, Витя Сорокин, Сергей Миронов, Григорий Литовченко ва радист Зайцев.

Лейтенантни фош қилиш режаси иш бермаганини ҳис қилган майор барибир айбдор топишим керак, деган ниятда эди.

— Унда Вишневецкий ўзингиз ташаббус кўрсатиб отгансиз, тўғри тушундимми?

— Ҳа. Лейтенант Бобров буйруқсиз отилмасин, деган буйруқ берганди. У ҳеч қандай буйруқ бермади отишга.

— Демак, демак... буйруққа бўйсунмагансиз! — тантанали оҳангда деди майор.

— Ўртоқ майор, ўшанда отмасам бўлмасди. Вишневецкий олдин бир аёлни отди, сўнг кичкина қизчанинг пешонасига тўшпонча тиради...

— Бас! — кутилмаганда майор қўли билан столга зарба берди. — Фронтда ҳар сонияда қанча-қанча жангчилар ўлишини биласанми! Қанчадан-қанча жангчилар бир умрга ногирон бўлишини биласанми! Сен бўлсанг қанақадир аёл билан қизча ҳақида бошимни қотирасан! — майор энди уни сенлашга ўтиб кетди.

— Агар Вишневецкийни тирик келтирганларингда қандай муҳим маълумотлар қўлга киритиларди, — давом этди майор. — Яна қанчалаб жангчиларимизнинг ҳаёти сақланиб қолинган бўларди. Сен Вишневецкийни атайин отгансан! Ўзи билан ўша муҳим маълумотларни олиб кетишини истагансан!..

Жамила майорнинг тўхматларидан ўзини қандай ҳимоя қилишни билмас, жазаваси ҳадди аълосига етган майорнинг бақир-чақирларидан ўзини йўқотиб ҳам қўйганди. Бақира-бақира чарчаган майор жойига ўтирди. Жазаваси қўзиганида тартиби бузилган сочини силаб қўйди-да, планшетини очди. Бир варақ қоғоз ва қалам олди. Нималарнидир қитирлатиб узоқ ёзгач, Жамиланинг олдига сурди.

— Қўл қўй! — буюрди у.

Жамила титроқ қўллари билан қорозни олиб ўқинга тутинди. Майорнинг ҳусниҳат билан ижод этгани гўё унинг иқрорномаси эди. Ўқиб бўлгач Жамила унга тикилди, кўзлари ҳайратдан катта-катта очилганди.

— Ўртоқ майор, ахир... бу нарсаларни... айтганим йўқку! — деди у тутилиб-тутилиб.

— Биринчидан, қўл қўйсанг лейтенант Бобров терговга чақирилмайди, иккинчидан, ўзингга фойда, мен айбингни енгиллаштириб ёздим.

Жамила ўзини ҳимоя қила олишга кўзи етмасди. Қолаверса, лейтенант Бобровнинг ҳам тергов қилинишини истамасди. Шуларни ўйлагач, қаламни олди ва титроқ қўли билан имзо чекди.

— Буниси бошқа гап, Қодирова! — бирдан майорнинг тунд юзи ёришди, лаби беўхшов қийшайди. — Сен энди боравер, керак бўлганда чақиришади.

Жамила ўрнидан турди. Қўрғошин қуюлгандек туйилган оёқларини судрагудек бўлиб ташқарига — илиқ ва ёқимли ҳавога чиқди...

15

Лейтенант Бобровнинг разведка гуруҳини «особист» сўроқ қилгани хабарини полковник Романенко эшитди-ю жойида ўтира олмади. Дарҳол майор Громовнинг хонасига борди. Эшикни ҳам тақиллатиб ўтирмай ичкарига кирди. Майор кўкрагини столга бергудек бўлиб қороз қоралаб ўтирарди. Одатда у бошлиқларига ҳисоботлар ёзарди. Шу нарса кўнглидан ўтган полковник: «мараз, яна «донос»⁷ ёзаяпти!» деб қўйди ичида. Майор уни кўрди-ю беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Негадир қоралаётган қороз устига планшетини ташлаб қўйди. Бу полковникнинг нигоҳидан четдан қолмади.

⁷ Хабаркашлик, чақимчилик.

— Келинг, ўртоқ полковник, йўқлаб қолибсиз!

— Разведкачиларимни тергов қилибсан, Николай Иванович. Тинчликми?

— Вазифамни биласизку, ўртоқ полковник, унга бирор хилоф иш қилганим йўқ.

— Тўғри, лекин ҳозир вазият бошқача, Николай Иванович. Ҳар бир жангчи ҳисобли, разведкачиларни айтмасам ҳам бўлади. Бизнинг снайпер қизни сўроқ қилганингни эшитдим, энди нима қилмоқчисан?

— Уни тегишли ўртоқлар яна бир марта тергов қилишади, ўртоқ полковник.

Полковник унинг нима демоқчилигини тушунди. Жамиланинг ишини юқорига оширмоқчи. Ҳойнаҳой, ёзаётган нарсаси ҳам шу ҳақда бўлса керак.

— Менга қара, Николай Иванович, қиз бечорани у ёққа юборсанг уни синдиришади, буни ўзинг яхши биласанку! Қанча-қанча азамат йигитлар бутун чиқмади у ерлардан. Бу ишингни бу сафар қилмагин, илтимос.

Майор Громов валати тиржайди, ўзини оқлаш учун сўз қидирди.

— Уларни синдираверсанг немисга қарши ким урушади, ўзинг бир ўйлаб кўр! — фирони фалакка етиб гапирарди полковник. — Учта жангчимни олиб кетдинг, қайтмади улар. Билмаймиз, ўликми ёки тирик. Шу уч жангчи ҳам Ватан учун жанг қилаётганди-ку, Николай Иванович.

— Менинг ишларимни нотўғри талқин қиляпсиз, ўртоқ полковник! — бўш келгиси келмади майор. — Партия, давлат мени шу ишни қилишга юборган.

— Гапларинг тўғри, Николай Иванович, — хийла пастга тушди полковник. — Лекин лейтенант Бобровнинг гуруҳи келтирган «тил» кўп қимматли маълумотларни берди, хабаринг бор бундан. Душман ҳарбий техникаси турган жойи, сонигача айтди. Бу маълумотларни Москвага, «Ставка»га юбордик, бу-

гун-эрта жанглр вақти ҳам- белгиланади. Ҳеч бўл- маса лейтенант Бобров гуруҳининг шу хизматлари- ни ҳисобга ол!

— Бир нарса дея олмайман, ўртоқ полковник. Ал- лақачон юқорига хабар бериб бўлдим. Кечқурун бо- риб шахсан ўзим ҳисобот топширишим керак.

Полковникнинг ҳафсаласи пир бўлди. Бу одам- дан яхшилик чиқишига кўзи етмай, ўрнидан турди. Ташқарига чиқишдан олдин деди:

— Эшит, Николай Иванович, бу дунё — қайтар дунё! Шубҳам йўқ, бу нарсалар бир куни ўзингга қайтади, унутма!

Полковник тез-тез юрганича чиқиб кетди. Унинг гаплари эса майорни анча саросимага солиб қўй- ганди. Кўз ўнгида унинг «донос»лари сабаб қамоқ камераларида сўроқ қилинаётган маҳбуслар ўтди. Уларнинг юз-кўзи ёрилган, қонли. Айримлари бо- шини зўрға кўтаради. Ҳушини йўқотаётганларга эса челақда муздек сув сепилади... Уларнинг ўрнида хаё- лан ўзини кўрган майор сесканиб кетди. Юзи ўлик тусига кирди. Графиндан стаканга муздек сув қуйиб бир кўтаришда бўшатди. Бу ҳам камлик қилди — сувдоннинг қоққоғини бўшатиб, тўлдириб қўйилган ароқдан сипқара кетди. Ароқ оғзининг четларидан бўйнига оқди, кийимларига сингди...

16

Жамила Маринанинг олдига кирди, ечинмасдан ка- равотга ёнбошлади. Марина унинг кайфияти йўқлиги- ни билиб индамай қўя қолди. Жамиланинг кўз олдига тоғаси гавдаланди, унинг айтганлари ёдига тушди.

— Қизим, бу одамлар (у фирқа аъзоларини, давлат номидан гапирадиганларни «бу одамлар» дерди) ҳеч қачон одамдан рози бўлмайди. Жонингни жабборга бериб ишла, бирови сенга раҳмат айтмайди. Мана,

Абдулла муаллим, нима бўлди? Салим фирқа нима бўлди? Устахоновчиман⁸ деб юрадиган Тошмирза-чи? Давлатга хизмат қилиб топгани нима бўлди? Сургун бўлди, қизим, сургун! Абдулла муаллимнинг айби болаларни ўқитганими? Салим фирқанинг айби фирқага ишонганими? Тошмирзанинг айби қунига икки ҳисса ишлаганими?.. Йўқ, булар розилик топмади, кафангадо бўлиб кетди. Шунисига ачинаман, ҳам қўрқаман. Шунақа замонлар келиб қолди-да, қизим...

Тоғасининг нима демоқчилигини Жамила энди тушунди. Майор Громовнинг нияти нима? Ахир улар буюрилган вазифани уддалашган бўлса. Йўқ айбларни қалаштириб бўйнига осиб ташлади. Шу ўй-хаёллар билан кўзи илинганини сезмабди. Тушига яна раис кирибди. Қишлоқдан уч-тўрт чақиримлар наридаги овлоқ бир даладаги, одамлар ажиналар ин қурган деб ишонадиган азим чинор остида рақс туншаётганмиш. Ўзича ора-сира гапириб ҳам қўярмиш: «Мен нима дегандим-а! Бизлардан қочиб қутулиб бўлмайди, деганмидим? Дегандим!»

Кейин уни кимдир силкий бошлади. Исмини айтиб чақирди...

Жамила кўзларини очганида сочлари паришон Маринани кўрди. Унинг юзлари хавотирли эди.

— Жамила, сенга келишибди, — деди у.

Жамила дарров ўрнидан турди, ўзини тартибга келтирди. Ташқарига чиққанида кўк гардишли фуражка кийган икки аскарни кўрди-ю устидан бир челақ муздек сув қуйиб юборишгандек бўлди: «НКВД».

— Оддий аскар Жамила Қодирова, биз билан бирга кетасиз! — деди аскарлардан бири.

— Хўп, — деди Жамила.

⁸ Стахановчи. Одатда иш нормасини орттириб бажарган ишчилар шундай аталган, бошқаларга намуна қилиб кўрсатилган.

— Қуролини олинглар аввал! — нарироқдан майор Громовнинг овози эшитилди. Жамила беихтиёр ўша томонга қаради.

Майор худди тадбирга бораётгандек кийиниб олганди: эгнида қора чарм плашч, кийимлари оҳорли, қунжи узун этиги ҳафсала билан мойланган ва ярақлатилган; соқоли ҳам пухта қиртишланган.

— Қурулингизни топширинг! — буюрди яна ўша аскар.

— Қурулим ичкарида, — деди Жамила.

Майор «олиб чиқ!» деган маънода бош ирғади. Аскар югурганича ичкарига кириб, винтовкани олиб чиқди. Майор винтовкани текшириб кўрди. Файритабий нарса топмагач, винтовка ва филофни аскарга ирғитди.

— Тезроқ машинага чиқинглар! — буюрди у.

Жамилани олиб кетиш учун полуторка келганди. Майор кабинага чиқиб ўтирди, Жамила ва аскарлар эса кузовга чиқишди. Машина оғир кўзғалиб, лапанлаганича юриб кетди.

— Яхши қиз, сизни нега бу ёққа чақиришибди, нима айб қилдингиз? — аскарлардан бири сўраб қолди.

— Душманни сўроқсиз отганим учун.

Аскарлар бир-бирларига қараб олишди.

— Шунақаси ҳам бўларканми?

Жамила жилмайди.

— Ҳамма нарса бўларкан бу ҳаётда! — деди у жиддий қилиб.

Аскарлар ҳеч нарса тушунмасалар-да бош ирғаб қўйишди.

Полуторка тор йўлдан нисбатан текис йўлга чиқиб олди. Йўл бўйида юк ортилган, айримларига «сорокопяткалар»⁹ уланган полуторкалар, фронтга жўнаётган аскарлар колоннаси кўринди. Йўл тирбанд, қарама-қарши юриш жуда қийин эди. «Ҳамма фронтга жўнаяпти, мени эса қаерларгадир олиб кетишяпти.

⁹ Танкка қарши 45-мм калибрли тўп.

Бундан кўра жанг қилганим яхши эмасмиди!» — аламли ўй ўтди Жамиланинг кўнглидан. Олдинда уни нима кутаётганини билмас, шу билан бирга буларнинг ҳаммаси яхшиликка эмаслигини кўнгли сезарди. Пашшадан фил ясаган майор Громов буни шунчалик қўйиб қўймаслигини ҳам биларди.

Полуторка одамлар ва машиналар издаҳомини ортда қолдириб катта ва кенг йўлга чиқиб олди. Бу йўлнинг шаҳарга олиб боришини Жамила яхши биларди. Бундан сездик, майорнинг бошлиқлари ўтирадиган идорага боришади. Унинг юраги увушди...

Унинг тахмини тўғри чиқди — улар катта бир бино ёнида тўхташди. Уни бинога олиб киришди ва негадир юқорига эмас, пастга олиб тушишди. Панжарали эшик очилди, ундан чироқлари хира ёнган, зах йўлакка ўтишди. Бир кишилик камерага жойлашди.

У қаерга келганини сизди...

17

Камеранинг занглаган темир эшиги очилди. Соқчи Жамилага чиқишни, сўнг эса қўларини орқасига қилиб деворга қараб туриш буюрди. Эшикни қайтадан қулфлагач, «олдимга туш!» дея буйруқ берди. Қўларини орқасига қилган Жамила соқчининг олдига тушди.

Уни иккинчи қаватдаги хонага олиб киришди. Хона жиҳози ва дабдабаси билан эътиборни тортарди. Тўрда ҳашаматли стол, унда эса қирқ беш-эллик ёшлардаги, полковник унвонидаги бир киши ўтирарди. Соқчи Жамила Қодировани олиб келганини айтгач, полковник унга рухсат берди.

— Ўтиринг! — буюрди полковник.

Жамила ўтирди.

— Исми-шарифингиз?

— Жамила Қодирова.

Полковник қаршисидаги «шахсий иш»дан бош кўтариб унга қаради. Ҳарбий кийимдаги қиз шу кунгача иши терговга тушган эркагу аёл ҳарбийларга ўхшамасди.

— Қаердансиз, миллатингиз нима? — қизиқиши устун келиб сўради полковник.

— Ўзбекистонданман... ўзбекман...

Ўзбек қизининг урушга келганидан полковник мутаассир бўлди. Ва бундай ҳодисалар урушнинг дастлабки йилларида камдан-кам учради.

— Нега урушга келдингиз? — полковникни анъанавий эмас, балки бошқа саволлар қизиқтира бошлаганди. — Ўзбекистон минглаб чақирим нарида, устига-устак уруш хавф солмаётган бўлса.

— Гражданлик мажбурияти, ўртоқ полковник, — ерга қараганича деди Жамила. Табиийки, урушга нега келганини айта олмасди.

— Сизга ўхшаб урушга боришни хоҳлаган аёллар кўпми Ўзбекистонда?

Жамила полковникнинг кўзларига қаради.

— Ҳамма урушга келаверса, даладаги ишларни ким қилади? Фронтга пахта, буғдой, мева-чевани ким етказиб беради? Аёлларнинг ҳаммаси далада ишляпти. Ҳатто болалар ҳам. Аслида у ёқ ҳам бир фронт, ўртоқ полковник.

— Ҳа, гапингиз тўғри, — паст овозда деди полковник.

НКВД полковниги Новгородов Юрий Алексеевич асли Смоленскдан бўлиб, урушдан аввал оиласи ўша ерда яшарди. Немислар Смоленскни босиб олгач, одамлар шаҳарни тарк эта бошлашди. Полковникнинг аёли ўн ва ўн беш ёшли икки ўглини олиб, минг машаққат билан Тошкентга етиб келганди. Таниш-билишлари орқали бир йилдан бери дом-дараксиз кетган оиласининг Тошкентда экани, ўзбеклар уларга уйларидан жой берганини эшитиб, шу халққа нисбатан унинг қалбида миннатдорчилик

туйғуси уйғонди. Кейинчалик ҳамкасблари Тошкентга пайдар-пай жўнатилаётган етим болаларни ўзбеклар асраб олишаётганини эшитганида бу туйғу янада кучайди. Бугун эса ана шу халқнинг бир вакили — қизи бошини эгиб ўтирарди.

— Қандай айб билан бу ерга келтирилганингизни биласизми? — анчага чўзилган жимликдан сўнг сўради полковник.

— Йўқ.

— Сиз армия учун керакли бўлган маълумот соҳибини қасддан ўлдирганликда, шу билан давлатта катта зарар етказишлиқда айбланасиз, — дона-дона қилиб тушунтирди полковник.

Жамила унга қараб қолди. Майор Громов унга нисбатан адолатсизлик қилишини биларди, лекин шунчалик тўхмат уюштиришини хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Ўртоқ полковник... менда... ундай ният бўлмаган, ишонинг! — ўзини оқлашга уринди Жамила. — Мен... душманни ўлдиришим... нотўғри бўлишини билмаганман...

— Соқчи! — полковник ташқарига овоз берди.

Эшик очилиб соқчи кирди.

— Майор Громовни чақиринг!

— Хўп бўлади, ўртоқ полковник.

Кўп ўтмай майор хонага кирди, ҳарбий низом бўйича ҳисобот берди. Полковник унга жавобан бош ирғаб қўйди-да, негадир ўтиришга ҳам таклиф қилмади. Майор Жамила ва полковникнинг ўртасида қаққайганича қолди. Ўзини атайин ноқулай аҳволга солинганини билиб терлай бошлади, кўзларини пирпиратди.

— Ўртоқ майор, айбланувчи унга қўйилган айбларнинг ҳаммасини билмайди, ўзингизнинг оғзингиздан эшита қолайлик, — деб қолди полковник.

Майорнинг саросималаниши кучайди. Аввал ҳеч бундай бўлмасди. У полковникка ҳаммасини ипидан игнасигача батафсил ёзиб берар, шунга қараб тергов

олиб борилар ва ҳукм чиқариларди. Полковникнинг жавоб кутаётган кўзларини учратгач, бошлиғига ҳисобот бераётган аскардек маълумот бера бошлади:

— Оддий аскар Жамила Қодирова жалб қилинган, лейтенант Сергей Бобров бошчилигидаги разведка гуруҳига немислар билан ҳамкорлик қилаётган, халқ душмани Клим Вишневецкийни қўлга олиш ва уни ҳукуматимизнинг тегишли идоралари ходимларига топшириш вазифаси қўйилганди. Биздаги агентура маълумотларига кўра, Вишневецкий «эс-эс» билан яқиндан ҳамкорлик қилган, ундан тегишли кўрсатмалар олиб турган. Бундан ташқари, у немисларнинг фронт чизигига яқин ҳудудлардаги ҳарбий кучлари ва техникаси ҳақида маълумотга эга бўлган. Лекин лейтенант Бобровнинг гуруҳи Вишневецкийни амалиёт чоғидаёқ отиб ташлайди. Суриштиришим натижасида уни оддий аскар Жамила Қодирова отгани маълум бўлди. Менинг қатъий ишонишим бўйича, Вишневецкий атайин ўлдирилган! Бу ишни лейтенант Бобров ва Қодирова келишиб амалга оширишган...

— Қўлимда яна бир маълумот бор, ўртоқ майор, — унинг гапини бўлиб деди полковник. — 33-дан келган. Худди ўша амалиётда разведка гуруҳи «эс-эс» зобити ва таржимонни «тил» сифатида келтиришган. Немис зобити фронт чизигига жалб қилинган ҳарбий техника тури, миқдори ҳақида маълумот берган. «Ставка» бу маълумотни қабул қилиб, шу кунларда бўлиб ўтадиган қарши ҳужум амалиётини тасдиқлаган. Хулоса қилиш мумкинки, сиз қидирган Вишневецкий ва лейтенант Бобров келтирган «эс-эс» зобити тахминан шундай маълумотни бериши мумкин. Шу фикримга қўшиласизми?

Майор полковникнинг кутилмаган саволидан довдиради. У қандай жавоб беришни билмасди. Мантиқан олиб қаралганда полковникнинг фикри ҳам тўғри эди. Майор рақибларини воқеаларнинг эҳти-

молий мантиқий ривож и орқали фoш қилиш, яксон этиш усуллари пухта ўзлаштирган, аммо бир кун келиб буни ўзига қарши қўллашларини ўйлаб кўрмаган эди. Ўйлаб қаралса, воқеаларни хаёлан исталган томонга ривожлантириш мумкин. Фақат улардаги мантиқни назардан қочирмаслик кифоя. Полковник ҳам худди шундай йўл тутганди.

— Ҳа, фикрингиз тўғри, ўртоқ полковник, — деди у бўшашиб.

— Демак, «Ставка» учун муҳим маълумотга эга немис зобитини тутиб келган лейтенант Бобровнинг гуруҳи аслида жазога эмас, балки мукофотга лойиқ, шу фикримга ҳам қўшиласизми?

Майор ўзини тамом йўқотиб қўйди. Энди у ўзига ишонган ва бино қўйган, бировни кўзга илмайдиган «особист»га сира ўхшамасди.

— Аслида мукофотга лойиқ жангчиларни ким жазолади, деган савол туғилмаслиги учун чора кўришимиз, бошқа томондан ўзимизни ҳам ҳимоя қилишимиз керак, тўғрими?

— Бу гапингиз айна ҳақиқат, ўртоқ полковник! — майор суҳбат нишаби қайси томонга ораётганини дарров илвади. Агар полковник ёмонига оладиган бўлса, Жамила билан ўрин алмашиши мумкинлиги хаёлидан ўтди-ю вужудини муздек тер қолади.

— Сиз билан маслаҳатлашиб олай, деган мақсадда ҳам чақирдим, — деди полковник. — Ўйлайманки, энди кўп баҳсли жиҳатларга ойдинлик киритиб олдик.

— Худди шундай, ўртоқ полковник.

— Сизга рухсат, ўртоқ майор!

Ер билан яксон бўлган майор чиқиб кетди.

— Гап бундай, Қодирова, «иш»ни ёпамиз, — деди полковник. — Лекин эҳтиёт бўлинг, ҳар хил ишлар бўлиб кетиши мумкин. Ўзи аслида бунақа нарсаларни мен айтмаслигим керак.

Полковник НКВДдаги кўп ҳамкасбларига ўхшамасди. Унинг иш усуллари ҳам қўллаб-қувват-

ламасди, бироқ шафқатсиз жазо аппаратининг бир қисми бўлишга мажбур эди. Жамиланинг «иш»и қўлига келиб тушганидаёқ, қўп нарсаларни тушунди. Унинг ўзбек эканлигини билгач эса, оиласини уйига киритган халққа жавобан Жамилани ҳимоя қилди.

Полковник ўрнидан туриб одатига хилоф тарзда қўлини узатди. Мошинавори ўрнидан туриб кетган Жамила унинг қўлини олди. Полковник аслида «ўзбекларга раҳмат!» демоқчи эди, аммо касби тақозоси, бунга тили айланмади.

— Омон бўлинг, Қодирова! — деди у.

— Катта раҳмат сизга, ўртоқ полковник! — кўзлари ёшланиб деди Жамила. — Яхшилигингизни унутмайман.

«Мен ҳам сизларнинг яхшилигингизни унутмайман!» — полковникнинг кўнглидан ўй ўтди.

Жамила елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлиб бинодан чиқди. Қанот қоққандек бўлиб қисмга етиб келди.

18

Майор Громовнинг чангалидан омон чиққанлар деярли йўқ эди. Жамиланинг эсон-омон қайтиши дарҳол қисмга ёйилди.

Жамилани биринчи бўлиб қаршилаган Марина худди узоқ сафарга кетган дўстини кутиб олгандек бағрига босиб кўришди. Ҳоли-жонига қўймай нималар бўлгани билан қизиқди. Жамила сўзламоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаганида ошхонанинг эшиги ўрнига ташлаб қўйилган брезент мато кўтарилиб полковник Романенко кириб келди. Унинг кайфияти чоғ эди. У Жамиланинг қўлини маҳкам сиқиб қўйгач деди:

— Энди, Қодирова, яхшилаб жанг қил, яна ўзингни кўрсат!

— Худди шундай, ўртоқ полковник!

— Ҳой, Марина, менга қара, қаерлардан омон келди бу қиз! Ахир мундоқ дастурхон ёз, бизни меҳмон қил!

— Ҳа-я, эсим қурсин! Ўтиришимни қаранг, ўртоқ полковник! — Марина шошиб ўрнидан турди.

— Шуни айтаман-да! Ҳалигиндан ҳам ол, томоқни бир ҳўллайлик! — қўшиб қўйди полковник.

Марина идиш-товоқларни тарақ-туруқ қилганича егуликларни тайёрлай кетди. Унга қараб олган полковник Жамилага деди:

— Бўлган гапларда хабарим бор, Қодирова. Сен борган идорадан ҳалигача бирорта одам бутун чиққан эмас. Шукр қил, битта ҳам сочинг тўкилмай қайтиб келдинг.

— Гапларингиз тўғри, ўртоқ полковник.

— Бундан буёрига майорнинг кўзига ёмон кўринма, — овозини пасайтириб давом этди полковник.

— Лекин, бу майор деганлари бир олишдими, охиригача олишади. Сен энди эҳтиёт бўл.

— Тушундим, ўртоқ полковник.

Марина патнисда картошка, карам шўрва ва шишада хира ичимлик — қўлбола самогон, учта стакан олиб келди. Полковник шишанинг тиқини очиб, стаканларга қулқуллашиб ароқ қўйди.

— Қани, олинглар! — деди у,

Жамила иккиланиб қолди. Умрида ароқ ичмаган бўлса. Полковник ҳам, Марина ҳам стаканларни ушлаб унга қараб туришарди. Жамила стакан ўрнида худди кўрқинчли ва ярамас нарса тургандек қўлига олишга журъати етмасди. Унинг нега тараддулланиб қолганини сезган полковник қистамади:

— Ҳа, нима бўлса ҳам омадимиз учун, ғалаба учун кўтарайлик, ўртоқлар! — ва бир кўтаришда стакани бўшатди.

Марина ҳам стакани бўшатиб, столга қўйди ва оғзи куйган одамдек каппалаб қолди. Шоша-пиша қайнатилган картошқадан олиб оғзига тиқди.

— Биламан, сизларда ичиш таомил ва урфда йўқ,
— хижолатомуз деди полковник: — Буни ҳурмат қиламан!

Брезент парда кўтарилиб лейтенант Бобровнинг, кейин эса Витя Сорокиннинг юзи кўринди. Улар ҳам Жамиланинг қайтганини эшитишган ва дарров ошхонага ошиқишганди.

— Ухху! Ўртоқ полковник, рухсат берсангиз дарага қўшилардик! — деди лейтенант.

— Кел, Бобров, келавер! — анча қизиб олган полковник қаршилик қилмади. — Снайперингнинг қайтганини нишонлаб ўтирувдик.

— Биз ҳам шуни эшитиб оёқни қўлга олдик, ўртоқ полковник! — ҳазиллашди лейтенант.

Ҳарбий ҳаёт одамларни бир-бирига яқин қилишини Жамила шунда тушунди. Урушга келгунича буларнинг ҳеч бирини танимасди. Энди эса туғишганидек бир-бирлари билан яқин бўлиб кетишди. Лейтенант ва Сорокин стол атрофидан ўрин олишди. Сорокин эса полковникдан тортиниб ўтирмай шишани олди-да, бўш стаканларни тўлдириб чиқди.

— Энди, ўзинглар биласизлар, бундай аҳволда ўтириш ҳарбий низом бўйича мумкин эмас, — деди полковник ароқ тўла стаканни қўлига олиб. — Лекин бундай ишлар бўлгандан кейин на илож, нишонлашга мажбурмиз!

Стаканлар бир-бир билан уришди.

Жамила ўзи учун хурсанд бўлаётган қуролдошларини кўриб қувонарди.

Учинчи стаканни бўшатган полковник узр сўраб ўрнидан турди. Лейтенант ҳам дарров унга эргашди. Эркаклар кетаётганини кўрган Сорокин эса истар-истамас ўрнидан қўзғалди. Марина ва Жамиланинг ўзлари қолишди.

— Ёлғизман, деб ўйлама, — деди Марина. — Ёнингда турадиганлар бор! Айниқса разведкачилар бир-бирини сотмайди.

Жамила бунга аллақачон иймон келтирганди. У Маринага «ҳозир келаман» деб турди-да, ташқарига чикди. Қуёш ғарб уфқига бош қўярди. Жамила кўксини тўлдириб нафас олди.

— Қодирова!!!

Ортидан овоз эшитилди-ю Жамила чўчиб тушди. У шошиб ортига ўтирилди. Не кўз билан кўрсинки, ундан ўн-ўн беш қадамлар нарида майор Громов турарди. Доим қадаб юрадиган ёқасининг тутмалари бўшатишган, фуражкасиз, авваллари силлиқ тараладиган сочлари хийла тўзиган. Чайқалиб туришидан кайфи борлиги сезиларди.

— Хўш, тергов тугаганини... кенг даврада нишонладинларми, хих... — унинг кўзлари юмилди, базўр ҳаракат қилгандек яна кўзларини очди.

— Нимани нишонлаймиз, ўртоқ майор? — ўзини билмасликка олишга уринди Жамила.

— Мени... мени... алдашга уринма, билдингми! Мен ким қаерда юрибди, нималар қиляпти... нималар ҳақида ўйлаяпти... ҳаммасини билиб тураман! Ҳаммасини! — сўнги сўзни айтаётганда майор ўнг қўлини асабий сермади.

— Бугунги... бугунги зиёфатни ҳам қайд этиб қўйдим, Қодирова!.. Кимлар ўтирди, нималар деди, неча стакан ароқ ичди... Қойилмисан?..

Жамила у билан гаплашишни истамасди.

— Кечирасиз, ўртоқ майор, сиз билан гаплаша олмайман! — деди у. — Сиз мастсиз! Хайр!

Жамила шартга ўтирилди-да, икки-уч қадам қўйишга улгурмади — майорнинг таҳдидли овози эшитилди:

— Тўхта! Отаман!

Жамила турган жойида тахтадек қотиб қолди. Бир муддат шу алпозда тургач, ортига ўтирилди. Кўзларига ишонмади — майор унга тўшпонча ўқталиб турарди.

— Ҷингли... Ҷингли ким деб ўйлаяпсан! Ғалаба қозондим, майор Громов Николай Иванович енгилди, деб ўйлаяпсанми!?!.. Мен асло енгилганим йўқ! Асло! Мен тактик чекиниш қилдим, шуни... шуни эсингдан чиқарма, Қодирова!.. Мен... мен бу ишингни асло кечирмайман, тушундингми!.. Керак бўлса... керак бўлса, охиригача курашаман!.. Ҳамма ҳужжатларни кўтартираман! Ҳаммасини!..

— Отставить, ўртоқ майор! — полковник Романконинг балаңд овозда буюргани эшитилди.

Капалаги учиб кетган майор полковникка қаради. Оний лаҳзада юрагига инган қўрқув кайфини анча кесиб қўйганди.

— Бу нима қилиқ, ўртоқ майор! — деди полковник. — Ким рухсат берди сизга, аскарга қурол ўқталишга!

Майор тўппонча ушлаган қўлини дарров пастга туширди. Полковник ёнидаги аскарларга буюрди:

— Қуролини олиб қўйинглар!

Майор қаршилиқ қилмади. Аслида у шу лаҳзаларда жуда қўпол хатога йўл қўйганини туйқус ҳис қилган, бунинг оқибати ёмон бўлишини ҳам биларди. Чунки бу ҳунари хизмат ваколатларига кирмасди. Унинг идорасига мансуб кишиларнинг буңдай қилиқлари эса асло кечирилмасди. У аламдан ўзини қўйгани жой тополмаган, кайфи эса қўлларига эрк бериб юборганди. Қуролсиз қолгач, бўшашиди, нима қилишини билмасди. Важоҳати ва сиёсатидан одамлар қўрқадиган «особист» сиёқи қаёққадир ғойиб бўлганди.

Полковник аскарларга бош ирғаб, «олинг, кетинглар» ишорасини берди. Аскарлар майорнинг қўлигидан олиб хонаси томон судрашди. Майор анча ўзига келиб қолган бўлса-да, аскарларнинг қўлидан қутулишга уринмади. Хаёлида полковник ва Жамиладан қандай қилиб ўч олишни ўйлаб кетарди.

19

Энди эса майор Громовнинг тақдири қил устида эди. Бу дунёни бекорга чархпалак, демайдилар. Кеча бировлар устидан ёзарди, бугун эса у кечаги, ноҳақ тухматга учраган қурбонлари аҳволига тушиши мумкин эди. Лекин улардан фарқи — унга икки ҳисса оғир бўлиши мумкин эди. Шуларни ўйларкан, қўрқув уни исканжага олар, дунё кўзига қоронғи кўринар, ҳаёти остин-устин бўлиб кетгандек туйиларди. Тор, диққинафас ва хийла қоронғи хонасига чекиниб, икки кун ташқарига чиқмади. Аламини ароқдан олди. Шишалар бўшаб, кайфи тарқагач, совуқ танага ўйлай бошлади. Унинг устидан ким ёзиши мумкин? Биринчи гада, Жамила, кейин полковник Романенко. Лекин полковник ҳам биринчи бўлиб Қодировага айтади, «ёз!» деб. Унинг мияси аниқ ишлай бошлади. Ҳозироқ бориб Жамила билан учрашади, унга ётғив билан тушунтиради. Сўнги қароридан дадилланган майор ташқарига чиқди. Сўраб-суриштириб, Жамилани топди.

— Сиз билан бир масалада гаплашиб олмоқчи эдим, — деди майор.

— Қулоғим сизда, ўртоқ майор.

— Мен, албатта, кечаги воқеалар учун узр сўрайман... — қизариб-бўзариб давом этди майор. — Жуда хунук иш бўлди.

— Мен уни алақачон унутиб юбордим, ўртоқ майор.

— Тўғри... лекин ўртада... нима десам экан, менинг тақдирим турибди, — фикрини қандай тушунтиришни билмай қийналди майор. — Бу ишни юқоридаги ўртоқлар билмаса, дегандим...

Жамила у айтолмаган гапни дарров илғади.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, ўртоқ майор, бундай ишлар билан шуғуланмайман, — деди у кескин оҳангда.

— Бошлиқлар сўраса ҳам... ўзингиз биласизку, талаб қилиб қолишлари мумкин...

— Ҳозиргача ҳеч ким талаб қилгани йўқ, ўртоқ майор. Шундай қилишган тақдирда ҳам, бировга туҳмат тошини отмайман, кўнглингиз тўқ бўлсин.

— Катта раҳмат, ўртоқ Қодирова...

— Кетсам бўладими?

— Ҳа... ҳа, албатта! Агар бирор ёрдам керак бўлса бемалол мурожаат қилаверинг.

— Хўп!

Жамила бошқа сўз айтмай ошхона томон юриб кетди. Унинг ортидан қараб қолган майор эса ўзини ҳақоратланган, фурури поймол қилингандек ҳис қиларди. Тез-тез қадам ташлаганича узоқлашиб бораётган Жамилани алам ва нафрат тўла нигоҳи билан таъқиб этаркан, «қанжиқ!» дея паст овозда сўкиниб юборди. У ўзини иккинчи марта енгилгандек сезар, Жамиланинг қўли баланд келаётгани эса ниҳоятда алам қиларди.

— Сен ҳали шошмай тур, Қодирова! Ўйин тутагани йўқ, кўзларингга дунёни тор қилайки, қаршимдан чиққанингга пушаймон бўлгин! — тишларини фижирлатиб ўзига ўзи гаширгандек деди майор.

У хонасига қайтди. Столига ўтириб кетма-кет қоғозларни тўлдирди. У Ўзбекистондаги тегишли ҳарбий комиссариатлар, НКВД идораларига сўровномалар ёзди. Уларда Жамила (ҳужжат бўйича исми, фамилияси, отасининг исмини тўлиқ ёзган ҳолда) ҳақида тўлиқ маълумот беришларини сўради. Оиласи, ижтимоий келиб чиқиши, қаерда ишлаган, авваллари жиноят қилмаганми... Паст одамнинг ўзи ҳам, амали ҳам паст, деб бекорга айтишмаган. Майор нима қилиб бўлса-да Жамилани бадном қилиш, ҳаётини барбод қилиш ҳақида ўйларди. Унга ахлоқ ва одобдан насиҳат қилиш, ёмонликдан қайтариш тамом бефойда эди. Ишларини яқунлаб, хатларни планшетига солди-да, ташқарига чиқди. Кеч кириб

борарди. Майорнинг эса кайфияти чоғ эди — худди шу хатлар билан Жамила йўқ қилингандек хурсанд эди. У ҳайдовчини чақиртирди. Полуторкани юргиздириб, кабинага ўтирди. Унинг бутун ўй-хаёлини яқиндагина тузган машъум режаси эгалаб олганди.

20

Тун кирган, полковник Романенконинг ертўласида чироқ тутайди. Полковник ва лейтенант Бобров чироқнинг хира нури ёритган харита устига энкайишган. Полковник сўнгги топшириқларни тушунтиради:

— ...Мана бу ҳудуд миналаштирилган. Катта майдон, қанчалигини билмаймиз. Гуруҳинг бу ерни четлаб ўтади, мана бу йўл билан. Бу ер ботқоқлик. Немислар бу ёқни кузатишмайди. Айнан шу йўл билан манзилга етиб оласан. Тахминан мана бу ҳудудда, — полковник катта майдонни қалам билан доира қилиб кўрсатди, — немисларнинг ҳарбий техникаси йиғилаётгани ҳақида миш-мишлар оралаган. Вазифанг — ўша жойни текшириш, лейтенант. Бу иш бир кунлик эмас, менимча бир ҳафта керак. Етиб борганиндан кейин радиоалоқага чиқасан, етиб борганинг ҳақида маълумот берасан. Шундан кейин ропша-роса йигирма тўрт соатдан кейин иккинчи алоқага чиқасан. Тушундингми, ҳар йигирма тўрт соатда. Бу ҳудудда немисларнинг пеленгаторлари¹⁰ ишлаши мумкин. Турган жойингни билдирмаслигинг учун турли жойлардан алоқага чиқишинг керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам душман ҳарбий техникаси жойлашуви ҳақида тўлиқ маълумот олишинг шарт, лейтенант! Саволлар борми?

— Йўқ, ўртоқ полковник.

— Яхши, унда соатларимизни текшириб олайлик, — полковник қўл соатига қаради. — Беш дақиқа кам бир!

¹⁰ Пеленгатор — кема, самолёт ва ҳ.к.нинг қаерда турганлигини, йўналишини белгилайдиган асбоб.

— Менда ҳам шундай, — қўл соатига қараб олган лейтенант деди.

— Эҳтиёт бўлинглар, одамларингни асра, лейтенант!

— Хўп, ўртоқ полковник.

Лейтенант харитани буклаб планшетига жойлагач, полковник унинг қўлини қаттиқ сиқиб хайрлашди.

...Лейтенант Бобровнинг Жамила, Витя Сорокин, Сергей Миронов, Григорий Литовченко ва Николай Зайцевлардан иборат разведка гуруҳи тун қоронғисида йўлга чиқди. Олдиндаги ўн беш чақирим йўл ортиқ хавф-хатарсиз босиб ўтилди. Кейин сийрақроқ ўрмон бошланди. Немисларнинг кузатув нуқталари бўлиши мумкинлигидан гуруҳнинг ҳаракати бироз сушлашди. Тонгга яқин, йигирма-йигирма беш чақиримлар юрилганидан сўнг улар кенг ҳудудни эгаллаган ботқоқзорга чиқишди.

Жамила авваллари ботқоқзорни кўрмаганидан уни тасаввур қилолмасди. Қамишлар ўсиб кетган, ора-сира яккам-дуккам дарахтлар кўриниб қолади. Қўланса ҳид одамни беҳузур қилади. Лейтенантнинг гуруҳи бундай жойлардан юраверганидан тажрибаси ошиб кетган. Йигитлар дарров ишга киришиб кетишди — дарахтларнинг шохлари кесилиб, узун-узун таёқлар тайёрланди. Сорокин улардан бирини Жамилага берди.

— Буни нима қиламан?! — ажабланди Жамила.

— Оёқ кўядиган жойга олдин таёқни тиқиб кўрасиз, снайпер хоним! — ҳазиллашди Сорокин. — Агар қаттиқ ер бўлса кейин бемалол оёқ қўйсангиз бўлади. Юмшоқ бўлса, таёқ ботиб кетиб кетаверса у ерга қадам босмайсиз, тушундингизми?

— Тушундим...

Биринчи бўлиб Сорокин йўл бошлади. Таёқни тиқиб қадам қўйиш мумкин бўлган жойни аниқлаб эҳтиёткорлик билан юрди. Елкасига рация осган Зайцев, Жамила ва Бобров эса унга эргашишди.

Бундай жойларда гуруҳ бўлиб юришдан қўрқмаса бўлади. Бир киши ботадиган бўлса қолганлари дарров ёрдамга ошиқадилар. Ёлғиз одамнинг иши қийин. У бир марта хато қилади, сапёрга ўхшаб. Ботиб қоладиган бўлса ёрдам берадиган бўлмайди. Гарчи шериклари бўлса-да, Жамилани қўрқув бир сония ҳам тарк этмасди. Таёқни бир жойга қайта-қайта суқиб кўрар, минг бир ҳадик билан ўша ерга қадам босарди. Ботқоқ ютиши ҳақидаги ўй-хаёл бутун вужудини эгаллаб олганди.

— Қодирова, а, Қодирова! — олдинда кетаётган Сорокиннинг овози эшитилди. — Сизларда шунақа ботқоқлар борми?

— Йўқ! — деди Жамила.

— Қанақасига бўлсин, — алоқачи Зайцев ўртага қўшилди. — Географияни ўқимаганмисан, Ўрта Осиё ахир чўллардан, даштлардан иборат бўлса!

— Мен мактабга бормаганман, сабаби тирикчилик қилишим керак эди! — деди Сорокин. — Онам касал, дадам ташлаб кетган.

— Нима иш қилгансиз? — қизиқиб сўради Жамила.

— Эҳ-ҳе, қорин тўйдириш учун нима қилиш керак бўлса ҳаммасини қилганман, снайпер хоним! Ярамас одам бўлган экан, деб ўйламанг. Ўғрилиқ қилмаганман, талон-торожда иштирок этмаганман...

— Унақа хаёлга борганим йўқ, — деди дарров Жамила.

Кўплар урушга ҳарбий комиссариатлар чақируви бўйича келган бўлса, йигирма бир баҳорни қаршилаган Витя Сорокин фронтга тўппа-тўғри қамоқдан — меҳнат лагеридан келганди. Уруш бошланиши арафасида Москвадаги озиқ-овқат дўконларидан бирида катта миқдордаги пул ўғирланади. Ўғрилар қочиб қутулади, милиция эса доғда қолади. Ҳар қандай ҳолда ҳам ўғриларни тутиш буюрилган, буни эса эпллмаган милиция эса ўғрилиқ бўлган куни дўкон-

га юк-туширишга келган одамларни қўлга олади. Улар орасида энди ўн тўққизга кирган Сорокин ҳам бор эди. У кўринишидан кўчадаги такасалтанг бекорчихўжаларни эслатар, лекин аслида ҳалол йигит эди. Юк туширишга келганларнинг ҳаммасининг бўйнига ўша ўғирлик илинади. Улар ўзларини ҳеч қаерда ҳимоя қила олишмади. Уни эса меҳнат лагерига юборишди. Уруш бошлангандан кейин қўлига қурол олишни истаган маҳбусларни фронтга жўнатиш эълон қилинди. У ҳеч иккиланиб ўтирмай урушга боришга қарор қилди. Лейтенант Бобров хизмат қилаётган қисмга тушди. Уддабуронлиги, ҳеч нарсадан тап тортмаслиги лейтенантга маъқул келиб, уни гуруҳига олди. Унинг мухтасар тарихи шундай эди. Бунинг қисмда фақат у ва «особист» — майор Громов биларди.

— Сен-чи, Коля, мактабда географияни яхши ўқибсан, кейин нима иш қилгансан? — сўраб қолди Сорокин. — Мен мактаб кўрмадим, шунинг учун катта одам бўлмадим. Балки сенинг омадинг келгандир?

Енгил силкиниб рацияни баландроқ ўрнатиб олган Зайцев нима дейишини билмай қолди. У мактабда нафақат географиядан, балки ҳамма фанлардан аъло баҳога ўқиганди. Сурати мактаб деворидан тушмасди. Ҳатто бир йили мактабнинг аълочи ўқувчилари қаторида уни ҳам Ленинградга юборишди. Лекин кўп ўтмай уларнинг бахтли ҳаётига кўз тегди. Октябрнинг изғиринли кунларида отасини олиб кетишди-ю уни бошқа кўрмади. Отаси трактор заводида инженер эди. Орадан бир йил ўтиб эса унинг халқ душмани сифатида айбланиб, Магаданга юборилганини эшитишди, холос. Ўшанда ўн еттига кирган Коля Зайцев отаси қандай қилиб халқ душмани бўлишига ақли етмасди. Заводнинг сиёсий ишларида фаол, Ленин ва Сталин ғояларига содиқ бир инсон қандай қилиб халққа душманлик қилиш мумкин. Ўша доҳийлар асос солган шафқатсиз жазо маши-

наси ҳар қандай инсонни янчиб ташлаши; уларнинг ғояларига содиқми ёки йўқми, қараб ўтирмаслигини билмасди. У бир нарсани унутмасди. Ўзинчи синфни битириш арафасида эди. География дарси эди. Хонага бирдан мактаб директори ва синф раҳбари бос-тириб киришди. Ўқувчилар бирдек оёққа қалқишди. Директор унинг исми ва фамилиясини айтиб чақирди. Коля ўрнидан турди.

— Буюк дохий номи билан аталадиган мактабда халқ душманининг фарзандига ўрин йўқ! — деди директор тантавор оҳангда. — Бизларнинг сафимиз ғоявий соғлом бўлмоғи, ҳеч қандай ёт элементларга ўрин бўлмаслиги керак! Китобларингни топшир, Зайцев! Бундан буён мактабга қадамингни босма!

Директорнинг айтганини қилди — мактабга бошқа бормади. Унга битирув шаҳодатномасини ҳам беришмади. Университетнинг физика-математика факультетига кирмоқчи эди, шаҳодатномаси йўқлиги, қолаверса, «халқ душманининг фарзанди» эканлиги сабабидан ўқишга олишмади. Уруш бошланганида ўн тўққизда эди. Чақирув қоғозини олди. Алоқачилар мактабида рацияда ишлашни ўрганди. Ҳар қандай разведка гуруҳига алоқачи кераклиги учун уни дарҳол лейтенантнинг гуруҳига қўшишди. Унинг фронтдаги ҳаёти шундан бошланди. Унинг жавобда ҳаялагани шундан эди. Сорокиннинг жавоб кутиб турганини чамалаб, деди:

— Ўқишга кира олмадим, билимим етмади!

— Ҳа-а! Ўрта Осиёда чўллар кўплигини билганидан ҳамма фанни сув қилиб ичворганмисан, деб ўйлабман-да, — деди Сорокин.

— Жим! — энг охирда келаётган лейтенантнинг овози эшитилди. — Энгашинглар!

Ҳамма ўзини қамишлар панасига олишга уринди. Лейтенант кўлидаги таёғини шоша-пиша Мироновга бериб, дарҳол дурбинни олди. Ботқоқнинг адоғида,

тахминан бир чақирим нарида у одамларни пайқаганди. Кузатаркан, уларнинг немис аскарлари эканини билди.

– Немислар! – деди у.

– Бу ерда немислар бўлмаслиги керак эди-ю! – деди Миронов хавотирга тушиб.

– Йўқ, мен унақа деб ўйламагандим, Миронов! – дурбинда кузатишда давом этаркан, деди лейтенант. – Итлар ҳам бор, демак, соқчилар. Ишлар роса жиддий, ўртоқлар!

Лейтенант дурбинни тушириб деди:

– Ҳозирча шу ерда кутамиз. Итлар ботқоқда ҳид олмайди. Немисларнинг кетишини кутамиз. Кетиши билан йўлда давом этамиз.

Гуруҳ қамишлар орасига яширинди.

Лейтенант бекорга «...кутганимдан тезроқ кўрсам керак» демаганди. Ҳарбий техникасини яширишга уринаётган немислар имкон қадар катта ҳудудни назорат остига олишга уриниши турган гап эди. Шунинг учун у немисларни анча эрта кўрганига ажабланмади.

– Демак, иш кутганимиздан ҳам жиддий! – ўзига ўзи гапиргандек деди у.

Немислар кетишга шошилмасди. Улар бир-бирларига ҳазил-ҳузул қилганларича суҳбатлашишарди. Лейтенант эса, уларни кузатаркан, ўйга берилганди. Немисларнинг туришидан улар яқин орада муқим жойлашишган. Полковник Романенко бу ҳақда гапирмаганди. Ёки бизникилар сўнгги ўзгаришлардан бехабар қолдимикин? Агар шундай бўладиган бўлса лейтенантнинг иши жуда оғирлашади. У яна йигирма чақиримча юриши керак. Кеч кирганда ҳаммасига ойдинлик киритиш мумкин. Ҳозир эса кутиш керак.

Унинг тахминлари тўғри чиқди: немислар анча олдинга силжиганди. У немислар жойлашган жойни харитага белгилаб қўйди. Бу ҳар томони ўрмон билан ўралган кичикроқ қишлоқча эди. Қош қорайиб,

немислар ботқоқ атрофларини тарк этишганида, разведкачилар қишлоққача келишди. Қаторлашган юк машиналари, кажавали мотоцикллар, қуролланган соқчилар кўринади.

— Полковник бу ерда немислар бўлишини айтмаганди! — дурбинда кузатаркан деди лейтенант. — Демак, бу ҳудудларда иш чиндан ҳам жиддий! Миронов!

— Мен! — овоз келди лейтенантнинг ортидан.

— Сенга бир топшириқ, иложини қилиб қишлоққа кирасан, маҳаллий аҳолидан бирортасини топиб гапга соласан. Немислар қачон келди, нима қиляпти, шу нарсаларни сўрайсан.

— Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант!

Миронов ниқоб-плашчини тартибга келтирган бўлди-да, ППШни қўлига олди. Буталар орасидан юрганича қишлоқ томон ошиқди.

21

Лейтенантнинг гуруҳи разведкага жўнаганида майор Громов шаҳарга бориб Жамила ҳақидаги сўровномасини Тошкентга юборди. Уруш вақтида жавоб тезда келмайди. Йўлда почталар адашиб қолиши, эгасини топгунича фурсат ўтиши турган гап. Қолаверса, жойларда ҳам одамларнинг иши бошидан ошиб ётибди. Қандайдир Жамила Қодирова ҳақидаги маълумотларни излаши, керак бўлса архивларни кўтариши керак. Майор буларни биларди. Лекин ҳар қанча кутишга рози эди. Орада бўш ўтиришни лозим кўрмай лейтенант гуруҳидаги разведкачиларнинг шахсий «иш»ларини текширмоқчи бўлди. Бир даста «иш»ни қўлтиқлаб хонасига кирди. Стол-чиروқни ёқиб дастлаб Николай Зайцевнинг ҳужжатларини кўздан кечира бошлади. Сарғайишга тушган саҳифаларни бирма-бир ағдараркан, майорнинг тунд юзи ёришиб борарди. Сўнгги саҳифани ўқиганида

эса тилла топган гадойдек суюнди. «Буни қара, халқ душманининг ўғли экан-ку!» — қўлларини бир-бирига ишқаб олиб деди. У «иш»ни ёпиб кейингисини олди. Витя Сорокин (Виктор Сорокин). Унда Сорокиннинг меҳнат лагеридан фронтга жўнатилгани, қайси лагерда жазо ўтагани батафсил битилганди. «Ие, гулдаста-ку!» — ҳаяжонини танасига сиғдира олмай гапириб юборди майор. «Демак, лейтенант Бобров разведка гуруҳига халқ душманининг ўғли, қамокдаги маҳбусни олган экан-да! Анави Жамила Қодирова деганлари ҳақида эса фикрим ўша-ўша! Ўшанда лейтенант билан атайин тил бириктириб, Клим Вишневецкийни отган... Сезувдим-а, лейтенантнинг гуруҳи анча шубҳали эканини!» Ташқарида оёқ товушлари эшитилганида хаёллари узилди. Шошганича «иш»ларни ёпиб, устма-уст тахлади-да, столи тортмасига яширди. Эшик тақиллади.

— Кираверинг! — ўрнидан қўзғалмай деди у.

Эшик очилиб хонага бир аскар кирди. У майорнинг қисмдаги ўз одами эди. У майорга ким нима деяётгани, сиёсатга қарши гапиряпти ёки йўқми, хуллас, нимаики янгилик бўлса етказиб турарди. Майор сувдондан унга ароқ куйиб берди, шўр бодринглар солинган тарелкани олдига сурди.

— Қани, нима гаплар? — унга тикилди майор.

22

Ёмғир аста томчилар, дарахтларнинг баргларига тўкилиб ўзига хос кичкина ирмоқчалар ясайди. Ёмғир суви синган ўрмон тупроғининг ҳиди димоққа урилади. Лейтенант Бобров эса на ёмғирга, на ўрмон «ифори»га эътибор беради. Унинг бутун ўй-хаёли қишлоқда, Мироновда! Унинг кетганига ярим соатлардан ошган, аммо қишлоқ томонда ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

— Сорокин! — деди кута-кута тоқати тоқ бўлган лейтенант.

— Шу ердан! — буталарга орасига яширинган Сорокин овоз берди.

— Нима деб ўйлайсан, Мироновга нима бўлган экан?

— Бир нарса дейишим қийин, ўртоқ лейтенант... Кутилмаган вазият бўлгандир...

— Масалан қандай?

— Билмадим... — Сорокин қандай жавоб беришни билмай каловланди.

Лейтенант разведкачиларни бирма-бир юборавериш мақбул иш эмаслигини тушуниб турарди. Бироқ у Мироновдан хавотирланарди. Бундай вақтларда кутиш керак. Лекин унинг кўнгли нотинч эди. Унинг ортида турган Жамила эса буни сезди.

— Ўртоқ лейтенант, рухсат берсангиз ўзим бориб келаман! — деди у.

— Йўқ! Қиз болани ёлғиз юбора олмайман! — қатъий деди лейтенант.

— Нега энди ёлғиз? — сўради Сорокин. — Мен ҳам бирга бораман!

Лейтенантнинг аввалги қатъияти бўшашиди. Бироз ўйлаб тургач, рози бўлди.

— Ҳар қандай ҳолда ҳам бир-бирингизни кўздан қочирманг! Сорокин, сен олдинда юрасан!

— Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант.

Ёмғир кучаярди. Жамила ҳам, Миронов ҳам ниқоб-плашчнинг каллапўшини кийиб олишиди. Бирин-кетин қишлоқ томон югуришиди. Яқинроқда турган юк машинасининг панасига яширинишиди. Бу ердан қишлоқдаги энг катта уйнинг деразаси ва унинг ичида гаплашаётган немис зобитлари бемалол кўринарди. Уй айвонида эса немис аскарлари гаплашиб туришарди.

— Ҳу анави ёқдаги пичанлар ортига яширина-
миз! — пичирлади Сорокин Жамилага. — Ортимдан
югурасан!

— Яхши!

Аввал Сорокин, сўнг Жамила қишлоқ ёнидаги
далага уйилган пичан ғарамлари томон югуришди.
Омадлари келди — немислар уларни сезмади. Пичан
ортида яширинаркан, Жамила унинг ғайритабиий
катталигини сезиб қолди. Ён-атрофга қаради — кенг
далада бундай пичан тепалар кўп эди. Шубҳали нар-
са яна шунда эдики, бундай даладан шунча пичан
йиғиш жуда қийин. Ўзи ҳам бир вақтлар далада беда
ўрган, қуритилган бедабоғларидан бунақа кўп тепа-
ликлар уйиш ҳазилакам иш эмаслигини биларди. У
яширинган жойидан туриб пичанни аста титкилаб
кўрди. Қўли қаттиқ нарсага тегди. Кавлашда давом
этаркан танкнинг занжири кўринди. Пичан остига
танк яширилганди, немисларнинг машҳур «Тигр»и!

— Сорокин! — деди у.

— Нима гап? — қишлоқни кўздан кечираётган
Сорокин сўради.

— Мана буни кўринг.

Сорокин ортига эмаклаб пичан остидаги танкни
кўрди.

— Демак, немислар бекорга бу ерга келмаган
экан-да! — у далани дарров кўздан кечириб олди.

— Нима деб ўйлайсан, ҳамма пичанларнинг тагида
шунақа танклар бормикин?

— Бўлиши мумкин, бу даладан шунча пичан чиқ-
майди! — деди ишонч билан Жамила.

— Гапинг тўғри, ўзим ҳам ҳайрон бўлдим, шунақа
серҳосил пичан бўладими, деб.

— Ҳамма пичан ғарамларини текшириб чиқиш
керак, — давом этди Жамила. — Шунда қанча танк
борлигини билса бўлади. Бунақа ёмғирда немислар
кўчага чиқмаса керак.

Сорокин қишлоқни қайтадан кўздан кечириб деди:

— Гапинг тўғри! Лекин Мироновни қаердан топамиз? Унга нима жин урди ўзи?

Аслида, Миронов қишлоққа киришда нотўғри жойни танлаб қўйган, яширинган жойи ёнига кейинчалик икки немис аскарлари соқчиликка қўйилганди. Улар соқчиликдан олингунча у жойида қимирлай олмас, қуроли бўлса-да, уни ишлатиш мумкин эмасди. Акс ҳолда разведкачилар ўзларини фош этиб қўйишлари, шу ернинг ўзидаёқ қаттиқ қаршиликка учрашлари мумкин эди. Ёмғир кучайиб, қош қорая бошлаганида аскарлар соқчиликдан олинди. Миронов яширинган жойидан чиқиб ўрмон ичига югурди. Қишлоққа бошқа томондан киришни ўйлади. Бу вақтда эса қарама-қарши томондан Жамила ва Сорокин югуриб келишарди. Шох-шаббаларнинг овозидан чўчиб кетган Миронов автоматини олди. Аввал Жамила, сўнг Сорокинни кўриб енгил тортди.

— Бу ердаги ишлар тугади! — деди Сорокин. — Яхши, омон экансан. Хавотир олаётгандик.

— Соқчиларнинг олдига тушиб қолибман, тфу! — бир четга тупурди Миронов. — Биқиниб ўтирдим.

— Ҳечқиси йўқ, кетдик! — улар югуриб кетишди.

Лейтенант уларни интиқлик билан кутиб ўтирарди. Уларни кўрди-ю нотинчланган юраги хотиржам тортди.

— Ўртоқ лейтенант, марказга хабар беришимиз керак! Бу ерда танклар келтирилган, ниқобланган улар!

— Зайцев, алоқага чиқ! — буюрди лейтенант.

Зайцев дарҳол рациянинг муравватларини буради, ҳар хил товушлар орасидан керакли тўлқин узунлигини қидирди. Сорокин эса маълумот беришда давом этарди:

— Бу далада элликта танк яширилган! Ҳаммаси пичан ғарамлари остида!

– Зайцев, координатларни ёзиб ол... – лейтенант қишлоқнинг координатларини айтди. – Эллик немис танки, «Тигр»! Шунини етказ!

– Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант! – қулоғига қулоқчинни тақиб олган Зайцев алоқага чиқди.

– Танкларни биринчи бўлиб ким топди? – Сорокин ва Жамилага қараб сўради лейтенант.

Сорокин Жамила томон бош ирғаб қўйди.

– Баракалла, Қодирова! – деди лейтенант.

Жамила жилмайиб қўйди, холос. Ҳарбий низом ва таомилга кўра у: «Меҳнаткаш халққа хизмат қиламан!» дейиши керак эди, негадир бу эсига тушмади. Қолаверса, шу сўзларни такрорлаш кўнглига ҳеч ўтиришмасди. Лейтенант эса бунга эътибор бермай Зайцевга қаради.

– Нима гап, Зайцев, марказ жавоб қайтардимиз? – сўради лейтенант.

Ҳали қулоқчинни ечмаган Зайцев унга юзланди-да, бош бармоғини кўтариб қўйди.

– Йўлда давом этамиз! – буюрди лейтенант, сўнг Мироновга ҳазиллашди:

– Бу сафардан кейин югуриб бориб соқчиларнинг пешонасига ўтириб олмагин, Миронов! Одамнинг ўтакасини ёрдинг!

Кимдир «пиқ!» этиб кулди. Миронов ҳам бўш келмади.

– Агар мен ўша соқчиларни ўзим билан чалғитиб турмаганимда Қодирова билан Сорокин танкларни топа олмаган бўларди.

– Бу гапинг ҳам тўғри! – ён бергандек бўлди лейтенант. – Унақада аввал сени, кейин ортингдан бошқаларни юборамиз. Зора, бу сафар каттароқ нарса, масалан, айтайлик, «Люфтфавве»нинг¹¹ нодир коллекцияларини топиб олсак, а, нима дейсан?

¹¹ Германия ҳарбий ҳаво кучлари.

— Жуда маъқул фикр, ўртоқ лейтенант! — деди кўнгли кўтарилган Миронов.

— Ҳамма тайёрни, кетдик бўлмасам! — лейтенант ортидагиларга қараб қўйди.

Ёмғир тинмасди. Ўрмон ичи ботқоққа айланаёзган, ҳар қадам қўйганда оёқлар тояр, ботмон-ботмон лой илашиб чиқарди. Разведкачилар совуқ ва қоронғи ўрмонда кўздан ғойиб бўлишди.

23

Олдинда кенг майдон ясланди. Унинг ортидан яна сийрақроқ ўрмон. Ёмғир тиниб қолган, кўкда ой ҳам кўринади. Лейтенант ниқоб-плашчига ўраниб қўлчи-роқни ёқди ва харитани кўздан кечириб олди. Майдондан ўтиб ўрмонни ортада қолдиришса немис қўшинларининг асосий ҳарбий техникаси жойлашган жойга чиқишади. Полковник батафсил маълумот берганди. Фронт чизигига ҳарбий техника шу ердан юборилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт бўлиш зарур. Бу ерда рацияни ишлатиш жуда хавфли. Пеленгаторлар ишлайди. Сўнги ўй кўнглидан ўтмасдан ўрмон томонда юк машинаси кўринди. Эътибор берилса — пеленгатор-машина эди. Юкхонага ўхшаш кузовининг томида антенага ўхшаш нарса тинмай айланиб туради.

— Пеленгатор! — биринчи бўлиб деди Зайцев.

— Кўрдим, Коля, кўрдим! — деди лейтенант.

— Энди нима қиламиз, ўртоқ лейтенант? — пеленгатордан кўз узмай сўради Зайцев.

— Гап бундай, Коля, сен Қодирова билан шу ерда қоласан! — буюрди лейтенант.

— Хўп бўлади!

Лейтенант соатига қараб олди.

— Яна ўн икки соатдан сўнг марказ билан алоқага чиқасан, ишлар режадагидек кетаётганини хабар берасан, тушундингми?

– Тушундим, ўртоқ лейтенант!

– Эфирга чиқиб бўлгач, турган жойингни ўзгартирасан. Сизлар билан, – лейтенант дарров харитани ёзди, – мана бу ерда учрашамиз!

– Хўп бўлади, – Жамила ва Зайцев бир овоздан дейишди.

– Ундай бўлса, сизларга омад! – лейтенант шундай дегач ўзи билан Сорокин, Миронов ва Литовченкони олиб, ўрмон ичида кўздан йўқолди.

Тонг ёришиб, орада эфирга чиқиш вақти келди. Зайцев рацияни филофдан чиқариб, дарҳол ишга тушиб кетди. Рацияда ишлаб марказга хабар берди. Рацияни филофга жойларкан, деди:

– Энди кетсак ҳам бўлади.

Улар ўрмон ичига қараб юришди. Кутилмаганда узоқдан итларнинг ҳургани эшитилди. Буни биринчи бўлиб Жамила эшитди. У беихтиёр юришдан тўхтаб қолди. Уни кўрган Зайцев ҳайрон бўлди.

– Нима гап, тинчликми?

– Итларнинг овози...

Улар бир муддат жим бўлиб қолишди. Бу сафар итларнинг ҳургани аниқроқ эшитилди.

– Дайди итларга ўхшамайди, – деди Жамила.

– Ортимиздан тушишдими?

Итларнинг овози билан бирга энди немисча овозлар эшитила бошлади. Зайцев Жамилага қаради.

– Бизни аниқлашган кўринади! – овозида бироз ҳадик ҳам сезилди.

– Шошмасак бўлмайди! – деди Жамила.

Иккови дарахтлар оралаб югура кетишди. Улар ортидан таъқиб этаётган итларнинг овози эса тобора яқинлашарди.

– Итларни қўйиб юборишган шекилли! – югураркан, нафаси бўғзига тиқилгудек бўлиб деди Зайцев.

Жамила таққа тўхтади ва елкасидан винтовкасини олди. Оптик нишондан ортидан тушганларни ку-

затди. Зайцев айтганидек, итлар қўйиб юборилган, немис аскарлари эса улардан анча ортда келишарди. Демак, уларни сезиб қолишган. Итлар елдек учарди. Жамила совуққонлик билан винтовкани ўқлади, нишонга олиб тепкини босди. Итлардан бири жон аччиғида вангилаганича юмалади. Жамила қолганларини ҳам кетма-кет нишонга олди. Ўрмон ичидан ўқ отилганидан сўнг немислар автоматлардан кўр-кўрона ота кетишди.

— Энди бемалол қочсак бўлади, — деди Жамила.

— Яхши...

Лекин немислар ҳам таъқибга ўтишганди. Бу билан қочиб қутула олмасликлари, барибир бирор бир жойда немисларнинг бошқа қисмларига тўқнаш келишларини ўйлаб, Жамила деди:

— Қочишдан фойда йўқ, шу ерда уларни қарши оламиз.

— Иккимиз-а?!

— Ҳа. Биз немислар эгаллаган ҳудуддамиз. Қочиб қаерга борамиз?

Жамила сўнгги сўзини яқунлашга улгурмади: ёнгиналарида миномёт снаряди ёрилди. У нима бўлганини ҳам англашга улгурмади. Кўз олди қоронғилашди, алақандай бўшлиқда бир муддат сузди. Кўзларини очганида автоматлар тариллар, ўрмон ичи ола-тасир бўлиб кетганди. Ҳушини бир жойга йиғиб олганида рацияни елкасига осиб олган Зайцев автоматдан отаётганини, немислар анча яқин келиб қолишганини кўрди.

— Омонмисан, Қодирова! — унга бир қараб қўйган Зайцев деди.

— Ҳа...

Жамила нарироқда ётган винтовкасининг тасмасидан ушлаб тортди. Дарҳол ўқлаб, немислар томон юзланди. Душман анча кўп эди. Уларни ёшгина зобит бошлаб келарди. Жамиланинг ёдига снайпер-

лар мактабидаги сабоқлар тушди: «Снайпернинг дастлабки иши қўшин бошидаги зобитлар, тулларда ишлаётганларни олиш... агар танклар бостириб келаётган бўлса кузатув тирқишларига отиш!» Жамила зобитни нишонга олиб тепкини босди. Зобит кўксини ушлаганича қулади. Таъқиб этаётган аскарларнинг шиддати ва шашти сўнди. Жамила иккинчи аскарни ҳам кулатди. Қўмондонини йўқотган немислар бирин-кетин дарахтлар ортига яширинишга ўтишди. Кўп ўтмай таъқиб сусайди.

— Тезроқ қочишимиз керак! — деди Жамила.

— Яхши...

Улар отишдан тўхтамай қочишда давом этишди. Миномёт снаряди портлаганидан Жамиланинг боши гувиллар, лекин ўзини қўлга олишга ҳаракат қиларди.

Немислар ишғол қилган ҳудудларда шўро разведкачилари пайдо бўлгани, улар кетма-кет икки марта алоқага — эфирга чиққанлари немис бош қўмондонлигини жиддий ташвишга солиб қўйганди. Айнан шу ҳудудга немислар ҳал қилувчи зарбани бериш учун гарбдан пайдар-пай жўнатилаётган ҳарбий техникани жойлаштираётган, бундан ташқари катта ёнилғи захираси жамғарилганди. Немислар бу ҳудуд ҳақидаги маълумотни ўта махфий сақлашга ҳаракат қилишарди. Немис қўмондонлигининг буйруғи билан ҳудуддаги ўрмонларни, қишлоқларни назорат остига олиш, разведка гуруҳини топиш учун алоҳида «эс-эс» қўшинларини ҳам жалб қилинди. Разведкачиларни топган ва йўқ қилган бўлинмага йигирма минг рейх маркаси ваъда қилинди. Ҳақиқий ва шафқатсиз ов бошланмоқда эди. Ора-сира йўлларда кўриниб қолаётган аскар тўла юк машиналаридан лейтенант Бобров ҳам иши оғирлашиб бораётганини ҳис қиларди. Лекин энди ортта йўл йўқ эди. Разведка ҳар қандай вазиятда ҳам тўлиқ маълумот олиши керак эди...

23

— Энди нима қиламиз? — дарахтга суюнганича ҳансираб нафас олаётган Зайцев Жамиладан сўради.

— Кейинги эфиргача яна қанча вақт бор? — сўради Жамила.

Зайцев қўл соатига қараб олди.

— Икки ярим соат.

— Икки ярим соатдан кейин алоқага чиқамиз! — ишонч билан деди Жамила.

— Нима деймиз? Марказга етказадиган ҳеч қандай маълумот йўқ-ку!

— Пеленгаторларга сигнал беришимиз учун ҳам эфирга чиқиш керак! Немисларни чалғитиш учун ҳам шундай қилишимиз шарт, унгача лейтенант Бобров ишини қилишга улгуради.

Зайцев унинг нима демоқчилигини тушунди. Немислар асосий гуруҳни эмас, балки рациядан эфирга чиқилган жойни қидиришади. Бунда анча фурсатни ютиш мумкин.

— Яхши... — деди Зайцев.

Роппа-роса икки ярим соат ўтгач, Зайцев яна эфирга чиқди. Аввалига гуруҳ белгиланган режа бўйича ҳаракатланаётгани хабарини берди. Сўнг пеленгаторлар уларнинг жойини топиши учун эфирга ҳар хил белгиларни юбориб турди. Пеленгатор аниқлаши учун керакли вақтда эфирда бўлгач, дарҳол рацияни ўчирди ва Жамилага қаради.

— Эфирда узоқ қолдим, шубҳам йўқки немислар бизни аниқлашди!

— Жуда яхши! — деди Жамила. — Энди шу ерда уларни кутамиз.

Аввалига ўзи кутмаган ҳолда буйруқлар бериб юборганидан Жамила хижолат тортди, лекин ҳозирги фурсатда ақл билан иш кўриш кераклиги кўнглидан ўтиб, хижолатпазлиги чекинди. Зайцев ҳам бун-

га бериб ўтирмади. Орадан ярим соат ўтгач, узоқдан итларнинг вовулагани эшитилди. Жамила Зайцевга маъноли қараб қўйди ва дарҳол винтовкани олди. Оптик нишонида немисларнинг катта гуруҳи келаётганини кўрди.

— Менимча, энди кетсак ҳам бўлади! — немисларнинг жуда кўплигини билгач, деди Жамила.

Ҳавода самолётлар ҳам кўринди. Улар ҳаводан туриб разведкачиларни қидиришни бошлаганди. Жамила ва Зайцевнинг омади келди — ўрмон қалин, бу яқин-атрофда бирор сайҳонлик йўқ эди. Улар югуриб кетишди...

Немисларнинг уларнинг ортидан катта гуруҳни юборган бир паллада лейтенант Бобров анча ичкарига кирган, ҳарбий техника ва ёқилги захираларини аниқлашга муваффақ бўлганди. Немислар бу атрофда разведкачилар изғиб юрганини хаёлларига ҳам келтирмасдилар.

Гуруҳ бир ҳафталик амалиётдан сўнг муҳим ҳарбий маълумотлар билан ортга қайтди. Бу маълумот дарҳол Москвага — Ставкага юборилди.

24

Немислар кенг фронт бўйлаб ҳужумга ўтди. Аввал оғир артиллерия ишга солинди, сўнг «Тигр»лар юришни бошлади. Камига «Дюфтваффе»нинг самолётлари ҳаводан ҳужумга ўтди. Биринчи кунги жанглар шиддатли бўлди. Немисларнинг ялпи ҳужуми шўроларнинг мудофаада турган айрим қўшинларига жиддий шикаст етказди. Ана шундай фронт чизиғи полковник Романенко қўшинлари эгаллаган марраларга тўғри келди. Айнан полковник энг оғир зарбани қабул қилишга мажбур бўлди...

...Кенг далада «Тигр»лар кўринди. Уларнинг ортида немис автоматчилари. Артиллерия биринчи бў-

либ ишга киришди. Бирин-кетин тўплар ота кетди. Снарядлар гоҳида нишонга тегар, танк бурқсиб тутар ёки танклар ёнида портларди. Танклардан отилган снарядлар қайсидир тўпни ботмон-ботмон тупроққа қўшиб тўзвитар, одамларни ҳалок қиларди. Тўплар тинмас, танкларнинг адови кўринмасди.

Мудофаадаги аскарлар қаторида снайперлик винтовкаси билан Жамила ҳам фурсат пойларди. Унинг ёнида эса пулемётдаги икки аскар. Бири отувчи, иккинчиси ўқловчи. Улардан бири ҳар замон-ҳар замон Жамилага гап отиб қўярди, Жамила эса унга жавобан жилмайиб қўярди, холос. Уларнинг окопи анча баланд тепада эди. Бу ердан бутун жанг майдони қафтдек кўриниб туради.

— Яхши қиз, винтовкангиздан бошқа қуролни ҳам отиб кўрганмисиз?

— Хавотир олманг, машқларда отганман.

— Пулемёт ҳам отганмисиз?

— Ҳа.

— Ух-ху! Ишлар жиддий!

Бу орада танклар ва немис автоматчилари анча яқинлашиб қолганди. Уларни кузатиб турган зобит ўт очишга буйруқ берди. Окопдаги аскарлар бирданига ўт очиб юборишди. Милтиқлар, автоматлар ва пулемётлар отарди. Танкка қарши қуроллар ҳам ишга тушди. Аввалига артиллерия билан курашган танклар энди аскарларга қарата отишга ўтди. Снарядлар гоҳ окопдан анча нарида, гоҳида унинг ортида ёриларди. Бундай вақтларда ер оғир-оғир силкинар, мана-мана ёриладиганга ўхшаб кетарди. Лекин танклар анча яқинлашганида снарядлар нишонга етиб қоларди. Талафот орта бошлади. Бироқ ҳеч ким чекинишни хаёлига ҳам келтирмайди. Худди ҳаёт учун эмас, ўлим учун курашилаётгандек эди.

Жамила урушнинг шиддати ва даҳшатини энди кўрди, ҳис қилди. Шундай бўлса-да, у танклар ортида-

ги немис аскарлари орасида зобитларни тез қидириб топар, уларни нишонга оларди. Бир-икки марта снаряд ундан анча нарида ёрилди. Омади келди — тупроқ уюми остида қолди. Бир амаллаб суғурилиб чиқди, нарироққа учиб кетган винтовкасини топди. Кетма-кетма ўқдонни бўшатди. Бу сафар пулемётчиларнинг қоқ қаршисида снаряд ёрилди. Тинмай тариллаётган пулемёт бирдан тинчиди. Жамила жон ҳолатда йигитларга ёрдамга ошиқди. Улардан бири окоп ичида ҳушсиз ётар, ўликми-тирикми, билиб бўлмасди. Шериги эса бошини чангаллаганича ўтириб қолганди.

— Сизга нима бўлди? — Жамила унинг елкасидан ушлаб сўради.

— Пулемётдан... ота оласанми? — хириллаб сўради йигит. Унинг чаккаси ҳам ёрилганди.

— Ота оламан! — деди Жамила қатъий.

— Мен... мен... сенга ёрдам бераман... Пулемётни ўрнат!..

Пулемёт окоп четида қийшайиб қолганди. Жамила шоша-пиша уни тўғрилади. Хийла ўзига келган йигит патрон тасмани пулемётга жойлади. Жамила рўпарадаги, анча яқинлашиб қолган танк ортидаги немис автоматчиларини нишонга олди. Пулемёт бир муддатга ўчганидан улар шу томон илдам келишарди.

— От! — буюрди уларга алам билан қараб турган йигит.

Жамила пулемёт дастасидан қўшқўллаб ушлаганича тепкини босди. Унинг қўллари, елкалари, бутун бадани титрар, пулемёт эса олов сочарди. Нишонга яқин немислар яширинишга улгуришмади. Танк эса пулемёт яна тилга кирганини кўриб стволини кўтара бошлади. Танқдан кўзларини узмай турган йигит эса қичқирди:

— Отма! Отма!

Жамила унга қарашга улгурмади. Йигит жон ҳолатда пулемётга ташланди ва уни ушлаганича окоп ичига яширинди.

— Ёт! Ёт! Окопнинг ичига ёт! — қичқирди у Жамилага қараб.

Жамила дарров окоп ичига ётиб, бошини қўллари орасига олди. Окопнинг шундоқ ёнида снаряд портлади. Бу ҳозиргина пулемёт турган жой эди. Йигит уст-бошидан тупроқни сидириб ташларкан, Жамилага пулемётни берди. Ўзи эса нарироқда турган патрон тасма тўла яшиқни базур кўтарди.

— Юр! Нарироқдан отамиз! Тез-тез юр!

Жамила унинг нима демоқчилигини тушунди. Пулемётнинг жойини ўзгартиришмоқчи. Оғир пулемётни кўтарганича окопнинг бошқа жойига ўрнатди. Бу ердаги аскарларнинг кўпи ҳалок бўлган, уларнинг жасадлари окопнинг ичида қолганди. Жамиланинг ортидан келган йигит оғир ҳансираб, патрон тасмани пулемётга жойлади. Ўзи эса гранаталар боғламини қўлига олди.

— Гап бундай, — деди оғир нафас олиб. — Сен... отавер! Менинг ташқарида қиладиган ишим бор.

Жамила унинг гапига тушунмаса-да, пулемётни дарҳол окоп четига ўрнатди. Яна немисларни ўққа тутта кетди. Гранаталар боғламини ушлаган йигит эса окопдан чиқди-да, бостириб келаётган танк томон эмаклай кетди. Шундагина Жамила унинг нима қилмоқчилигини тушунди. Эмаклай-эмаклай танк остигача етган йигит бирдан қаддини ростлади ва гранаталарни улоқтиришга улгурди. Танк бурқсиб туттади. Танк люки очилиб, немис танкчилари кўринди. Ҳаммасини кузатиб турган Жамила пулемётни шу томон буриб ўт очиб юборди...

«Тигр»ларнинг кети кўринмасди. Улар окопга яқинлашиб қолганди. Снарядлар эса окопнинг кулини кўкка совурарди. Ана шундай снарядлар кетма-кет Жамила турган жой ёнида портлади. Иккинчи снаряд портлаганида Жамила қалқиб кетди, қаерга тушгани сезмади, камига устига нимадир оғир нарса тушгандек бўлди. Ҳушини йўқотди...

...Оппоқ бўшлиқдан Камолиддин чиқиб келди. Бошида янги дўппи, эгнида оқ яктак. Қўлида коса. У негадир жилмайди. Аввал ўнг қўлини тутди. Ўша қўли тутиб ўрнидан турди. Сўнг Камолиддин косани узатди. Унда сув бор эди. Сувдан сипқарди. Вужудига жон ҳам қайтгандек бўлди. Камолиддинга раҳмат назари билан боқди. У эса яна жилмайди. Косани олди-да, ортига ўтирилди. Оппоқ бўшлиққа сингиб кетди.

...Хушига келганида аъзойи-бадани карахт бўлиб қолган, кўз олди қоп-қоронғи. Қимирлашга уриниб кўрди. Эпломлади. Яна ҳаракат қилди, яна, яна... Кутилмаганда устидаги оғирлик енгилашгандек бўлди ва енгил нафас ола бошлади. У қалин тупроқ остида қолганини сизди. Бир амаллаб тупроқ остидан чиқди. Қўл-оёқлари уюшар, камига оғриқлар азобларди. Ён-атроф тинчиб қолган, бирор тирик жон кўринмасди. Фақат... жасадлар! Мажақланган ва тутаб ётган «Тигр»лар. Кейин коса узатган Камолиддин ёдига тушди. Тоғасининг айтганларини эслади: «Сув — тириклик!» Бир муддат гарангсигандек туриб қолган Жамила англадики, немислар мудофаани ёриб ўтишган. У ҳужумга ўтган немисларнинг ортида қолганини тушунди. Энди у нима қилиб бўлса-да, немисларга чап бериб, яна ўзимизникиларга етиб олиши керак. Лекин бу иш осон эмаслигини у ич-ичидан ҳис қилиб турарди.

25

Хосиятсиз ва ғариб шаҳар; кўчада одамлар кўринмайди. Сувоқлари кўчиб, фишлари яланғочланиб қолган бинолардаги айрим деразалар устига тахта қоқилган, баъзиларига эса қуроқ мато ташлаб қўйилган. Катта кўчадан немис мотоциклари, аскар тўла юк машиналари ўтганида пана-пастқамга бер-

кинган одамлар уларни ҳадик ва кўрқув билан кузатиб қолишди. Шўро қўшинлари чекингани, шаҳар немисларга ўтганига энди бошқа исбот керак эмасди. Бир вақтлар болалар билан гавжум бўлган мактабнинг боғида яшириниб турган Жамила немисларни кузатаркан, фронт чизигининг бу қадар шарққа чўзилганига ишонгиси келмасди. У шаҳарга етиб олсам бас, у ердан ўзимизникиларни топаман, деган хаёлда эди. Адашган экан. Ўрмон ва ботқоқларда неча кунлаб улоқиб-тентираб юрди, оч-наҳор қолди. У фақат шаҳарга етиб олишни ўйларди, холос...

Кўча яна ҳувиллаб қолди. Жамила анчагача яширинган жойидан чиқишга кўрқди. Юрагидаги ҳадикни енгиб, мактабдан чиқди, тез-тез юрганича кўримсиз икки бино ўртасидаги тор йўлакка кирди. Қаршисидан чиққан ҳовли ҳам бўш. У қайси томонга юришни билмади. Устига-устак ҳарбий кийимда, шундоқ кўзга ташланади. У таваққалига дуч келган эшикни тақиллатди. Эшик ортидан:

— Ким у? — деган ҳуркак овоз эшитилди.

Дабдурустан Жамила нима дейишини билмади. Бир муддат жавобда ҳаяллаб, деди:

— Мен... Қизил Армия жангчисиман... Қаёққа боришни билмай эшигингизни тақиллатдим...

Эшикнинг занжири туширилди, қулфи шиқирлади. Эшик очилиб баланд бўйлик, 55-60 ёшлардаги, қорасидан оқи кўп сочи орқага таралган, кўринишидан зиёлиларга ўхшаб кетадиган киши кўринди. У аввалига Жамилани ошкора қизиқиш билан кўздан кечирди. Сўнг Жамиланинг ортига қараб, ҳеч ким йўқдигига ишонч ҳосил қилгач ичкарига киринг, деган маънода бош ирғади. Жамила ичкарига кирди. Нисбатан кенгроқ ва хира йўлакда елкасига жун рўмолини ташлаган, 50-55 ёшлардаги аёл ҳам турарди. Унинг юзи хавотирли, нигоҳлари ташвишли эди. Жамила дарров унга салом берди. Аёл алик олди.

— Мени кечиринглаар... ўзимизникилардан қолиб кетдим... — хижолатомуз деди Жамила.

— Хижолат бўланг... дарвоқе, исми-шарифим Арон Моисеевич, — ўзини таништирди хонадон соҳиби. — Аёлим, Клавдия Филипповна!

— Жамила... Жамила Қодирова...

— Фронгда... уруш даҳшатли бўлганини эшитдик, — деди Арон Моисеевич. — Бир ҳафта олдин бизникилар шаҳарга чекинганди, жангсиз чиқиб кетишди. Шаҳарни немислар эгаллаган. Ҳамма ёқда гестапонинг жосуслари изғиб юрибди. Сизни кўриб қолмаганлари — омадингиз! Клавдия Филипповна, меҳмонга бирор егулик берайлик.

Жамила шундагина ўлгудек оч эканини ҳис қилди.

— Ҳа, албатта, албатта! — шошиб қолган Клавдия Филипповна ошхона томон юрди.

— Марҳамат, бу ёққа юринг, — Арон Моисеевич ошхонага таклиф қилди.

Хона ўртасида тўғарак стол, устига оқ мато ёпилган. Клавдия Филипповна тезда дастурхонга чойнак ва стаканларни, тарелкаларда нон, қайнатилган картошкларни қўйди.

— Сиз тортинмай олаверинг, — деди Арон Моисеевич.

Очлик устун бўлган жойда тортиниш ёки уят чекиниб туради. Жамила оч эди. У дарров нон ва картошкани олди. Клавдия Филипповна стаканга чой қуйиб узатди. Уни кузатиб ўтирган Клавдия Филипповнанинг кўнгли эзилди. Уруш бошланди-ю йигитлар қаторида гул-гул қизлар фронтга отланишди. Қурол отишга қўрққанлар ҳамширалик қилгани жўнади. Уларнинг якка-ягона ўғли, Москва давлат университети физика факультетининг 3-курс талабаси Георгий ҳам урушга кетган. Кейинги ойлари ундан бир энлик хат ҳам келмади. Шўрлик ота-она Худодан ўғиллари тирик бўлишини сўрашади.

— Бизникилар қаердалигини билмайсизми, Арон Моисеевич? — сўради Жамила.

— Билмайман, қизим, — чуқур уҳ тортиб деди Арон Моисеевич. — Билмайман, қизгинам. Ҳатто урушда нималар бўлаётганини ҳам билмаймиз. Радиоприемниклар тортиб олинган, ким радиони эшитса отиб ташланяпти. Ёлғиз ўғлим ҳам урушда, қаердалигини билмаймиз, — у ўликми-тирикми, деёлмади. Тили бунга айланмади.

— Арон Моисеевич, мен иложини қилиб ўзимизникиларга етиб олишим керак. Шу... агар иложи бўлса кийим-бошимни алмаштириб олишга ёрдам берсангизлар.

— Албатта, нега ёрдам қилмас эканмиз! — деди Арон Моисеевич. — Клавдия Филипповна, ахир сенинг қизлик кийимларинг бормиди?

— Ҳа, бор эди! — Клавдия Филипповна ўрнидан чаққон турди-да, қўшни хонага чиқди ва шкафни титкилашга тушди.

— Сиз бемалол ейверинг! Олинг! Мана бу картошкани ҳам енг! — Арон Моисеевич картошка солинган тарелкани Жамиланинг олдига яқинроқ сурди.

Минг истиҳола билан Жамила картошкага қўл узатди.

Клавдия Филипповна бир қучоқ кийим кўтариб чиқди.

— Мана, мосини танлаб олинг, — деди у.

Жамила кийимларни олди ва ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай у умуман бошқа қиёфада қайтиб чиқди. Эр-хотин уни таний олишмади. Ҳарбий кийим ва қўпол этиқдаги аскар ўрнида қизлик нафосати ва гўзаллиги барқ уриб турган қиз буй берганди. Клавдия Филипповна бир вақтлар кийган оқ кофта, ихчам костюмча ва юбка Жамилага шундоқ ярашиб тушганди. Агар сочини икки ўриб, тасма тақиб олса талаба қизларга ўхшаб қоларди.

– Буни қара, Клавдия Филипповна, қора кўзлари ва қошлари демаса, сенинг қизлик вақтингдагидек!
– деб юборди Арон Моисеевич.

– Нимасини айтасиз, Арон Моисеевич! Ҳа, айтгандек, туфли эсимдан чиқибди.. эсим курсин! – Клавдия Филипповна яна шкафни титиб бир жуфт туфли топиб чиқди.

– Мана, буларни ҳам қизлик вақтимда кийгандим, – Жамиланинг қўлига тутқизаркан, деди у.

Жамила бу саховатли ва меҳрибон инсонларга қандай миннатдорчилик билдиришни билмасди...

26

Жамила Арон Моисеевич ва Клавдия Филипповна билан хайрлашиб ташқарига чиқди.

Кўчада одамлар сийрак. Биров билан бировнинг иши йўқ. Жамила тез-тез қадам ташлаганича юриб кетди. Навбатдаги мутолишдан чапга бурилганида кутилмаганда икки немис аскарига дуч келди-ю, илонни кўргандек сесканиб кетди. Ҳатто юраги уришдан тўхтаб қолгандек туйилди. Аскарлардан бири унга ажабланиб тикилиб қолди. Жамила маҳаллий халққа ўхшамасди – қош-кўзлари қора, буғдойранг чеҳрали. Аскар негадир елкасига осиб олган милтиқни олди.

– Juden¹²? – сўради у аввалига немисчада.

Жамила тушунмадим деган маънода бошини сараклатди.

Иккинчи немис аскари бузуқ талаффузда сўради:

– Еврейка?

Жамила бу сафар «йўқ» деган маънода бошини сараклатди. Аскарлар унинг жавоби билан қаноатланишмади. Милтиқини қўлига олган аскар «олдимга туш» дегандек ниқтади. Жамила буйруққа итоат этиб, кўрсатилган томонга юрди. Эшик усти-

¹² Яҳудий.

га «Komendatur» дея ёзилган икки қаватли бинога келтиришди. Эшиқдан кириб иккинчи қаватга кўтарилишди. Шаҳарга коментдант — назоратчи этиб тайинланган немис зобити хонасига олиб киришди. Аскарлардан бири немисчада зобитга нималардир деб тушунтирди. Зобит Жамилага қаради. Хийла чиройли талаффузда русчада Жамиладан сўради:

— Исми-фамилиянгиз?

Жамила мияси тез ишларди. Ҳамма саволларга шубҳага ўрин қолдирмайдиган қилиб жавоб бериши керак. Акс ҳолда аскар эканини сезиб қолишлари мумкин. Исми-шарифини айтгани билан бу немисларга ҳеч нарсани англамайди. Асосийси, қолган жавобларда пухта бўлса, бас.

— Жамила Қодирова, — деди у.

Зобит унга ажабланиб қаради. Қаршисидаги қизнинг на ташқи қиёфаси, на исми славянчага тўғри келади.

— Миллатингиз нима? Яҳудиймисиз?

Жамила индамай кўзларини ерга тикди. Ўзбекман, деса армияга чақирилган бўлиши мумкин, деган шубҳага бориши мумкин.

— Шу ерда яшайсизми?

— Йўқ... қариндошларимни кўргани келгандим...

— Улар кимлар? Қаерда яшайди?

— Улар кўчиб кетишибди...

Зобит унга ишонқирамай қаради. Лекин қандайдир бир қиз билан бошини ортиқ оғриттиси келмади. Қаршисида уюлган қоғозларга ички хўрсиниш билан қараб қўйди-да, эшик ёнида турган аскарларга немисчалаб буюрди:

— Бунга олиб бориб геттога, Германияга юбориладиганлар орасига кўшинлар! Кейин, олдимга ҳар хил қаланғи-қасанғиларни олиб келаверманглар!

— Хўп бўлади, жаноб оберштурмбанфюрер! — этикларининг пошнасини бир-бирига уриштиргудек бўлиб деди аскар.

У Жамиланинг биллагидан ушлаб ташқарига судради. Зобитнинг нима деганлигини тушунмаган бўлса-да, Жамила воқеаларнинг кейинги ривожини яхшиликка эмаслигини ҳис қилди...

...Тор, зах хонада ҳаммаси аёллар, болалилари ҳам бор. Эшик ёнидаги аёл йиғлаётган эмизикли боласини қандай овутишни билмай ҳалак. Бола чирилмайди, онасининг қўлларида бетоқат тўлғонади.

— Бола бечоранинг бели оғриб кетди! — Жамиланинг олдида ўтирган кексароқ аёл сўз қотди. — Унинг белини қорнингга қилиб кўтар, енгил тортади! Забони йўқ, айтолмайди, бечора! Ўзингни ҳам белинг оғрисин-чи, қандай қиларкинсан...

Кекса аёлнинг айтгани қилинганда бола дарров тинчиб қолди. Боланинг онаси ҳам енгил сўлиш олди.

— Айтмадимми сенга, болани энди бундай кўтарма, эзиб қўясан! — давом этди кекса аёл. Сўнг Жамилага юзланди-да:

— Сув ичасанми, қизгинам? — дея сўради.

Ташналиқдан Жамиланинг томоғи қақрар, лекин сув тунука идишда сув ушлаган бу аёлдан ийманиб турарди.

— Ҳа... озгина берсангиз... — деди у тортиниб.

Аёл идишни Жамилага узатди. Жамила идишни қўшқўллаб олаётганида аёл унинг қўлларини ушлади-ю бир муддат қўйиб юбормай турди. Худди унинг бармоқларини текшираётгандек эди. Жамиланинг тааж-жуби ортди, сўнг аёл шошганича қўлларини бўшатди.

— Сен қаердансан, шаҳарда ҳеч кўрмаганман? — дея сўради.

Жамила жавоб беролмай қолди. Ҳар кимга айтаверса бўлмайди, фош бўлиб қолиши мумкин.. Аёлнинг овози ўйларини тўзғитди:

— Меҳмонмисан?

— Ҳа.

— Исминг нима?

— Жамила...

Аёл унга саволомуз қаради.

— Мусулмонмисан? — сўради у.

Жамила бундай саволларга кўникмаганди. Биров ундан «мусулмонмисан?» деб сўраган эмасди. Бундай мавзуларда аввал ҳеч суҳбатлашмаган. Қолаверса, уйда экан бунақа нарсалар ҳақида очиқ-ошкор сўзланмас, мабодо туйқус гап очилиб қолса имо-ишоралар билан мавзу ёпиларди-қўярди. Одамлар эътиқод ҳақида гаплашишдан қўрқарди.

— Исмнинг арабча экан, — давом этди аёл.

— Арабчани биласизми? — аёллардан бири сўради ундан.

— Йўқ, билмайман. Агар билсанг, аслида иврит ва арабча бир-бирига анча яқин. Жамиил — арабчада гўзал, дегани. Бу қизнинг исми ҳам чиройига мос экан. Қаерданлигингни айтмадингку, эй, қиз! — аёл яна Жамилага юзланди.

— Ўзбекман, — деди Жамила.

— Бу томонларда нега адашиб юрибсан? — сўради яна уша аёл. — Мусулмон экансан ёки бизлар билан қисматдош бўлмоқчимисан?

Жамила бош чайқади, сўнг:

— Шунақа бўлиб қолди.

— Университетнинг талабаси бўлсанг керак? — на-рироқда ўтирган, ориқ, ранги захил қиз сўраб қолди.

— Ҳа... шундай, талаба эдим... — ёлгон гапирганидан ўнғайсизланган Жамила бу шаҳарда қандай университет борлигини тасаввур ҳам қилолмасди.

— Кўп талабалар шаҳардан кетолмади, — давом этди ўша қиз. — Яшириниб юришибди. Бизларни энди нима қилишаркин энди?

— Нима қилишарди, Германияга жўнатишади! — совуқ оҳангда деди кекса аёл. — Ўтган сафарги аёлларни ҳам Германияга юборишибди, қўшним айтиб қолувди.

— Германияга олиб бориб нима қилишади? — Яна бошқа аёл суҳбатга қўшилди.

— Ҳар ҳолда ўйнатгани эмас, шакарим, — деди кекса аёл. — Ишқилиб яхшиликка бўлсин-да, — деб қўйди ўзи эшитадиган қилиб.

Аслида у яҳудий аёлларни қаерга олиб боришларини яхши биларди. Немислар Польша ёки Белоруссияда ташкил қилинган геттолардан¹³ одамларни Польшадаги ўлим лагерлари — Аушвиц ёки Биркенауларга пайдар-пай жўнатаётганларини эшитганди. Аммо у ерлардаги газ камераларига одамларнинг ташланаётганини билмасди. У нари борса аёлларни ҳам мажбурий меҳнатта солишади, деган хаёлда эди...

Хонада ҳамма жим бўлиб қолди. Кекса яҳудий аёл Жамила томон аста энкайиб пичирлади:

— Сен талаба эмассан, тўғрими? Чекист ёки ҳарбийсан, тўғри топдимми?

Жамила унинг кўзларига тикилганича қотиб қолди. Бу аёлнинг нияти нима? Немисларга сотиб қўйса-я! Кейин ўзини қандай ҳимоя қилади?..

— Менга бундай қарама, қизгинам, — яна пичирлаб деди аёл. — Сени немисларга топширмақчи эмасман. Фақат менга ёрдам берсанг бўлди.

— Қанақа ёрдам?! — ажабланди Жамила.

— Эшик ёнида ўтирган жувонни кўрдингми, боласини ухлатаётган? — сўради аёл.

— Ҳа...

— У менинг келиним, қўлидаги неварам. Улар нима қилиб бўлса ҳам қочиши керак, тушундингми? Сендан бошқа одам ёрдам бера олмайди.

— Нега энди бирдан менга ишониб қолдингиз? — ҳайрон бўлиб сўради Жамила.

¹³ Иккинчи жаҳон уруши вақтида немислар шарқий Европа ҳудудида яшайдиган яҳудийлар учун махсус жамлоқлар — геттолар ташкил этишганди.

— Уруш кўрган экансан, бунақаларнинг қўлидан ҳар нарса келади.

— Уруш кўрган?! Сиз мени ким билан адаштири-япсиз, шекилли...

— Кўрсаткич бармоғинг озгина қадоқ бўлган, қизгинам, — жилмайди аёл. — Одатда милтиқнинг тепкисини кўп босадиган ҳарбийларнинг бармоғи шунақа бўлади.

Шунда Жамила бу аёл бекорга унинг қўлини узоқ ушлаб қолмаганини тушунди.

— Бу ердан қандай қочишни, очиги, билмайман, — деди у.

— Бу ер аввал марказий универмагнинг омбори бўлган, — тушунтирди аёл. — Урушгача, шунингдек, ҳарбий захираларни ҳам сақлаганмиз...

Жамила ялт этиб унинг кўзларига қаради. Миясида аёлнинг сўнгги сўзлари айлана бошлади: «...ҳарбий захираларни ҳам сақлаганмиз». Демак, бу аёл ҳам аввал ҳарбий соҳага алоқадор вазифада бўлган... Унинг кўнглидан ўтган ўйларни тасдиқлагандек аёл деди:

— Мен 36-йилгача НКВДда ишлаганман, бу ерларнинг паст-баландини жуда яхши биламан.

Бармоғидаги қадоққа шунинг учун эътибор берганини Жамила энди тушунди.

— Немислар бизни ташқарига олиб чиқишаётганида узун йўлақдан ўтамиз, — давом этди аёл. — Узунлиги эллик метрга етади. Ўртасида ўнг деворда электр тармоғи туташадиган жой махсус ичкарига ўйиб ишланган. Икки-уч киши бемалол яширина олади. Қоронғида буни ҳеч ким сезмайди. Шундан фойдалансанг бўлади.

— Ўзингиз-чи?

— Мен ярамайман, чопиш тугул, юришга ҳам қийналаман. Сен чаққон экансан, қолаверса, ҳарбийсан. Бунақа вазиятларда қандай йўл тутишни биласан. Сенга ишонсам бўладими?

Жамила бир муддат ўйланиб тургач, тасдиқ ишорасида бош ирғади.

— Берта, ёнимга келгин, қизим! — эшик томон овоз берди аёл. — Ҳаво кирадиган жойда ўтирсин деб ўша ёқда қолдиргандим.

Аёлнинг келини — Берта ухлаб қолган боласини бағрига босганича аёллар оралаб келди.

— Болам, — овозига махфий тус бериб деди аёл. — Бу қиз билан қочасизлар.

Берта Жамилага қараб олди. Хона анча қоронғи бўлса ҳам унинг кўзлари катта-катта очилиб кетгани, қўрқаётгани сезилиб қолди.

— Унинг айтганларини қиласан, у нима қилишни билади! — келинига уқтирди аёл ва Жамилага юзланди: — Армияда ким бўлиб хизмат қилаётгандинг?

— Разведқада эдим, снайперман, — деди Жамила.

Аёлнинг сўник кўзлари қувончдан порлади. Разведқага ҳаммани ҳам олавермасликлари, боз устига, Жамиланинг снайпер эканини умидларини кучайтирди. У Жамилани кучоқлаб олди.

— Сени менга Ҳудонинг ўзи юборди, — кўзларига ёш келди аёлнинг. — Келиним ва неварамни омон қолишларига ёрдам бер, сенда ўтинаман!

— Йиғламанг, қўлимдан келганича ёрдам бераман, — Жамиланинг ҳам кўнгли бузилди.

Хонага жимлик чўқди. Бу кишига умид берадиган сукунат эди.

27

Хонанинг эшиги зарб билан очилиб, қоронғида автомат кўтарган икки немис аскарлари кўринди. Улар бақирчақир қилишиб аёлларни ташқарига чиқишни буюришди. Аёллар дув этиб ўрниларидан кўтарилишди.

Жамиланинг ёнида ўтирган кекса аёл дарров ўрнидан турди, келинига туришга ёрдам берди ва Жа-

милага маъноли қараб қўйди. Жамила Бертанинг қўлидан болани олди, иккинчи қўли билан унинг билагидан ушлади. Берта қайнонасига қараб-қараб қўйди ва нигоҳлари билан хайрлашган бўлди. Жамила унинг билагидан тортгач, аёллар орасига сингиб кетди. Талотўп уларни ўзи билан олиб кетди. Лекин Жамила ҳар қадамини санаб кетарди. Саноқ қирқ бешга етганда беихтиёр секинлади. Ўнг томондаги ўйиқ жойни топиш илинжида қадам ташлади. Чекист одати бўйича аёлнинг ҳисоблари иш берди — роппа-роса элик қадам деганда ўша жой кўринди. Жамила аввал ўзини, сўнг Бертани билагидан тортиб ичкарига олди. Йўлакнинг бу қисмида биронта чироқ йўқ, қоронғи, кетма-кет ўтаётган одамлар элас-элас кўзга ташланади. Бироқ улар шундоқ ёнларида икки аёл ва бир гўдакнинг яширинганини сезишмасди. Улардан энг охирида биринчи немис аскарлари ўтди. Иккинчиси эса ҳадеганда ўтавермасди. Жамила ҳам, Берта ҳам нафасларини ичга ютгудек туришар, бахтларига бола ухлаб ётарди. Орага шундай жимлик чўқдики, ҳатто боланинг пишиллаб ухлаётганини ҳам аниқ-тиниқ эшитила бошлади. Шунда даҳлизда қадам товушлари эшитилди. Бу иккинчи немис аскарлари эди. Жамиланинг назарида у жуда имиллаб қадам ташлаётгандек эди. Кутилмаганда аскар улар яширинган жойга келганда тўхтаб қолди. Чўнтақларини кавлаб сигарет ва гутурт қутисини олди. Сигаретни лабига қистириб гутурт чақди. Унинг нигоҳи фақат сигаретда бўлганидан шундоқ ўнг қўлида бир зумга ёришган икки аёлни сезмади. Жамила ҳам, Берта ҳам чин ўлик тусига киришган, агар ёруғ бўлганида уларнинг ранги бўздек оқариб кетгани билинган бўларди. Жамила ўзи учун эмас, балки пишиллаб ухлаётган гўдакнинг тақдиридан қўрқарди. Сигаретини тутатиб олган немис аскарлари юриб кетди. Жамила ҳам, Берта ҳам енгил нафас олишди. Гўдак эса қотиб ухлаб ётарди.

— Ўлиб тирилдим... — анчагача жим бўлиб туришгандан кейин деди Берта.

— Мен ҳам! — деди Жамила.

— Энди нима қиламиз?

— Яна бироз кутамиз, ҳали ёруғ, кеч кирганда ташқарига чиқсак бўлади.

— Хўп...

Орада яна яширинган жойларида биқиниб туришди. Ташқарида овозлар тингач, Жамила деди:

— Энди чиқсак бўлади, эҳтиёт бўлинг.

— Яхши...

Улар ҳадик ва хавотир ичида йўлақдан юришиб бино ҳовлисига чиқишди. Оёқ остида ҳар хил нарсалар ўралашган.

— Ўзингизни дадил тутинг, ҳаракатларингиз бировда шубҳа туғдирмасин, — тушунтирди Жамила.

— Тушундим, — деди ундан ортда қолмаслик учун қадам ташлаётган Берта.

Қош қорая бошлаган. Одамлар кўринмайди, Жамила эса ўзига таниш бўлиб қолган кўчалардан шошганича кетиб борарди. Ниҳоят, улар икки кўримсиз бино ўртасидаги йўлақдан ўтишди. Жамила икки-уч кун аввал меҳмон бўлган уйнинг эшигини тақиллатди. Эшикнинг Арон Моисеевич очди. У Жамилани кўриб кўзларига ишонмади.

— Нима бўлди, қизим? — сўрашишни ҳам унутиб сўради у.

— Арон Моисеевич, немисларнинг қўлидан қочиб келяпмиз, — деди Жамила.

Арон Моисеевичнинг ортида Клавдия Филипповна кўринди.

— Вой шўрим! — деб юборди у. — Арон Моисеевич, уларни нега уйга таклиф қилмаяпсан!

— Эсим қурсин! Қани, тез уйга киринглар! — деди Арон Моисеевич.

Жамила ва Берта ичкарига киришди.

— Арон Моисеевич, Берта сизларникида яшаб турса бўладими? — сўради Жамила. — Яхудий аёлларни немислар қаёққадир жўнатишаётган экан. Бир амаллаб у ердан қочдик...

— Ҳа, ҳа, албатта! — Арон Моисеевичнинг ўрнига Клавдия Филипповна жавоб берди ва Бертанинг қўлидан болани олди.

— Мен кетишим керак, — деди Жамила. — Ўзимизникиларга етиб олишим керак.

Аввалига Арон Моисеевич нима дейишни билмади. Жамиланинг қатъий нигоҳи қаршисида чекиниб, деди:

— Омон бўл, қизим! Омон бўлсак яна кўришамиз!

— Худо хоҳласа! — деди Жамила.

— Сизга катта раҳмат, — Берта беихтиёр Жамилани кучоқлаб олди ва анчагача кучоғидан бўшатмади.

Жамила Арон Моисеевич ва Клавдия Филипповна билан ҳам хайрлашди. Клавдия Филипповнанинг қўлларида типирчилаётган боланинг юзларидан авайлаб чимчиб қўйди-да, ташқарига чиқиб кетди...

28

— Тўхта! Қўллариңгни кўтар! — буталар орасидан таҳдидли овоз эшитилди.

Ҳолдан тойган Жамила қўллариңни кўтарди. Қалин ўсган буталар орасидан милтиқ ўқталган икки шўро аскари чиқиб келишди. Уларни кўриб Жамила хурсанд бўлиб кетди. Ниҳоят, у фронт чизигини кесиб ўтганди.

— Кимсан?

— Мен... аскарман...

Унинг кийимларига қараб қўйган аскар шубҳаланди.

— Ҳужжатлар!

Арон Моисеевичнинг уйида кийимларини алмаштирганида ҳужжатлари шинелида қолиб кетган,

қолаверса, немислар ишғол қилган ҳудудларда Шўро аскари эканлигини тасдиқловчи ҳужжат билан жуда хавфли эди.

— Ҳужжатларимни йўқотиб қўйдим, — деди Жамила. — Қисмимиз... енгилди, омон қолганларни кўрмадим.

Аскарлар «нима қиламиз» деган маънода бир-бирларига қараб олишди. Улардан бири:

— Олдимга туш, борганда ўзлари текширишади, — деди.

Жамила буйруққа бўйсунди. Аскарлар ортидан юрди...

...Лейтенант қаршисида ўтирган Жамилага совуқ қараб қўйгач, сўради:

— Исми-шарифингиз? Қайси қисмда хизмат қилгансиз?

— Жамила Қодирова. 33-мото-ўқчи дивизиясида хизмат қилганман...

— Қандай ҳолатда асир тушдингиз?

— Асир тушганим йўқ... Жанг вақтида қаршимда снаряд ёрилди, тупроқ остида қолиб ҳушимни йўқотибман. Ҳушимга келганимда бизникилар алақачон чекинишган экан...

— Бу гапларингизни тасдиқлайдиган одам борми?

Жамила таажжубланди. Бундай терговдан муддао нима? Нега уни сўроқ қилишяпти? У бир муддат ўйланиб тургач, бош чайқади.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин ўзимизникиларга етиб олиш учун бир ҳафта ўрмонларда адашиб юрдим. Шаҳарга келганимда немислар қўлига тушдим...

— Ҳарбий кийимда эдингизми?

— Йўқ... Шаҳарда яшовчи одамлардан ёрдам сўрадим. Уларникида кийимларимни алмаштириб олдим, фронт чизигини кесиб ўтиш учун...

— Демак, сизни фуқаро кийимида қўлга олишган, шундайми?

— Ҳа...

— Қизиқ, нега энди бирданига сизни қўлга олишди? Ахир сиз фуқаро кийимида бўлгансиз. Оддий одамлардан фарқингиз бўлмаган. Негадир мантиқ кўринмаяпти.

— Мени яхудий деб ўйлашди. Мени универмаг омборига яхудий аёллар билан бирга қамашди. Уларнинг гап-сўзларидан англадимки, аёлларни Германияга юборишмоқчи экан.

— У ердан қандай қочдингиз?

— Аввал НКВДда ишлаган яхудий аёл келини билан ўша омборга қамалганди. Кейин, эмизикли невараси бор эди. Аёл мени снайпер эканимни билиб келини билан бирга қочишимни айтди. Урушгача ўша универмагни текширган, яширинадиган жойларини яхши биларди...

— Нега бу аёлнинг ўзи қочмади?

— Аёл кекса эди, оқсоқланиб зўрға юрарди...

— Хўш, кейин қочдингларми?

— Ҳа.

— Демак, ўша аёлнинг келини ва боласи ҳам омон қолган, шундайми?

— Худди шундай.

— Ўша аёл сизни ҳақиқатан ҳам немислар қўлидан бирга қочганингизни тасдиқлайдими?

— Ҳа, ҳа! Ахир уларни Арон Моисеевичнинг уйларида қолдирдим... — бирдан жонланиб кетди Жамила.

— Ким бўлди бу Арон Моисеевич?!

— Бу кишининг уйида кийимларимни алмаштиргандим, немисларнинг қўлидан қочганимиздан кейин яна уларнинг уйига бордик.

Лейтенант нима дейишини билмай жим бўлиб қолди. Жамиланинг сўзлари кўп жиҳатдан бир-бирига боғлиқ, шубҳали томони йўқ. Лекин НКВД-

дагилар бунақа нарсалар билан қаноатланиб қолишмайди. Улар мудом шубҳада. Немислар қўлидан қочиб қутулган Жамила ҳам шубҳадан холи эмасди. Немисларга асир тушганлар қочишга ва яна армияга бориб қўшилишга ҳаракат қилишар, лекин бундай аскарларни аввал махсус саралаш бўлимлари роса элақдан ўтказишарди. Буни НКВДчиларнинг тили билан айтганда, «фильтрация» қилишарди. Гап шундаки, немислар ҳарбий асирлардан ўзларига хайрихоҳларини танлаб олишар, махсус мактабларда қўпоровчилик ишларига ўргатишар ёки ўзларининг одами сифатида орта қайтаришарди. Немисларга ёлланганлар эса уларнинг фойдасига ишлашни бошларди. НКВД ана шундайларни овлаш ёки фош этиш билан ҳам шуғуullanарди. Ўрмонга ўт кетса ҳўл-қуруқ баробар ёнади, дегандек, аксарият ҳолларда асирлиқдан қочган аскарларнинг бошига ит кунини солишар, қийноқлар билан «синдиришиб», қилмаган айбини бўйнига қўйишар ва Сибирнинг овлоқ бурчакларидаги лагерларга юборишарди. «Халқлар отаси» Сталиннинг: «Бизда асирлар бўлмайди, қўрқоқ ва сотқинлар бўлади» деган гапи эса чекистларга гўёки дастури амал эди. Немислар қўлидан қочган Жамила ҳам НКВДнинг махсус бўлимидагилар учун ҳам навбатдаги ана шундай асир эди.

— Соқчи, менга қара! — ташқарига овоз берди лейтенант, бир муддат пешонасини тириштириб ўй суриб қолгач.

Эшик очилиб елкасига милтиқ осган аскар ичкарига кирди.

— 33-нинг махсус бўлими билан боғлан! Особистини штаб сўраётганини айт!

— Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант! Кетишга рухсат беринг!

Жамила иши жиддий эканини англади. Агар маъйор Громов ҳам қўшиладиган бўлса иши оғирлашиши мумкин.

— Буни олиб чиқ! — Жамилага ишора қилиб деди лейтенант.

Унинг бундай муомаласи, «буни» дейиши Жамилага қаттиқ ботди. Лекин қўлидан ҳеч нарса келмасди.

— Қўлингни орқага қил! — буюрди аскар.

Жамила қўлларини орқага қилди.

— Юр!

Жамила эшик томон юрди.

29

Майор Громовга штабга нега чақираётганларини айтишганида терисига сизмай қувонди. Штабга югуриб эмас, қанот қоққандек етиб борди. Армия махсус қисми бошлиғи, полковник Иван Савельевич Маринков уни хонасида қабул қилди.

— Ўртоқ полковник, киришга рухсат беринг!

— Киринг, ўртоқ майор. Бир масалада сизни безовта қилдик.

— Қулоғим сизда, ўртоқ полковник.

— Бир аскарнинг «иш»и қўлимизда, аввал сизда бўлган экан, — муддаога ўтди полковник Маринков.

— Разведгурӯҳ снайпери, Жамила Қодирова.

— Бу аскарни мен жуда яхши танийман, ўртоқ полковник!

— Шунинг учун чақирдик, ўртоқ майор. Бу аскар немислар қўлидан қочган, тасаввур қилаяпсизми? Қиз бола бўлиб удалаган. Ходимларимиз сўроқ қилишди, кўринишидан ҳеч қандай шубҳа-гумонга ўрин йўқ. Лекин барибир уни билган ходимдан ҳам маслаҳат олишга қарор қилдик.

— Бу қарорингизни олқишлайман, ўртоқ полковник. Зеро, бизнинг асосий мақсадимиз ва вазифамиз Ватанга хизмат қилиш, ўртоқ Сталин ишончини оқлаш.

Майор Громовнинг вазиятга сиёсий тус бериб гапиргани полковникни анча ҳушёр торттирди. Шу

билан майор тарози палласининг ўзи турган томони-га салмоқли тош ташлаб ҳам қўйди.

— Оддий аскар Қодирова аввал ҳам менинг шубҳа-гумонларим нишонига айланганди. Биринчидан, лейтенант Бобровнинг разведка гуруҳига немисларга хизмат қилаётган Клим Вишневецкий деган шахсни тутиш вазифаси қўйилганди. Вишневецкий биз учун муҳим ахборот манбаси бўлиши мумкин эди. Сабаби, у немисларга хизмат қилаётган маҳаллий агентурани билган, оккупация қилинган ҳудудларга юборилган «эс-эс» зобитлари билан яхши алоқада бўлган. Лекин Вишневецкийни худди мана шу Қодирова отиб қўяди. Аслида эса Қодирова Вишневецкийни қўлимизга тирик тушиши истамаган ва лейтенант Бобров билан шу режани ишлаб чиққан.

— Ишлар жуда жиддий-ку! — деб қўйди полковник Маринков. — Вазиятни пухта ўрганиб чиққан-мидингиз?

— Худди шундай, ўртоқ полковник! — деди майор. — Мен разведка гуруҳидагилар билан алоҳида-алоҳида гаплашиб чиққандим...

— Тан олишганмиди? — унинг сўзларини бўлиб сўради полковник Маринков.

— Йўқ. Лекин Қодированинг «иш»ини юқорига оширганман, тегишли ҳисобот билан.

— Қандай чора кўришганди?

— Менга номаълум бўлган сабабларга кўра, Қодирова яна қайтиб келди ва лейтенант Бобровнинг разведка гуруҳига қўшилди.

— Ҳа, тушунарли, — деб қўйди полковник Маринков.

— Бу ҳаммаси эмас, ўртоқ полковник. Бу воқеадан сўнг лейтенант Бобровнинг разведка гуруҳидагиларнинг таржимаи ҳоли билан танишиб чиқдим. Хужжатлар билан танишиш натижасида шундай хулосага келдимки, разведка гуруҳи ижтимоий келиб чиқиши номақбул одамлар ҳисобига ташкил қилинган.

— Шундай денг? — ажабланди полковник Маринков.

— Худди шундай, ўртоқ полковник! — майор қўлига бу ерга келишдан аввал тайёрлаган ҳужжатларни бирма-бир полковникнинг олдига қўя бошлади. У Жамилани бадном қилиш учун бу имкониятни қўлдан чиқармасликни кўзларди.

— Разведка гуруҳи радисти Николай Зайцевнинг отаси халқ душмани бўлган. Уни 1938 йилда отишган. Разведка гуруҳининг яна бир аъзоси Виктор Сорокин — уруш бошланган вақтда меҳнат лагерида жазо муддатини ўтаётган бўлган. Яъни собиқ маҳбус. Лекин бу ҳаммаси эмас. Разведка гуруҳи раҳбари Сергей Бобровнинг отаси атаман Дутов қўшинлари зобити бўлган. Россияда Шўро ҳукумати ташкил этилишига қарши курашган. Шундай одамнинг ўрлидан ҳар нарсани кутса бўлади, ўртоқ полковник.

— Ўртоқ майор, бу гапларингиз билан бутун бошли разведка гуруҳини йўқ қилиб, унинг аъзоларини қўлга олиш керак экан.

— Ўртоқ полковник, бизнинг вазифамиз давлатимиз душманларини ўз вақтида фош этиш ва уларнинг қабих ниятлари амалга ошишига йўл қўймаслик.

Майор Громовнинг бу сўзлари полковник Маринковни яна ўйлантириб қўйди. Агар майорнинг нуқтаи назари билан қаралса, нафақат Жамила, балки гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам айбдор. Одамларнинг ижтимоий келиб чиқиши бўйича айблайверса, армиянинг ярим зобит ва аскарларини лагерларга жўнатишга тўғри келади. Бу ишни шунчалик қолдирса, бу майор юқорига ҳам ёзишдан тоймайди. Унда яна сўроқ-саволлар, шубҳа-гумонлар кўпаяди. У арқонни узунроқ ташлашга қарор қилди.

— Ўртоқ майор, ёрдамингиз учун сизга катта раҳмат! — полковник Маринков ўрнидан туриб унга қўлини узатди.

Дабурустдан суҳбатнинг бу тарзда тугашини кутмаган майор Громов довдиради. У полковникдан аниқ бир чора кўрилишини эшитишни кутганди. Назарида полковник ишни у кутгандек яқунлайдигандек эмасди. У бўшашиб полковникнинг узатилган қўлини олди ва хонадан чиқиб кетди.

У кетгач полковник Маринков ўйланиб қолди...

30

Жамилани ташқарига олиб чиқишди.

Кўчада ҳаракат қайнайди. Чекинаётган Қизил Армиянинг ҳарбий техникаларини тортган полуторкалар шарққа ошиғич йўл олган. Мағлубиятга учраб тўзғиган дивизиялар аскарлари сафи кўчани тўлдирган. Уларнинг шундоқ уруш майдонидан келаётгани билиниб туради: шинеллар йиртилган, кир-чир; аскарлар орасида енгил яраланганлар ҳам бор, уларнинг қон юқи кийимлари хунук кўринади.

Жамилани штаб жойлашган бинодан тахминан юз-юз элик қадамлар наридаги, авваллари озиқ-овқат сақланган омборхона бўлган, ҳозир эса вақтинчалик асирликдан қочган ва шубҳали аскарлар сақланадиган жойга қамашди. Бу ер зах, анча қоронғи эди. Омбор бурчагида йиртиқ, ғижим шинелга ўранган аскар хириллаб ётарди. Уни кўриб Жамила на ўтириши, на туришини билмай қолди. Ҳадик ва хавотир юрагидан аригач, аскарнинг олдига аста яқинлашди.

— Сизга нима бўлди? — қўрқа-писа сўради у.

Аскар шинели остидан бошини чиқариб унга қаради. Унинг қовоқлари ёрилган, юзида қон қотиб қолганди.

— Мен... яраланганман...

— Сиз қандай ёрдам берай? — Жамила қандай аҳволдалигини ҳам унутиб сўради.

Аскар йўталиб, хириллади.

— Менга... ёрдам беришнинг... ҳожати йўқ... Ба-рибир ўламан...

Жамиланинг эти жунжикиб кетди. Кўз олдида тирик турган одамнинг бирданига омонатини топ-ширишини тасаввур қилолмас, буни ўйлаганда эса кўнглига нохуш ҳислар оралади. Орада бир муддат жим бўлиб қолишди.

— Бу ерга... қандай келиб қолдинг... — сўради аскар, анчадан сўнг.

— Немислардан қочувдим, ишонишмади.

— Ишонишмайди! — бирдан овози кескин чиқди аскарнинг. — Булардан... булардан... ўлиб қутуласан! Ўлганингда ҳам ишонмайди... ярамаслар!

— Булар деганингиз кимлар? — ажабланиб сўра-ди Жамила.

— Кимлар... бўларди!? НКВД! Мен... мен қуршов-дан чиқиб келдим!.. Чиққанда ҳам... курашиб чиқ-дим... Жуда даҳшатли... жанглар бўлди... Ўқ-дори ту-гаган, егани нон йўқ!.. Шу... шу... қуруқ қўлларимиз билан урушдик!.. — аскар шинели остидан қон юқи қўлларини чиқарди. — Қуршовда ўлимни кутмай... милтиққа... пичоқни тиқиб... немис устига югурдик... Фараз қилгин... бир дона ҳам ўқ йўқ!.. Немислар пу-лемётлардан... бизни тўкиб ташлади... Майдон ўлик-ларга тўлди... Энди... энди... бу маразлар... немисга сотилгансан... дейди... Бўйнимга қўйиш учун... ҳам-ма ҳунарини қилди... Мен тан олмадим... Қўлингдан келса от, дедим!..

Унинг мухтасар ҳикоясидан Жамила даҳшат-га тушди. Одамларни шундай хўрлаш ҳам мумкин-ми? Ахир бу аскарлар Ватан учун курашмаяптими! Уларни тергов қилишдан муддао нима? Жамила бу аскарнинг гап-сўзларидан иймони бут, юртига, халқига хиёнат қилмайдиган йигит эканини фаҳмла-ди. Лекин буни НКВДдагилар тушунишни хоҳламас-ликларини англади.

— Алам қилади... алам қилади... шундай ўлим топиш учун... қуршовдан чиқдимми? — аскар ййгламсираб гапира бошлади. — Қуршовда қолганимизда... немисларга таслим бўлайлик, деганлар ҳам бўлди. Ҳатто... ҳатто бир майорнинг... немислар томонига ўтганини эшитдик... Лекин мен... бунга асло рози бўлмадим... асло!

— Шуларни ҳам айтдингизми?

— Айтдим!.. Айтдим... қулоқ тутишмади...

Аскар хириллаб, анчагача гапиролмай жим бўлиб қолди. Жамила яна беихтиёр ўйга берилди. Урушда бундайлар яна қанча экан? Қизил Армия деярли ҳар куни чекинади. Қанчадан-қанча дивизиялар қуршовга олинади, минг-минглаб аскарлар асирга тушади. Асирдан қочганларнинг ҳаммасига шундай муомала қилинса, уларнинг армияга ишончи қоладими? Буларни жазолашдан не манфаат бор?..

— Отамни... кўрмаганман... — аскар давом этди.

— Большевикларга қарши курашган экан... Орадан йиллар ўтди... Еттинчи синфда ўқирдим... Синфда... мажлис ўтказишди... Мен синфдошларим қаршисида... отамдан воз кечишим керак эди... Район газетасидан мухбир келган. Унда мен... доҳийларимизнинг йўлини... тўғри деб билардим. Ўшанда отамдан воз кечдим. Мухбир мени расмга олди. Ўша расм билан... газетада мақола чоп қилинди... Энди ўйлаб қарасам... нотўғри иш қилган эканман...

Аскар яна жим бўлиб қолди. Жамиланинг ёдига отаси халқ душманига чиқарилган радист Коля Зайцев тушди. Одамларни бу тахлит бадном қилинаверса, ёмонотлиққа чиқарилаверса, оқибати яхши бўладими?..

Кутилмаганда эшик очилиб қуролланган икки аскар кириб келди. Жамила кўрққанидан ўрnidан туриб кетди. Аскарлар тўппа-тўғри шинелига ўраниб ётган ярадор аскарнинг устига келишди. Шинелни четта улоқтиришиб, на ўлик, на тирик аскарнинг қўлларидан кўтаришди.

— Уни тинч қўйинглар! — бунга чидаб туролмаган Жамила қичқириб юборди. — Унинг аҳволи оғир, ёрдам керак!

— Ўзимиз ҳам ёрдам бергани келдик, — киноя билан деди аскарлардан бири.

Ярадор аскарни ташқарига олиб чиқиб кетишди. Қаршилик қилишга унинг мажоли қолмаганди. Жамила уларнинг ортидан югурди, аммо эшик ёпилди-ю таққа тўхтаб қолди. У омборнинг кичкинагина туйнути томон югурди.

Ярадор аскарни ташқарига судраб чиқишиб ёғоч-девор ёнига қўйишди. Қадини ростлашга кучи қолмаган бўлса-да, бир амаллаб гавдасини кўтарди, милтиқларини ўқлаётган аскарларга — бир армияда хизмат қилаётган қуролдошларига қаради. Унинг кўзларида ёш филтилади, алам ва нафратдан тишлариғижирлади. Милтиқлар унга тўғриланди, тепкилар босилди. Ўқ овозлари шаҳар узра чўккан улғувор сукунатни бузди. Тиззалаб қолган аскар заиф пичирлади: «Мени кечир, ота!»

Бундан икки-уч дақиқа аввал суҳбатлашиб турган аскарнинг қатл қилишини кўрган Жамила қўллари билан юзларини яширди. У қарахт аҳволга тушганди. У душманни киприк қоқмай отиши мумкин эди, лекин бунисига чидай олмади. Туйқус ўзи ҳам шу ҳолга тушиши мумкинлигини ҳис қилди-ю устидан муздек сув қўйиб юборилгандек бўлди. «Наҳотки уни ҳам девор остига қўйиб отиб ташлашлари мумкин?!...» У сесканиб кетди. Қўрқа-писа ҳозиргина отилган ярадор аскар томон қаради. Жамиланинг эти жимирлади, хаёллари пароканда бўлди, ҳатто анчагача нафасини ютгудек қотиб қолди...

Эшик очилди. Жамила чўчиб тушди. Ўша аскарлар яна қайтиб киришганди.

— Ташқарига чиқ! — буюрди улардан бири.

Негадир энди Жамилани қўрқув тарк этган, аста-секин бепарқдик уни эгаллаб бормоқда эди.

— Деворга юр!

Жамила девор томон юрди. Бундан тўрт-беш дақиқа аввал ярадор аскар отилган жойга бориб турди ва аскарларга юзланди. Кутилмаганда мияси тез ишлай кетди. Ҳар хил нарсалар кўз олдидан ўта бошлади. Ўлим олдидан нима дейиш мумкинлигини ўйлади. Ёдига тоғасининг «бечора, калимасини бемалол келтириб омонатни топширди» дегани тушди-ю беихтиёр тилига сўзлар югурди:

— Ла илаҳа иллаллоҳ...

Аскарлар милтиқларини бараварига ўқлашди.

— Ла илаҳа иллаллоҳ... — Жамила кўзларини юмди...

31

Полковник Маринков нарсаларини чаққонлик билан йиғиштиради. Кераксиз қоғозларни хона ўртасига уйиб қўйган. Уларни ҳовлига олиб чиқиб ёқиб юборишади, ҳар ҳолда немисларнинг қўлига тушмаслик керак. Полковник шошилар, ора-сира қўл соатига қараб қўярди. Қўшни хонада эса майор Громов дераза ёнида турганича девор остига қўйилган Жамиладан кўз узмай турарди. Майорнинг назарида аскарлар ҳукм ижросида жуда имиллашаётгандек эди.

Аслида полковник Маринковни асирликдан қочган аскарлар қизиқтирмас, уларнинг «иш»ини тегишли идораларга оширишга вақти ҳам йўқ эди. Агар майор Громов бир оғиз: «бу қизни танийман, уни қўйиб юбораверинг» деганида полковник бунга қаршилиқ қилмасди.

— Ўртоқ полковник, фронт чизигигача сизлар билан кетиб олсам бўладими? — Жамиладан кўзларини узмай сўради майор Громов.

— Бемалол, ҳозир ҳамкасблар келишяпти, машинада бирга кетамиз, — деди полковник навбатдаги жилдни сараларкан.

У гапини тугатишга улгурмай, ҳовлига енгил машина кириб келди ва ундан... полковник Новгородов тушди. Туйқус унга кўзи тушган майор нохушланди. Полковник Новгородов эса девор остидаги Жамилани таниди-ю қичқириб юборди:

— Отставить!¹⁴

Аскарлар таққа тўхтаб қолишди. Кўзларини юмиб олган Жамила журъати етиб-етмай кўзларини очди. Майор Громов эса кўзларини юмди, «тамом!» дея пичирлади. Полковник Новгородовнинг буйруғини эшитган полковник Маринков эса ишидан тўхтади ва дераза ёнига борди. Сўнг ажабланганича ҳовлига чиқди.

— Юрий Алексеевич, нима бўлди?

— Бу сенинг ишингми, Иван Савельевич? — нафрат ва ғазаби ҳадди аълосига етса-да, ўзини босди полковник Новгородов.

— Ўзинг биласан, уруш вақти қонунлари, дезертирлар кўп...

Полковник Маринковнинг ортида майор Громов кўринди. Унинг чап ёноғи ғалати учарди.

— Ўзим ҳам ўйлагандим, Иван Савельевич, ўзингга ўхшамай қолибсанми, деб.

Майор Громов унинг нима демокчилигини тушунди-ю ичидан зил кетди. Ҳатто бир муддат тили сўзга айланмай қолди. Полковник Новгородов унга эътибор бермай, Жамиланинг олдига борди. Отиб ташланган аскарни кўриб кўнгли эзилди. Гарчи уруш вақтида қонунлар шафқатсиз бўлишини билса-да, ёш-ёш аскарларни кўр-кўрона қатл этишларига жон-жаҳди билан қарши эди. Ундан кўра уларни қисмларига қайтариб, душманга қарши курашиш имконини бериш керак, деб ҳисобларди. Лекин аслида урушдан минглаб чақирим нарида, бежавотир кабинетида ўтирган доҳий ана шундай ғайриинсоний қонунларни ўйлаб топарди. Атрофидаги минг-минглаб одамлар эса бу

¹⁴ Тўхтатинглар!

қонунларни ўзига ўхшаган бошқа одамларга қўлларди. Чодирхаёл қонун-қоидалар эса ортидан адоқсиз қурбонларни қолдирарди. Душман қўлида эмас, ўз қуролдошлари, шинелдошлари қуролидан ўлган аскар устида тураркан, полковник Новгородов шуларни ўйлади. Кўзларидан ёшлар тирқиради.

— Сизни бу ерга нега келтиришди? — сўради у Жамиладан.

— Асирликдан қочгандим...

— Худо бир асради, Қодирова! Бўлмаса ёш умрингиз завола кетарди.

— Сизга катта раҳмат, ўртоқ полковник.

— Биз билан бирга кетасиз, полковник Романенкoning қисми йўлимизда.

— Бир умр миннатдорман сиздан, ўртоқ полковник.

— Иван Савельевич, кеч қоляпмиз, тез бўл! — майор Громовни сезмагандек деди полковник Новгородов.

— Мана... бўлдим... Ҳой, икковинг, мана бу қорозларни ҳовлига олиб чиқиб ёқиб юбор-чи! — полковник Маринков ҳозиргина Жамилани отишга шайланиб турган аскарларга буюрди. Ўзи эса сумкасини олди-да, лапанглаганича машина томон югурди. Майор Громов эса унинг ортидан қараганича қолаверди.

Машина катта кўчага чиқиб полуторка, ҳарбий техникалар оқимига қўшилиб кетди. Қолиб кетган майор Громов эса ўзини қўйгани жой тополмасди. Машинага чиқа олмаганига эмас, балки иккинчи марта Жамила унинг қўлидан соғ-омон чиқиб кетгани ёмон алам қиларди. У немисларнинг бостириб келаётгани, тезроқ кетиш кераклигини ўйламас, фикру ёдини фақат доғда қолгани эгаллаб олганди.

32.

— Эшитдингларми, бугун марказдан меҳмонлар келаркан! — ҳовлиққанича келган Сорокин юмшоқ ўтга

ўтирди-да, ҳозиргина эшитган янгиликларни шериклари билан баҳам кўриш иштиёқида ёнарди. — Генераллар ҳам келишаётганмиш, яна «Ставка»нинг бир-икки амалдори. Назаримда катта иш бўлади, шекилли.

— Кимдан эшитдинг буни? — бунга эътибор бермасликка уриниб сўради лейтенант Бобров.

— Иш билан полковник Романенконинг олдига кирувдим. Радист ҳозиргина олган радиограммани ўқиб бераётган экан. Тўғриси, ҳаммасини эшита олмай қолдим. Полковник мени кўриши билан қўли билан «ташқарига чиқ!» дегандек ишора қилди. Дарров қайтиб чиқдим.

— Эшитгандан кейин охиригача эшитиш керак-да, — норози оҳангда тўнғилади Миронов. — Чала-чулла эшитасан-да, олам-жаҳонни бузасан.

Автомат дискига ўқ жойлаётган лейтенант ишидан тўхтаб ўйланиб қолди. Сорокин айтгандек, иш жиддийга ўхшайди. Марказдан бекорга ҳарбийлар келмайди. Бунинг устига фронтнинг энг олдинги чизиги бўлса. Ҳарбийлар иссиққина штабларида ўтириб ҳам буйруқ беришаверади.

Лейтенантнинг шубҳалари тўғри чиқди. Кечга яқин иккита енгил машина ва битта янги полуторкада ҳарбийлар ва НКВД аскарлари келишди. Ҳарбийлар полковник Романенконинг ертўласига кириб кетишиб, анчагача чиқишмади. Машварат узоққа чўзилди. Кечга яқин машиналар қайтиб кетди.

Эртасига лейтенант Бобров марказга чақирилди. Унга аниқ-тиниқ қилиб навбатдаги вазифа тушунтирилди. Немислар қўлига ўтган Винница шахрига Абвернинг кўзга кўринган амалдори штаңдартерфюрер Фридрих Зоммер келмоқда. Шўро агентураси маълумотига кўра, Зоммер Шарққа қилинадиган ҳужум амалиётлари учун маълумот тўплайди. Унинг маълумоти кейинчалик Рейхстагга юборилади. Немисларнинг кейинги ҳужумлари айнан штаңдартерфюрернинг

ҳисоботига ҳам асосланиши катта эҳтимол. Шунинг учун имкон қадар уни тирик қўлга олиш, агар бунинг иложиси бўлмаса ўша ерда мавҳ этиш шарт. Разведка гуруҳига Москвадан махсус снайпер, майор Алексей Плотников ҳам қўшилади. Унинг асосий вазифаси штандартерфюрерни тириклайин қўлга олишнинг иложиси бўлмаса уни орадан кўтариш. Кейин майор Плотниковнинг асосий хизматлари санаб ўтилди — фин урушида номи тилларга тушган снайпер, ҳукуматнинг эътиборига тушган мард жангчи... Разведка гуруҳи Винница атрофларига самолётда етказилади. Шаҳар биқинидаги ўрмонга ташланади. У ёғига гуруҳ шароитга қараб ҳаракат қилади...

Лейтенант Бобровга берилган сўнги кўрсатмалар шундай эди.

...Кеч кирганда дивизия штабига енгил машина келиб тўхтади. Орқа ўриндиқдан майор унвонидаги зобит тушди. Унинг милтиғи махсус ғилофланган эди. Бу майор Алексей Плотников эди. Уни полковник Романенко ва лейтенант Бобров қаршилади. Полковник гуруҳнинг вазифасини сўнги марта қисқача тушунтирди. Орадан ярим соат ўтгач, штабдан тахминан ярим чақирим наридаги учиш-қўниш майдонида гуруҳ саф тортган, полковник эса уларни охирги марта кўздан кечириб чиқди. Сўнг ҳар бир аскар билан қўл беришиб хайрлашди. Гуруҳ аъзолари бирин-кетин самолётга чиқишди. Самолёт эшиги ёпилиб аста қўзғалди. Махсус йўлақдан тезлик олиб ҳавога кўтарилди. Кўп ўтмай самолёт тунги осмонда кўздан ғойиб бўлди.

Тун ярмидан оққанда самолёт белгиланган ҳудудга етиб келди. Салондаги қизил чироқ ўчиб-ёна бошлади. Самолётнинг эшиги очилди — разведкачилар бирин-кетин қоп-қоронғи бўшлиққа сакрай кетишди. Пастда эса прожектор ёнди, зениткалар тилга

кирди. Узоқлашиб бораётган самолётнинг гоҳ у ёнида, гоҳ бу ёнида снарядлар портлай бошлади. Кейин эса очилган парашютларга қарата сон-саноксиз автоматлар ота кетди. Бундай ўқ ёмғирида омон қолиш ақлга сиғмасди. Ердаги прожектор ҳаводаги ҳар бир парашютчини илғашга ҳаракат қиларди. Разведкачиларнинг кўпи ҳаводаёқ омонатни топширди...

...Лейтенант Бобровнинг оёғи ерга текканида мувозанатини сақлай олмайди. Бир-икки юмалаб кетди-ю дарров ўрнидан туриб кетди. Кенг ёйилган парашютни шоша-пиша йиғаркан, ён-верида бирор шеригини кўриш илинжида атрофга алангларди. Бахтига қарши ҳеч ким кўринмасди. Шунда анча нарида қайсидир шеригининг ерга тушаётган парашюти қоронғида элас-элас кўзга чалинди. Лейтенант йиғилган парашютни қучоғига тўлдирганича шу томон югурди.

— Ким бу? — парашютчига етай деганида сўради у.

— Бу мен, ўртоқ лейтенант! — бу Жамила эди. — Қолганлар қани, ўртоқ лейтенант?

— Сендан бошқа ҳеч кимни кўрмадим! — лейтенант парашютининг боғичларини бўшатишга уринаркан, деди.

Жамила ҳам дарров парашютни йиғиштириб, буталар орасига яширди.

Улардан тахминан бир-бир ярим чақирим нарида ҳамон прожекторлар осмонни ёритар, парашютчиларни қидирарди. Бу орада яна уч парашютчи ерга тушди. Улардан иккитаси — Миронов ва Литовченкога ҳаводаёқ ўқ теккан ва улар омонатни топширишганди. Учинчиси — Сорокин эди. У тирик қолганди. Майор Плотников ва рациячи Зайцевларнинг қаерга тушганликлари номаълум эди. Лейтенантнинг тахмини бўйича улар шимоли-шарққа юришлари керак эди. Тунги шамол айнан шу томон эсмоқда эди. Катта эҳтимол билан қолганларни шамол шу йўналишда олиб кетган. Разведкачилар ҳалок бўлган ше-

риклари устида бир муддат туриб қолишди. Уларни ҳатто сўнгги манзилга кузатишга ҳам имкон ва фурсат йўқ эди. Лейтенант алақачон фаҳмлаганди: кимдир разведка гуруҳи келаётганини немисларга хабар қилган. Бўлмаса немислар айнан шу ҳудудларга зениткаларни ўрнатмас, автоматчиларини йиғмасди. У шерикларининг жасадаларига сўнгги марта қараб қўйди-да, беихтиёр чўқинди. Буни кўрган Жамила ҳам беихтиёр қўлларини дуога очди, маржумларга ҳаққига дуо қилиб, кафтларини юзига силади.

— Қуроолларнинг ҳаммасини йиғиштиринглар! Кетамиз! — буюрди лейтенант.

Барча қуроолар йиғиштирилди ва гуруҳ йўлга тушди. Кўп ўтмай гуруҳнинг икки аъзоси — майор Плотников ва Зайцев ҳам топилди. Лейтенантнинг тахмини тўғри чиққанди, шамол уларни хийла олдинроққа ташлаганди.

— Нима деб ўйлайсан, лейтенант, — сўраб қолди майор Плотников, — ичимизда «крот»¹⁵ бўлганмикин?

— Бунга шубҳам йўқ! — ишонч билан деди лейтенант. — Немислар келишимизни аниқ билишган.

— Энди ишимиз икки ҳисса оғирлашди, — деди майор Плотников. — Анави штандартенфюрернинг олдига етиб бориш осон бўлмайди.

— Ўртоқ майор, буни мен келишдан аввал ҳис қилганман.

— Агар немислар бизни кутишган бўлса, алоқага чиқиш ҳам хавфли, — деди майор Плотников. — Атрофимизда пеленгаторлар ишлайди.

— Гапингиз тўғри, ўртоқ майор. Зайцев ҳозир алоқага чиқади, сўнг тезда бу ердан кетамиз.

— Яхши, — деди майор Плотников.

— Зайцев! — деди лейтенант.

— Шу ердаман, ўртоқ лейтенант.

¹⁵ Жаргонда сотқин, хоин, душманга маълумотларни етказиб турувчиларга нисбатан ишлатилган.

– Марказ билан алоқага чиқ. Шуни етказасан: «Гуруҳ етиб келди. Икки киши ҳалок бўлди. Немислар ҳавода қарши олишди».

– Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант.

Зайцев чаққонлик билан рацияни созлади, эфирга чиқди. Сўнг гуруҳ йўлга тушди. Улар тунги ўрмонда югуриб кетишарди. Немислар эса уларни ҳар томондан қуршаб олган, разведкачиларни қўлга олиш гўёки унчалик мушкул вазифа эмасдек эди. Лейтенант Бобров тўғри тахмин қилганди: уларнинг келиши ва йўналиши немисларга маълум эди. Немислар пухта тайёргарлик кўришганди.

Разведкачилар ўн чақиримлар масофани босиб ўтганларида тонг ёриша бошлади. Кун ёришганда юриш хавfli бўлганидан гуруҳ бир жойга яшириниб туришни маъкул топди. Лекин кутилмаганда уларни тиш-тирноғигача қуролланган немис аскарлари қарши олди.

Отишма бошланди...

33

Штандартерфюрер Фридрих Зоммер ўзига ажратилган хонада ишлаб ўтирарди. Столни стол-чироқ ёритган, унда бир уюм қоғозлар, суратлар. Штандартерфюрернинг юзи ҳамиша тунд, биров кулганини кўрган эмас. Немисчада «зоммер» — қуёш дегани, лекин унинг юзида бу нарса ҳеч кўринмайди. Кўҳна немис анъаналарига содиқ, тартиб ва интизомни биринчи ўринга қўядиган бу зобит Абвернинг махсус топшириқларини бажарарди. У қоғозлар устидаги суратни олди. Бу шўро зобити... лейтенант Бобровнинг гуруҳига жалб қилинган майор Алексей Плотниковнинг сурати эди.

Эшик тақиллаганида штандартерфюрернинг ҳаёллари тўзғиди ва деди:

— Кираверинг!

Эшик очилиб лейтенант унвонидаги ёшгина бир зобит кирди.

— Жаноб штандартерфюрер, шўролар сиз айтган ҳудудга десант ташлади, — деди у. — Катта эҳтимол билан бу разведка гуруҳи. Улар самолётдан сакраши билан ўт очдик. Икки аскар ҳавода ўлган. Қолганлари қочиб яширинишган...

— Нечта экан улар?

— Ҳозирча яширинганлар беш киши.

— Ўлдирилганларнинг шахси аниқландими?

— Йўқ, жаноб штандартерфюрер. Уларнинг ёнида ҳеч қандай ҳужжат топилмади.

Штандартерфюрер қўлидаги суратни лейтенантга узатди.

— Ўлдирилганларнинг биронтаси суратдаги зобитга ўхшайдими?

Лейтенант ишонч билан бош чайқади ва деди:

— Йўқ, жаноб штандартерфюрер. Улар жуда ёш эди. Тахминан 20—22 ёшларда...

Лейтенант гапини тугатишга улгурмади. Эшик яна тақиллаб қолди. Штандартерфюрер яна ташқарига овоз берди:

— Киринг!

Хонага немис радисти кириб келди. У аввал штандартерфюрерга юзланди.

— Жаноб штандартерфюрер, жаноб лейтенантга мурожаат қилишга рухсат беринг!

— Рухсат!

— Жаноб лейтенант, шўроларнинг разведка гуруҳи аниқланди!

— Қаерда? Харитадан кўрсатиб бера оласанми? — штандартерфюрер сўради.

— Худди шундай, жаноб штандартерфюрер!

Штандартерфюрер стол устига чаққонлик билан харитани ёзди. Радист эса харитани кўздан кечириб бир нуқтани кўрсатди.

— Мана бу ерда, жаноб штандартерфюрер!

— Яхши! — ўзига ўзи гапиргандек деди штандартерфюрер ва ўша ҳудудни қаламда белгилаб қўйди.

— Бўшсан!

— Хўп бўлади, жаноб штандартерфюрер.

Радист чиқиб кетди.

— Уларни ўша ерда йўқ қилинг, жаноб лейтенант!

— деди штандартерфюрер. — Бирортаси ҳам тирик қолмаслиги керак. Мана буниси ҳақида эса, — у майор Плотниковнинг суратини кўрсатиб, — алоҳида маълумот берасиз!

— Хўп бўлади, жаноб штандартерфюрер! Кетишга рухсат беринг.

— Рухсат.

Лейтенант чиқиб кетгач штандартерфюрер хаёлга толди. Ҳали Берлиндаги идорасида экан шарқий фронтга сафари олдидан пухта ўйланган режа тузганди. Шўро қўмондонлиги унинг келишидан барибир хабар топишини биларди. Чунки Берлинда пухта ниқобланган шўро агентураси ишлаб турибди (неча йиллардан бери Абвер уни тўла фош қила олган эмасди). Берлиндаги жосуслар унинг сафаридан барибир огоҳ бўлиб, Москвага хабар беришарди. Штандартерфюрер антиқа юриш қилди: аввалига Винницага бориши ҳақида гап чиқарди. У ердаги немис қўмондонлигига деярли очиқ матн билан радиограммалар юборилди. Радиоэфирларни тинглаётган шўро радистлари эса, табиийки, ана шу «номалар»ни қўлга киритишганди. Штандартерфюрер режалаштирилган бу радиоўйинлар охир-оқибат ўз сўзини айтган ва сиздирилган «деза»га¹⁶ шўро томони ишонганди. Разведка гуруҳи Винницага етиб келиши, майор Плотников эса штандартерфюрерни

¹⁶ Дезинформация (нотўғри маълумот бериш) сўзининг қисқартмаси. Уруш йилларида иккала томон бир-бирига ана шундай «деза»лар юбориш ўйинини ҳам ташкил қилишганди.

орадан кутариши керак эди. Лекин аслида штандартерфюрер Фридрих Зоммер Винницага эмас, ундан тахминан йигирма чақиримлар наридаги овлоқ масканга келиб тушганди.

Абверга разведка гуруҳи йўлга чиққани шўролар ичидаги жосуси ёрдамида маълум эди. Гуруҳнинг қаерга ташланишини билган штандартерфюрер ўша жойга зениткаларни ўрнатган, катта қисм навбатчиликка қолдирилганди. Майор Плотниковнинг суратига қараб тураркан, штандартерфюрер кинояли кулиб қўйди. Гуруҳнинг ҳадемай қўлга олиниши ёки йўқ қилинишига сира шубҳа қилмасди.

34

Немислар бир зум бўлсин автоматларни тиндиришмасди.

Майор Плотников снайпер винтовкасини олиб ўқлади-да, ишга киришди. 35 баҳорни қаршилаган майор фин урушида тажриба тўплаган, маҳорат оширган, фин снайперларидан кўп нарсаларни ўрганганди. Қолаверса, совуққон ва зийрак эди. У душманни нишонга олиб, бирин-кетин ўқларни бўшата бошлади. У тез ишлар ва бехато отарди. Ҳамма ўқларни отиб бўлганида винтовкасини ўқламоқчи бўлганида нигоҳи беихтиёр Жамилага тушди-ю ундан кўзларини узолмай қолди. Бу ерга жўнашдан аввал «бу қизни нега олиб кетишяпти?!» дея ажабланган, унинг нима иш қилишини тасаввур ҳам қила олмаганди. Энди эса унинг ҳам снайпер эканини билди. У Жамиланинг отишида бирор нуқсон топа олмади. Қиз тез ишлар, тепкини босганидан сўнг нозик қўллари чаққонлик билан лўкидонни юргизар, нишонни олишга деярли вақт сарфламасди. Қизни кўзлари ёки аниқ ҳисоб-китоб эмас, қандайдир ички туйғуси бошқараётгандек эди. Винтовкани ўқлашни

унутиб қўяёзган майор Жамиланинг бир дақиқада камида 15-20 марта ўқ бўшатишини ҳисоблади. Бу снайпер учун яхши натижа эди.

— Бу ерда ортиқ қола олмаймиз! — лейтенант Бобровнинг овози майорнинг ўйларини узди. — Мен Сорокин билан шу ерда қоламан, сизлар бошқа томонга қочасизлар. Шундай қилсак немисларни чалғита оламиз.

Майор ўйланиб қолди. Бу туришда немисларни енга олишмайди. Лекин шерикларни ташлаб кетишга орияти ва ғурури йўл қўймасди. Унинг иккиланаётганини сезган лейтенант:

— Ўртоқ майор, тезроқ бўлинг, улгура олмайсиз!
— деди.

— Мен ҳам сизлар билан қоламан, — деди Жамила.

— Йўқ! Сен ўртоқ майор билан кетасан! Унга ёрдам керак!

Майор лейтенантнинг мантиқли фикрига қарши чиқмади. Лейтенантнинг елкасига аста уриб қўйди-да, Жамила ва Зайцевга «ортимдан юринглар!» дегандек бош ирғади. Улар ўрмон ичига кириб кетишди. Лейтенант Бобров ва Сорокин эса автоматдан отишарди...

Орадан ярим соат вақт ўтганда ўрмоннинг дарахтлар қуюқ ўсган жойида югуриб кетаётган майор Плотников олисда гранаталар кетма-кет портлаганини эшитди-ю таққа тўхтаб қолди. Сўнг автоматлар тариллаб, бирдан тинди. Кейин бошқа ўқ отилмади. Майор нима бўлганини тушунди. Немислар лейтенант ва Сорокин турган жойгача яқинлашиб, гранаталарни ирғитишган. Сўнг автоматлар билан уларни... отиб ташлашган. Ҳансираб нафас оларкан, майор пилоткасини қўлига олди. Уни кузатиб турган Жамиланинг кўнглига ёмон ўйлар оралади. Орта қолганларнинг ҳалок бўлганини тушунди. Бунга сира ишонгиси келмас, ич-ичидан йиғи бостириб келар ва у буни базўр жиловлаб турарди.

— Гап бундай, — деди майор Плотников, — марказ билан алоқага чиқасан! Лейтенант Бобров ва Сорокиннинг ҳам ўлганини, гуруҳнинг қолган аъзолари «нишон» ортидан кетаётганларини етказасан!

Зайцев ишонқирамай унга қаради. Лейтенант Бобров ва Сорокинлар ҳам... Унинг чуқур тараддуу ичида қолганини сезган майор Плотников:

— Афсуски шундай... Хабарни етказ! — деди.

— Хўп... — дея олди зўрға Зайцев.

У рацияни созлаб эфирга чикди. Марказга сўнги маълумотларни етказди. Кўп ўтмай марказ унга шифрланган хабарни узата бошлади. Зайцев шошқалоқ ҳаракатлар билан қўйнидан эскириб, айрим саҳифаларининг чети букилиб қолган ёндафтарчасини олди ва қалам билан тез-тез ёза кетди. Алоқа тугагач, майор Плотниковга юзланди.

— Марказдан жавоб келди, — деди у. — «Нишон» биз бораётган жойда эмас экан. Биз мана бу ерга боришимиз керак экан.

Майор Плотников Зайцев узатган ёндафтарчани олди. Ундаги рақамларни кўриб, планшетини очди ва харитани олди. Уни кўздан кечириб марказ берган рақамларни белгилади.

— Демак, биз «деза» бўйича келганмиз, — ўзига ўзи гапиргандек деди у. — «Нишон» биздан йигирма чақирим нарида... Тушунарли!

Жамила ҳеч нарсага тушунмасди. Майор Плотников нега бундай деяпти? Гуруҳ йўналишда адашди-ми?.. Жамилани мубҳам ўй-хаёллар чулғаб олганди.

Шўро агентураси барибир штандантерфюрернинг ўйинларини фош қилган, унинг Винницага келмаганини аниқлаган, разведка гуруҳи жўнатилган ва энди кеч бўлишига қарамай аниқ маълумотларни узатишга муваффақ бўлди.

Штандартенфюрер Зоммернинг ортидан ташланган разведкачиларни қўлга олиш учун немисларнинг катта қўшини ташланди. Пеленгаторлар тинмай

ишлар, разведкачиларнинг эфирга чиққан вақтида улар қаерда эканлигини аниқлашга уринарди. Етти кишилик разведка гуруҳидан уч киши қолганини штандартенфюрерга етказишган, негадир энди у хавотирга туша бошлаганди. Сабаби ўша уч киши Винницага эмас, балки бошқа томонга — штандартенфюрер қўним топган қароргоҳга йўл олганди. Аввалги қатъий ишонч уни аста-секин тарк этаётганди.

У кундузи ташкилий ишлар билан шуғулланар, керакли шахслар билан учрашар, фақат тунлари ўзи ёлғиз қолганда ишларди. Стол чироқнинг ёрувида йўналишини ўзгартирган разведка гуруҳини ўйлаб ўтираркан, қаршисига ҳудуднинг харитасини ёзди. Разведкачилар келиши мумкин бўлган йўллари тахмин қилди. Улар иложи борица кўзга кўринмасликка ҳаракат қилишадди. Ҳозирги ҳолатларида катта таваккалга қўл уришлари ҳам мумкин. Демак, бу ергача етиб келишлари учун кенг ҳудудга ёйилиб кетган ўрмон ёки ботқоқдан ўтишлари мумкин. Ботқоқдан ўтиш қийин, лекин таъқибдан қочиб қутулиш осон. Итлар ҳид ололмайди. Қолаверса, таъқиб этувчи гуруҳлар камдан-кам ҳолатда ботқоқзорларга тушишлари мумкин. Шўролар буни билишади. Разведгуруҳ шу ердан ўтишга уриниши ҳам мумкин. Уни таъқиб этмайди, балки ботқоқлик бошланадиган жойда қарши олса бўлади. Штандартенфюрерга бу тахмини мантиқли кўринди. Харитага қизил қаламда белги қўйди. У қулмасди, лекин бу сафар ода-тига хилоф иш қилди — истехзоли жилмайди.

35

Майор Плотников тердан жиққа тер бўлган пилоткасини ечиб, қўлининг орқаси билан пешонасини артди. Яқинроқ дарахтнинг соясига ўтириб, планшетида харитани олди. Жамила ва Зайцев унинг ёнидан жой олишди.

— Демак, гап бундай, яна икки чақиримдан сўнг ботқоқлик бошланади, — деди майор. — Яшириб ўтирмайман, аҳволимиз оғир. Бирдан-бир йўлимиз ботқоқдан ўтиш. Бошқа йўлдан юрсак немислар барибир етиб олади.

Майор Плотников бирдан жим бўлиб қолди. Уни бир нарса таажжубга сола бошлаганди. Сўнгги икки соатда немислар уларни таъқиб этишмади. Ёки немислар уларни назардан қочиришдими? Лекин унинг ўйлашга вақти йўқ эди, ҳар дақиқа ғанимат. Шуни кўнглидан ўтказиб ўрнидан турди.

— Кетдик! — деди у.

Жамила ва Зайцев унинг ортидан юришди. Икки чақиримни тезда босиб ўтишди. Бироқ майор Плотниковнинг режаси иш бермади. Уларни пистирмадаги немис аскарлар ўқ ёмғирлари билан қарши олишди. Немислар бош кўтаргани қўймасди. Бу орада майор Плотников қули ва чап биқинидан ўқ еди-ю қулади. У яраланганди. Жамила ҳам, Зайцев ҳам тинмай қаршилиқ кўрсатишарди. Немислар кўп эди. Бу аҳволда узоқ тура олмаслигига кўзи етган Жамила Зайцевга қичқирди:

— Чекинмасак бўлмайди!

— Яхши!

Зайцев елкасига осиб олган рация қутисини дарҳол ечди-да, Жамилага берди.

— Сен рацияни ол, мен ўртоқ майорга ёрдам берман.

Жамила елкасига рацияни осди. Зайцев эса майорнинг қўлтиғидан олди. Бир амаллаб ортга, ўрмонга чекинишди. Немислар уларни таъқиб этишни бошлади. Ўрмонга етганларида Жамила тўхтади.

— Сизлар кетиб тураверинглар, мен етиб оламан!

Жамила винтовкасини ўқлади ва таъқибчиларни нишонга олди. Одатига кўра у тез ва пухта ишларди. Снайпер ишга киришганини билган немислар югуришдан тўхтаб, ўзларини пана-пастқам жойларга

уришди. Жамила анчагача уларни бош кўтартирмай турди. Зайцев ва майор Плотниковнинг анча хавфсиз жойга бориб олганларини кўнгли сезгач, у ҳам ўрмон ичига қараб югурди... Тахминан 3-4 қақиримдан сўнг Зайцевнинг қақирганини эшитиб шу томон ошиқди.

Майор Плотниковнинг аҳволи оғир эди. Кўп қон йўқотган, тобора ҳолсизланиб борарди. Зайцев бир амаллаб унинг яраларини боғлаб қўйганди. Жамила етиб келганини кўргач майор уни ёнига қақирди.

— Гап бундай, Қодирова... — оғир нафас олганича деди майор Плотников. — Сен... «нишон»ни топишинг керак! Нима қилиб бўлса ҳам... уни йўқотишинг шарт!..

— «Нишон» нима ўзи? — сўради Жамила.

— Нима эмас, ким! — майор Плотников планшетадан буқланган харита ва бир фотосуратни олди. Уни Жамилага кўрсатиб давом этди:

— «Нишон» мана бу одам — штандартенфюрер Фридрих Зоммер, Абвернинг энг муҳим зобитларидан бири. Бизни аслида шуни йўқ қилиш учун юборишганди...

Табиийки, разведгुरुҳнинг асл мақсадини фақат лейтенант Бобров ва майор Плотников биларди, холос. Қолганлардан бу маълумотлар яширилганди. Майор Плотников умри интиҳосига етаётганини сезар ва бу вазифани энди Жамилага топширмоқчи эди.

— Қодирова, илтимос, бу ишни охирига етказ! — майор Плотниковнинг кўзларида ёш кўринди. У ўлаётганига эмас, балки топшириқни бажара олмай кетаётганига афсусланар, ўксинарди. Бошқа томондан, унга бу алам ҳам қиларди.

— Илтимос, енгилма! — деди майор Плотников бўғиқ овозда.

Жамиланинг кўнгли бузилди, унинг ҳам кўзларига ёш келди. Майор Плотников яна нимадир демоқчи бўлди, лекин гапиролмади. Хунук хириллади,

йўтал тутди. Сўнг кўзлари очиқ қолганича жон таслим қилди...

Энди Жамила ва Зайцевнинг иккиси қолганди.

– Марказга вазиятни етказиш керак! – узоқ чўзилган жимликни Жамиланинг титроқ овози бузди.

– Яхши...

Зайцев яна эфирга чиқди. Марказ эса... унга сўнгги топшириқни берди. Зайцев Жамилага савол назари билан қараб қолди...

36

Полковник Романенко лейтенант Бобровнинг гуруҳидан фақат икки киши қолганини эшитиб ўзини қўйгани жой тополмас, лекин ёнида Давлат Разведка Бошқармаси зобити, майор Иванов ўтирганидан тилига эрк бера олмади. Бундан ўн-ўн беш сониялар аввал Зайцев сўнгги маълумотни етказганди. Энди эса у эфирда қолиб марказнинг жавобини кутарди.

– Разведгуруҳда майор Плотниковдан бошқа снайпер бормиди? – сўради майор Иванов.

– Бор! Тирик қолганлардан бири шу. Лекин у қиз бола!

– Ҳа, эсладим, Қодирова деганимиди?

– Ҳа, ўша, ўртоқ майор.

– Майор Плотниковнинг ишини унга топширинг!
– деди шошиб майор Иванов.

– Унга қандай қилиб етказамиз? Немислар ҳозир эфирни тинглашяпти... Ҳа, бўлди, топдим! Унга шартли қилиб етказамиз...

Полковник радистнинг ёнига ошиқди. Йигит ҳали кулоқчинни ечмай полковникнинг буйруғини кутарди.

– Жавоб бер: «Топшириқ кучда қолади. Навбат узбечкага!»

Радист хабарни етказишга тушди.

– Узбечка деганингиз ким? – ажабланди майор Иванов.

— Ким бўларди, Жамила Қодирова-да, ўртоқ майор! Ўзбек-ку у!

— Ҳа-а... — деб қўйди майор Иванов.

Штандартенфюрер Зоммернинг алоқачилари эса шўроларнинг бу эфирини ҳам тинглашаётганди. Сўнгги хабар олинishi билан дарҳол штандартенфюрерга етказишди. Столчироқ ёруғида радист берган қоғозчадаги матнни ўқиркан, штандартенфюрер таажжубланди. «Узбечка» яна нима дегани бўлди? Яқин-яқингача Абвернинг радиogramмалар луғатида бундай сўз учраган эмас. Ёки шўролар яна бир разведка гуруҳини жўнатган-у, бундан беҳабар қолишганми? Штандартенфюрернинг боши қотди. У яна радистни чақиртирди. Қўлидаги қоғозчага йирик ҳарфларда шифрланадиган матнни ёзди: «Узбечка»нинг маъноси қандай, шўролар радиogramмаларда аввал ҳам қўллаганми?»

— Зудлик билан Берлинга юбор! Жавоб келиши билан менга хабар берасан!

— Ҳўп бўлади, жаноб штандартенфюрер!

Радист чиқиб кетди. Штандартенфюрернинг тинчи бузилган, сўнгги соатларда ҳаловатини ҳам йўқотган. Назарида қандайдир сирли ва мавҳум куч у томон шиддат билан бостириб келаётгандек эди. У ҳамма нарсадан огоҳ бўлиб яшашга ўрганган, мавҳумлик ва ноаниқликни ёқтирмасди. Унинг касби тақозоси ҳам аслида шу эди. Вазиятни назорат қила олгани учун ҳам у хотиржам, совуққон ва ўзига ишонган эди. Бироқ умрида биринчи бор назоратни йўқотган, атрофида ривожланаётган воқеалар мавҳумлик тўнига ўрала бошлаганди. Шунинг учун оромини йўқотди, совуққонлик ўрнини жазава аста эгаллай бошлаётганди. Унинг миясида яккаш бир сўз айланарди: «Узбечка!»

Кўпчиган ва билқиллаган тупроқ. Оёқ қўйсанг қуйдиради. Қайсидир ҳовлида тандирдан ҳозиргина узилган нон иси югуриб, димоқни ёқимли қитиқлайди. Болалар ўнқир-чўнқир кўчадан югуриб, азим чинорлар остидаги шийпон томон ошиқади. Бу ерда ёзнинг жазимаси, оловли тафти анча кесилган. Сабаби чинорларнинг сояси қуюқ, кўлоб қилиб сув сепилган. Ўртадаги чинорга осилган тўрқовоқлар шиқ-шиқ овоз чиқариб қўяди, қайсидир бирида бедана сайраб қолади...

Узоқ-узоқда, шаҳардан келиш йўлида икки киши кўринди. Юришлари жуда таниш. Анча яқинлашганларида уларни таниди-ю юраги орқага тортиб кетди: майор Громов ва раис! Худди бир нарсага жидди-жаҳд қилгандек ҳурпайиб олишган, кўзлари қонга тўлган. Қочиш керак. Қандай қочади? Қаерга қочади? Ахир у урушда эдику, қишлоғидан, чинорлар остидаги шийпондан минглаб чақирим нарида. Кимдир исмини айтиб чақиргандек бўлди. Ким? Майор Громовми? Раисми? Йўқ, уларнинг овозига ўхшамайди. Таниш овоз...

— Жамила! Жамила!

Жамила чўчиб уйғониб кетди. Зайцев уни аста туртар, нигоҳи хавотирга тўла эди. Жамила кўзи илинганини сезди. Гапирмоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаганида Зайцев кўрсаткич бармоғини лабига кўндаланг қўйди ва ўрмон ўртасидан ўтган сўқмоқ томон бош ирғади. Жамила ўша томонга қаради. Ўн-ўн беш чоғли немис аскарлари бир-бирлари билан гаплашганларича кетишар, қуролларини қўлларига олишган, аҳён-аҳёнда ён-атрофга қараб қўйишарди. Уларга бош бўлиб келаётган ёш лейтенант эса атрофдаги ҳар бир шубҳали нарсани назардан қочирмасликка уринади.

— Бизни қидиришяпти, — шивирлади Зайцев.

— Унақага ўхшамаяпти, — деди Жамила. — Агар қидиришганларида фақат сўқмоқдан юришмасди.

Улар қўриқчилик қилишяпти. Демак, яқин жойда қўриқланадиган жой бор!

Зайцев ўйланиб қолди. Жамиланинг мулоҳазасида мантиқ бор эди. Пухта қуроланган аскарлар бир йўналишда кетмоқда, демак, улар... соқчилар!

Жамила ва Зайцевни немислар уч кечаю уч кундуз таъқиб қилишди. Изтопар итларни уларнинг ортидан қўйиб юборишди. Немислар ҳар сафар итларни югуртирганида Жамила уларни отиб ташлайверди. Унинг ўзини эса немислар тутиш тугул, қорасини ҳам кўра олишгани йўқ. Жамила ва Зайцев қочоққа ўхшаб қолишганди. Кеча оқшом улар тасодифан бир қишлоқдан чиқишди. Қишлоқни немислар тайинлаган полицайлар назорат қиларди. Орада бир муддатлик отишма бўлди, Жамила ва Зайцев қоча-қоча қишлоқ биқинидаги ёғочдан тикланган черковга яширинишди. Бир томондан немислар, бир томондан полицайлар черковни ўққа тутиб юборишди. Немиснинг ҳам, полицайнинг ҳам кўзига черковдаги хоч ёки сарғайган, бўёқлари ўчган иконалар кўринмади. Камига бир немис аскари оловпуркагични (огнемёт) ишга солди. Черковнинг ёғоч деворларини олов олди. Ўқлардан илма-тешик бўлган хоч ва иконаларни олов ямлади. Жамила ҳам, Зайцев ҳам оловдан тисарила-тисарила меҳробгача боришди. Олов тобора уларга яқинлашиб борарди. Шунда черковнинг ертўласига олиб тушадиган туйнукнинг эшикчаси очилди-ю соқоли кўксига тушган чол кўринди.

— Бу ёққа келинлар, болаларим! — деди у.

Жамила ҳам, Зайцев ҳам шу томон югуришди. Шоша-пиша ертўлага тушишди. Чолнинг исми Матвей ота бўлиб, черковнинг ягона хизматчиси ва қаровчиси эди. У разведкачиларни черков ертўласидан ўрмон ичига олиб чиқадиган йўлга тушириб юборди. Шу тариқа Жамила ва Зайцев омон қолишди. Югура-югура чарчаганларида дарахтлар остига ўтиришган, Жамиланинг кўзи илинган ва тушига майор Громову раислар кирганди.

— Немислар юқоридан келишяпти, — узоқлашиб бораётган немисларни кузатаркан, деди Жамила. — Демак, юқорига юришимиз керак.

— Гапинг тўғри!

— Кетдик! — Жамила ўрнидан аста турди ва пана-лаб юриб кетди.

Икки чақиримлар юришгач, пухта мудофааланган хууднинг симтикан девори кўринди. Йўлнинг икки четида зирҳли техникалар қўйилган, тиш-тирноғичага қуролланган аскарлар соқчиликда туришарди. Жамила қўйнидан майор Плотниковнинг планшети-ни олди. Ундан харитани олиб, қаерга келганликларини текширди. Майор қизил қаламда белги қўйган жойга етиб келишганди.

— «Нишон» шу ерда! — деди у ишонч билан.

— Ичкарига қандай кирамиз? — сўради Зайцев.

— Кеч тушишини кутамиз!

— Яхши...

Қуёш ботган, кўкда ой сузади. Ўрмон ичига зул-мат инган бўлса-да, симтиканли девор атрофларини прожекторларнинг кучли ёғдуси ёритади. Девордан ўтиш учун прожекторнинг бошқа томонга қарашини кутиш керак. Жамила аввал прожекторнинг қанча-да айланиб бўлишини ҳисоблаб кўрди. Ихтиёридаги вақтни чамалаб Зайцевга деди:

— Симни кесиб девор остидан кирамиз! Фақат тез ҳаракат қилишимиз керак!

— Тушундим! — Зайцев рацияни елкасидан ечиб буталар остига яширди.

Прожектор бошқа томонни ёритганида Жамила: «кетдик!» деди-да, девор томон эмаклай кетди. Зайцев унинг ортидан эмаклади. Жамила консерва идиш-лари осиб ташланган симнинг икки томонидан аста ушлади. Зайцев эса чаққонлик билан симни кесди ва икки учини иложи борича чуқурроқ қилиб ерга суқ-ди. Аввал Жамиланинг ўтишини кутиб турди, ортидан

ўзи эмаклади. Прожектор бу томонни ёритганда улар анча ичкарига киришга улгуришганди. Бункерларнинг тиззагача келадиган томларидаги мўрилари, яна бошқа бетон бинолар қоронғида кўзга хунук кўринади.

— Эртага кун ёришганда симни қирқилганини сезишади, — деди Жамила буталар орасига яшири-нишаркан. — Нима қилиб бўлса-да анави штандар-тенфюрерни топишимиз керак. Лекин унинг қаер-далигини билмаймиз.

— «Тил» тутиш керак бўлмасам! — деди Зайцев.

— Қанақасига?! Иккаламиз эплотмаймиз! — эъ-тироз билдирди Жамила — Қолаверса, немисчани билмаймиз-ку!

— Ich kann Deutsch sprechen!¹⁷ Ахир мактабда не-мисча ўқиганмиз-ку! — деди Зайцев.

— Барибир бу таваккал иш!..

— Унда нима қилишни маслаҳат берасан!? Ҳатто қаерга келганимизни ҳам билмаймиз. Бунақа жой-да умрингда кўрмаган штандартенфюрерни қаердан топасан?

Жамила эътироз билдира олмади. Зайцев бир томондан ҳақ эди. Тонг отганда барибир немислар ҳудудга бегоналар кирганини билишади. Унда штан-дартенфюрернинг ёнига бориш тугул, ҳатто топиш ҳам иложсиз бўлади. Айтишга осон, тил айлана-ди-қўяди. Амалда-чи? Жамила бу ишда ўзини ҳи-собга олмайди, кучи етмайди. Коля Зайцев-чи? Бир ўзи қандай эплайди?..

— Мен кетдим, ҳозир келаман! — Зайцевнинг овози унинг хаёлларини тўзғитди.

Жамила гапиришга ҳам улгурмади. Зайцев ярим букилганича югурди-ю қоронғиликка сингиб кетди.

Вақт ўтиб борар, Зайцевдан дарак бўлавермасди. Жамиланинг кўнглини хавотир кемира бошлади. На-мунча ҳаялламаса! Тунги самодан ерга маъюс термил-

¹⁷ Мен немисча гапира оламан! (немисча)

ган, — гоҳ-гоҳида юзига лаҳтак-лаҳтак қора булутлар соя солган ой унинг аҳволидан изтиробга тушаётган-дек эди. Бу юртларга нега келдинг қизгина? Ахир бу эркакларнинг иши бўлса. Юртингда бирор марта сенга шундай боққанманми? У вақтларда менга қарашга ҳам вақтинг бўлмасди... Оймоманинг ҳазин чеҳрасидан Жамиланинг кўнглига ана шундай хаёллар югурди. У қўл соатига қаради. Зайцевнинг кетганига бир соатдан ошибди. Яна бироз кутишга қарор қилди. Агар келмаса таваккалига ортидан боради. Ортиқ кутиб бўлмайди. Тонг отса ҳамма нарса ўзгариб кетиши мумкин. Оёққа турган немислар уни соғ қўйишмайди.

Зайцев кетган қоронғи бўшлиққа термилиб ўтираркан, беихтиёр тушини эслади. Майор Громов ва раис нега тушига кирди? Уларнинг хўмрайган юзлари нимадан дарак? Ёки бирор қабиҳ режа тузишяптими?.. Қай аҳволда ўтиргани туйқус хаёлидан ўтди-ю, ичида ўзини ўзи койиди: «Нималарни ўйлаяпсан, тақдиринг қил устида-ку!»

Кутилмаганда қоронғилиқда овозлар эшитилди. Жамила дарҳол винтовкасини қўлига олди. Бу Зайцев эди. У қўллари боғланган, қўйлақларининг тутмалари узилган бир кишини олиб келганди.

— Ким бу? — сўради Жамила унинг оддий кийимларига қараб. Бу киши ҳарбийларга ўхшамасди.

— Муҳандис экан, кучим шунга етди, — деди Зайцев ҳансираб. — Лекин бизга фойдаси тегади. Бу ердаги ҳамма зобитларни таниркан.

Жамила планшетдан штандартенфюрернинг суратини олди. Мўъжаз қўлчироқда уни паналаб ёритди-да, Зайцевга деди:

— Сўранг-чи, бу одамни танирмикан?

Зайцев немисчалаб сўради. Асир тутила-тутила танишини, бу одам штандартенфюрер Фридрих Зоммер эканини айтди.

— Штандартенфюрер ҳозир қаерда? — яна сўради Жамила.

— Ҳозир... ҳозир бош қароргоҳда... лекин штабда ишлайдиган зобитларнинг айтишича, эртага тонгда қаёққадир кетади...

— Нега?

— Билмайман... ўлай агар билмайман!..

— Бу ердан қандай кетиши мумкин?

— Менимча... катта эҳтимол билан самолётда кетиши мумкин. Одатда юқори мартабали зобитлар самолётда кетишади.

— Бу ерга самолётда келганмиди?

— Ҳа...

— Аэродром қаерда?

— Бу ердан икки чақирим шимолга юрилади...

Кенг майдон тайёрланган...

Жамила бирдан жим бўлиб қолди. Асирнинг гапларида мантиқ бор. Балки штандартенфюрер боши узра қуюқлашаётган булутларни аниқ-тиниқ ҳис қилиб тургандир. Майор Плотниковнинг лейтенант Бобровга айтган сўзлари ёдига тушди: «Кимдир бу ерга келишимизни етказган...» Демак, штандартенфюрер бошқа жойга яширинмоқчи!

38

Асирнинг гапи тўғри чиқди. Немислар ўрнашган бу ҳудуднинг шимолида йирик аэродром бор эди. Унинг атрофлари ҳам тиканли сим билан ўраб олинган. Биттагина самолёт турарди. Жамила ва Зайцев аэродромдан уч юз-тўрт юз қадамлар берида қалин буталар орасида яшириниб ўтиришарди.

Кутилмаганда сирена товуши эшитила кетди.

— Немислар келганимизни билишди! — деди Зайцев. — Энди бошланади тўполон! Машина!

— Кўряпман, Зайцев! Мен анча яхши кўряпман!
— оптик нишонда кузатиб турган Жамила деди. — «Нишон» машинанинг орқа ўриндиғида ўтирибди.

Аэродромга олиб борадиган йўлда қора «Мерседес» кўринди. У тупроқ йўл учун райритабий тезлик билан келарди.

— Штандартенфюрер тезроқ қочмоқчи! — машинадан кўз узмай деди Жамила.

— Унинг ўзи кўриндимми? — сабрсизланиб сўради Зайцев.

— Албатта! — Жамила аста лўкидонни юргизди. Шляпали, костюм-шимли кишини — штандартенфюрер Фридрих Зоммерни нишонга олди. Уч-тўрт сониялик сукутдан сўнг тепкини босди...

Машина йўл четида тўхтади. Ҳайдовчи — немис аскарари машинадан сакраб тушиб, орқа эшикни очди. Эшикка суяниб қолган штандартенфюрер шилқ этиб йўлга қулади. Энди унинг юзи оптик нишонда Жамилага аниқ-тиниқ кўринарди. Штандартенфюрер эканлигига унинг ҳеч қандай шубҳа-ғумони қолмаганди.

— Марказга хабар берсак бўлади, — деди Жамила. — «Нишон» йўқ қилинди!

— Хўп... хўп... — Зайцев шошганича елкасидан рацияни олди. Титроқ қўллари билан рацияни созлади ва эфирга чиқди.

Жамиланинг ўпкаси тўлган, кўзлари ёшлана бошлаганди. Негадир ўзини йиғидан тўхтата олмасди. Бу ишга юборилган қуролдош шериклари кўз олдидан ўтди. Улар ўзларини биргина шу вазифани бажариш учун қурбон қилишди.

У йиғларди.

— Кетиш керак! Немислар ҳамма ёқнинг тит-питини чиқариб ташлайди! — Зайцевнинг овози уни ўзига келтирди.

Жамила кўз ёшларини киши билмас артиб олди. Йиғлаганини биров билишини сира хоҳламасди.

Қўлларини икки томонга ёйганича тупроқ йўлда ётган штаңдартенфюрер томон қараб қўйди-да, Зайцевнинг ортидан югурди...

Штаңдартенфюрер хонасидан чиқиб, машинага чиқиб ўтирган паллада Берлиндан радиограмма келганди. Немис радисти шифрланган хабарни матнга айлантириб қоғозчага ёзиб чиққанида штаңдартенфюрер аллақачон аэродром томонга жўнаб кетганди. Радиограммада қуйидагилар ёзилганди:

«Узбечка катта эҳтимол билан ўзбек миллатига мансуб снайпер аёл. Винницага ташланган разведка гуруҳига айнан шу снайпер жалб қилинган...»

Лекин штаңдартенфюрер Фридрих Зоммер «Узбечка» ким эканини билмай кетганди. Айнан шу «узбечка» туфайли штаңдартенфюрернинг қабиҳ режалари амалга ошмай қолганди...

39

— Омадинг келганга ўхшайди, қизгина! — деди ошхонага кириб келган Марина. — Сени сўрашпти.

— Кимни?! — ажабланди картошка артиб ўтирган Жамила. — Ким сўрашпти?

— Борсанг биласан-да! — деди жилмайиб Марина. — Қўрқма, совчилар эмас, газетадан келишибди. Энди бизнинг мерган қизимиз газетада чиқади.

Жамила таажжубланди. Газетада?! Уни газетага чиқаришмоқчими? Бунини тасаввур қилолмади. Ҳаяжонланди. Етимхонада эканлигида ойда бир марта деворий газета чиқариларди. Унда нафақат тарбияланувчиларнинг ижоди, балки иқтидорли ва аълочи ўқувчиларнинг сурати ҳам осиларди. Уларга бошқалар ҳавас билан қарашар, дарсларда ўқитувчилар мақтаб гапиришарди. Тўққизинчи синфда-

лигида Жамиланинг ҳам суратини ёпиштиришди. Синфдошлари олдида ҳурмати ошганини ҳаётгача энтикиб эсларди. Расмана, бутун мамлакат — фронт ўқийдиган газета у ҳақида ёзишини эса етти уҳлаб тушида ҳам кўрмаган, ушалмайдиган орзу каби эди.

— Нега анқайиб қолдинг! — Маринанинг овози уни ўзига келтирди. — Борсанг-чи тезроқ! Ўрнингда бўлганимда оёғимни қўлимга олган бўлардим!

— Балки мени сўрашмагандир... — иккиланди Жамила.

— Жамила Қодирова сенми ёки бошқами? Таранг қилганини-чи буни!

— Ким сўрабди?

— Полковник Романенко сўраяпти, — тушунтирди Марина. — Сени тавсия қилишганида мухбир жуда қизиқиб қолибди. Жангчи аёл ҳақида жуда қизиқарли мақола бўлади, дебди.

Жамила ишониб-ишонмай ўрнидан турди. Олдига тутиб олган фартукни ечиб, қўллари артди; гимнастёркасининг ёқасини қадади. Минг бир истиҳода ҳам журъати етиб-етмай штаб томон юрди.

Полковникнинг хонасида Романенкодан ташқари 50-55 ёшлардаги, кулранг костюм-шимли, гардиши йўғон кўзойнакли киши ўтирарди.

— Ўртоқ полковник, буйрувингизга биноан... — Жамила гапини тутатишга улгурмади.

Папирос бурқситиб ўтирган полковник ўрнидан турди-да:

— Кел, Қодирова, — деди, сўнг меҳмонга юзланди. — Сергей Константинович, мана, сизга мақтаганим снайпер қизимиз. Немисларнинг тушига кириб чиқаётган ўзбек қиз!

Костюм-шимли киши ўрнидан туриб ҳурмат билан таъзим қилди ва ўзини таништирди:

— Федоров Сергей Константинович, «Уничтожим врага» газетаси мухбири. Гапнинг очиги, ўзбек аёли-

ни ҳарбий кийимда, қолаверса, қўлида снайперлик винтовкаси билан учратаман, деб ўйламагандим. Сиз ҳақингизда гапиришгани жуда яхши бўлди. Фронгда жон олиб-жон бераётган аскарларга сиздек марда ва фидойи аёл-қизларимизни ўрناق қилиб кўрсатишимиз керак. Токи, улар аёл-қизларимиз ҳам елкама-елка қурашаётганларини билишсин. Тўғрими, ўртоқ полковник?

— Тўппа-тўғри, Сергей Константинович, — унинг фикрини қўллаб-қувватлади полковник.

— Сиз ҳақингиздаги очеркни нафақат фронт, балки бутун мамлакат ўқийди, — давом этди Сергей Константинович. — Униям қўйинг, ҳатто немислар, Абвердагилар ўқиркан, бунисига нима дейсиз, ўртоқ полковник?

— Йўғ-э, Абвер ҳам ўқирканми? — ишонқирамай сўради полковник.

— Нима деб ўйлагандингиз, ўртоқ полковник? Душмanning махсус идораси, улар ҳам ўқийди, шўро фронт матбуоти нимани ёзгпти, кимларни мақтаяпти.

Полковник бошини сараклатаркан, «қойил» деб қўйди. Сергей Константинович гапираркан, Жамила бошқа нарсаларни ўйларди. Бутун мамлакат ўқиса, унда анави раиснинг ҳам қўлига тушиши ҳам мумкинми? Жамиланинг қаердалигини билиб қолмайди-ми? Гап-сўзлар чиқиб, сўроқ-саволлар кўпаймасмикин? Бошқа томондан, тоғаларига яхши бўлиши ҳам мумкин-ку. Мана, жиянимиз қаҳрамон экан, урушда ўзини кўрсатганига газетада чиқаришибди, дейишди. Балки уларнинг бошидан таёқ аримай қолгандир.

— Хўш, суҳбатга тайёرمىсиз, Қодирова? — Сергей Константиновичнинг овозидан унинг ўйлари тўзғиди.

— Нима?! Ҳа, суҳбат, дейсизми? Тайёрман...

— Ҳали кўрасиз, Қодирова, бу очерк сизга жуда кўп қўл келади, — деди ёндафтарчаси ва қаламини оларкан, Сергей Константинович.

У Жамилага саволлар берди. Ота-онаси, урушга келишга нима мажбур қилгани ҳақида маълумот олди. Сўнг, Жамилани снайперлик винтовкаси билан суратга олди...

— Газетамизнинг келгуси сонларини кутинг! — нарсаларини йиғиштираркан, деди Сергей Константинович.

— Интиқлик билан кутамиз, — деди полковник Романенко.

...Орадан бир ой ўтиб, марказга чақиртирилган полковник Романенко қисмга хурсанд бўлиб қайтди. Кўнглини кўтарган нарса на қўшимча кучлар ҳақидаги ваъда-ю на наркомнинг «100 грамма»¹⁸ эди. «Уничтожим врага»нинг янги сонида Жамила ҳақида «Немис-фашистларнинг юрагига гулу солган ўзбек қизи» деган мақола босилганди. Полковник дарҳол уни чақиртирди. Газетани узатаркан:

— Кўр-чи! — дастлабки саҳифага ишора қилиб деди полковник.

Жамила ўзининг суратини кўрди-ю, дув қизариб кетди. Бир муддат сарлавҳани охиригача ўқий олмади.

— Қара, қандай чиройли бўлиб тушибсан! — деди полковник. — Энди кўрасан, хатлар дув-дув кела бошлайди.

Жамила бағтар қизарди. Нима дейишини билмасди...

...Кўп ўтмай газетанинг мазкур сони, Сергей Константинович айтганидек, немислар қўлига тушади ва Абверга етказилади. Абвердагилар ҳақиқатан ҳам «Ўзбечка» лақабли снайпер-аёл борлигига ишонишади...

40

Майор Громов планшетида қоғоз ва қалам оларкан, қаршисида айбдорлардек бошини қуйи солинти-

¹⁸ Жангчиларнинг руҳини кўтариш учун ажратилган спирт, ароқ.

риб ўтирган Зайцевга бир-икки мамнун қараб қўйди. Унинг ҳузурига кирган ҳар қандай киши, минг ўзига ишонган бўлмасин, ювош тортиб қоларди. Майорнинг бир одати бор эди, кимни тергов қилмасин, бошида анчагача сўз бошламай турарди. Буни ўзига хос тарзда амалга оширарди: қоғоз ва қалам тайёр бўлса-да, планшет кавлар, ҳожати бўлмаса-да, сўроқ қилинмишнинг «иш»ини қайтадан ўқиб қоларди... Буларнинг ҳаммаси суҳбатга чақирилганларни мувозанатдан чиқарар, хаёлларини бузар, гапларидан чалкаштирарди. Бу сафар ҳам бу усул иш берганди. Қатъий ишонч билан кирган Зайцев энди шубҳага туша бошлаган, майорнинг узоқ тараддудидан иш жиддиймикин, деган хавотирга ҳам борганди.

— Ҳўш, Зайцев, гапир! — ниҳоят ўнғайсиз ва анча таҳликали жимликка нуқта қўйди майор.

— Нимани гапирай, ўртоқ майор?! — ажабланди Зайцев.

— Нимани гапирардинг, Зайцев, операция қандай ўтганини, майор Плотников штандартенфюрер Фридрих Зоммерни қандай йўқ қилганини... шуларни оғзингдан эшитмоқчиман.

— Кечирасиз, ўртоқ майор... штандартенфюрерни майор Плотников йўқ қилгани йўқ, уни... Жамила... Жамила Қодирова отди.

Майор бутун амалиётнинг икир-чикирларини эшитган, майор Плотниковни немислар ўлдирганини ҳам биларди. Лекин қандайдир бир қиз Абвернинг муҳим зобитини йўқ қилгани унинг гашига тегар, обрўси ошиши, ордену унвонларга номзоди қўйилишини ҳеч ҳазм қилолмасди.

— Сен ҳақиқатан штандартенфюрерни Жамила Қодирова отганини тасдиқлай оласанми? — сўради майор.

— Ҳа...

— Сендан яна бошқа ким тасдиқлаши мумкин?

– Ҳеч ким..

– Мана кўрдингми, Зайцев, демак, гапларинг ёлгон..

– Ўртоқ майор...

– Гапимни бўлма! Демак, сендан бошқа ҳеч ким кўрмаган. Бундан ташқари, майор Плотниковни немислар отганини сен шахсан кўрдингми?

– Кўрдим...

– Қайси немис отганини ҳам кўрдингми?

– Улар куп эди, ўртоқ майор...

– Мана, яна чалкаштираялсан, Зайцев. Аниқ бир немисни кўрмай майор Плотниковни душман ўлдирган, деб ўтирибсан. Агар мен: «майор Плотников штандартенфюрерни йўқ қилиб қайтаётганида ўлган» десам сен қандай қилиб «бўлмаган гап» дея оласан?

Майорнинг бу қадар тубанликка бориши, воқеалар ривожини ўзи хоҳлаганича тўқийтганини кўрган Зайцев ўзини тутиб туrolмади. Майорнинг кўзларига тик боқиб деди:

– Ўртоқ майор, ҳеч ҳам бундай бўлгани йўқ. Мен майор Плотниковни ёмон демоқчи эмасман. Лекин у йўлда, немислар билан отишмада ўлди.

– Бас! – кутилмаганда столни шапатилади майор. Унинг силлиқ таралган сочининг тартиби бузилди, ранги гезарди.

– Сен кимга ақл ўргатмоқчисан, халқ душманининг боласи! Менга-я! Давлатнинг ишонган киши-сига-я! Давлат сенга, халқ душманининг боласига ишонадими ёки менга? Сен бу гапларинг билан нима демоқчисан? Нега айнан майор Плотников ўлди, нега сенлар ўлмадинг? Демак, сенлар майорнинг орқасига яширингансанлар! Икковинг! Сен ва Қодирова! Москвадаги ҳарбий бошлиқларимиз ишониб бу ёққа юборган майор Плотниковдек жангчи бу ишни эплмайди, демоқчимисан? Бу гапинг билан раҳбарларимиз ишончига шубҳа билан қарамоқчимисан!?..

Жавазаси қўзиган ва гапга тушиб кетган майорни тўхтатиш қийин эди. Зайцев унга қарамасликка уриниб кўзларини ерга қадади. Индамай ўтираверди. Майорнинг: «Халқ душманининг боласи» дегани кўнглини оғритган, ҳам нафратини уйғотганди.

— Гап бундай, Зайцев, — ўзига келиб хийла юмшаган майор деди. — Штандартенфюрерни Қодирова отмаган, бу бир! Иккинчидан, майор Плотников ярим йўлда ўлмаган, у штандартенфюрерни йўқ қилиб, орта қайтишда немислар ўқиға учган, гапим тушунарлими?

Зайцев титраб кетди. Қалбида куч олаётган нафрат фақат қўлларининг титрашида билинди.

— Ўртоқ майор, мен фақат кўрганимни айтаман, «халқ душманининг боласи» деб ишонишмаса ҳам!

— Тур ўрнингдан, мараз! — деди майор. — Йўқол!

Майор Зайцевни қўрқитиб, штандартенфюрерни майор Плотников отган, деган гапни чиқармоқчи эди. Бироқ асосий гувоҳ бундан бош тортганди. Майор енгилиб қўядиганлар тоифасидан эмасди. Енгилса ҳам курашга тўймайдигани шу майор эди.

Зайцев чиқиб кетгач сувдондаги ароқдан сипқарди. Янги режалар тузди. Бу сафар энди Жамиланинг ўзини чақиртиришни мақсад қилди.

41

Жамила майор Громовнинг бу сафарги йўқловини яхшиликка, деб ўйлади. Ахир топшириқни бажаришган, штандартенфюрер йўқ қилинган. Ўзича майор «аввалги гина-кудуратларни унутайлик», деса керак, деган ўйга ҳам борди. Бироқ майорни кўрди-ю барча ўйлаганлари остин-устин бўлиб кетди. Майорнинг юзи тунд, қовоғи солиқ; нимадандир норози.

— Хўш, Қодирова, аҳволлар қандай? — худди ҳеч нарса бўлмагандек сўради майор.

Жамила ундан бошқа нарсаларни кутганидан жавоб беролмай тараддуланиб қолди. Уни зимдан таъ-

қиб этаётган майор ичида қувонди, аммо туси ўзга-ришсиз қолди.

— Яхши, ўртоқ майор...

— Бўлган ишларни эшитдик. Штандартенфюрерни отган майор Плотниковни ўлиmidан кейин мукофотга ҳам тавсия қилдик.

Жамила ялт этиб унга қаради. Майор эса ундан камида шундай жавобни кутганди.

— Нега менга ундай қараяпсан, Қодирова? Майор Плотниковнинг мукофотга лойиқ деб билмайсанми?

— Йўқ...

— Шунга айтаман-да, бунақа қарашингни кўриб одамнинг кўнглига ҳар хил хаёл келаркан-да. Мана, разведгурух алоқачиси Николай Зайцевнинг тушунтириш хати, — майор планшетидан бир варақ қоғоз олиб Жамилага кўрсатди ва дарров жойига солиб қўйди.

— Зайцев ҳаммасини ипидан игнасигача ёзиб берди, — давом этди майор. — Майор Плотников қандай қаҳрамонлик кўрсатгани, штандартенфюрер Фридрих Зоммерни йўқ қилганини баён қилган.

Жамила унинг ёлғон гапираётганини сизди. Зайцев ҳеч қачон ёлғон кўрсатма беришига ишонмасди.

— Нега жимсан, Қодирова?

— Нима дейишим керак, ўртоқ майор? Мендан аҳволим қандайлигидан бошқа ҳеч нарса сўрамадингиз-ку.

Майор довдиради. Бошида озроқ хатога йўл қўйганини ўзи ҳам тушунди. Режага кўра гапни узоқдан бошлаши, ўзи тўқийдиган воқеалар ривожидан мантиқ топиб, Жамиланинг тилидан тутмоқчи эди. Негадир бу сафар унақа бўлмади.

— Сен ҳам буни тасдиқлашинг керак, Қодирова, шуни ҳам тушунтиришим керакми! — ўзича танбеҳ берган бўлди майор. — Партиямиз раҳбарлари, қўмондонларимиз ишонган майор Плотниковнинг қаҳрамонлиги, Ватан, ўртоқ Сталин олдида вазифаси-

ни шараф билан бажарганини ва шу йўлда мардларча ҳалок бўлганини аввало сен айтишинг керак эди. Лекин жимсан! Нега? Ёки қуролдошингнинг, сафдошингнинг ишини ўзингники қилмоқчи бўлдингми?

Жамила гапира олмади. Ҳаяжондан тилидан сўз қочган, ўзини бу тухматдан ҳимоя қилишга ожиз эди. Ахир бундай тухматда қолишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган.

— Гапир! Индамай қолдинг, Қодирова? .

— Мен... ҳеч ҳам ундай ҳаёлга борганим йўқ, — титраганича деди Жамила. — Майор Плотниковнинг номига булғамоқчи эмасман. У бизни ҳимоя қилиш учун ҳаётини қурбон қилди, кўксини қалқон қилди...

— Мана шу ерда адашдинг, Қодирова! Айтмоқчи-санки, майор Плотников немислардан ҳимоя қилиш учун ўзини қурбон қилган деб, шундайми?

— Айтмоқчийдимки...

— Ҳа ёки йўқ! — Жамиланинг гапиришига имкон бермай ўдағайлади майор.

— Йўқ, бу вазият тақозоси эди, ўртоқ майор. Майор Плотников яраланди, вазифани бажаришга имкони қолмагач шу йўлни танлади...

— Бу гапинг билан нима демоқчисан? Майор Плотников вазифани уддалай олмади, демоқчимисан?

Жамиланинг тўғриси айтишдан бошқа иложиси қолмади.

— Ҳа!

Майор ўзини ҳайратдан ёқасини ушлаган одамдек кўрсатиш учун қўлларини икки томонга ёйди. Аслида унинг ҳафсаласи пир бўлганди.

— Буни қаранг! Буни қаранг! Қандай одамлар билан яшаяпман-а! Сенга бошқа гапим йўқ, Қодирова! Бор, чиқиб кет! Кўрмай сени!

Жамила ўрнидан туриб жимгина чиқиб кетди.

Майор ўзига келолмасди. Гўштдор юзи, хийла осилган лунжи асабий титрамоққа бошлади. Гапи-

ришга чўғланди-ю негадир ҳадеганда тили сўзга айланавермади. Стол тортмасидан сувдонни олиб қопқоғини бушатди-ю яримлаган ароқнинг ҳаммасини сипқарди. Кафтининг орқаси билан оғзини сидираркан аввалага тушуниксиз гўлдиради, сўнг бу гўлдираш аниқ-тиниқ овозга айланди.

— Ўзингни ким деб ўйлаяпсан?! Битта штандартенфюрерни йўқ қилдим деб ўзини катта тутяптими? Ие... нима деяпман, қанақасига у штандартенфюрерни отган бўлиши мумкин! Ароқ таъсир қияпти, ҳа, бу аниқ! Буни майор Плотников қилган, Қодирова эмас! Буни албатта тегишли ўртоқларни бундан хабардор қилишим керак!

У шоша-пиша сувдоннинг қопқоғини ёпди, тортмага қўйгач, сарғайган қоғозни олиб ёзишга тушди.

42

— Ўртоқ полковник, киришга рухсат беринг! — полковник Романенконинг ертўласига кирган Жамила ҳарбий низомга мувофиқ мурожаат қилди.

— Кир, Қодирова, киравер! — полковник ўрнидан туриб уни ёруғ юз билан қаршилади ва Жамиланинг қўлини қаттиқ қисиб қўйди.

— Баракалла, Қодирова, баракалла!

Одатда наинки оддий асқар, балки зобитлар кирганида ҳам полковник ўрнидан туриб уларнинг истиқболига чиқмасди. Жамила кирганида эса одатига терс юрди. Бундан Жамила анча хижолат тортди.

— Қани, ўтир-чи! — курсига ишора қилиб, жойига ўтирди полковник.

Жамила курсига омонат ўтириб полковникка қаради.

— Асосий мавзуга ўтиб қўя қолай, лирик чекинишларни ёмон кўраман, — гап бошлади полковник.

— Майор Громов билан алоқанг қандай?

Жамила сергак тортди. Полковник бекорга сўрамаётган. Нимадир бўлган. Шунинг учун тўғрисиини айтишни лозим топди:

— Ўртоқ полковник, яширмайман, у одам мени ёқтирмайди... сизга аввал айтганим йўқ, асирликдан қочганимда НКВД сўроқ қилди, камига майор Громовни чақиришди. Нималар деганини билмайман, лекин мени отувга ҳукм қилишди. Ҳатто «девор»га ҳам қўйишди. Лекин сўнгги сонияларда НКВД полковниги Новгородов ҳукми бекор қилди. Ушанда майор Громов деразадан девор остида турганимни кузатиб турганди.

— Шунақа дегин! Вой, мараз! — беихтиёр сўкиниб юборди полковник. — Бу аблаҳ қанча-қанча йигитларнинг ёш умрини хазон қилди! Баъзида ўйланиб қоламан, биргина одам шунчалик ёмонликни ичига сиғдира олармикин, а! Сен билмайсан, Қодирова! Бунинг чақуви билан икки йигит отиб ташланди, шу ерда, кўз олдимизда! Бир дунё НКВДчиларни бошлаб келди. Яна қанча йигитларни терговга юборди бу лаънати!.. Сени мукофотга тавсия қилаётгандик. Лекин бу ифлос яна устингдан мағзава ағдарган кўринади. Номзодинг қолдирилди, лекин Николай Зайцевники тасдиқланди. Энди... хафа бўлмайсан, Қодирова, ҳаётда шундай нарсалар ҳам бўлиб туради.

— Хафа бўлганим йўқ, ўртоқ полковник. Ҳеч бўлмаса Коля оляптикан-ку.

— Ҳа, аслида майор уни ҳам роса қорага булғаган. Фақат айбнома сеникидан енгилроқ бўлганига қатъий туриб олганимиздан кейин кўнишди. Сеникига барибир кучимиз етмади. Лекин гап бунда эмас, ҳали кўп орден-медалларни оласан, ишончим комил. Бу майор деганлари сени тинч қўймаса керак. Мен бир нарсани ўйлаб турибман. Сени бошқа жойга кўчирамиз. Шунда майордан қутуласан. Бунга нима дейсан?

— Мени қаёққа юборишса кетавераман, ўртоқ полковник.

— Баракалла, бу ҳақиқий жангчининг жавоби бўлди.

Полковник бекорга бундай қарорга келмаганди. Кеча оқшом кайфи ошиб қолган майор Громов билан тасодифан тўқнаш келиб қолди. Майор чайқалар, кўзлари сузилиб юмилиб кетар, ёқаси тутмаланмаган. Доим силлиқ тараладиган сочларини пахмайган. У полковникни кўриб «бир дақиқа!.. бир дақиқа!..» деганича унинг йўлини тўсди.

— Сизга бир с-саволим бор, ўртоқ полковник, хиқ!..

— Қулоғим сизда, ўртоқ майор! — истамаса-да унинг қаршисида тўхтади полковник.

— С-сиз нега Қодированинг ёнини оласиз?

Полковник ажабланди.

— Сизни тушунмадим, ўртоқ майор, нима демоқ-чисиз?

— Сиз... сиз... ўртоқ полковник... ва яна баъзи бир ўртоқлар негадир Қодировани ҳимоя қилаверади. Аслида у давлатимизнинг, шахсан ўртоқ Сталиннинг душмани!.. Бунга ҳеч қандай шубҳам йўқ! Сизларни тушуна олмайман, нега уни ҳимоя қиласизлар! Ёки, масалан, айтайлик, радист Николай Зайцев, халқ душманининг фарзанди! Гапим тўғрими? Йўқ, сиз менга жавоб беринг, тўғри гапирдимми?

— Қайси гапингиз, ўртоқ майор? — тоқатсизланди полковник.

— Николай Зайцевнинг халқ душманининг фарзанди экани!

— Ҳа... бу гапингиз, тўғри...

— Ана, сиз ҳам тасдиқлаяпсиз, демак, бунга ишонасиз! Ҳа, сиз ҳалол-пок зобитсиз, шунинг учун Зайцевнинг халқ душманининг фарзанди эканини инкор этмайсиз!..

— Кечирасиз, ўртоқ майор, жамиятимизда ота учун фарзанд жавоб бермайди, тўғрими гапим?

Майор икки бармоғи орасига папирос қистирилган қўлини асабий силкитди.

— Йўқ, сиз гапни чалғитманг, ўртоқ полковник! Гапни чалғитманг! Николай Зайцев халқ душманининг фарзандилиги ростми? Рост! Сизга яна нима керак?

Ғазаби қайнаган полковник ён-атрофига қараб ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, паст овозда деди:

— Менга қара, мараз, нима деб валдираяпсан! Бу ерда мен фақат битта давлат ва халқ душманини биламан. Бу ҳам бўлса сен — майор Громов Николай Иванович! — полковник хийла у томон энкайиб кўрсаткич бармоғи билан унинг кўкрагига таҳдидли нуқиди. — Қанча-қанча йигитларнинг бошини единг, ифлос, бу камми сенга! Булар қўлига курол олиб ҳаётини гаровга қўйиб душман билан курашяпти. Ўлим бу аскарлар билан қадам-бақадам юради. Сенга ўхшаб хонасига биқиниб ўтирмайди, фитна қилмайди! Сен ҳали шошмай тур, вақт-соатинг келади, туҳматингга учраганларнинг қарғишига учрайсан. Ўшанда полковник Романенко шундай деганди, деб эслайсан. Энди сенга бир маслаҳатим — кўзимга бошқа кўринма! Устингдан тегишли идораларга ёзиш менинг ҳам қўлимдан келади.

Майорнинг кайфи тарқаб кетган, аввалига полковникка нафрат билан қадалган нигоҳида энди қандайдир мутелик, ёлвориш зуҳур эди. Майор бошқаларни ўз идораси билан кўрқитарди, лекин унинг ўзи ҳам бошлиқларидан жуда кўрқарди. Ҳар қандай чақув ёки туҳмат билан бу идорага келтирилган одам, у минг бегуноҳ бўлса ҳам, бўйнига бирор нарсани олмасдан чиқмасди. Чиққанда ҳам тўғри қамоқ ёки меҳнат лагерларига кўп йиллик муддат билан чиқарди. Полковникнинг: «Устингдан тегишли идораларга ёзиш менинг ҳам қўлимдан келади», дегани уни жуда кўрқитиб

юборганди. У анчагача нима дейишни билмай полковникнинг кўзларига қараганича туриб қолди.

Полковник бошқа сўз айтмай юриб кетди. Майор эса унинг орқасидан қараганича қолаверганди. Кеча оқшомдаёқ полковник Жамилани ҳам, Зайцевни ҳам бошқа жойга кўчиришни дилига тутиб қўйган, шу ерда қоладиган бўлса майор бир кунмас-бир кун буларнинг бошига етишига шубҳа қилмасди...

— Демак, келишдик! — деди полковник Жамилага.

— Худди шундай, ўртоқ полковник. Мени қаерга юборишлари мумкин? — паст овозда сўради Жамила.

— Билмайман... тўғриси, тахмин ҳам қила олмайман.

Полковник уларнинг қаерга юбориши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмасди. Армиялар пайдар-пай чекинаётган, бутун бошли дивизиялар тормор этилиб, минг-минг аскарлар асир олинаётган бир вақтда ҳеч нарсани одиндан айтиб бўлмасди.

— Сен, қизим, мендан асло хафа бўлиб юрмагин, — деди туйқус хаёлларидан бош кўтарган полковник. — Бир кун келиб бу ишим учун ҳали менга раҳмат ҳам айтасан.

Полковнинг «қизим» дейишидан Жамиланинг юраги алланечук бўлиб кетди. Бу кунгача у бундай деган эмасди. Бу ҳарбий қўмондоннинг эмас, фарзанди учун жой куйдираётган меҳрибон отанинг сўзларидек туйилиб кетди унга.

— Сиздан ҳеч ҳам хафа бўлмайман, — деди Жамила. — Бизни ҳимоя қилганингиз учун катта раҳмат, ўртоқ полковник.

— Худо ёр бўлсин, қизим! — полковник қўлини узатди.

Жамила унинг қўлини қисиб қўйди.

1942 йилнинг ёзи тугамоқда эди...

ИККИНЧИ ҚИСМ

СТАЛИНГРАД: СНАЙПЕРЛАР УРУШИ

1

Дарё соҳида юзлаб аскарлар, машиналар, от-аравалар тўпланиб қолган. Қарама-қарши соҳил ортида тамом вайрон бўлган шаҳар кўринади. Аниқроғи, уюм-уюм тепалар. Қайсидир бинога ҳозиргина снаряд келиб текканми, қуюқ тутайди. Қора кўланка тобора йириклашиб боради. Шаҳар ичидаги урушни Жамила энди кўриб турмоқда эди. Соҳилга паром яқинлашаётганини кўриб дарҳол нарсаларини кўлига олди. Аскарлар билан паромдан жой олди. Кечув жойи нисбатан торроқ бўлса-да, улкан кенгликларни ортда қолдириб келадиган Волга солланиб, кенг узанга ёйилиб оқар, уюрмалар кўзга қўрқинчли кўринарди. Худди кемадан тушиб кетадиган одамни тириклайин ютадиганга ўхшарди. Жамила ўзини алаҳситишга уриниб; аскарларга қаради. Барикуни кеча шаҳару қишлоқлардан сафарбар қилинган ёш-ёш йигитлар. Пороҳ ҳидини ҳидламаганлар. Буларнинг олдида қандай синовлар турибди. Урушга келганига ҳали кўп бўлмай Жамила ўзини анча улғайгандек сезарди. Йигитларни кузатаркан, туйқус ёдига Камолитдин тушди. Уни ҳам ўзига тенгдош йигитлар қаторида урушга олиб келишган. Қўлига қурол тутқизишган...

Кутилмаганда паромнинг чап томонида снаряд ёрилиб, овир чайқалди. Хаёлларига шўнғиган Жами-

ланинг устига муздек сув сочилади-ю йиқилиб тушди. Яна кетма-кет снарядлар ёрилди, аскарларнинг бахтига бирортаси паромга тегмади. Лекин сўнгтиси нақ паромнинг тумшуғида ёрилиб, уни олд қисмини мажақлади. Кучли силкинишдан кўплар сувга тушиб кетди, улар орасида Жамила ҳам бор эди.

Дарё суви муздек эди. Гуё сон-саноксиз игналар баданга санчилганга ўхшарди. Жамила бир амаллаб винтовкасини тўғрилаб олди, сафар халтасини эса қўйиб юборди. Оғир кийимлари сувга обдан бўкканидан уни сув юта бошлади. У сузишни билмас, жон ҳолатда типирчилар, оғзи-бурнига сув тиқиларди. Ҳамма ёқ қоронғилашди, ҳаво тугади. Бирор марта душман ўқига учмай шу ерда, солланиб оқаётган Волгада омонатини топширишига ишонди... Шунда кимдир унинг қўлидан тортди. Сув юзасига чиқди. Яна нафас ола кетди. Кўзлари хира тортган осмонни, унга қараб турган кекса аскарни кўрди.

— Кўп типирчилама! — буюрди у. — Ҳозир тортиб оламан.

У қайиқда эди. Унинг қаёқдан пайдо бўлгани ҳақида Жамиланинг ўйлашга вақти йўқ эди. У ҳатто сувнинг совуқлигини ҳам сезмасди. Кекса аскар унинг қўлигидан тортди. Жамиланинг ўзи ҳам қайиқни ушлаганича юқорига тортилиб, бир амаллаб қайиққа чиқиб олди.

— Милтиқни ташласанг ҳам бўларди, қизим! — деди аскар.

Жамила тасмасидан елкасидан ошириб осиб олган винтовкасини қўйиб юбормаганди. Аскарнинг гапидан сўнг уни тўғрилаб қўйган бўлди. Оддий милтиқ эмас, балки снайперлик винтовкаси эканини айтиб ўтирмади. Аскар эса унга ортиқ эътибор бермай, сувга тушган бошқа аскарни қайиққа торта бошлаганди.

Мажақланган паром чўккан, ундаги аскарлар сувда сузарди.

— Бир ўлимдан қолдинг, — деди кекса аскар Жамилага қараб.

— Катта раҳмат, амаки, — тиши-тишига тегмай қалтираётган Жамила деди.

— Раҳмат учун қилганим йўқ, қизим, — навбатдаги аскарни қайиққа тортаркан, деди кекса аскар. — Нариги соҳилга қанчадан-қанча аскар юборилди, эҳ-ҳе, санасанг санокдан адашасан! Лаънати немислар кемаларни ўққа тутди, камига самолётларини юборади! Бугун омадинг келди, қизим, устингга самолёт югурмади. Бўлмасам омон қолишинг гумон эди. Лекин сўнгги вақтларда буларнинг анча тано-би тортидди. Самолётлари учмай қолди. Бизникилар ҳам роса адабини беряпти-да, бу лаънатиларни! Ҳув, анави зениткаларни кўряпсанми? — у соҳилда қум тўлдирилган қоплар билан ихоталанган зенитчиларга ишора қилди. — Чунон буларни қийратяпти. Бизникилар кечаги тажрибасиз, ҳеч нарсани билмайдиган аскар эмас, уруш кўриб, кўзи пишди!..

Қайиқ тумшуғи қумлоқ соҳилга урилди. Қайиққа чиқиб олган аскарлар бирин-кетин ўрниларидан туришиб соҳилга тушишди. Жамила ҳам қирроққа тушаркан, кекса аскарга юзланди.

— Катта раҳмат, амаки! — деди у. — Агар бўлмаганингизда сувга чўкарканман.

Кекса аскар сийрак тишларини кўрсатиб жилмайди.

— Эҳ-ҳе, сендақалардан қанчасини сувдан олиб чиқдим, — деди. — Кема дарёга тушса қайиқда орқасидан тушаман. Ишим шу.

Жамила бу одам шу ишга махсус тайинланган бўлса керак, деган ўйга борди. Кўнглидан ўтган ўйни ўқигандек, кекса аскар:

— Ҳеч ким менга шу ишни қиласан, деб айтмаган, қизим. Ишим шу. Олдин Волгада балиқчилик қилардим, балиқларни овлардим. Энди бўлса ўзимизнинг аскарларни тутаман, қизиқ-а!

Жамила жилмайиб қўйди.

— Майли, совуқда кўп турма, қизим, омон бўл! Ўзингни асра! — кекса аскар Жамиланинг сўзларини ҳам кутмай қайиқнинг тумшуғини ортга бурди. Қайиқ ортидаги ёлғиз эшакни бошқарганича қарама-қарши қирғоққа сузиб кетди...

«Бу шаҳарда ҳар қадамда ўлим эргашиб юради шекилли!» — ўй оралади Жамиланинг кўнглига. Винтовкасини тўғрилаб олдида юриб кетди.

2

Ёши қирқларга бориб қолган майор Тихонов Александр Парамонович нам тортган ҳужжатларни кўздан кечираркан, савол назари билан Жамилага қаради. Изоҳталаб нигоҳидан учган маънони ўқиган Жамила дарров:

— Дарёни кесиб ўтаётганимизда кемага снаряд келиб тегди. Сувга тушиб кетдик...

Майор Тихонов шундагина нега унинг титраб-қақшаб турганини сезди-да, қўшни хонага овоз берди:

— Родионов, олдимга! — сўнг яна Жамилага қаради. — Нега шуни олдинроқ айтмадингиз!

Жамила жавоб бермоқчи бўлганида эшиқда ёш бир аскар кўринди.

— Эшитаман, ўртоқ майор!

— Аскар Қодировага қуруқ кийимлардан бер, кийимларини алмаштириб олсин.

— Хўп бўлади...

— Кейин, иссиқ чой бер, ичига иссиқ кирсин.

— Хўп бўлади...

— Фроловага айт, ёрдам берсин.

— Хўп бўлади.

Аскар уч марта «хўп бўлади», дегач майор бош ирғаб кетишга изн берди. Жамилага юзланаркан, деди:

— Кейин олдимга Фролова билан кирасиз. Ҳозир борганда танишиб оласиз.

— Хўп бўлади, ўртоқ майор! — деди Жамила.

...Екатерина Фролова қирқ ёшлардаги, қотмадан келган ва ўрта бўйли бўлиб, унча-мунчага чехраси очилмайдиган аёл эди. Буни Жамила бир қарашдаёқ сизди.

— Исмнинг нима? — сўради у, Жамила бошқа кийим-бош кияркан.

— Жамила... Ўзбекистонданман.

— Шундай дегин! Қайси шамоллар билан бу томонларга келиб қолдинг, қизгина?

Бундай саволларга Жамила кўникиб ҳам қолди. Жилмайиб қўйди-да: «Ўзим урушга кетмоқчи бўлдим, бор гап шу» деб қўя қолди. Екатерина унинг бу жавобидан қониқмади. Унинг кулиб турган юз-кўзига қараб деди:

— Уруш сенга романтика эмас, қизгина! Ўртага тушиб ўйнаб-ўйнаб четга чиқиб кетгани! Бу — уруш! Ўз номи билан уруш! Фронтга яқинда келдингми, дейман?

Екатерина уни энди урушга келган жангчилардан бўлса керак, деган хаёлда эди.

— Йўқ... ўтган йили... — бирдан жиддий тортиб деди Жамила.

Екатерина унга синовчан тикилди. Ишонмади.

— Украина frontiда, 33-дивизияда хизмат қилганман, — давом этди Жамила. — Кейин Сталинградга кўчиришди.

— Тўхта, тўхта, сен анави обербанштурмфюрер-ни отган қиз эмасмисан?

Жамила ийманиб:

— Ҳа, ўша менман, — деди.

— Эшитдим, бўлган ҳамма ишларни, — бирдан юмшагандек деди Екатерина. — «Особист» сени мукофотдан махрум қилган, тўғрими?

— Билмадим...

— Ўзиям жуда камтар қиз экансан, дарвоқе, фамилиянг нимаиди?

— Қодирова...

— Ҳа, Қодирова! Гуруҳимга айнан сенга ўхшаган снайперлар керак. Жуда хурсандман келганингдан. Қорнинг очми?

Дабдурустандан берилган саволга Жамила қандай жавоб беришни билмай қолди. Қорни жуда оч эди. Лекин «қорним оч» дейишга ийманди. Унинг жавобда ҳаялаганидан Екатеринанинг ўзи деди:

— Юр, меҳмон қиламан сени! — унинг чехраси ҳам очилиб кетганди.

Сталинграднинг вайрона харобаларида кечаётган кўча жангларида малакали снайперлар етишмасди. Снайпер гуруҳларига асосан жангчилар орасидан кўзга кўринганлари ёки хоҳловчилар танлаб олинарди. Одатда улар снайперлик сир-асрорларини махсус мактабларда эмас, балки жангларда ўзлаштиришарди. Немислар эса махсус тайёрланган снайперларини урушга юборишар, улар фронтда даҳшатли куч эди. Гуруҳига номи чиққан ва моҳир снайпер келиб қўшилганидан Екатерина Фролова жуда хурсанд бўлиб кетганди. Унинг гуруҳига юрагида ўти бор, аммо тажрибасиз жангчилар келиб қўшиларди-ю тажрибали немис снайперларига қаршисида улар тирик нишонга айланиб қолишарди.

3

Екатерина Фролова бошчилигидаги гуруҳ беш кишидан иборат эди. Ўттиз ёшлардаги, баланд бўйли Аркадий Мануйлов рус, олтмишларга бориб қолган, ўрта бўйли ва тўладан келган, шериклари «Вася тоға» деб чақирадиган Василий Шевченко украин, шу кузда йигирма бешга кирган, доим кулиб турадиган қозоқ йигит Азамат Ескалиев ва у билан тенгдош, белорус Александр Белкевич. Екатерина Жамилани таништирди, Украина frontiда кўрсатган қахрамонликларидан сўзлади. Жамила гоҳ қизарар, гоҳ ўнғайсизланиб кўзларини яширишга уринарди. Сўнг Екатерина штабга чақиришаётганини айтди-да, кетди.

Шевченко — Вася тоға Жамиланинг олдига келиб:

— Мени Вася тоға десанг ҳам бўлади, қизим, — деди. — Ўзбекман, дегин!

Жамила тасдиқ ишорасида бош ирғади.

— Фролованинг гуруҳига келишимдан аввал пиёда қўшинларида эдим, — давом этди Вася тоға. — Бир ўзбек йигит бор эди. Оти Мухаммаджон эди. Исми пайғамбарнинг исми, дерди. Фарғонаданман, деганди. Шу йигит танкка қарши қуролда отарди. Ишонсанг, танкларнинг тумшугини мажақларди, қойилмисан! Айтмоқчи бўлганим, ўзбекларнинг қонида бор бу нарса! — у Жамиланинг қўлидаги винтовкага ишора қилиб қўйди.

Вася тоға — Василий Шевченко ўзи аслида зиёли эди. Ўттиз тўртинчи йилгача Киевдаги университетда ишлаган, бироқ устидан чақув бўлиб ишдан ҳайдалганди. Ҳаётда энг катта омади, буни у баъзи-баъзида гапириб қоларди, чақувдан сўнг омон қолгани эди. Меҳнат лагерларига «этап» қилинган собиқ ҳамкасбларининг куни бошига тушишини, уни ҳам олиб кетишларини кутди. Лекин бундай бўлмади. Сўнг оиласи билан Полтавага, кўпчилик-

нинг назаридан холи қишлоққа кўчиб келди. Ўша ердаги қишлоқ мактабида тарих, география ва адабиётдан дарс берди.

— Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар тарихини ўқиганман, — давом этди у. — Сизлар ва ана буларнинг қонида, — у суҳбатга қулоқ тутиб турган Азамат томон бош ирғаб қўйди, — жанговарлик бор. Темурни биласанми?

— Йўқ, — деди уялиб Жамила.

— У буюк фотиҳ бўлган, Ўрта Осиёда катта империя қурган.

— Ие, Темур Ўрта Осиёда яшаганми? — ҳайрон бўлиб сўради Мануйлов.

— Яхшиям «Темур Москвада туғилмаганми?» деб сўрамадинг! — деди Вася тоға.

— Шуни ҳам сўрамоқчи эдим, Темур Москвада туғилмаганми? — сўради Мануйлов.

— Ҳурматли Аркадий Сергеевич, — ўз одати бўйича суҳбатдошининг исми-шарифи билан атаб деди Вася тоға. — Темур Москвада эмас, Ўрта Осиёда туғилган!

— Қўйсангиз-чи, Вася тоға! — бўш келмади Мануйлов. — Шахсан ўзим «Пионер» журналида ўқиганман: Темур москвалик!

Вася тоға кулди ва тушунтиришда давом этди:

— Биз тарихий шахс, буюк империя қурган киши ҳақида сўзлашяпмиз. У ҳақда на «Пионер» журнали, на «Правда» газетаси¹⁹ ёзган, тушундингми?

Мануйлов ҳеч нарсага тушунмагандек унга қараб қолди. Вася тоға эса изоҳ беришни давом эттирди:

— Сен ўқиган Темур билан мен айтаётган тарихий шахс ўртасида салкам олти аср вақт ўтган, энди тушунгандирсан?

Мануйлов тасдиқ ишорасида бош ирғади.

¹⁹ Собик иттифоқ даврий нашрлари.

— Вася тоға, балки яна биз билмаган бошқа Те-мурлар ҳам бўлгандир? — суҳбатга қўшилди Азамат.

— Бўлса бордир, Азамат Серикбаевич, — деди Вася тоға. — Бу ҳақда ўқимаганимни тан оламан.

— Ўқигандан кейин охиригача, яхшилаб ўқиш керак-да, Вася тоға, — ҳазиллашди Александр Белкевич ва ҳафсаласи пир бўлган одамдек қўлларини икки томонга ёйиб қўйди.

— Айбимни тан оламан, Александр Павлович, — қўлларини кўтарди Вася тоға.

— Бўлмасам менда бир таклиф бор, — деб қолди Мануйлов. — Вася тоға бирор мавзудан гап очса аввал имтиҳон қилиб кўрамиз. Яхши биладимми-йўқми, туғрими?

Вася тоға тиззаларига уриб кулди.

— Буни қара, Аркадий Сергеевич, мени имтиҳон қилишинг учун ўзинг ўша мавзун билишинг ҳам керакми-йўқми? Хўш, сен имтиҳон ҳам оляпсан, дейлик. Билганингдан кейин савол берасан. Савол тувилади, билган нарсангни қайта эшитишдан не фойда?

Унинг нима демоқчилигини тушунган шериклари кулиб юборишди.

— Бу худди музқаймоқ ейишингдан аввал «Вася тоға, музқаймоқ ширинми ёки йўқми? Оқми-қорамми? Қаттиқми-суяқ?» деб сўрашдек бир гап-да!

Яна кулги кўтарилди. Мануйловнинг ўзи ҳам бошқаларга қўшилиб кулди. Бу орада Екатерина штабдан қайтиб келди. Кўзлари жиддий, чеҳраси парижон кўринарди. Ҳамма бирдан сергакланиб жиддий тортди...

4

Жамила жойлашган, шаҳарнинг камдан-кам омон қолган бино деразасидан катта кўча бемалол кўри-

ниб туради. «Нишон-кафтдек кўринаркан» — деган хаёлга борган ва мийиғида кулиб қўйганди. Кўчада ҳаёт тинмайди. Ҳозиргина дарёдан ўтган, аскар ёки юк тўла полуторкалар, қурол-яроғ ортилган от-аравалар қаёққадир шошади. Йўл четидан эса сафланиб олган аскарлар кетиб боради. Урушнинг иккинчи йили ўтиб борар, фронтга жўнатилаётган аскарлар, ҳарбий техникаларни кўриб унинг яқин орада тугашига одамнинг ишонгиси келмайди. Ана шу хаёллар ичида дераза ёнида турганича кўчадаги жўшқин ҳаётни кузатаётган Жамила аскарлар орасида таниш чехрага кўзи тушди-ю ҳайрат ва ҳаяжондан қотиб қолди. «Адашдимми? Ўхшатдимми?» — деган ўй кўнглидан ўтди. Бироқ юришлар ўша-ўша. У узоқлашиб борарди. Яна бир муддат кечикса уни кўздан йўқотиб қўйишидан қўрққан Жамила жон ҳолатда ўзини эшикка урди. Зиналардан тез-тез тушиб ташқарига — кўчага чиқди. Аскарлар узоқлашиб борарди. У машинавори улар ортидан юрди, қадамларини тезлаштирди. Ўша таниш кўринган аскарга етиб олди. Ортидан қаралса — елкалари, қадам ташлашлари худди ўша. Кутилмаганда Жамила анчадан бери туймаган ёқимли ҳисларни туйди, тез-тез ураётган юраги кўксини ёриб чиққудек бўлар, томоғи қуруқшарди. Қишлоқда ҳар гал уни кўрганида худди шундай аҳволга тушарди... Юраги, кўнгли алдамаганди. Аскарлар орасида кетиб бораётган... Камолиддин эди.

Жамила нима дейишини, қандай чақирлигини билмасди. Телбаларча аскарларнинг ортидан эргашиб кетаверди. Шунда... Камолиддиннинг кўнгли ниманидир сезгандек бўлди. Аввал ён-атрофига, сўнг ортига қаради ва беихтиёр юришдан тўхтаб қолди. Ортидан келаётган аскарлар эса уни четлаб ўта бошлашди.

— Жамила?! — Камолиддин эгнида ҳарбий шинел, бошида пилотка қизнинг Жамила эканига ишонмас, гўё туш кўраётганга ўхшарди.

— Ассалому алайкум... — ийманиб салом берди Жамила.

Туши эмас, ўнги эканига ишонган Камолиддин тутила-тутила алик олди.

— Ваалайкум... ассалом... Бу ерда нима қиялпсан, Жамила?!

— Урушга келдим.

— Қачон?

— Ўтган йили. Сизлардан кейин...

Камолиддиннинг тўхтаб турганини кўрган батальон командири қичқирди:

— Аскар! Тўхтама!

Камолиддин бош ирғаб қўйди, лекин юриш-юрмаслигини билмади.

— Камолиддин ака, мени Сталинград фронтига жўнатишди, энди шу ердман!

— Яхши, Жамила, мен ҳам Сталинградман! Ўзинга эҳтиёт бўл, ўзингни асра!

— Сиз ҳам, Камолиддин ака!..

Аскарлар орасидаги ўзбек йигитлари ўзбечка гапираётган қизни кўриб ҳайрон қолишган, бир-бирларига «Ўзбек экан! Ўзбек экан!» дея пичирлай кетишганди. Эгнига ҳарбий кийим кийган ўзбек қизи уларни ғурурлантириб юборганди.

— Худо хоҳласа яна учрашамиз, Худо хоҳласа! — Камолиддин шундай деди-да, сафга қўшилди. Жамиладан кўз узмай унга қўл силкиб кетаверди. Жамила ҳам унга қўл силкиганича қолаверди.

Жамила Камолиддинни соғ-саломат, қолаверса, Сталинградда учратганидан жуда хурсанд бўлиб кетди. Худога шукрлар айтди, ҳам Камолиддинни бало-қазолардан асрашни сўради. Аскарлар кўздан йўқолгунча уларни кузатиб турди ва истар-истамас ортига қайтди.

Жамила тарақ-туруқдан уйғониб кетганида стол устидаги соат миллари тунги 2:45 ни кўрсатарди. Ундан нарироқда Екатерина шошганича кийинарди.

— Узр, уйғотиб юбордим, — кийинишда давом этаркан деди у. — Менимча ҳаммамиз чиқсак керак. Шошилинич хабар келди. Штабга чақиришяпти.

Екатерина ўзига сўнги бор тартиб берди-да, ташқарига чиқиб кетди. Унинг гаплари Жамилани анча тараддудга солиб қўйганди. Ётгиси келмай ўрнидан турди ва кийина бошлади. Екатерина тўғри гапирганди — кўп ўтмай қайтиб келиб, деди:

— Бир жойга борамиз. Разведка немисларнинг шубҳали ҳаракатларини аниқлабди. Катта эҳтимоллик билан немис снайперлари.

Негадир Жамиланинг юрагига хавотир йнди, ҳам ҳаяжонланди. Ғалати ҳиссиёт. Бундай вазифаларга биринчи марта чиқаётган бўлмаса. Таажжубланди. Лекин ҳозир ўйланиб ўтирадиган фурсат эмас, чаққонлик билан нарсаларини олди-да, Екатеринанинг ортидан ташқарига чиқди.

Октябрь туни. Волга томондан аччиқ изғирин эсади, кундузига қараганда анча совуқ. Қоронғида шаҳар вайроналари кўзга хунук кўринади. Бирорта бутун, шикаст етмаган бино кўринмайди. Жамила ўзини худди мазористонда кетаётгандек ҳис қилди. Совуқдан эмас, балки қўрқувдан эллари жунжиқди. Агар ҳамроҳлари бўлмаганида оёғини қўлига олиб қочиб қолган бўларди. У ҳам қоронғилиқдан, ҳам қабристондан жуда қўрқарди. Мевалар фарқ пишганида дутоналари қишлоқ четидаги қабристонга юғриб қолишар, унинг эса юраги дов бермасди. Қадим тупроқтепалар адоғидаги бор унга қабристоннинг давоми бўлиб кўринар, боргудек бўлса тасавуридаги ҳар хил мурдалар (улар доимо қўрқинчли бўларди)

чиқиб, унга ташланиб қоладиганга ўхшарди. Ҳозир эса ўша қабристонни ёдига соладиган шаҳар вайроналари оралаб кетиб боришарди. Ҳеч ким гапирмас, тез-тез қадам ташлаб кетишарди.

Тунги осмонни ракета бир зумга ёритгандек бўлади. Шаҳарнинг олис бурчида автомат тариллаб қолади, милтиқлар қасирлайди. Милтиқларнинг тартиб билан отаётгани, орада муддатга тин олишидан Жамила снайперлар ишлаётганини фаҳмлади. Хаёлидан ўтган ўрни ўқигандек, Екатерина паст овозда деди:

— Кейинги муюлишдан ўтишимиз билан бино ичига яширинамиз. Снайперлар бўлиши мумкин!

Фақат деворлари қолган бу бинолар орасида жанг қилиш нақадар оғирлигини Жамила ҳар қадамда тушуниб борарди. Харобалар орасида ниқобланиш — яшириниш осон, қайси бетон, девор ёки дераза ортида душман снайпери биқиниб ўтирганини топиш мушкул иш. Бу ерда нафақат моҳир мерган бўлиши, балки ички ҳиссиёт, нозик сезимлар билан иш кўриш лозим. Энг асосийси — омад! Бу ердаги урушда снайперлар уруши шафқатсиз бўлиши, омон қолиш осон эмаслигини ҳис қилди...

Муюлишга етганларида Екатерина гуруҳни тўхтатди.

— Қаршимиздаги биноларда снайпер бўлиши мумкин, — деди у паст овозда. — Битта-битта бўлиб бинога кирамиз!

Унинг гапидан сўнг йигитлар бирин-кетин кўчани кесиб ўтишиб, ўзларини бинога олишди. Охирида Жамила ва Екатерина қолишди. Екатерина Жамиланинг елкасига аста уриб «борақол!» деди. Жамила яширинган жойидан чиқиб бино томон югурганида прожектор ёнди-ю уни ёритди. У қотиб қолди. Прожектор томондан автоматлар тариллади. Ўқлар унинг атрофида доира ҳосил қилаётгандек эди. Екатеринанинг чинқирик овози унинг ўзига қайтарганди:

— Югур! Нега турибсан, югур!

Екатеринанинг овози билан Жамиланинг вужудига жон қайтгандек бўлди. Бино томон югурди. Исталган сонияда қаеригадир ўқ тегишини кутар, бахтига ўқлар уни четлаб ўтарди. Деразага етганида бинога кириб улгурган йигитлар дарров уни ичкарига тортишди. Жамила ҳансираб нафас олар, тирик қолганига ишонгиси келмасди. Орада бир муддат вақт ўтиб прожектор бошқа томонни ёритганида Екатерина бинога кириб улгурди.

— Омадинг бор экан, қизгина! — нафасига бўғзига тиқилгудек бўлиб Жамилага деди у. — Снайперга ҳар доим омад керак.

Сўнг қолганларга қаради.

— Гап бундай, бутун бино бўйлаб қулай нуқталарга ўрнашамиз! Разведканинг гапида жон борга ўхшайди — немислар энди рўпарамизда!

— Тахминан қанча масофа бор? — Мануйлов сўради.

— Уч юз метрлар келади... Агар бинода снайперлар бўлса бу масофадан курашиш осон бўлмайди. Ҳозирча шу ерда қоламиз, нишонни аниқ топганимиздан кейин бошқа жойга кўчамиз.

Узоқ масофалардан жанг олиб бориш аслида донғи тилларда дoston снайпер Василий Зайцевнинг усули, деса ҳам бўларди. Оптик нишонда ҳам илғаш қийин бўлган масофага яшириниб жанг қилиш уни душманга етиб бўлмайдиган снайперга айлантирганди. Айнан унинг тавсияси ва кўрсатмалари бўйича Сталинград fronti снайперлари жанг қилишга ҳаракат қилишарди.

— Буйруқ тушунарлими? — сўради Екатерина.

— Худди шундай! — дейишди жангчилар.

— Қодирова ва Мануйлов мен билан қолади, қолганлар бошқа нуқтага!

— Хўп!..

Гуруҳнинг бошқа аъзолари қоронғиликка сингиб кетишди.

— Қодирова, — деди винтовкасини қулай қилиб ўрнатаётган Екатерина. — Биринчи синовдан ўтасан. Сталинград бошқа жойларга ҳеч ўхшамайди.

Жамила бунга алақачон иймон келтирганди. Украина ўрмон ва ботқоқликларидегидек душманни йўқ қилиш осон эмаслигини, нафақат у, балки душман снайпери ҳам уни кузатишини ҳис қилар, энди ном чиқариш учун эмас, омон қолиш учун курашиш кераклигини ўйларди.

Сталинграддаги дастлабки тасаввур ана шундай эди...

6

Тонг ёриша бошлади. Сийрак туман аста кўтарилишга, ёйилишга тушди.

Жамилалар жойлашган бинодан тахминан уч юзтўрт қадамлар нарида, кўринишидан ўтмишда завод ёки фабрика бўлган бинода ҳаракатлар сезилди. Лекин бу снайперларнинг нозик, баъзида илғаш мушкул ҳаракатига ўхшамасди. Екатерина оптик нишонда бинони кузатарди. Унинг ёнидаги Жамила ҳам снайперлик винтовкасини қўндоғини елкасига тираган, оптик нишондан кўз узмайди.

— Менимча, снайперлар кўринмайди, — деди Екатерина бинони кузатаркан.

Бироқ Жамиланинг қўнгли бундай демасди. Бино снайперлар яширинишга жуда қулай, қолаверса, хужум нуқталарини ўзгартириш осон. Қолаверса, ён-атрофдаги биноларга қараганда анча баланд, ҳар қандай ҳаракатни бемалол кузатиш мумкин.

— Нега жимсан? — сўради Екатерина.

— Ўзим...

— Менга қара, русчани қаердан ўргангансан? — кутилмаганда сўраб қолди Екатерина. — Талаффузинг ҳам яхши экан.

— Етимхонада катта бўлганман, — хўрсиниб олиб деди Жамила. — Ўқитувчиларимизнинг кўпи рус эди. Кейин ҳар миллат вакиллари бор эди... руслар, яҳудийлар, қозоқлар, татарлар...

Екатерина унинг етимхонада катта бўлганини хаёлига ҳам келтирмаганди. Тасаввурига ҳам сифмайдиган олис қишлоқдаги оддий оиланинг эркатой фарзанди бўлган бўлса керак, деган ўйда эди.

— Кечир... — деди Екатерина. — Билмабман...

— Ҳечқиси йўқ,

— Лекин русчада гапиришингни эшитган одам рус бўлса керак, деган ўйга боради.

Жамила жилмайиб қўйди. Оптик нишонда хароба бино деразалари, ора-сира кўриниб қоладиган немис аскарлари эмас, қўлида рус тили ва адабиёти китоби, ўрта бўйли, тўладан келган, кишига ёқимли ва мулоийм боқадиган Клавдия Михайловна гавдалангандек бўлди. У овозини баланд кўтармас, уришмас, сўкмасди.

«Джамиля, балки сен айтарсан шеърни?»

«Хўп бўлади... Александр Сергеевич Пушкиннинг «Маҳбус» шеъри...»

Кечагидек эслайди. Шеърни ёддан адашмай ўқиган, синф сув қуйгандек жим бўлиб қолганди.

«Баракалла, Джамиля, баракалла!» — деганди Клавдия Михайловна.

Клавдия Михайловна унинг исмини тўғри талаффуз қилолмай, «Джамиля» дерди. Унинг адабиётга, жумладан, шеърятга қизиқиши борлигини сезиб, унга рус мумтоз шоирлари шеърлари тўпламини берганди. Пушкин, Лермонтов каби шоирларнинг шеърларини айнан ўшанда ёд олди... Туйқус хаёлга берилганини сизди-ю ёмон нарсани кўргандек,

сесканиб кетди. Яна оптик нишонга қаради, бинони кузатишга тушди. Немис аскарлари бинонинг куйган, ўпирилган деразаларига пулемётларни жойлаштиришар, отиш ва яширинишга қулай жойларни эгаллашарди.

Негадир Жамиланинг кўнгли нотинч, ғаш эди. Назарида хавф бу немис аскарларидан эмас, бошқа нарсадан келадигандек.

— Ишимиз энгилга ўхшайди, — Екатеринбургнинг овози хаёлларини бўлди.

— Менимча, унақага ўхшамайди, — бу сафар фикрини очиқ айтди Жамила. — Бу бинода нимадир бор, анави немис аскарларидан бошқа.

Екатерина нигоҳини оптик нишондан узиб Жамилага қараб кўйди. У эса бинони кузатар, энди кўзлари жиддий ва қатъий, хийла қаҳрли боқарди.

— Бизникилар ҳужумга ўтиши керак, хабар беришимиз керак! — деди Екатерина.

— Шошмаганимиз маъқул, — деди Жамила ишонч билан. — Биз ҳали бинога жойлашган немисларнинг ҳаммасини кўрмадик-ку!

Екатерина иккиланиб қолди. Бир томондан Жамила тўғри гапираётганди. Улар фақат бинони мудофаа истехқомига айлантираётган аскарларни кўриб туришибди. Снайперлар ҳам бўлса-чи? Унда нима бўлади? Ҳужумга ўтаётган аскарлар шундоқ нишонга айланади. Унинг ёдига ўтган ойда бўлган шунга ўхшаш воқеа тушди. Бинони куч билан ишғол этишлари керак эди. Аскарлар ҳужумга югурди. Вайроналар орасидан пулемёт тариллади. Аскарлар бирин-кетин қулай бошлади. Екатеринбургнинг гуруҳидаги снайперлардан бири пулемётдаги немисларни олгандан кейин бошқа бинодаги немис снайпери ишга киришди. Екатерина снайпернинг қаердан отаётганини билолмай қолди. Уларга қарши урушаётган немис снайпери жуда тажрибали ва моҳир эди — бир марта

ўқ узгандан кейин дарров жойини ўзгартирарди. Унга ўқ узиш тугул, ўзини топиш ҳам мушкуллашди. Немис снайпери кўнгилхушлик учун ишлаётганга ўхшарди. Аввал аскарларни ҳужумга бошлаган ёш лейтенантни отди, сўнг унинг ўрнини эгаллаган политрукни. Биргина немис снайпери бутун бошли взводни тўзритган ва аскарлар ҳар ерга яширинишга мажбур бўлишганди.

— Бизникилар ҳужумга ўтишидан олдин немисларнинг пулемётчиларини олиш керак, — фикрини билдирди Жамила. — Буни нариги гуруҳдагилар қилиши керак.

Екатерина яна унга қараб қолди. Бирор нарсани сездими? Нега бунчалар ишонч билан гапиряпти? Баъзида ички ҳиссиётга ҳам қулоқ тутиш керак. Кўз кўрмаган нарсани кўнгил сезади.

— Мануйлов! — деди у.

— Мен!

— Макаровнинг гуруҳига етказ, пулемётчиларни йўқ қилишсин! — буюрди Екатерина. — Кейин бошқа жойга яширинишсин.

— Хўп бўлади!

Мануйлов кетгандан кейин Екатерина сўради:

— Снайпер бор деб ўйлайсанми?

— Билмадим... кўнглим сезяпти... Назаримда кимдир бизни кузатаётгандек.

Екатерина таажжубланди. Тунда прожектор ёруғида немислар уларни кўриб қолганлари хаёлидан ўтди. Бу бинога кирганларини кўришган, чиққанларини эса кўришмади. Немис снайпери бинони кузатаётган, аниқроғи, уларни қидираётган бўлиши ҳам мумкин. Кутилмаган ўқ овози Екатеринанинг хаёлларини тарқатиб юборди. Шу заҳоти қарама-қарши томондаги бинодан ўқ овози янгради ва Жамилалар турган жойдан анча нарига бориб теккани эшитилди. Екатерина Жамилага қойил қолди: немис снай-

перини кўрмай туриб уни сезганди! Бу орада Мануйлов эмаклаганича келиб қолди.

— Пулемётчи олинди! — деди у ҳансираганича. — Бинода снайпер ҳам бор экан! Йигитлар соғ-саломат, бошқа жойга ўтишди...

— Камида иккита снайпер! — деди Жамила.

Бу сафар Екатерина ошкора хайрат билан Жамилага қараб қолди. Иккита снайпер?

— Қаердан билдинг?

Ҳамон оптик нишондан кўз олмай турган Жамила деди:

— Отган снайперни топдим. Шериги ёнида турибди.

— Қаерда? — шошганича оптик нишонга тикиларкан, сўради Екатерина.

— Бинонинг юқорисида, пулемётнинг тепасидаги дераза, — тушунтира кетди Жамила. — Деразадан ичкаридаги хона девори кўриниб турибди. Ўпирилган. Ана ўша жойда иккита снайпер турибди.

Одатда снайперлар бино деворлари ортида яширинади. Лекин бунақаси — бинонинг девори ортидаги девор остига яшириниши янгилик эди.

— Мен ҳозир бошқа жойдан отаман, — деди Жамила. — Сиз икковингиз пойлаб турасизлар.

— Мануйлов! — деди Екатерина. — Қодированинг ўрнини эгалла!

— Хўп!

Жамила ёнбошига ағдарилди-да, бошқа дераза томон эмаклади. Ўша ерга жойлашиб немис снайперлари яширинган жойни топди. Бу ердан улар кўринмасди. Отган тақдирида ҳам ўқ тегмасди. Лекин унинг нияти ўқ теккизиш эмас, балки уларни жавоб қайтаришга мажбур қилиш эди. Нишонни топган снайпер катта эҳтимол билан ҳаракатта тушиши мумкин. Шунда бошқа снайпер уни орадан кўтариш мумкин. Жамила нишонни аниқ белгилаб

олгач тепкини босди ва дарҳол ўзини девор панасига олди. Немис снайперининг отгани эшитилди. Сония ўтмасдан Екатерина ва Мануйловларнинг винтовкалари тилга кирди.

— Қойил, Қодирова! — Екатеринанинг ҳаяжонли овози эшитилди. У нишонга аниқ теккизганига шубҳа қилмасди.

7

Гарчи Жамиланинг анча тажрибали снайпер экани билса-да, Екатерина унинг нозик туйғу, таърифига тил ожиз сезгиси билан иш кўришини хаёлига ҳам келтирмаганди. Пухта ниқобланган душман снайперини у кўзлари билан эмас, балки юраги билан топганига ҳайратланди, ҳам ҳурмати ошди. Бир қарашда тортинчоқ, бўш-баёв кўринган қиз жангда ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, душманга бераҳм ва шафқатсиз жангчига айланишини тасаввур ҳам қилмаганди.

Снайперларнинг муваффақияти майор Тихоновнинг ишини анча енгиллаштириб берди. Унинг қисмлари кетма-кет иккита бинони ишғол қилиб, кейинги буйруқни кутмоқда эди. Майор Тихонов Екатеринанинг гуруҳини штабга чақиртирди. Ҳар бир жангчи-снайпернинг қўлини сиқиб, Екатеринага юзланди.

— Ҳар доимгидек «тоза» ишладинг, Фролова! — деди майор Тихонов.

— Бу сафар мен эмас, ўртоқ майор, Қодирова жонимизга ора кирди, — деди Екатерина.

Майор Тихонов унга саволмуз, ҳам ажабланиб қаради. Екатерина одатда гуруҳидаги снайперларни унча-мунчага мақтамасди. Майор буни яхши биларди. Гап Екатеринанинг мақтовни хушламаслигида эмас, балки унинг жангчининг маҳоратига ҳақиқий

баҳо беришида эди. У моҳир снайпер эди. Урушгача Ленинградда ўқ отиш спорти билан шуғулланган, мамлакат бўйича ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринларни олган, кейинчалик мураббий бўлиб ҳам ишлаганди. У ҳатто фин урушида қатнашди, фин асслари — «какку қушлари»га²⁰ қарши курашди. Бу урушда номи чиқмаган бўлса-да, бир умрга етадиган тажриба тўплади. Унинг наздида ёмон снайпер бўлмайди. Сабаби, нишонни ола билмайдиган жангчи снайпер бўлолмайди. Унинг учун икки тоифа мерган бўлади — биринчиси, ақлли, иккинчиси эса ҳам ақлли, ҳам нозик идрокли. Шу кунгача кўрган снайперларнинг «тўқсон тўққизу тўққиз»²¹ фоизи ақллилар эди. Иккинчи тоифадагилар урушда ноёб ҳодиса эди. Ана шундай ҳодисалардан бири — тирик афсона Василий Зайцев эди. Екатерина Зайцевни «юздан тўқсон тўққизу тўққизни айришдан қоладиган ҳам ақлли, ҳам юрак кўзи билан ишлайдиган снайпер» деб биларди. Не ажабки, бу тонг курсатган санъати туфайли иккинчи тоифадаги кам сонли снайперлар қаторига Жамилани ҳам киритганди...

— Нима бўлганда ҳам ҳурматли снайпер ўртоқлар, сизларга алоҳида миннатдорчилик билдираман, — деди майор Тихонов. — Сизларга яна бир бор раҳмат!

...Сталинграддаги уруш бошқа фронтлардаги урушларга асло ўхшамасди. Бошқа жойларда кенг бўйлаб ҳужумга ўтилиб, бутун бошли шаҳарлар, қишлоқлар ишрол қилинса, бу ерда бир бино қўлдан қўлга ўтар, баъзида бир бинода ҳам шўро аскарлари, ҳам немислар жойлашиб олишар, фронт чизиги кенг майдонлардан эмас, балки қаватлар ўртасидан ўтарди. Бу худди бир қафасга шер ва йўлбарс қамалган-

²⁰ Фин снайперлари лақаби, русчада «кукушка» лақаби билан машҳур бўлган.

²¹ 100 дан 99.9 фоиз.

га ўшаб кетарди. Мантиқсизлик шундай даражага етгандики, қурбонлар берилиб бинолардан қолган вайроналар ишғол қилинар, ҳеч қанча ўтмай яна шундай қурбонлар эвазига душманга топшириларди. Майор Тихоновнинг штабдан шошиб чиқиб кетганининг сабаби ҳам шунда эди. Эрталаб эгаланган икки бино кун пешиндан оққанда яна немисларга бой берилганди.

Ҳаммасини яна қайтадан бошлаш керак эди. Бу дегани яна қанча-қанча инсон умри, оилалар кулфати эди. Урушда эса қурбонлар ҳисобга олинмасди, фақат ишғол қилинган ҳудудлар ҳақида сўзланарди...

8

Жамила майор Тихоновнинг бир одатини билиб олди: жангчиларни бирор бир мушкул вазифага юборишдан аввал фуражкасини ечиб стол устига кўяди, ҳожати йўқ бўлса-да, сочларини текислаган, тартибга солган бўлади. Орада бир муддат вақт ўтади. «Айтадиган гапларини ўйлаб олса керак-да!» деган хаёлга ҳам борди Жамила. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Екатерина Фролованинг гуруҳини хонасига чакиртирди, фуражкасини стол устига ташлаб, сочларини тартибга солиш билан шуғулланди.

— Гап бундай, ўртоқ снайперлар, — ниҳоят одатдаги юмушини ҳафсала билан бажариб бўлгач, аввал Екатеринага, сўнг бошқаларга қаради. — Жиддий вазифа бор.

У планшетдан харита олиб стол устига ёзди ва:

— Фролова, бу ёққа кел-чи! — деди.

Екатерина унинг столи ёнига бориб харитага эгилди. Майор қалам билан чизганича тушунтирди:

— Мана бу ҳудуд орқали немислар ишғолчи гуруҳлари ташланиши ҳақида разведка маълумот берди. Ҳудудда мана бу ерда, — кичикроқ жойни ҳалқа ичига оларкан, — сизларга яширинишга қулай жой бор.

— Цемент заводими?

— Ҳа.

Екатерина майорнинг кўзларига қараб қолди. Майор унинг нима демоқчи бўлганини тушуниб, тутақиб кетди.

— Менга бундай қарама! Ўзим ҳам биламан, оғир вазифага юбораётганимни!

— Мен унақа демоқчимасдим, — ўзини оқлашга уринди Екатерина. — Айтмоқчи бўлганим, бу ердан немисларни қайтара оламизми-йўқми, масала шунда.

— Фақат сенинг гуруҳинг бўлмайди, хавотир олма. Хужум тўхтатилиши билан икки рота аскар ёрдамга боради. Тезда тайёрлан-да, ишга кириш!

— Хўп бўлади, ўртоқ майор! — ҳарбий низом бўйича кўлини чаккасига теккизиб деди Екатерина.

Ташқарига чиқишди. Охирида кетаётган Жамила Вася тоғадан сўради:

— Тинчликми? Нега улар бундай гаплашишди?

— Э, қизим, у ерларга аввал ҳам борганмиз, — деди Вася тоға чуқур хўрсиниб. — Кундага бош қўйиш билан баробар. Охирги марта борганимизда гуруҳдан икки киши тирик қолган — Катя билан мен! Мануйлов, Ескалиев ва Белкевич яқинда гуруҳга қўшилди.

Жамила индаёлмай қолди.

Сталинград уруши бошланишида «Люфтваффе»-нинг²² бомбардимончи самолётлари минглаб бомбаларни ташлаб шаҳарнинг кулини кўкка совурган. Бундай хужумдан сўнг ҳеч нарса омон қолмаслиги керакдек эди. Ер билан битта бўлган эса-да, шаҳар енгилишни истамасди. Уюм-уюм темир-бетон ва фишт бўлаклари, куйган, қулаган бинолар Сталинград устидан ўқилган шафқатсиз ҳукмдан гувоҳлик беради. Биноларнинг аввалги салобати энди вайроналар кўламини белгилайди. Атиги икки ой аввал

²² Вермахт Ҳарбий Ҳаво Кучлари.

ҳаёт қайнаган, юзлаб одамлар ишлаган, тайёр маҳсулот бевосита омборлардан вагонларга юкланган завод ўрнида ҳам ана шундай тепаликлар уйилганди. Заводнинг фақат бетон устунлари, унинг устидаги илма-тешик сақланиб қолган, оёқ остиларида гишт, бетон, темир-терсақлар қалашиб ётарди.

Екатерина гуруҳига дарров қулай жойларни эгаллашни ва ниқобланишни буюрди. Заводдан икки юз-уч юз қадамлар нарида немисларнинг ротаси кўринди. Улар бомбаўралар ичига, бетон-гишт ва ағанаган деворлар ортига яширинишди. Екатерина уларни дурбинда кузатишга тушди. Алоқачи ва немис лейтенанти, огнемёт кўтарган аскар дарров эътиборини тортди. Екатерина немисларнинг ниятини тушунди.

— Буйруқсиз отилмасин! — буюрди у, дурбиндан кўз узмай.

— Яна бўғилиб ўтарканмиз-да! — тўнғиллади Белкевич.

— Гап-сўзлар йиғиштирилсин! — ҳамон дурбинда кузатаётган Екатерина жаҳл билан деди. — Қайсарлик қиладиган ёш болалар эмассизлар!

— Кап-катта йигит бўлсанг ҳам ақлинг кирмайди, Александр Павлович, — деди немислардан кўз узмай турган Вася тоға.

Екатерина бекорга хавотирланмаётганди. Завод немислар эгаллаган марраларга яқин. Бостириб келаётган немис ротасида алоқачи ҳам бор. Бир марта ўқ узилса қаердан отишганини билишади ва орта хабар беришади. Кейин миномёт ва тўплардан аниқланган жойларнинг кулини кўкка совуришади. Сталинградда «снайпер» деган бало чиққач немислар снайперларни астойдил овлашади. Бирор шубҳали нарсани сезиб қолишса ҳар хил қурооллардан ўша жойни теп-текис қилишмагунча ҳовурларидан тушишмайди. Ўқ-дорини аяш йўқ, асосийси, снайпер мавҳ этилса бўлди.

Екатерина учун энг муҳими алоқачи ва зобитни йўқ қилиш керак. Бироқ алоқачи кўринмасди. Немислар ҳам анойилардан эмас — алоқачи аскар хужумга қўшилмай яширинганди.

— Алоқачи немис кимга яхши кўриняпти? — сўради Екатерина.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

Екатерина ҳарчанд уринса-да, алоқачини тополмасди. Немис лейтенанти эса дурбинда завод ва унинг атрофларини кузатарди. Хавф-хатар йўқлигига ишонди, шекилли аскарларни олдинга қўзғатди. Немислар яширинган жойларидан чиқиб завод томон югуриб қолишди. Винтовкасини синдиргудек ушлаб қолган Белкевич бир-икки марта Екатеринага асабий, ҳам бетоқат қараб қўйди. Екатерина эса дурбинда алоқачини қидирарди.

— Уртоқ лейтенант, балки бошлармиз! — деди асаблари дош бермаган Белкевич.

— Кутинглар! — эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда буюрди Екатерина.

Алоқачи барибир кўринмади. Екатерина икки ўт ўртасида қолганди, ҳадемай немислар етиб келади. Алоқачини йўқ қилишмаса бир-икки ўқ узишлари билан яширинган жойлари маълум бўлади.

— Аввал зобитни, сўнг пулемётдагиларни оламиз! — тақдирга тан бериб деди Екатерина.

Милтиқлар бирин-кетин қасирлади. Бўйнига дурбин осиб олган немис лейтенанти телбавори қалқиб ортига йиқилди. Пулемётдагилар ҳам тезда йўқ қилинди. Бостириб келаётган немислар яна яшириниб, завод томон ўт очиб юборишди. Екатерина бундан чўчимасди, бироқ у алоқачидан хавотирда эди. Ордан кўп ўтмай валати чинқириқ ёки увиллаган товуш эшитилди-ю завод ҳовлисида, гуруҳ яширинган жойдан анча нарида мина портлади.

— 80-мм калибрли миномёт! — қичқирди Мануйлов. — Ҳай агар, худди ўзи! Чинқириб кутарилиб, увилаб тушади!

Сўнг бирин-кетин бошқа миналар ҳам туша бошлади. Ҳар сафар мина портлаганида ер, завод биноси оғир силкингандек бўлар, ундан сўнгги ҳаво тўлқини одамни қарахт қилар, хушини айиргудек бўларди.

— Чекинамиз! — олатасир орасида Екатеринанинг овози эшитилди.

Снайперлар бирин-кетин чекина бошлади, аввал Мануйлов ва Белкевич, сўнг Вася тоға ва Азамат. Яширинган жойидан чиқа олмай қолган Жамилани кўриб Екатерина яна қичқирди:

— Жамила, бўл тезроқ!

— Ҳозир...

Жамила яширинган жой немис автоматчиларининг нақ рўпараси эди. Бош кутаргудек бўлса кўринмасликнинг, ҳам нишонга айланмасликнинг иложиси йўқ. Унинг чекинишга улгуришига ишонган Екатерина заводнинг ер остига кириб кетган шахтасига сакради-ю кўздан йўқолди. Жамила энди кўзгалмоқчи бўлганида ундан ўн-ўн беш қадамлар нарида мина портлади-ю ҳам зарбадан, ҳам ҳаво тўлқинидан анча жойга учиб тушди. Устига дув-дув тупроқ, цемент ва майда-майда гишт бўлаклари тушди. У нима бўлганини ҳам сезмай қолди, камига хушини йўқотди.

Кўзларини очганида дастлаб заводнинг ҳилвираган томи, яланғоч темир-бетон устунини кўрди. Дабдурустан қаерда ётганини тушунмади. Туришга уриниб кўрди. Совуқдан, ҳам устига ёрилган ҳар хил нарсалардан қарахт бўлган бадани, қўл-оёқлари ўзига бўйсунмади. Бир амаллаб аввал оёғини, сўнг қўлини қимирлатди. Базўр ўрнидан турди. Қулоқлари остида қандайдир шовқин. Бели ҳам симиллайди. Сўнг ҳаммаси ёдига тушди — заводда

пистирмада турганлари, бостириб келаётган немислар, портлаган мина... Ҳамма ёқ тинчиб қолган. Ҳеч ким кўринмайди. «Винтовкамни топишим керак!» У ён-атрофига аланглади, яширинган жойини чамалади. Винтовкасини тезда топа олди — пистирмадаги жойидан хийла нарироқда ётарди. Дарров лўкидонини юргизиб кўрди, ишлаяпти. Ўзини енгил ҳис қилди. Қуёш ҳали ботмаган. Бундай вақтда харобалар оралаб юриш хавфли. Немис снайперлари ҳар қадамда. Яхшиси кеч тушишини кутади. Бежавотир бўлади. Яшириниш учун қулай жой топиш илдинжида завод ичини кўздан кечирди. Хавфсиз ерни топгач, шу томонга юрди...

9

Пана-пастқам жойларда, вайрона биноларда снайперлар бўлиши мумкинлигидан юқори мартабали зобитлар машинада тунда юришга ҳаракат қилишади. Ана шундай машиналардан бири, қора «Мерседес» заводдан анча наридан ўтган, номи бору ўзи йўқ йўлда чироқларини ўчирмай тўхтади. Завод минорасига жойлашган Жамила ажабланди. Гираширада яхши кўринмаса-да, винтовкасининг оптик нишонида машинадагиларни кузатишга тушди. Заҳар танг қилган, қора чарм плашчли немис зобити машинадан шоша-пиша тушиб, нарироқдаги девор томон югурди. Машинанинг орқа ўриндигида яна бир немис зобити. Олдинда эса ҳайдовчи. Ёнидаги ўриндикда автомат. Жамиланинг мияси тез ишлай кетди. Бундай амалдорлар ҳар куни ҳам сайрга чиқаверишмайди. Булар муҳим ҳарбий маълумотлар хазинасидек бир гап. Бошқача айтганда — «тил». Учаласини қўлга тушира олмайди. Битта зобит етади. Машинада ўтирганини олади, қолганларини ўртадан кўтарса ҳам бўлади. У яширинган жойидан чиқиб, ило-

жи борича-машинага яқин боришга ҳаракат қилди. Аввал ҳайдовчини, сўнг эса шимининг тутмаларини қадаётган зобитни нишонга олди. Машинада ўтирган зобит нималар бўлганига тушунолмаётган турганида винтовкасини ўқлаб улгурган Жамила очиқ эшик томондан пайдо бўлди. Винтовкани ўқталиб «туш!» деган маънода бош ирғади. Қаршисида шўро аскарини кўрган, ёши анчага борган, бир кўзига пенсне кистирган зобит жуда ҳам кўрқиб кетди. Бахтиёр қўлларини кўтариб русчада деди:

– Не стреляйте! Пожалуйста, не стреляйте!

– Слезай из машины! – русчада буюрди Жамила.

Зобит кўрқа-писа ёнидаги портфелга қараб қўйди. Жамила чаққонлик билан портфелни олди ва яна винтовкани унга тўғрилади. Зобит ёшига ярашмаган чаққонлик билан машинадан тушди.

– Руки вверх! – яна буюрди Жамила.

Зобит қўлларини кўтарди. Жамила тез-тез ҳаракат қилиб зобитнинг тўшпончасини олди ва:

– Лишнее движение – буду стрелять! – донна-дона қилиб тушунтирди.

Зобит кўрқа-писа бош ирғаб қўйди. Жамила «юр» дегандек унинг белига винтовкасини нуқиди.

Қоронғи кўчада кетиб боришаркан, анча нарида қоронғиликда немисча овозлар эшитилди. Жамила дарров зобитни тўхтатди ва огоҳлантирди:

– Хотя одно слово – убью!

Кўзлари ола-кула зобит «тушундим» деган маънода бош ирғади. Жамила овоз келаётган томонга қаради. Юк машинаси бузилиб қолган, қўлчиноқ ёруғида ҳайдовчи мотор кавлар, унинг ёнида беш-олти чоғли немис аскарлари гаплашиб туришарди. Жамила ҳали улар шаҳарнинг немислар ишғол қилган ҳудудида эканликларини билмасди, бироқ машина тузалса аскарларнинг кетишига ишонарди. Унгача бирор

жойда яшириниб туради. У зобитни ҳувилаган ва бузилган уй томон итарди.

— Ўтир! — буюрди у зобитга, уйлардан бирига киришгач.

Зобит буйруққа итоат қилиб ўтирди ва елкаси билан деворга суяниб олди. Жамила эса унинг қаршисидан жой олди. Немисларнинг улкан прожектори шаҳар узра бир айланганида бинонинг ичи, зобитнинг қўрқув тўла юзи ва Жамиланинг жиддий кўзларини бир муддатга ёритиб ўтди. Зобитнинг нигоҳидан Жамиланинг қўлидаги винтовка, унинг оптик нишон қурилмаси махфий қолмади. У қаршисидаги қизнинг снайпер эканини дарҳол фаҳмлади. Машинада азбаройи қўрқиб кетгани, ҳам қоронғи бўлганидан бунга эътибор бермаганди.

Жамила Вермахт армияси унвон ва белгиларига унчалик тушунмасди. Агар уларни фарқлай олганида қаршисидаги немис зобити «эс-эс» полковниги эканини биларди. Аслида ҳам бу немис амалдори полковник Арне Мюллер эди. Берлиндан Сталинградга икки кун аввал учиб келганди. Аввалига қўрқа-писа қараётган бўлса, энди эса ошқора қизиқиш билан Жамилани кўздан кечирди. У Берлиндан махсус буйруқ ва кўрсатмалар билан келганди.

Сталинградда кенг қамровли уруш кўча жангларига айланиб, немис зобит ва аскарлари шўро снайперлари ўқларидан нобуд бўла бошлаганида Берлинда бу масала махсус муҳокама қилинганди. 6-Армия²³ аскарларининг руҳи ва шайтани туширган снайперларга қарши Берлин яқинидаги Цоссендаги снайперлар мактаби ҳарбийлари Сталинградга юбориладиган бўлди. Номи тилларга тушган снайпер Василий Зайцевни йўқ қилиш учун майор Кёниг полковник Арне Мюллер билан Сталинград-

²³ Фридрих Паулюс қўмондонлигида Сталинградда курашган Вермахт Армияси.

га келганди. Асосий иши снайперларга қарши курашни ташкил этиш бўлган полковник Арне тақдир тақозоси билан снайпер қиз чангалига тушганди. Абвернинг снайперлар ҳақида тўплаган маълумотлари билан обдан танишган, улар орасида кўплаб аёлларнинг исм-шарифи, лақабларига дуч келганди. Шулардан бири «Ўзбечка» — исми-шарифи номаълум снайпер аёл эди. «Ўзбечка»нинг славян эмаслиги, балки Осиёдан эканини биларди. Қаршисидаги қиз эса славянларга ўхшамас, қоши-кўзи қора, юзи буғдойранг. Ўзига анча келиб қолган полковникнинг ёдига махфий маълумотлардаги «Ўзбечка» тушганди. Лекин бу снайпер Украина фронтида аниқланганди.

— Бир нарса сўрасам майлими? — мулоим овозда сўради полковник.

Унинг мулоим овозда гапиришидан Жамила бироз бўшашди. Бу сафар «сиз»лаб деди:

— Сўранг.

— Қаердансиз?

Жамила ажабланди. Одатда исми биринчи сўрайдилар. У эса қаердан эканлигига қизиқмоқда. Жамила жавоб бермаслиги ҳам мумкин эди, бироқ негадир истиҳола қилди. Душман бўлса ҳам қўполлик ёки кўрслик қилишга ҳадди сизмади.

— Ўзбекистондан.

Агар ёруғ бўлганида Жамила полковникнинг ҳайратдан кўзлари катта-катта очилгани, бақрайганича унга тикилиб қолганини аниқ-тиниқ кўрган бўларди. Полковникнинг калласида эса фақат «Ўзбечка» деган сўз айланарди. Тоғ-тоғ билан эмас, одам одам билан учрашади. Аммо у ҳаётда тасодифлар бўлиши, минглаб километрларга ёйилган фронтларда бундай «узбечка»лардан кўплаб топилишига шубҳа қилмасди. Лекин кўнгли бу ўша «узбечка» эканини сезарди.

— Украина фронтида ҳам бўлганмисиз?

Жамила таажжубланди. Бу немис зобитига нима қизиги бор экан?

— Бўлганман, — деди у қисқа қилиб.

Полковник жилмайиб қўйди, бир муддат бошини қуйи солинтириб ўтирди. Энди унга ҳеч нарсанинг қизиги қолмаганди. «Бу қаланғи-қасанғи шўро снайперларини ин-инидан тирқиратиб қуваман!» деган аҳд билан келган одам ана ўшалардан бирининг қаршисида бош эгиб ўтирарди. Шу нарса хаёлидан ўтиб фалати кулди, сўнг деди:

— Тўғри, сизлар ҳақсизлар, чунки биз бостириб келдик. Фюрер²⁴ айтганидек, бизлар орий, бошқалар қуйи тоифали одамлар эмас. Худонинг олдида ҳамма бир. Тўғриси, жуда чарчадим.

Ҳайрат ва таажжубдан Жамила қотиб қолди. Душмандан бундай иқрорликни эшитишни етти ухлаб тушида ҳам кўрган эмас.

— Илтимос, мени отиб ташла! — унга илтижоли қаради полковник. — Илтимос қиламан, от!

Полковник тиззалаган қўйи Жамила томон юрди. Ўрнидан чаққон турган Жамила эса винтовкани унга тўғрилади.

— Қимирлама! Чиндан ҳам отаман!

Ўлишни истаган полковник бирдан ўлимнинг совуқ нафасини ҳис қилди-ю таққа тўхтаб қолди.

Ташқарида моторнинг гуриллагани, немис аскарларининг бир-бирларига ҳазил-хузул қилганлари-ча кузовга жойлашаётганлари эшитилди. Кўп ўтмай машина бино олдидан ўтиб, шаҳар харобалари ортида кўздан йўқолди.

Жамила ўзини босиб олганди. Полковникнинг ҳурматини қилиб, бу сафар ҳам «сиз»лади:

— Туринг! Ортиқча ҳаракат қилманг!

Инон-ихтиёрини Жамиланинг измига топширган полковник офир қўзғалиб ўрнидан турди. Қўлга туш-

²⁴ Адольф Гитлер.

ганига ярим соат ҳам бўлмай негадир-буқчайиб қолган, қадам ташлаши ҳам оғирлашганди.

10

Екатерина Жамиланинг йўқлигини анча кейин билди. Ортига қайтмоқчи ҳам бўлди, бироқ бу вақтда заводда яширинган жойларида мина портлади. Екатерина бир муддат қотиб қолди. Қўзларига ишонмасди. Кейин немис аскарлари заводга киришди. Вася тоға унинг қўлидан тортди:

— Кетдик. Энди уни қутқариб қололмаймиз, — деганидан сўнг ноилож кетишга мажбур бўлганди.

Ҳозир эса Жамила соғ-омон, устига-устак немис полковнигини келтирганди. Ҳаммадан ҳам майор Тихонов ўзида йўқ хурсанд, амалдор немис зобити ҳар доим ҳам штабга келтирилавермайди.

— Политрук, а, политрук! Қодированинг бу иши мукофотга тортадими? — сўради у қотмадан келган, тепакал, кишига ижирғандек қарайдиган Харитон Фомичевга. У ҳарбийдан кўра кўпроқ бухгалтер ёки омборчиларга ўхшаб кетарди.

— Тортса керак, — деди Фомичев истар-истамас.

— Унда нега қараб ўтирибсан, политрук, Қодировани «Жасорати учун»ми ёки «Хизматлари учун»ми тавсиянома тайёрла!

— Қоғоз муаммо! — деди у майорга қараб.

Майор Тихонов планшетида икки дона оппоқ қоғоз олиб унга узатди.

— Мана! Немислардан қўлга киритганмиз! Биттаси ўзингга, иккинчисига Қодирова учун тавсиянома ёз!

— Яхши, — норози оҳангда тўнғиллагандек бўлди политрук.

Майор унга ортиқ эътибор бермай полковник Мюллерга юзланди.

— Бизда немисчани ким биларди? — сўради у бошини қашиб.

— Русчани билади, — деди жилмайиб Жамила. — Аввал русчада гапиртириб, кейин олиб келдим.

— Оббо Қодирова-ей! Шунақа дегин, қойил!..

— Тирик қолганингни, орденга тавсия қилинганинг ва немис полковнигини келтирганингни ювишимиз керак! — деди Екатерина Жамилага кўз қисиб. — Тўрт дона картошкам бор, бир банка тушёнкани ҳам яшириб қўйганман. Шоҳона зиёфат қиламиз.

— Менда икки дона чақмоқ қанд бор! — мақтангандек деди Жамила.

— Жуда бой экансан-ку! — кўзларини катта-катта очиб деди Екатерина. — Унда ростдан ҳам зиёфат қиларканмиз. Мен картошкаларни тозалай.

— Сув олиб келаман, — деди Жамила.

— Яхши.

Жамила челақни олиб ташқарига чиқди. Кеч кирган. Волга томондан этни жунжиктирадиган изғирин эсади. Шўро қисмлари назоратидаги соҳил бўйида ҳаёт қайнайди. Тун кириши билан нариги қирғоқдан аскар, қурол-яроғ ва озиқ-овқат тўла катерлар, баржалар ва ҳатто соллар йўлга чиқади. Кундузи дарёдан ўтиш анча хавфли. Немис самолётлари, ҳам тўп ва миномётлар дарёда кўринган нарсага ўт очади. Бу ерлар Мамаев кўрғонидан кафтдек кўриниб туради. У ерда немис артиллерияси. Жамила дарё соҳилига келиб ўзига қулай жойдан сув олди. Ортига энди қайрилмоқчи бўлганида ёш боланинг овози эшитилди:

— Холажон, нон беринг!

Жамила ортига ўтирилди ва 5-6 ёшлардаги, эгнида қалин пальто, бошида катта теллак, кўзлари мўлтираб турган болани кўрди. Совуқдан тиши-тишига тегмай қалтирарди. Жамиланинг унга жуда раҳми келди, ёнида нон йўқлиги учун афсусланди. Чўнтагида икки дона чақмоқ қанд борлиги эсига тушиб сўради:

— Хохдайсанми сенга қанд бераман? Катта-катта!
Бола тасдиқ ишорасида бош ирғади. Жамила қўлидаги челақни ерга қўйиб шошганича чўнтақларини кавлади ва газета қоғозига ўралган қандни болага узатди. Бола жуда хурсанд бўлиб кетди.

— Миша, қаердасан? — нарироқдан аёл кишининг овози эшитилди.

— Шу ердаман! — қичқирди бола.

Қоронғилиқдан тўладан келган, қалин пахталик кийган, шол рўмолининг четидан оқ сочлари чиқиб турган кампир ҳаллослаганича чиқиб келди. У бир болага, бир Жамилага қараб қолди.

— Буви, бу хола менга қанд берди, — мақтанди болақай.

Кампир хижолат бўлиб Жамилага қаради.

Сталинград ҳақидаги даҳшатли ҳақиқатларни Жамила ҳали билмасди. Бундан икки ой аввал шаҳар бомбаланганда қирқ мингдан ошиқ одамлар нобуд бўлган, уларнинг жасадлари ҳалигача тонна-тонна келадиган фишт ва бетон уюмлари остида қолиб кетган. Омон қолганларга шаҳарни тарк этишни улур дохий қатъий тақиқлаган. Унинг номи билан аталадиган шаҳарда, гарчи ундан энди вайроналар қолган, қонли уруш давом этаётган эса-да, одамлар яшамоғи шарт. Ташқи дунёдан тамом узилган одамларнинг қандай яшаши ҳеч кимни қизиқтирмас, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилганди.

— Набирам уч кундан бери ҳеч нарса емади, — хўрсиниб деди кампир. — Қайнатилган сув беряпман. Ота-онаси августдаги бомбалашдан ўлди.

Жамиланинг болага юраги ачишди. Уч кундан бери туз тотмаганидан кўнгли бузилди.

— Қаерда турасизлар? — сўради у.

— Аввал «Маданият саройи» бўлган бинонинг ертўласида жон сақлаяпмиз.

— Агар хоҳдасангиз сизларга егулик олиб бориб бераман, — деди Жамила.

Кампир хижолат бўлди. Нотаниш қизга очиқчасига айтишга уялди. Бувисининг индамай туришидан, егулик берадиган холанинг кетиб қолишидан болакай қўрқди. Кампирнинг енгига осилиб йиғлагудек бўлиб деди:

— Буви, ҳа, денг, нега индамайсиз! Ўзингиз ҳам очсиз-ку, айтинг, айтинг, ҳа, денг!

Кампирнинг кўзларига ёш келди.

— Нима дейишга ҳам ҳайронман... — деди у ўнғайсизланиб. — Шу боламга бирор нарса берсангиз сиздан бир умр миннатдор бўлардим.

Сўрагани учун Жамила ўзидан уялиб кетди. «Сўраб меҳмон қилмайдилар-ку!» — ўй ўтди хаёлидан.

— Бувижон, мен ҳозир бир ерга бораман-да у-бу нарса олиб чиқаман, — деди у шоша-пиша.

— Худо умрингизни узун қилсин, қизим! — кўнгли тўлиб йиғлаб юборди кампир.

— «Маданият саройи»нинг ертўласи, шундайми?

— Ҳа... У ерда Мария Петровнани, яъни мени сўрайсиз... — ийманиб тушунтирди кампир.

— Хўп.

— Холажон, келасиз-а? — сўради болакай.

— Албатта келаман, албатта!

Жамила соҳилга нега келганини ҳам унутиб, тезда ортига қайтди.

Екатерина унинг сувсиз қайтганини кўриб ажабланди.

— Сув қани?

— Ҳалиги... картошкалар қани? — шоша-пиша сўради Жамила.

— Ана, кастрюлкага солиб қўйдим, сув олиб келсанг қайнатамиз, деб...

— Тушёнка-чи?

— Турибди... халтамда...

— Нон бормиди?

— Бор... — Екатерина ажабланди. Бу қизга нима жин урди, дея унга тикилиб қолди.

— Ҳаммасини менга беринг, керак бўлиб қолди.

Жамила кастрюлкадаги картошкаларни, Екатерина узатган ярим буханка қора нонни халтасига солди.

— Тушёнка-чи?

— Ҳозир...

Екатерина ўзининг халтасидан тунука идишга қадоқланган тушёнкани олиб узатди. Жамила шоша-пиша уни ҳам халтасига жойлади. Уни елкасига осаркан:

— Бир ерга бориб келаман, — деди.

— Балки мен ҳам борарман...

— Йўқ, шарт эмас! — Жамила шошганича чиқиб кетди. Ҳайрати ва таажжуби икки қатла ортган Екатерина унинг ортидан қараб қолди.

Тун куюқ. Милтилаган чироқ кўринмайди. Шаҳарнинг алақайси бурчида отишма овози эшитилади. Жамила бунга эътибор бермай, тез-тез юрганича бир вақтлар баланд ва кучоққа сифмайдиган устунлар қад ростлаган, энди эса улардан бири иккига бўлинганича ерга қулаган «Маданият саройи»га етиб келди. Бинонинг юз томони хийла омон қолган, бошқа жойлари бузилган. Бу ерда одамлар яшашига ишониниш қийин. Жамиланинг юраги така-пука бўлиб оёқ остида ҳар хил нарсалар қалашган бино фойесига кирди. Қаердадир олисдан кўринган прожекторнинг ёруғи бир лаҳзага фойе ичини ёритди. Ерга ағананга қизил байроқ, Сталин ва Лениннинг илма-тешик суратлари... Бошқа вақт бу кечирилмас айб бўлиши Жамиланинг кўнглидан ўтди. Аввалига у қайси томонга юришни билмай қолди. Қоронғида таваккал уч-тўрт қадам ташлади. Прожектор яна ичкарини ёритганида фойенинг ўнг томонида пастга

кетган зинага кўзи тушди. У шу томон юрди. Деворни пайпаслаб-пайпаслаб пастга тушди. Ертўладаги қўланса ва бадбўй ҳид димоғига урилди-ю кўнглини беҳузур қилди. Боши айланиб ўқчиб юбораёзди. Ичкаридан, қоп-қоронғи бўшлиқдан қандайдир кўринмас куч уни ташқарига итаргандек бўларди.

— Мария Петровна! — қўрқа-писа ичкарига, қоронғиликка овоз берди у.

Зулматдан садо келгандек бўлди:

— Ичкарига киравер, йўлакнинг охиридагилардан сўрайсан!

Жамиланинг кўзлари қоронғиликка ўргангач, ундан икки-уч қадам наридаги овоз соҳибининг қимирлаганини сизди. Кейин бошқа шарпаларни илғади ва бу ерда биргина Мария Петровна набираси билан яшамаслигини тушунди. Шундагина у чўнтагида гугурт борлигини эслаб қолди ва шошганича чўнтагини кавлаб, мажақланаёзган қутичани топди. Дарҳол гугурт чақди. Қаршисида тор йўлак, унда ҳар хил қалин кийимлардаги, эски-туски аёлларга ўранган кексалар, аёллар ва болаларни кўрди. Кимдир рўжанак бўлиб ётибди, яна кимдир йўталиб хириллаб қолди. Сочлари тўзгиган, озгин аёлнинг қўлида қуроқ матога йўргакланган гўдак... Жамила юз-кўзларида фақат қўрқув ифодаси бўлган одамларни кўриб даҳшатга тушди, ҳам кўнгли бузилди. Уларга эътибор бермасликка уриниб юришда давом этди. Анча юриб қўйса ҳамки яна «Мария Петровна» дейишга юраги бетламасди. Ниҳоят, журъатини тўплаб кампирнинг исми-шарифини айтди. Анча нарироқдан таниш овоз эшитилди:

— Шу ердаман!

Жамила қадамини тезлаштирди. Иккинчи гугурт чўпини ёқди. Йўлак адоғида уни ўша кампир — Мария Петровна қарши олди. Эгнида ўша қўпол пахталик, бошида рўмол.

— Келмасангиз керак, деб ўйловдим, — очигини тан олди Мария Петровна. — Бу ёққа юрамиз, биз бошқа жойда турамиз.

Йўлак чапга бурилди ва охирида заиф чироқ кўринди. Анча юришгач, мато тугилган эшикка етишди. Мария Петровна матони кўтариб «кира-веринг» деди. Жамила ичкарига кирди. Хона кенг, кўринишидан олдин спорт зал бўлган. Ўртада керосин лампа ёнганидан сассиқ ҳид дарров димоққа урилади. Бу ерда ҳам одамлар кўп, шундоқ ерга жой солиб олишган. Аввал Мария Петровна, сўнг Жамила ерда ётган одамларни аста четлаб ўтишиб хона четига боришди. Деворга тақаб солинган ўринда кўзларини жавдиратиб Миша ўтирарди. У Жамилани таниб хурсанд бўлиб кетди.

— Нон олиб келдингизми, холажон? — ўрнидан сакраб туриб кетди у.

— Жим! — Мария Петровна овозини баландлатганини сезмай қолди ва Жамиладан уялиб кетди.

Бекорга бундай демаганди — бу ердаги одамларнинг ҳаммаси оч. Нон борлигини билишса ёпирилиб келишади. Буни Жамила ҳам сезди-ю ноқулай аҳволга тушди. Елкасидан халтани олди. Ундан тўртта картошка, ярим буханка нон ва тушёнка идишини олиб, тўшакка қўйди. Миша жон ҳолатда нонга ёпишди. Катта-катта тишлаганидан кичкина оғизчасига луқма сиғмай қолган, чайнашга ҳам қийналарди. Мария Петровна алюмин кружкага қорайиб кетган чойнақдан сув қуйиб узатди.

— Ич, болам, шошилмай аста е!

Миша сувдан ҳўлади ва яна нонга ёпишди. Уни кузатиб турган Жамиланинг кўзларига ёш келди. Уруш шу гўдакларгача қаҳрини кўрсатганди.

— Менга ҳам нон берингла! — Жамиланинг ортида аёл кишининг личирлагандек гапиргани эшитилди.

Жамила шошиб овоз келган томонга қаради. Бола кўтариб олган аёл уларга қараб турарди.

— Лидочка, кел, тўшакка ўтир! — деди Мария Петровна.

Аёл Мишанинг ёнидан жой оларкан, нондан кўзларини узмасди. Мария Петровна Мишанинг қўлидан нонни олмоқчи бўлди. Бола қаршилиқ қилиб нонни бағрига босди.

— Миша, нонни ҳозир еб қўйсанг эртага нима ейсан? — мулоким овозда деди Мария Петровна. — Холанг ҳам бунча тарбиясиз бола бўлмаса, деб ўйламасин.

Миша Жамилага қаради ва нонни истар-истамас бувисига узатди. Мария Петровна кичкина пичоқда нонни бўлақларга бўлди. Аввал ёнига ўтирган аёлга, сўнг Мишага бир бўлақдан берди. Аёл ҳам шоша-пиша нонни орзига тикди. Жамила уларга қарай олмасди. Шунда у урушнинг нақадар шафқатсиз эканини чуқурроқ англади. У бу ерда ўтира олмасди.

— Мария Петровна, мен борай, кеч қолиб кетдим, — деди у.

— Қизим, сизга катта раҳмат! Худо сизни ўз паноҳида асрасин! Кўриб турибман, мусулмоннинг боласи экансиз, мусулмонча қандай дуо қилишни билмайман. Лекин одатим бўйича Худодан сўрайман, умрингиз узоқ бўлсин! — Мария Петровна чўқинди.

— Мен яна келаман, Мария Петровна, имкониятим бўлиши билан келаман.

— Умрингиздан барака топинг!

Жамила ўрнидан турди ва эшик томон юрди. Ортдан Мишанинг овози эшитилди:

— Раҳмат, холажон!

Жамила унга жавобан бош ираб қўйди ва юришда давом этди...

«Маданият саройи»ни тарк этаркан, минг турли ўй-хаёллар бошида айланарди. Ҳам кўзларидан дув-

дув-ёшлар оқарди. Юртнинг тинчини бузган, болаларини етим, аёлларини тул қилган душманга қарши нафрати минг қатла ортди. Энди у янада шафқатсиз бўлишга аҳд қилди.

11

Бу сафар Екатерина ва Жамила алоҳида «нуқта»ни эгаллашди. Бу ердан кенг майдон яхши кўринади. Қолганлар улардан анча нарида пистирма қуришган. Улар яширинган жой немислар марраларига жуда яқин. Ҳатто бу ердан яширинган немисларнинг дастлабки ҳимоя чизиги бемалол кўринади — милтиқларнинг бўғзи, ора-сира каскалар кўринади. Екатерина оптик нишонда уларни кузатади. Жамила ҳам винтовкасини елкасига тираб, немисларни кузатаётган бўлса-да кўз олдидан «Маданият саройи»даги одамлар — Миша, Мария Петровна, нон сўраган аёл кетмасди.

— Нега жим бўлиб қолдинг? — хаёлларини бўлди Екатеринбургнинг овози.

Одатда снайперлар пистирмада турганларида гаплашмасликка ҳаракат қилишади. Жамила эса бундай вазиятларда умуман сўзламас, диққат-эътибори фақат нишонда бўларди. Буни Екатерина ҳам сезганди, бироқ унинг ўзгариб қолганини сезганди.

— Ўзим... немисларни кузатяпман! — гапни қисқа қилди Жамила.

Екатерина оптик нишондан кўзини узиб унга қараб қўйди. Жамиланинг юзи жиддий, гаплашишга истаги йўқ. Кутилмаганда немислар томонида енгил машина тўхтади. Ундан кайфи ошиб қолган ёшгина немис зобити тушди. Унинг бир қўлида шиша. Қўлларини икки томонга ёйганича нималардир деди, сўнг ортига ўтирилиб машинадан ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги, сариқ сочлари тўзвиган жувонни пастга

судради. Аёл ўзини эплломай ерга юзтубан бўлди. Зобит қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, аёлни ердан турғизди ва унинг юзидан ўпмоқчи бўлди. Аёл қаршилиқ қилиб уни итариб юборди. Мувозанатини йўқотган зобит ерга қулади. Ўрнидан туришга уринаркан, қўлидаги шишани четга улоқтирди. Камаридаги филофдан тўппончани чиқариб аёлнинг пешонасига тиради. Аёлнинг қўрқиб кетгани, титраб-қақшагани улардан юз-юз эллик қадамлар наридаги Екатерина ва Жамилага ҳам сезилди.

Екатерина Жамиланинг қизишиб зобитнинг отиб қўйишидан қўрқди. Биргина ўқ уларнинг яширинган жойини фош қилиб қўяди.

— Ўзингни бос, Жамила!

Жамила зобитни оптик нишонда кузатиб турарди. Ёдига яна «Маданият саройи»даги одамлар тушди. Хўрланган одамлар. Шунда у бир ҳақиқатни янада чуқурроқ англаб етди. Қўлидаги қурол бўлганларнинг болаларни хўрлаши, аёлларга зўрлик қилиши нақадар пасткашлиқ, қабиҳлик ва кечириб бўлмас жиноят! Оптик нишонда немис зобити қаршисида энди тиз чўкканича ялинаётган аёл кўринди. Зобит аёлнинг пальтосини ечиб ташлади. Аёл аввалига нима қилишини билмай қолди. Изғирин ва қўрққанидан аёлнинг қалтираётганини Жамила рўйи-рост кўриб турарди.

— Мен бошқа ердан отаман! — деди Жамила нигоҳини аёлдан — оптик нишондан узмай.

Екатерина нима дейишини билмай қолди. Бошқа қулай жойга яшириниш осон эмас. Нар и борса қаватларни ўзгартириши мумкин. Барибир бинодан чиқиб кета олмайди. Снайпер яширинган пистирма-ни немислар теп-текис қилишади.

— Қодирова, гуруҳ раҳбари ва унвони катта ҳарбий сифатида буюраман, буйруқсиз отишни тақиклайман!

Жамиланинг унинг сўзларини эшитмаётгандек эди. Ёдига майор Громовнинг айбномадаги сўзлари тушди: «Гуруҳ бошлиғи лейтенант Бобровнинг буйруғига бўйсунмай Вишневецкийни отади...» Шу айблов билан иши терговларга тушди. Бироқ барибир у одамнинг хўрланишига чидай олмасди. Ҳам бунга қараб туролмасди.

Немис зобити пальтони ечиш билан қаноатланмади. Титраб-қақшаётган аёлнинг кийимига ёпишди ва зарб билан тортди. Аёлнинг елкалари ва кўкраги яланғочланди. У қўллари билан очиқ жойларини яширишга уринди. Зобит, унга қўшилиб эса окопдан бошларини чиқариб олишган аскарлар кулишарди. Улар ҳақорат қилинаётган аёлни томоша қилишаркан, энг шафқатсиз уруш майдони — Сталинградда эканликларини унутиб қўйгандилар.

Екатерина ҳам иложсиз эди. Винтовкасини маҳкам қисганича аёлнинг таҳқирланишини кузатаркан, ўзини қўйгани жой тополмасди. У ёнига қаради — Жамила йўқ эди. У жон ҳолатда ён-атрофига қаради. У кўринмасди.

— Бу қиз яна нимани ўйлади! — ўзига ўзи деди Екатерина.

У яна винтовкасига ёпишди, оптик нишондан аёл ва немис зобитини топди. Энди зобит аёлни тепмоқда эди. Аёл йиғлар, ялинар, ярим яланғоч баданини ҳам ҳимоя қилолмасди. Екатеринанинг қўллари қалтирар, ўзини бошқара олмас, лекин аёлга ёрдам бера олмасди. Ёнида шитирлаш эшитилди ва чўчиб қаради. Азамат унга қараб турарди.

— Командир, буйруқ берсангиз немис зобитини отардик! — деди у.

— Йўқ! Бизнинг вазифамиз бошқа! Буйруқ бор! — унга кичқираёзди Екатерина.

Азамат бўшашиб бош ирғади ва ортига кетмоқчи бўлди. Кутилмаганда улар жойлашган бинодан анча

нарида — қаердадир олисда ўқ овози эшитилди. Екатерина шошганича винтовкасини олди, тиззалаган кўйи оптик нишондан ташқарига қаради. Зобит ерда ётар, боши атрофида қон қўлмақ ҳосил қилган. Аёл эса нималар бўлаётганига тушунолмайд бошини чангаллаб қолганди. Окопдаги немислар ўқ отилган томонни аниқлашга улгуришган ва ўша томонга ўт очиб юборишди. Миномётлар ота бошлади. Екатерина зобитни Жамила отганига шубҳа қилмасди. У немислар ўт отган томонга оптик нишонни кўчирди. Тутун ва қуюқ чанг-тўзон орасидаги харобалар орасида ғужанак бўлганича яшириниб олган Жамила кўринарди. Унинг атрофларида миналар кетма-кет ёриларди. Бахтига миномётлар яширинган аниқ жойини билмай отишарди.

Жамила гуруҳнинг яширинган жойини фош этиб қўймаслик учун ундан тахминан икки юз-икки юз элик қадамлар наридаги вайроналарга бориб ўрнашганди. Зобитни отган снайперни немислар кечирмасди. Нима қилиб бўлса-да, уни йўқ қилиш илинжида миномётлар билан қаноатланмай, бир даста немис автоматчилари паналаб ҳужумга ўтишди. Жамила уларни кўрди, лекин немислар снайперга қарши чиқаётларини билиб гоят эҳтиёткорлик билан кетишарди. Жамила бундан қўрқмасди. Иккинчи марта буйруққа итоат этмай ўқ узганидан афсус қилаётган эди. Кўзларига тобора яқинлашиб бораётган душман эмас, «буйруқдан бўйин товладингми, Қодирова!» деётган майор Громов кўринарди, ҳатто унинг ароқ ҳиди уфуриб турган нафасини ҳам ҳис қилгандек бўлди. У НКВД кўлига тушишдан кўра немисларга асир тушган минг марта афзал эди.

— Hande hoch!²⁵

Жамила овоз келган томонга қаради. Қаршисида автомат ўқталган немис аскарлари туришарди. «Та-

²⁵ Қўлингни кўтар! (немисча)

мом бўлдим!» — яшиндек ўй урилди миясига. Немис аскарлари орасидан элик-элик беш ёшлардаги зобит суғурилиб чиқди-да, унга нафрат билан тикилди. Унинг қўлидаги снайперлик винтовкасига қараб истеҳзоли кулди ва кутилмаганда Жамиланинг юзига тарсаки қўйиб юборди. Жамила йиқилиб тушди. Аскарлардан бири винтовкани тортиб олди. Сўнг уни олиб кетишди...

Екатерина немисларнинг Жамила яширинган жойга кирганларини кўриб турарди-ю, лекин уларни нишонга олиш қулай эмасди.

12

Асир тушган снайперларга ҳеч қандай шафқат бўлмаслигини Жамила тушунарди. Уни кўрқитаётган нарса ўртада омонат ифбат ва ор-номус эди. Немислар қўлига тушган аёл снайперларнинг тақдирини кўп эшитганди. Улар орасида немислар «жодугар» дея ном қўйган снайпер қизнинг ўлими уни даҳшатга солганди. Немислар унга раҳм-шафқат кўрсатишмаганди: унинг кўзлари ўйиб олинган, кўраклари кесилган эди. Снайпер аёллардан ана шундай пасткашлик билан ўч олинарди.

Жамилани қоронғи ва совуқ оғборга қамаб қўйишди. Кеч кира бошлаганида уни сўроқ қилишга олиб чиқишди. Юқори қаватлари бузилган бинонинг биринчи қаватидаги нисбатан яхши сақланган хонага олиб киришди. Тўрдаги столда қовоғи солиқ, тепакал, эликлардан ошган немис зобити, кираверишдаги стулда эса ҳарбий кийимдаги таржимон қиз ўтирарди. Жамилани зобитнинг столи қаршисидаги курсига ўтқизиб қўйишди. Зобит стол чироғи ёруғида Жамиланинг ҳарбий гувоҳномасини текшириб кўргач, таржимон қизга узатди. У гувоҳномадаги сурат ва Жамилани солиштириб кўргач, сўради:

— Исми-шарифингиз, қайси қисмда хизмат қиласиз?

Жамила ҳаммасини айтди, яшириб ўтиришдан фойда йўқлигини тушунарди. Таржимон қиз зобитга унинг сўзларини таржима қилиб берди.

— Сталинградга қачон келдингиз?

Жамила сергак тортди. Бекорга бунақа савол берилмаяпти. Улар аввал бошқа фронтда бўлганини билишади.

— Кўп бўлмади... бир ойдан ошди.

— Аввал Украинада бўлгансиз, шундайми?

Жамила таажжубланди. Украина frontiда бўлганини қаердан билишди? Аслида уни сўроқ қилаётган тепакал Абвер зобити бўлиб, Сталинградга Берлиндан махсус келган, бу ердаги снайперлар ҳаракати ҳақида маълумот тўпламоқда эди. Вермахтнинг 6-Армияси айнан Сталинградда катта қурбонлар бера бошлаган, жанговарлигини йўқотган, камига авж олган снайперлик ҳаракати аскарларнинг руҳини тушириб юборган, шашгини сўндирганди. Аҳвол шу даражага етгандики, немис зобит ва аскарлари сув ёки ҳожатга ҳам боргани кўрқиб қолишганди. Шўро фронт матбуоти ва ташвиқот машинаси снайперларнинг қаҳрамонликларини тинмай мақтарди. Улар орасида энг машҳури, шубҳасиз Василий Зайцев эди. «Бугун Василий Зайцев тўрт немис зобитини мавҳ этди!», «Василий Зайцев ўртоқ Сталин ишончини оқламоқда!», «Сталинград fronti жангчилари Василий Зайцевдан ўрناق олишмоқда!..» каби сарлавҳалар билан бошланган варақалар — газеталар тинмай босилар, жангчиларга тарқатиларди. Табиийки, немис разведкаси ҳам Шўро матбуотини кузатиб борарди. Берлиндаги ҳарбий амалдорлар Сталинграддаги ишлардан, юмшоқроқ қилиб айтиладиган бўлса — норози ёки кўнгли тўлмаётганди. Айрим немис генераллари эса 6-Армия кўмондон-

лигидан ғазабда эди: Сталинград ишини, аниқроғи, снайперлар масаласини ҳал қилиш учун ҳатто Абвер ҳам жалб қилинган, унинг зиммасига машҳур шўро снайперларини аниқлаш вазифаси юкланганди. Цоссендаги снайперлар мактаби директори, ҳам бош йўриқчиси майор Кёниг ҳам Василий Зайцевни йўқ қилиш учун шахсан Сталинградга келганди.

Жамиланинг ҳарбий гувоҳномасидан унинг кимлиги Абвер ходимларига дарров англашилди. Бу ўша «узбечка»лигига уларнинг шубҳаси қолмаганди. Тепакал зобит унинг олдига шўро фронт газетасининг сўнгги сонини қўйди. Жамила кўз қири билан ундаги Василий Зайцевнинг суратига қараб қўйди. Ундан кўз узмай ўтирган зобит сўради:

– Бу одамни танийсизми?

– Ҳа...

– Уни қаердалигини биласизми?

– Йўқ...

– Сўзларингизга қандай ишониш мумкин? Уни таниркансиз-у, қаердалигини билмас экансиз.

– Василий Зайцев биз билан икки марта учрашган. Бизга маслаҳатлар берган. Одатда у зобитлар билан юради. Қаерга боради, ким билан учрашади, биз билмаймиз.

Унинг сўзлари зобитга ишонарли кўринди. Зайцев ҳақидаги маълумотларда ҳам шундай дейиларди. Баъзи вақтларда Зайцев қисмлардаги снайперлар билан учрашади, уларга йўл-йўриқлар кўрсатади.

– У қандай қуролда ишлайди?

Жамила елка қисди.

– Одатда винтовка кўтариб юрмайди... Билмайман анигини...

– Унга ўхшаган бошқа «асс»лар²⁶ ҳам борми?

Жамила яна елкасини қисди. Гуруҳидаги шерикларидан бошқаларни танимаса...

²⁶ Моҳир снайпер деган маънода.

— Тирик қолишни истайсизми? — унинг кўзларига тик қараб сўради зобит.

Жамила ишончсиз бош ирғади.

— Унда бизга хизмат қиласиз! — буйруқ берган-дек деди зобит.

Шунда Жамиланинг кўзларига зобитнинг ўрнида майор Громов ўтиргандек туйилди. Қўлларини бир-бирига ишқаганича «Қўлга тушдинг-ку, Қодирова!» дегандек бўлди. Жамила ўлимдан эмас, балки унинг иффатига тажовуз қилишларидан, ўлдиришгач, ярим яланғоч жасадини бегона назарларга қолдириб кетишларидан жуда кўрқарди. Лекин душманга хизмат қилишни тасаввурига ҳам сиғдира олмасди.

Унинг жим бўлиб қолганидан ўзича маънолар топган зобит давом этди:

— Биз юртингизда Шўро ҳукумати қандай ўрнатилгани, бунга қарши чиққан минг-минглаб одамларнинг қамоқларга ташлангани, Сибирга юборилганини биламиз. Славянлардан бошқа миллат вакиллариининг мажбуран немисларга қарши жангларга ташланаётгани ҳам маълум. Ахир сиз ҳам урушга ўз ихтиёрингиз билан келмагансиз-ку, тўғрими?

«Мана шу ерда адашдинг!» — кўнглидан ўй ўтди Жамиланинг. Зобитнинг аввалги сўзлари уни анча таажжублантириб қўйганди. Шўро ҳукуматининг зўрлик билан ўрнатилгани, унга қарши чиққан одамлар ҳақида ҳеч эшитмаганди. Қолаверса, унинг тасаввурига НКВДга устидан чакув тушган одамлар олиб кетилади ва улар қамоққа ташланади. Жамила тенгилар энди умуман бошқа авлод экани Абвер зобитининг хаёлига ҳам келмасди.

Зобит унинг индамай ўтиришидан хулоса ясади. Агар Жамиланинг ўрнида рус, украин ёки белорус бўлганида сўроқ-савол қилиб ҳам ўтирмасди; шартга отувга ҳукм қиларди. Унинг мусулмон экани, ишни бошқаларга топширишни ўйлади. Зобитнинг хаёлида энди «Туркистон легиони» айланарди...

— Сиз билан яна суҳбатлашамиз, — деди зобит ва эшик ёнидаги соқчига «олиб чиқ» деган маънода бош ирғади.

Жамила ҳайрон эди. Уни ўлдирмасликлари, ор-но-мусини топтамасликларига ишонч уйғонганди...

13

Эртаси куни Жамилани яна ўша сўроқ қилинган хонага олиб кирганларида тепакал зобитнинг ўрнида қош-кўзи қора, буғдойранг чехрали, ўтгиз беш ёшлардаги, немис ҳарбий кийимидаги йигит ўтирарди. Таржимон қиз йўқ. Эшикнинг очилишидан қорозларни кўздан кечираётган йигитнинг хаёли бўлинди-ю кириб келгувчига қаради. Унинг ва Жамиланинг кўзлари бир муддат тўқнашди. Бежизга Жамила унга тикилиб қолмади. Немис ҳарбий кийимидаги йигит ўзбекларга ўхшаб кетарди. У қаршисидаги курсини кўтариб ўзбекчада деди:

— Ўтиринг!

Жамила таажжубланди. Ўзбекча гапиряптими?!

— Ўтиринг, дедим! — Жамиланинг туриб қолганини кўрган йигит иккинчи марта такрорлади.

Жамила ўтирди.

— Танишиб олайлик, исмим Исломхўжа Бузрукхўжа ўғли, — деди йигит. — «Туркистон легиони» зобитиман.

Ҳеч нарсага тушунмаган Жамила унга ажабланиб қаради. Қандай легион?! Туркистон?!..

— Қаердансиз? — сўради Исломхўжа.

— Қишлоғимиз Тошкентга яқин жойда...

— Мен Қўқонданман. «Туркистон легиони» ҳақида эшитганмисиз?

Жамила бошини сараклатди. Исломхўжа қўлидаги қаламни урганича унинг кўзларига тикилиб турди.

— Туркистон мусулмонларидан тузилган Вермахтнинг ҳарбий қисмлари, — изоҳ бермоқчи бўлди Ис-

ломхўжа. — Асосан... ҳарбий асирлардан ташкил то-
пган. Мақсадимиз большевикларга қарши курашиб,
Туркистонни озод этиш, энди тушунарли бўлгандир?

Кўп нарсаларга тушунмаса-да, Жамила бош ирғаб
қўйди. Исломхўжа гапираркан, хаёлида бошқа нар-
салар айланарди: немислар томонига ўтган ҳарбий
асирлар... немислар ҳарбий кийимидаги ва Қизил
Армияга қарши курашаётган туркистонликлар... Ис-
ломхўжа унинг гапиришини кутарди, бироқ у жим
ўтирарди. Исломхўжа деди:

— «Туркистон легиони»га киришни ва шу орқали
аҳволингизни енгилаштиришни таклиф қиламан!

Жамила унинг кўзларига қаради. Аввалига боши-
ни сараклатди, сўнг деди:

— Йўқ!

— Нега?

— Хиёнат қилолмайман...

— Хиёнат?! — заҳарҳанда қулди Исломхўжа. —
Кимга? Большевикларгами?

Жамила индамади. Кўз олдидан қишлоғи, қарин-
дош-уруғлари, кенг далалар ўтди. Агар немисларга
сотиладиган бўлса уларга бегона бўлиб қоладигандек
туйилди.

— Аслида сизни биз, ўзбеклар ўлимдан сақлаб
қолдик, Жамила!

Исломхўжанинг оғзидан исмини эшитган Жамила
ғалати бўлиб кетди.

— Мени кечиринг, — деди у паст овозда. — Мен...
немисларга хизмат қилолмайман.

Исломхўжа билинар-билинемас хўрсинди. Бир
муддат қўлидаги қаламни айлантириб ўтирди ва Жа-
миланинг кўзларига қаради.

— Большевикларга нега ишонаяпсиз? — туйқус
сўради у.

Жамила қандай жавоб беришини билмай қолди.
Бундай саволлар ҳатто хаёли кўчасидан ҳам ўтма-
ганди. Исломхўжа ўрнидан турди.

— Большевиклар нафақат Туркистонни, балки Россиянинг ўзини ҳам ҳароб қилишди. Бу худосизлар Туркистонда нималар қилганини наҳотки унутган бўлсангиз!? Ҳукуматга келиб динимизни, миллатимизни таҳқирлади, хўрлади; муқаддас қадамжоларимизни, масжидларимизни бузди. Миллатимизнинг қанчадан-қанча ойдинларини турмаларда ўлдирди. Истиқлол қайғусида уларга қарши чиққан ота-боболаримизни, ака-укаларимизни, биродарларимизни ёмонотлиқ қилди, ватангадо қилди! Қанчалари жанг майдонларида шаҳид кетди. Сизга ўхшаган кўплаб миллатдошларимиз, диндошларимиз бу тарихни билмай большевикларга хизмат қилмоқда. Аслида Германия бизга Туркистонни қутқаришга ёрдам бермоқчи, Гитлернинг ваъдаси шундай!

Жамила умрида эшитмаган ва хаёлига ҳам келмаган бу гаплардан ҳайратга тушди. Исломхўжанинг сўзлари касал одамнинг алаҳсирашидек туйилди унга. Ҳам Исломхўжа унинг кўзларига телбага ўхшаб кўрина бошлади.

— Ўйлаб кўринг, Жамила, — давом этди Исломхўжа. — Шўро снайперларини немислар асир олмайдилар. Таклифим — сизга берилган сўнги имконият.

— Ўйлашга ҳожат йўқ, — кўзларини ерга тикиб деди Жамила.

— Одамлар тирик қолиш учун ҳам немислар томонига ўтишяпти. Большевикларнинг куни битган. Фақат ҳозир Сталинградда немисларнинг иши юришмай турибди. Улар ҳали бутун Россияни эгаллашади...

— Мен сўнги сўзимни айтдим! — унинг гапини шартта бўлиб деди Жамила.

— Унда афсус, Жамила. Сизни Абвер ёки «эс-эс»чилар олиб кетишади.

— Тақдир... — Жамиланинг кўзлари ёшланди ва ожизлигини сездириб қўймаслик учун дарров ерга қаради.

Исломхўжа эшик ёнида турган соқчига қаради ва немисчалаб «олиб чиқинг!» деб буюрди. Шу билан суҳбат тугаганини тушунган Жамила ўрнидан турди. Исломхўжага бир қараб қўйди-да, эшик томон юрди. Унинг ортидан кузатиб турган Исломхўжанинг кўнглидан фавқулодда ўйлар ўтарди. У Жамиланинг ўлиб кетишини сира истамасди. Негадир юраги тез-тез урар, Жамилага нисбатан илиқ туйғуларни сезарди. Қиз унинг хаёлларини эгаллай бошлаганди...

14

Омборхонанинг эшиги очилди. Хаёллари билан ёлғиз қолган Жамиланинг ўйлари узилди. Остонада Исломхўжа турарди. Жамила беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Исломхўжа индамай ичкарига кирди ва Жамиланинг ёнига бориб, шундоқ ерга ўтирди-да, деворга елкасини берди. Жамила ҳайрон бўлди.

— Ўтиринг! — деди Исломхўжа.

Жамила иккиланиб қолди. Исломхўжанинг ўқдек қадалган нигоҳидан бўшашиб, унинг ёнига ўтирди.

— Гап бундай, Абвердагилар узоқ кутмоқчи эмас, — гап бошлади Исломхўжа. — Биз ҳам асирларга бунчалик кўп вақт бермаганмиз, ҳеч кимнинг ортидан ялиниб юрмаганмиз. Ҳозир энг охириги сўзингизни айтишингиз керак. Ё биз билан, ё...

— Қароримни сизга айтганман! — қатъий деди Жамила.

— Менга қаранг, нега бунчалар ўжарлик қиласиз? — қизишди Исломхўжа. — Ҳеч бўлмаса уйдагиларни, қариндош-уруғларингизни ўйласангиз-чи!

— Иложим йўқ...

— Агар хоҳласангиз... Германияга кетишингиз мумкин... — негадир пичирлаб деди Исломхўжа.

— Нега?! — таажжубини яширмади Жамила.

— Ўша ерда яшайсиз.

Жамила бу таклифнинг ортидаги мақсадни аниқлай бошлаганди.

— Йўқ! — деди у.

Ислохўжа унга ёлворгандек термилди. У шу кунгача бирорта асирга бунчалар ялинмаганди. Тўғри, у туркистонлик ҳарбий асирлар сақланаётган концлагерларга борганда ҳамюртлари ва диндошларининг аҳволини кўриб юраги эзилар, уларнинг бошига тушган бу қисматдан азобланарди. Одатда концлагерлардаги асирлар йиғилиб, уларга «Туркистон легиони»да хизмат қилиш таклиф қилинарди. Сўнг кўнгилдиларнинг рўйхати тузилар ва улар бошқа жойга кўчириларди. Ислохўжа эса Жамиланинг рози бўлишини чин кўнгилдан истарди. У қизга ошиқ бўлиб қолганди. Жамиланинг қатъий жавобидан сўнг у бир муддат хаёлларига ғарқ бўлиб ўтирди ва анча вақт ўтгач ўрнидан турди.

— Ортимдан юринг! — деди у Жамилага қарамай.

Жамила тақдирга тан берди ва унинг ортидан эргашди. Ислохўжа нарироқдаги машинанинг орқа эшигини очиб Жамилага қаради ва «ўтиринг» деган маънода бош ирғади. Жамила истар-истамай машинага чиқди. Ислохўжа ҳайдовчига немисчалаб гапирди. Ҳайдовчи машинадан тушди ва Ислохўжа унинг ўрнини эгаллади. Машина ўнқир-чўнқир йўлдан юриб кетди. Улар анчагача индамай кетишди. Ислохўжа кўзгу орқали Жамилага қараб-қараб кўярди. Ниҳоят, шаҳарнинг ярмидан ўтишгач, Ислохўжа машинани тўхтатди.

— Ким ҳақ, ким ноҳақлигини Худо кўрсатади, — деди у кутилмаганда. — Балки сиз тўғри қилаётгандирсиз, балки биз адашгандирмиз. Лекин биз ишонган йўлимизни тутдик. Бир нарсага аниқ ишонаман — биз немисга ҳам, ўрисга ҳам керак эмасмиз! Биз икки ўртада хомталаш бўлган одамлармиз! Боши-

мизга немис муштлаганида ўрисга юкуниб борардик, ўрис дўппослаганида немиснинг олдига югурардик. Жаҳид мунавварлари бекорга «ўсон миллат» демаганлар, Жамила!

Жамила жаҳидлар ким, нега хомталаш бўлишяпти, буларга тушунмас, ҳам ақли қабул қилмайдиган мавҳум тушунчалар эди. Унинг суяги доҳийлар ҳақидаги шеърлар, алвон ранглик инқилоб қўшиқларини тинглаб қотганди. Шунинг учун Ислomхўжанинг чин дилдан куйиниб айтган сўзларига тушунмади. Ислomхўжа ҳам унга машина кўзгуси орқали қараб қўйди-да, хўрсинди ва кучланиб деди:

— Шу ерда ажралишамиз, Жамила. У ёри шўролар тасарруфидаги ҳудуд.

Аввалига Жамила тушунмади. Ислomхўжанинг мақсадини англаб, қулоқларига ишонмади. Ислomхўжа машинадан тушди ва орқа эшикни очди.

— Ўзбек ўзбекнинг қонини оқизса яхши бўлмайди, — деди Ислomхўжа. — Мен ҳар бир ватандошимнинг кўзларида юртимни, халқимни кўраман! Боринг, кетаверинг!

Жамила чуқур тараддуд ичида қолганди. Негадир машинадан тушишга ошиқмади.

— Сиздан бир нарсани сўрасам майлими? — унга қарамай деди Жамила.

— Бемалол.

— Нега немисларга ишонасиз?

Қиздан нигоҳини узмай ўтирган Ислomхўжа кўзларини яширишга уриниб, бошқа томонга қараб олди. Уялганидан эмас, балки туйқус йилтираган кўз ёшлари қалб изтироблари, сўнгсиз алами ва нафратини фош этиб қўйишидан қўрқди. Ҳар сафар шу савол сўралганида кўз олдида омонатини тошширган ота-онаси гавдаланади. Янаям аниқроғи, тинмай шаҳодат калимасини қайтараётган, қонга бўялган кўксини чангаллаган отаси — Бузрукхўжа эшон.

Кўзлари ва оғзи очиқ қотганича сувга фарқ бўлаётган онаси. Қўлидан ҳеч нарса келмаётган, йигирма ёшлардаги йигит — Исломхўжа... Уларни шўролар отганини, кафангадо қилганини қандай айтсин? Сўзлашга тили айланмайди, юраги бардош бермайди. Умрининг шомига шундай етган падари бузруквори ва волидаи мухтарамаси шу тахлит, қиёфада тушларига кириб чиқади. Ва ҳар сафар уйфонганида, албатта, айбдорларни топиш ва улардан қасос олишга онт ичади. Бу қасос юрагига доим ўт ёқади, оташдек жизгинак қилади.

Наманганлик Бузрукхўжа эшон Қўқонда мухторият тузилганида ҳукумат ишларига жалб қилинган, дин ишларига масъулларидан эди. Мухториятни қонга ботирганларида у бир ўлимдан қолди; болшавой ва дашноқлар²⁷ унинг Қўқондаги ҳовлисига ўт қўйишди. У ота уйига — Наманганга қайтиб, юрак ҳовучлаганича кунлар санарди. Ўзбошимчалиги ва шафқатсизлиги ҳадди аълосига етган болшавойлар, уларнинг югурдаклари кўзга кўринган мухториятчи, уламо ёки бойлар ортидан ҳақиқий овни бошлаб юборишганди. Бироқ орада марғилонлик қўрбоши Мадаминбек чиқди-ю бебошларнинг шаҳди кесилди, қўл-оёғига тушов тушди. Исломхўжа аниқ эслайди: 1918 йилнинг илк баҳор кунлари. Ҳовлидаги бодом ва ўрик қийвос гуллаган палла. Уйларининг эшиги тақиллаб қолди. Унда ҳали ўнга ҳам тўлмаган Исломхўжа эшикни очган ва баланд-баланд отларга минган ҳарбийларни кўриб қўрқиб кетганди. Оқ отдаги, 25-30 ёшлардаги, инглиз френчи кийган йигит жилмайиб сўраганди:

— Бузрукхўжа эшон шу ҳовлида яшайдиларми?

— Ҳа, тоға... — тили зўрға айланганди Исломхўжанинг.

— Чақиринг унда! — сизлаб деганди отлиқ.

²⁷ Туркистонда қонли ишларни амалга оширган «Дашнак-цютун» партияси жангарилари.

Отлиқ — Мадаминбекнинг қўрбошиси бўлиб, амирлашкарнинг²⁸ буйруғи билан Бузрукхўжани йўқлаб келганди.

— Бек ака²⁹ сизни йўқлаптилар, малол келмаса Гарбувага³⁰ бораркансиз, ишлари боракан, — деганди отлиқ кўриниш берган эшонга.

Отасининг шошиб қолганини, ҳам ҳаяжонланганини Исломхўжа сезганди.

— Бош устига!.. Бош устига!..

Эшон Гарбувага жўнади-ю бир ҳафта дом-дараксиз кетди. Уй ичи хавотирда, дарду рамини кимга айтишини билмайди.

Эшон Гарбувадан қайтган оқшом бир девор қўшни «Уламо»чи мулла Садриддин уни йўқлаб чиққанди. Ичкаридан узатилган чойнак ва нону туршакли патнисни олиб кирган Исломхўжа иттифоқо уларнинг суҳбатига гувоҳ бўлганди. Буни суҳбат дейишлик ҳам унчалик тўғри бўлмас. Чўккалаб олган Бузрукхўжа ҳаяжонланиб сўзлар, мулла Садриддин эса ора-сира: «Буни қаранг!..», «Шундоқ денг?!» деб қўярди, холос.

— Гарбувада ушланиб қолишнинг боиси ўтган жумъада Қўқоннинг Бачқирида қурултой чақирилди. Қўқондан Миён Қудрат хазратлари ҳам келдилар. «Уламочи»лар ва «Исломчи»лар ҳам иттифоқ бўлишиб, «Ал-изоҳ»даги гина-кудуратларни унутишди. Жаид мунавварлари ҳам мажлисда бор эдилар. Асосий мақсад — Фарғонада болшавой билан даш-

²⁸ Амирлашкар — генерал, мусулмон қўшинлари қўмондони. Миллий-истиқлолчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан Мадаминбек Аҳмадбек ўғли Кичик Эргаш ва Катта Эргаш қўрбошиларидан кейинги учинчи амири лашкар эди.

²⁹ Мадаминбек қўрбоши ва йигитлари орасида «Бек» сифатида машҳур эди.

³⁰ Гарбува — миллий-истиқлолчилик ҳаракати марказларидан бири.

ноққа қарши оёқланмиш мужоҳидларга янги амирлашкар тайинлаш эди. Барча қўрбошилар Бачқирга тупланишди...

— Шундоқ денг!? — ҳайратини яширолмаёй мошгуруч соқолини беихтиёр тутамлаганди мулла Садриддин.

— Шундоқ, тақсир, шундоқ! Қўқондан катта Эргаш, Марғилондан Мадаминбек ва Шермухаммадбек, ўзимиздан Омон Полвон... Фарғонада шунча қўрбоши борлигини етти ухлаб тушимда ҳам кўрмаганман. Аҳли қурултой баҳамжиҳат ва баиттиффоқ Мулла Эргашни оқ кигизга ўтқазиб³¹ амирлашкар кўтардилар. Қолган қўрбошилар унга байъат бердилар...

— Буни қаранг...

— Яқин орада қўрбошилар болшавойларга қарши оёқланишлари катта эҳтимол, - давом этди Бузрукхўжа. — Мулла Эргаш Мадаминбек ва Шермухаммадбекка шундай сипоришлар берди. Ўзим ҳам Мадаминбекнинг хизматига олиндим, Худо хоҳласа, яна Гарбувага қайтаман...

Шу-шу, Бузрукхўжа Эшон Мадаминбек хизматида юрди. Намангандаги ҳовлисида кам бўлар, ойда икки-уч бор оиласидан хабар олгани келиб кетарди. Ҳар келганида, албатта, мулла Садриддинни чақиртирар, янги-янги тафсилотлардан баҳс очарди:

— Бачқирда қўрбошилар болшавойларни адабни берди! Бизнинг қўрбошилар шунақа савашдики, болшавойга сичқоннинг ини минг танга бўп кетди.

— Шундоқ денг?..

— Қўрбошилар Ойимқишлоқда туланиб Мадаминбекни амирлашкар этиб кўтардилар! Фарғонадаги қўрбошиларнинг боши энди Мадаминбек.

— Мадаминбек Жалолободни олди!

— Бек Ушни ҳам фатҳ этди!

³¹ Туркийларнинг одати бўйича тахтта номзодлар оқ кигизга ўтқизилиб хон ёки хоқон этиб кўтарилган.

— Мадаминбек Фарғона муваққат ҳукуматига тартиб берди! Аллоҳ насиб қилса, курашни қайтадан бошлаймиз.

Исломхўжа ҳам икки йилни ана шундай умидбахш, руҳни кўтарувчи хабарлар, овозалар ичида яшади. Отаси ҳар сафар келганида қўрбошилари, хусусан, Мадаминбекнинг ҳайратангиз жасорати-ю ғалабалари ҳақидаги янгиликларни интиқ кутарди. Ва шунга ўрганиб ҳам қолганди.

Бироқ Мадаминбекнинг шонли тарихи кўпга чўзилмади. Исломхўжани аниқ эслайди — 1920 йил, баҳорнинг сўнгги оғи. Кузги буғдой пишиғи бошланган, аммо ўроқ тушмаган. Ана шундай кунларнинг бирида уйига қайтган Бузрукхўжа эшон ўзига ўхшамас, ранги-рўйи ўчган; ним қоронғи уйнинг бир бурчагига тикилиб, кўрпа-тўшак қилиб, олдига ҳеч кимни киритмади. Эшоннинг қайтганидан хабар топган мулла Садриддин ундан ундан хабар олгани чиқди.

— Отангизга нима бўлди? — сўради мулла Садриддин уни қаршилаган Исломхўжадан.

— Билмадим тоға, уч-тўрт кундан бери чиқма-яптилар...

— Юринг-чи, жиян! — мулла Садриддин шахт билан эшон ётган уйга кириб кетди.

Эшон ўзини анча олдириб қўйганди: ранги оқарган, киртайган сўник кўзлари ичига ботган.

— Ассалому алайкум, тақсир, тинчликми, нима бўлди?

— Баалайкум... — хаста кишидек бошини болишдан узиб қўзғалмоқчи бўлди эшон. — Тақсир, тақсиржон... Бекдан айрилиб қолдик.

Мулла Садриддин хато эшитмадимми, деган уйда унга бақрайиб қолди.

— Нима дедингиз? Мадаминбек жаноблари... Ақл бовар қилмас!

– Тақсир... Валинеъматимиздан айрилиб қолдик! Фарғонанинг, туркнинг мард мужоҳиди шаҳодат шаробини ичди!

Отасининг бу гапи — «Фарғонанинг, туркнинг мард мужоҳиди» — Исломуҳжанинг миясига бир умрга нақшланди ва ҳаётида кўрмаган кўрбоши — Мадаминбекнинг мухлисига айланган.

Мадаминбек шаҳид кетгач Фарғонада Шермуҳаммадбек янги амирлашкар этиб кўтарилди. Олти ойча уйдан чиқмаган эшонни кейинчалик Шермуҳаммадбек Гарбувага чақиртирди. Шермуҳаммадбек ҳам бир муддат болшавойларга қарши курашди, бироқ толесизлик ортидан Фарғонада енгилиб, Бухорога чекинди, ундан сўнг Афғонистонга юзланди. Эшон ҳам Шермуҳаммадбекнинг изидан оиласи билан Бухорога ҳижрат қилди.

Йирик кўрбошилар хизматида бўлган Бузрукхўжа эшоннинг ортидан чекистлар тушишди. Эшон қишлоқдан қишлоққа кўча-кўча, Амударё соҳилидаги қишлоқлардан бирига келиб қолганди. Чекистлар барибир унинг изини олишди. 1931 йилнинг кеч кузи. Йигирмага кирган Исломуҳжа девори йўқ, этаги жарликка уланиб кетган ҳовлида ўтин ёради. Мужоҳиротдаги ҳаёт уни анча улғайтирган. Шу пайт ҳовлиққанча отаси етиб келиб қолди. У ҳансираб зўрға нафас олар, тахи бузилмаган марғилон дўпписига ўралган мўъжаз салланинг тартиби бузилган, печи чуваланган.

– Ўғлим, онангиз қанилар?

– Уйдалар...

– Тез нарсаларни йиғиштиринглар! — жони ҳалқумига тиқилгудек бўлиб деди эшон. — Устимиздан яна чақув бўлган кўринади. НКВД билан яна бир идоранинг кишилари ортимиздан тушишибди. Яширинмасак бўлмайди.

Исломхўжа қўлидаги болтани ташлаб уйга ошиқди. Ичкарида қўлга илинарлик нарса йўқ — куч-кучда нарсалар ҳам йўқ бўлиб кетган. Керакли буюмлар бир бўхча бўлди, 3-4 нон бир белбоққа тугилди. Исломхўжа отларни эгарлади, бирига онасини ўтқизди. Эшон ёшига ярашмаган алпозда лапанглаганича аёли минган отнинг тизгинидан олди ва ўғлига деди:

— Онангизни олиб тўғри кетаверинглар, тўқайзорда қидиришмайди!

Исломхўжа отасига ажабланиб қаради: тўқайзор?! дарёга боришдан муддао нима?

— Бу ерда яшашимизни билишган бўлишса энди тинчлик йўқ! — давом этди эшон. — Қош қорайганда дарёдан сузиб ўтамыз.

Исломхўжанинг кўнгли нохушланди. Балки фикридан қайтиб, қарорини ўзгартирар, деган умидда отасига тикилиб қолди. Аҳди қатъий эшон ўғлини кутмасдан отни ҳовли адоғи томон етаклади. Исломхўжа беихтиёр отасининг ортидан юриб кетди.

Эшоннинг ортидан тушган чекистлар тўрт отлиқ эди. Уларнинг бошлиғи «инқилоб ва давлат душманларига» шафқатсизлиги ва аёвсизлиги билан доврўқ қозонган комиссар Косолапов эди. У ҳали Мадаминбек тириклигидаёқ эшоннинг ортига тушган, бироқ унга етолмасди. Эшон Бухорога юзланди-ю комиссар унинг изини йўқотди, Фарғонадаги барча хуфияларини оёққа турғизди. Эшон сувга тушган тошдек ғойиб бўлганди. Орадан йиллар ўтиб Иброҳимбек лоқай шўроларга қарши бош кўтарганида комиссар бир гуруҳ аскарлари билан Бухорога юборилди. Бу ерда унинг омади чопди — эшоннинг дараги топилди. Бироқ ўртада Иброҳимбек кўрбоши билан жанглар қизиб эшонга қўли етмади. Ниҳоят лоқайлар сардори қўлга олингач, комиссар яна эшоннинг изига тушди. Эшон эса энди Бухорони тарк этган-

ди. Комиссар яна икки йил эшонни қидирди ва охир-оқибат Амударё бўйидаги бир қишлоқда асли фарғоналик оила яшаётганидан, оила бошлиғи олтимиш ёшлардаги, Бузрукхўжа исми бир киши эканидан воқиф бўлади. Комиссарнинг ишончи комил эди — бу ўша кўлга тушмас, Мадаминбекнинг хизматида бўлган эшон Бузрукхўжа!

Эшон фақат ва фақат жанубга қочибгина қутула олишини яхши тушунарди. Синовларнинг энг мушқули эса — Амударёни кечиб ўтиш эди. Дарёгача бир амаллаб қочиш мумкин, лекин ундан кечиб ўтиш-чи? Солланиб, уюрмалар ўйнатиб оқаётган дарёдан ўтиш ҳазилакам иш эмас, ҳаёт-мамонт масаласи... У ўйлагандек бўлиб чиқди ҳам. Дарёгача эсон-омон етиб олишди. Исломухўжа тезда отидан тушди ва онасига ёрдам берди. Сўнг инқиллаганича узангига тиралиб тушаётган отаси томон ошиқди. Эшон отдан тушгач, ён-верига хавотирли, жонсарак аланглади. Соҳилдаги қозиққа маҳкамланган, бир кишини аранг кўтарадиган солга кўзи тушдию деди:

— Онангиз билан дарёдан ўтасизлар!..

— Йўқ! — отасига кескин эътироз қилди Исломухўжа. — Сизни ташлаб кетмайман.

— Болам... бошқа иложимиз йўқ!.. Сол икки кишини олиб ўтса катта гап!

— Бўлмаса, сизлар кетасизлар!

— Боламни душманга ташлаб кетолмайман! — мўлтираб, ёлворгандек қараётган эшоннинг кўзлари бирдан нафратдан, вазабдан чакнади.

— Халқни ғайридиннинг оёқлари остига ташлаб бир умрга ёмонотлиқ бўлдик! Энди боламизни ҳам қолдирсак, Аллоҳнинг ҳузурига не юз билан борамиз, болам!

Отасининг қатъияти, важоҳати, ҳам мантиқи қаршисида Исломухўжа бушащди. Нима дея эътироз

билдиришни ҳам билмай довдиради. Эшон энди аёлига сипоришлар беришга тушди. Сўнг, туйқус сўзлашдан тўхтаб бир ўғлига, бир аёлига қаради.

— Иккалангиздан ҳам розиман, Аллоҳга омонат!

Исломхўжа титраб кетди. Ҳаяжон ва титроқдан сўзларини йўқотди. Эшон тез-тез ҳаракат қилганича солнинг арқонини бўшатди, тиззасигача сувга ботиб солни ушлаб турди.

— Тез-тез бўлинглар! — буюрди у.

Исломхўжа икки олов ўртасида қовурилар, на солга чиқишини, на қолишини билмасди. Онаси ҳам иккиланганича турарди. Уларнинг жим туришидан эшон тутақиб кетди.

— Бўлинглар! Бўлинглар! — деди у асабий.

— Отаси... биздан рози бўлинг... — аёли йиғлаб юборди.

— Розиман, минг марта розиман!.. Солга чиқинг!

— Дада... — ниҳоят Исломхўжанинг тилига сўз қайтди.

— Чиқинг! Чиқинг!

Она-бола солга чиқишга улгурар-улгурмас эшон солни итарди. Аввалига сувни шалоп-шалоп кечиб белигача сувга ботди. Юролмай қолгандагина солни сўнги марта куч билан итариб юбордию ўзи келган жойида қолди. Сол оқимга монанд, лапанлаганича суза кетди. Эшон енгил тин олди. Исломхўжа отасининг кўзларини узолмасди. Отасининг йиғлаётганини кўриб, кўнгли вайрон бўлди. Балки шу ерда айрилишаётганини сезаётгандир? Дийдорни қиёматга қолдириб кетишаётганини фаҳмлаётгандир?.. Алам-ли ингроқ бўғзини чуғдек қиздирар, кўз ёшлари юзини узиб-узиб оларди. Кутилмаганда қарсиллаган ўқ овози эшитилдию Исломхўжанинг шундоқ ёнида «ҳиқ» деган овоз эшитилди. Бунинг нима эканлигини англаган юраги уришдан тўхтаб қолаёзган Ис-

ломхўжа кўрқа-писа ортига — онаси томон қаради. Онаси чўккалаб қолган, кўзларини катта-катта очганича унга қараб турар, қон қоча бошлаган лабла-ри пичирламоқчи бўлардию на сўз, на сас чиқарди. Катта очилган кўзлар энди сўна бошлади, худди жон тарк этаётгандек.

— Аба!!!³² — Исломхўжанинг аламли фарёди эви-оламни тутди. Ҳали ўзига келолмаган бир паллада ҳамон тиззалаганича қотган онаси ёнбошига йиқилдию, сол торлигидан сувга қулади. Исломхўжа жон ҳолатда онасини ушламоқчи бўлди, бироқ мувозанатини йўқотиб у ҳам сувга ағдарилди. У сузишни билмасди. Онасини тортиш тутул ўзини қутқариши ҳам қийин эди. Бир амаллаб солнинг бир учи туртиб чиққан ёғочидан ушлади. Ўзини базўр сол устига олди ва... аста чўкаётган онасини кўрди. Кўзлари очиқ, унга қараб тургандек эди. Исломхўжа соли муштлаганича ёш боладек йиғлар, телбалардек тўлганарди. Аслида бу ожиз, чорасиз одамнинг телбавори ҳаракатлари, уринишлари эди, холос.

Иккинчи марта ўқ қасирлади.

Чўчиб тушган Исломхўжа қайси томонга отилганини билгандек отаси томон қаради. Бу сафар отасига ўқ текканди. Исломхўжа шундагина қирғоқдаги отликларни пайқади. Улардан бири, милтиқ ушлаб олгани, «ови» бароридан келаётганидан ғоят хурсандлигини яширмасди. Бу — комиссар Косолапов эди. У милтиқни шерикларидан бирига ирғитиб, қонли кўксини чангаллаган Бузрукхўжа эшонга қичқирди:

— Бузрукхўжа эшон, қочишдан фойда йўқ, таслим бўлинглар! Қизил комиссар сўзим, сизларга қарши бошқа қурол ишлатилмайди!..

Эшон эса вужудида қолган сўнгги кучни тўплаб анча узоқлашиб қолган ўғлига қичқирди:

³² Наманган шевасида она дегани.

– Ўғлим... кетинг!.. Кетинг!.. Уларнинг гапларига ишонманг!..

– Ҳозир олдингизга сузаман! – унга жавобан қичқирди Исломуҳжа.

– Минбаъд! – сув ичида ғалати қалқиди эшон.

– Келмангиз олдимга, ўзингизни қутултиринг!

– Дада!!!

– Борингиз! Кетингиз!..

Кутилмаганда яна ўқ овози эшитилди – бу сафар солга тегдию уни ағдариб юборди. Исломуҳжа нима бўлганини ҳали тушуниб-тушунмаганида яна сувга ағдарилди. Дарё уни ютаётганга ўхшарди. Унинг миясида фақат уч нарса айланарди – отаси, онаси ва ўзи. Отасига қандай ёрдам бера олади? Сувга фарқ бўлган онасини қандай қилиб олиб чиқади? Ўзини қандай қутултиради?.. Ўқ овози эшитилди. Аниқ сездим – бу сафар боши тепасидан ўтиб кетди. У ўлимдан кўрқмасди, фақат ота-онасини ўйларди, холос. Кутилмаганда боши ва елкасига қаттиқ нарса урилганини сездим. Бу ағдарилган сол эди. Иккинчи марта солга тирмашди. Солга чиқиб олганида отаси ҳам кўринмасди. Соҳилдаги отлиқлар эса сол оқимига монанд от қўйиб келишар, комиссар эса дарё ўртасидаги Исломуҳжага қарата ўқ узарди. Аллоҳнинг қудрати – ўқлар унга тегмасди. У эса бунга парво қилмасди. Қўллари билан юзини ёпганича ўкириб йиғларди. Уят ва шармандаликка, ота-онасидан айрилганига, уларнинг кафангадо бўлганликларига чидай олмай фарёд қиларди... Сол уни қирғоқдан анча узоққа олиб кетди. Унинг ортидан соҳил ёқалаб от қўйган отлиқлар энди қамишзорлар, тўқай бошланганидан тўхтаб қолишди. Айниқса, комиссар жиғибийрон бўлар, «эшонвачча»-ни қўлдан чиқарганини ҳазм қилолмасди.

...Исломуҳжа бир муддат Афғонистонда, Кобулда яшади, сўнг Пешоварга юзланди. Бу ерда туркиялик

ишбилармонлар билан танишиб, 1936 йили улар билан бирга Истанбулга жўнади. Туркияда Туркистон қайғусида яшаётган, Ватандан қувилган зиёлилар билан танишди. Германияга икки марта сафар қилди. Кейин эса немисларнинг Туркистонни озод қилиш ваъдаларига ишониб, 1941 йил декабрида «Туркистон легиони»га хизматга кирди. У Ишчи-деҳқон Қизил Армиясига туркистонлик аскарлар зўрлик билан чақирилган, мажбуран фронтларга ташланган дея фикрда эди. Улардан Туркистон армиясини тузиб, большевикларга қарши курашиш ва шу орқали Ватанни озод қилиш ғоясига қаттиқ ишонарди. Ана шу ишонч уни Сталинградгача бошлаб келган ва Жамила билан учраштирганди.

Ислomхўжа буларнинг ҳаммасини қизга айтишни лозим топмади.

Жамила машинадан тушди. Нима дейишини билмасди. Ислomхўжа бошқа сўз айтмай машинага ўтирди-да, жўнади. Жамила эса унинг ортидан қараганича қолаверди.

Аслида Жамиланинг ҳарбий гувоҳномасига кўзи тушган Ислomхўжа қандай қилиб бўлса-да, уни қутқармоқчи бўлганди. Бунинг учун энг яхши йўли унинг немислар томонига ўтиши эди. Агар Жамила буни рад этса унга шафқат бўлмаслиги кундек равшан эди. Бунга кўнмагач, Ислomхўжа немислардан махфий равишда уни озод қилишга қарор қилганди. Немислар билиб қолган тақдирда кечирилмаслигини билиб турса-да, аҳдидан қайтмади.

Шўролар ва немислар ўртасида ўзига хос чегарга айланган ҳудудда Жамиланинг ўзи ёлғиз қолган, Волгадан эсаётган совуқ шамол сочларини тўзғитар, юз-кўзларига урилиб беҳузур қиларди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

МАҲКУМА

1

1945 йилнинг апрели.

Шўро дивизиялари Пруссиянинг тарихий марказларидан бири Кёнисберг атрофларида тўплана бошлаган. Ҳақиқий немис маданияти! Бинолар, қишлоқларда энди кўз ўрганган «славянча» кўриниш йўқ.

Сталинград ва ундан кейинги жангларда ўзини кўрсатган 33-гвардия дивизияси, 84-ўқчи полки ҳам Кёнисберг ишғоли учун ташланган. Тажрибали жангчилардан алоҳида штурмчи — ишғолчи гуруҳлар ташкил қилинган. Шаҳар учун жанглар шиддатли ва шафқатсиз бўлиши ҳаммага аён — тиш-тирноғигача қуролланган немислар мустаҳкам қалъа-ю истеҳкомларда биқиниб ўтиришибди.

Екатерина Фролованинг снайпер гуруҳи ҳам бошқа ишғолчи гуруҳлар билан бирга шаҳар четида буйруқни кутарди. Разведка шаҳарда, маълумот тўплайди. Жангчилар эса ўз вақтларини кутадилар.

Салқин баҳорнинг этни жунжиктирувчи ёмғири аста томчилай бошлади. Ҳаво мусаффо, ҳар нафас олганда вужудга ёқимли туйилади. Атроф-жавониб шундай тинчки, бутун-эрта қирғинбарот уруш бошланишига бировнинг ишонгиси келмайди. Ёмғир томчилари чинорларнинг баргларига шитирлаб урилади ҳамда сукунатни бузишга уринади. Аммо уларнинг овози омонатдек, улуввор жимжитлик ичида сас-садосиз йўқ бўлади. Ёмғир кучая бошлайди.

Шитир-шитир аниқроқ эшитилади. Барглардаги томчилар энди қон томирларига ўхшаш ирмоқчаларга айланади... Бу худди уруш олдидаги одамларга табиатнинг тириклик симфониясини эслатади.

Дарахт панасидаги Жамиланинг юз-кўзларида томчилар ўйнайди. Бундан у завқланади; кўнгли ёришади. Екатерина қўмондонлик учун тикилган брезент чодирдан чиқаркан, унга кўзи тушди-ю беихтиёр жилмайди.

— Ҳой қизгина, ўзингни эҳтиёт қилсанг-чи! — дакки берган бўлди у. — Шамоллаб қолсанг қандай қилиб жанг қиласан? Биз полк штабига жойлашибмиз, юр!

Жамила ҳам жилмайиб қўйди. Елкасидаги винтовкани тўғрилаб унга эргашди. Лойни билч-билч кечганларича юриб кетишди. Йўлнинг икки четида пруссча уйлар, улар орасида хувилаган емакхоналар, дўконлар кўринади. Шўро қўшинлари яқинлашаётганини эшитган одамлар қочишга улгурган. Шу пайт кўринишидан тамаддихонага ўхшаган бинонинг ойнаванд эшиги зарб билан очилди-да, аввал шўро аскарлари кўринди. У ниманидир зўр билан тортқилар, судрашга уринади. Аскар: «Жин урсин!» — дея сўкинди ва жаҳл билан ташқарига...

Жамила титраб кетди. Аскар ўн саккиз — ўн тўққиз ёшлардаги қизнинг жасадини судраб чиқаётганди. Қизнинг юз-кўзлари, йиртилган оппоқ кўйлаги қон; сонлари, қорни ва сийнаси очилиб қолган. Оёқларида кўкимтир, қўнғир доғлар кўринади. Унинг жон таслим қилгани ҳам сезилмайди.

— Аскар, бу қиз ким?! — даҳшатдан ўзига келолмаган Екатерина биринчи бўлиб сўради.

Аскар унга бепарво қараб қўйди-да, қизни зинадан пастга судрашда давом этди.

— Мен қаердан биладан! — тўнғиллади у. — Немисча гапирганди, демак, немис.

— Уни ким бу аҳволга солди? — яна сўради Екатерина.

Аскар ҳиринглади.

— Ичкарига кирсанг биласан! — деди у.

Екатерина шошганича тамаддихона эшигини очиб, ичкарига кирди. Жамила унинг ортидан эргашди.

Тамаддихонанинг кенгроқ хонасидаги стол-стуллар бир четга йиғилган, ширакайф шўро зобитлари кулишар, ниманидир томоша қилишарди. Аёл кишининг чинқириғи, немисчалаб ёлвораётгани эшитилди.

— Буни ҳам ўлдириб қўйма! — деди зобитлардан бири.

— Авайлаброқ муомала қил! — иккинчи «маслаҳат» берган бўлди.

Екатерина ҳам, Жамила ҳам нима бўлаётганини тушунишди. Екатерина тўппончасини филофидан чиқариб шифтга кетма-кет ўқ узди. Зобитлар чўчиб дарров унга қарашди. Аёлга зўрлик қилаётган зобитнинг кўзлари ола-кула бўлиб, эшик томон юзланди. Кўйлаги йиртилган, ярим яланғоч аёл ўрнидан турди, кўкраklarини яширишга уриниб Екатерина ва Жамила томон югурди. Унинг сариқ сочлари тўзғиган, лаблари ёрилган, ранги оқариб кетганди. У немисчалаб ялина кетди:

— Bitte, bitte, rette mich³³!

Аёлни зўрламоқчи бўлган зобит тиззасигача тушган шимини кўтаришга уриниб ўрнидан турди. Екатерина нафрат тўла нигоҳи билан уни кузатиб турарди.

Сталинградда рус аёли тиз чўкканича немис зобитига ёлборгани Жамиланинг кўз оддидан ўтди. Ушанда қўлида қурол тутганларнинг ожизлар — болалар, аёлларга зўрлик қилиши аблаҳлик ва пасткашлик эканини тушунганди. Бугун эса яна бир нарсани тушунди: аблаҳлар, пасткашларнинг миллати бўлмайди.

— лейтенант! — елкасида майор погони бор зобит Екатеринбургга деди. — Унвони юқори зобит сифатида

³³ Илтимос, илтимос, мени қутқаринглар! (немисча)

буюраман: қуролни ташланг! Аке жолда қуролимдан фойдаланишга мажбур бўламан!

— Қимирлама ҳамманг! — унинг майорлиги ҳам Екатеринанинг кўзларига кўринмади. — Аблахлар! Маразлар! Кучинг қуролсиз аёлга етдими! Қани зобитлик гуруринг!

— Лейтенант! Хаддингиздан ошманг! — буюрди майор ва филофидан тўппончасини олмоқчи бўлди.

— Қимирлама! — Екатерина унга тўппончани тўғрилади. — Яна қимирласанг ўласан! Сенларни жазонгни трибунал беради!

Майор истеҳзоли кулди.

— Нима? Трибунал? Немисни ўлдирганим учун қайси шўро зобити, аскарри трибунал суд қилинган, айт-чи менга!? Эсингни едингми! Сўнгни марта так-рорлаяпман, қуролингни тушир!

Унинг сўзларидан сўнг Екатерина хиёл бўшашди, қатъийлиги йўқолди. Майор ҳақ эди — немисни отгани учун жазо берилмасди. Унинг журъати чекинганини сезган майор босимни кучайтирди:

— Лейтенант, сен ўзингни йўлинг билан кетавер, бизга халақит берма! Анави немис аёлни бизга бер. Орамиз очик!

— Аёл биз билан кетади! — бўш келмади Екатерина. Тўппончани майорга ўқталган кўйи Жамилага «кетдик» дегандек бош ирғади. Жамила эшик тутқичига энди қўл узатганида майорнинг таҳдидли овози эшитилди:

— Тўхта! Уруш вақти қонунларига кўра сенга қарши қатъий чора кўришга мажбурман, лейтенант! — майор ўзига йўналтирилган тўппончадан кўрқмай тўппончасини олди.

— Сўнгни марта огоҳлантиряпман! — деди тўппончани Екатеринага тўғрилаган майор. — Қуролингни ташла! Қўлларингни кўтар!

Екатерина буйруққа итоат этмади. Бундан ғазабланган майор тепкини босди — ўқ Екатеринанинг ўнг кўкрагига тегди. У қалқиди, бироқ тепкини бошишга улгурди. Ўқ майорнинг пешонасини топди-ю оёқлари ердан узилиб, ғалати чайқалиб қулади. Жамила қичқириб юборди ва жон ҳолатда Екатеринага ёрдамга ошиқди. Кўзлари сўниб бораётган Екатерина сокин нафас оларди. Лекин у ҳам узоққа бормади — омонатни топширди. Икки шўро зобити бир-бирини отиб қўйганди. Бири нафс, иккинчиси эса ор-номус, гурур йўлида ўлганди...

Кутилмаганда Жамиланинг устида бошқа зобитлар пайдо бўлишди ва унинг винтовкасини тортиб олишди.

2

Жамиланинг қўлларини орқага қилиб боғланганди. Қандайдир хонанинг қабулхонасида терговчининг чақиритилини кутиб ўтирарди. У ҳалигача Екатеринанинг ўлганига ишоналмасди. Ғалабага етай деганларида, уруш тугаши арафасида бундай бўлиши хаёлига ҳам келмаганди. Унга алам қилгани душманнинг эмас, балки шўро зобитининг ўқиға учгани эди. Эшикнинг очилишидан хаёллари тўзғиди. Терговчининг олдида чикқан лейтенант:

— Қодирова, терговчига! — дея буюрди.

Жамила ўрнидан турди ва лейтенант очиб турган эшикдан ичкарига кирди. Не кўз билан кўрсинки, ичкарида, кўримсиз ва зах тортганидан анча уринган столни эгаллаб майор Громов Николай Иванович ўтирарди. Хона папирос тутунига тўлган, стол устидаги кулдон эзилган папирос қолдиқлари билан тўла эди. Ҳар доимгидек майорнинг сочлари текис таралган, ҳарбий кийими низомга мувофиқ мунтазам, ҳам озода, лўппи юзлари йилтирарди. У кимни

тергов қилишини унга аввалроқ келтирилган «иш»-дан батафсил билиб олган, муқова устидаги «Жамила Қодирова»ни ўқиганида омади келганини анча вақт ишонмай ҳам қолганди. Жамила билан яна тўқнаш келишини у фақат омадга йўйган, ўзича бундан маъно-ю ҳикматлар топиб қўйганди. У ҳалигача Жамила уни бир вақтлар «доғда қолдириб» кетганини ҳазм қилолмасди. Энди эса аламини олиб, хуморидан чиқиш фурсати келганига жуда қувонарди.

— Нега қотиб қолдинг, Қодирова!? — ниҳоят тилга кирди майор. — Танимадингми?

— Танидим, ўртоқ майор... — кўзларини ерга қадаб деди Жамила.

— Ҳа, ўзи нуқул йўлимдан чиқиб юраркансан, Қодирова, — майор қўлларини кўкраги устига чамбарак қилганича омонат, ҳар ҳаракатда вижирлайдиган стул суянчиғига ясланиб олди. — Бу сафар ҳам яна жиддий иш билан ишинг терговга тушди.

Жамила нигоҳини ердан узиб унга қаради. Унинг лаблари пичирлади: яна жиддий иш? ...жиддий иш?! Ундан кўз узмай ўтирган майор бу сўзларни эшитди ва хурсанд бўлди. Назарида у — айбдор (бунга майор шубҳа қилмасди) айбини тан олгандек эди.

— Бу сафар қандай қутулишингга ҳайронман, Қодирова! — давом этди у.

Жамила унинг кўзларига тик қаради. Бир неча сониялар аввал муте ва чорасиз боққан кўзларда энди қатъийлик, ўзига ишонч кўринди.

— Сизни тушунмадим, ўртоқ майор...

— Гражданин майор! — унинг гапини тўғрилаган бўлди майор. — Унутма, Қодирова, бу ерга келдингми, фақат «гражданин майор» деб мурожаат қиласан, тушундингми?

— Менга нима айб қўйилаётганини билмоқчиман!

Жамиланинг ўрнида бошқа одам бўлганида майор бу ишни наридан-бери ёпиб қўя қоларди. Бундай

воқеалар урушда қўп учраб туради. Лекин Жамиланинг исми-шарифи аралашган иш анчадан бери унутилган аламни ёдига солди. Агар полковник Романенко Жамилани Сталинградга ташланган 33-гвардия ўқчи дивизиясига юбормаганда майор унинг бошига етиши мумкин эди.

— Айбинг — шўро зобитига қарши қурол ўқталганинг...

— Мен қурол ўқталганим йўқ! — ўзини тутиб туролмади Жамила. — Гувоҳлар... гувоҳлар бор эди!..

Майор истехзоли кулди.

— Гувоҳлар?! Қанақа гувоҳлар? Иккита гувоҳ қолган — бири Екатерина Фролова, иккинчиси у отган майор. Афсуски, улар ўлди, демак, гувоҳ бўла олмайди.

— Бошқа зобитлар бор эди!

— Қайси зобитлар? Улар ҳозир Кёнисбергда, шаҳарни ишғолида иштирок этишяпти. Уларни танийсанми? Исм-шарифи, унвонини биласанми?

Жамила бошини сараклатди.

— Мана, кўрдингми, Қодирова, гувоҳларни танимайсан ҳам, билмайсан ҳам! — голибона илжайиб олгандан сўнг деди майор. — Уларни қаердан топамиз? Кёнисбергда минг-минг аскар, зобит жанг қилаётган бўлса, тўғрими гапим?

Майор олдинга эгилиб тирсақлари билан столга тиралди. Унинг нигоҳидаги истехзо ва калондимонлик ўрнида ҳукм ўқиётган ҳакамнинг қаҳри кўринди.

— Гап бундай, Қодирова, сен билан сичқон-мушук ўйнамоқчи эмасман! Сендан бошқа ишларим ҳам бор. Маслаҳатим — гапимга кир, ўзингга осон бўлади.

Жамила бўшашди. Майорнинг сўзларидан сўнг умидлари сўнганди. Шундай бўлса-да деди:

— Ўртоқ майор... гражданин майор, ўзингиз ҳам билиб турибсиз, мен шўро зобитига қурол кўтармадим! Уни отмадим!

Орага бир мuddатлик жимлик чўқди. Майор аввалдан тайёрланган қоғозни олиб Жамиланинг олдига қўйди.

— Мана бунга қўл қўй, Қодирова! — буюрди у.

Жамила журъати етиб-етмай столга яқинлашди ва титроқ қўллари билан қоғозни олди. Бу майорнинг қўли билан ёзилган «Жамила Қодированинг иқрорномаси» эди. Уни охиригача ўқиб Жамила майорнинг кўзларига қаради.

— Ахир бундай бўлмадику, гражданин майор.

— Балки сен бегунохдирсан, Қодирова, буниси билан ишим йўқ. Менинг вазифам, тўғриси айтишим керак — жазолаш! Олдимга бекордан бекорга юборишмайди. Айби борки, шундай. Айбдорларга ширинлик берилмайди-ку, Қодирова! Улар албатта жазосини олиши керак! Ҳар қандай шароитда ҳам! Одамлар буни билишлари, ҳис қилишлари, муқаррар жазоланиш ҳисси билан яшашлари керак! Сен ким бўлибсан, айбингни тан олмасанг бўйнингга ила-миз. Керак бўлса, наридан-бери «иш»ингни ёпиб, «девор»га қўямиз. Ҳали ҳам ақлинг кирмабди, Қодирова, давлат — бу биз! Кимки бизга қарши — у айбдор! Бундайлар орамизда бўлмаслиги учун курашамиз, ишимизнинг мазмуни шу!

Майор гапираётганида пешонасида тер томчилари ялтиради. Тўлиб-тошиб сўзлаганидан силлиқ сочларининг тартиби бузилди. Унинг куйиб-пишганини кўрган Жамила иложсиз эканини ҳис қилди. Кўзларига ёшлар тирқираб чиқиб кетди.

— Танла, Қодирова, ёки шу қоғозга қўл қўясан, ёки «девор», — деди майор.

Жамила бошқа чораси йўқлигини англаб қаламни олди-да, қўл қўйди.

...Қолгани ўз-ўзидан тезлашиб кетди. Ҳарбий трибунал. Ҳукм. Қотмадан келган полковник-ҳакам-

нинг дона-дона қилиб ўқиганлари: «...ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилсин!..» Кейин нима бўлганини билмади...

3

Урушга не ўй-мақсадлар билан келганди. Ҳамшира бўлмоқчи эди. Тақдир экан — снайпер бўлди. Неча-неча жангларда омон қолди, сон-саноксиз немис зобитлари ва аскарларини ер тишлатди. Кёнисбергга етганларида душманнинг уяси — Берлингача боришига ишонганди. Кейин ҳаммаси тескарича айланди. Энди у жангчи эмас, узоқ муддатга ҳукм қилинган маҳкум. Шинел ва пилотқани оғир пахталик ва одми бўз рўмолга алмашган, оёғида эса қупол, товони майишган, бундан аввал ҳам бир неча эгаларни кўрган ботинқа. Авваллари ёғоч ташилган юк вагонидан унга ўхшаган бошқа аёллар ҳам бор. Ҳамма жим. Ҳеч кимнинг гаплашигиси келмайди. Улардан ҳам четроқда ёғоч қутига ўтириб олган ҳомиладор мазлума Жамиланинг эътиборини тортарди. Унга қараб-қараб ўйига етолмасди: шундай аёлларни ҳам жўнатиш мумкинми?.. Ўйларидан чалғишга уриниб вагон тирқишидан ташқарига қаради. Атроф-жаъвониб бир хил дашт. На бир қишлоқ, на бир одам кўринади. Назарида мавҳумлик, қўрқинч келажак сари кетиб боришарди. Қутилмаганда ҳомиладор аёл қорнини ушлаганча инграб юборди. Уч-тўрт аёл дарров ёрдамга ошиқди. Унга яқинроқ бўлганидан Жамила ҳам аёлларнинг ортидан эргашди. Аёллардан бири узатган пачоқ кружкадаги сувдан ҳўплаган аёл анча ўзига келди ва ҳамроҳларини уринтиргани учун хижолат тортди. Аёллар аста тарқалишди. Жамила унинг ёнида қолди.

— Исмингиз нима? — сўради у.

— Надя...

Жамила унинг анча ёш эканини сезди. Касалликданми ёки бошқа сабабми, сепкил тошган юзлари заҳил, сўник кўзлари ости қўнғир тортганди. У негадир одамларга ҳуркак боқарди.

— Сизники-чи? — Жамиланинг кўзларига боқиб сўради у.

— Жамила... Шу аҳволда ҳам «этап»³⁴ қилишди-ми?!

— Ҳа...

— Ёнингизга ўтирсам майлими?

— Ҳа, албатта...

Надя худди Жамила ёғоч қутига ўтирадигандек беихтиёр четга сурилди. Жамила эса бунга эътибор бермай уни қаршисига ўтирди.

— Қандай айб қўйишди? — сўради Жамила.

Надя хўрсинди. Кўзларини ерга қадади.

— Эрим сабаб ҳукм чиқаришди, — деди у паст овозда. — Фронгда эди, Ватанга хиёнат қилишда айблаб, отувга ҳукм қилишибди. Тирикми ёки йўқ, билмайман... Университетда ўқирдим, бешинчи курсда. Ўтган йили оғир яраланиб госпиталда олти ой даволангач, уйга келганди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас НКВДнинг одамлари олиб кетишди. Кейин мени... Терговда эшитдим, хиёнатда айблашаётганини. Айбини ҳам тан олибди...

Надянинг кўзларида ёш кўринди, ҳам бир муддат гапиролмай қолди. Кўнгли бузилиб, унга раҳми келган Жамиланинг миясида эса «Айбини ҳам тан олибди...» деган сўзлар айланарди. НКВДнинг қўлига тушганлар шафқатсиз қийноқ ва азоблардан ҳар қандай айбни бўйнига олиши унга сир эмасди.

— Сизга қандай айб қўйишди? — сўради Жамила.

— Эримга шерик бўлган эканман. Терговга олиб кирганларида ҳомилам бир ойлик эди. Мен ўзимга

³⁴ Маҳбусларни жазони ўташ жойига жўнатиш жараёни.

эмас, туфилажак боламнинг тақдиридан хавотирданман, қўрқяпман. Бу ёқларда унга нима бўлишини билмайман...

Яна Жамиланинг кўнгли бузилди. Аёлга нисбатан қилинган шафқатсизлик, тубанлик ва адолатсизликдан ларзага келганди. Шунда у Сталинградда немис зобити чангалига тушган рус аёли, Кёнисбергда шўро зобитлари зўрламоқчи бўлган немис аёли, қаршисидаги муштипар Надянинг қисматларида ўхшашликни ўқиди...

— Сизни бу ёқларга жўнатишди? — қизиқди Надя.

Жамила нима дейишини билмади. Жилмайди.

— Тўғриси, ўзим ҳам ҳайронман, — деди. — Ватанга хиёнат қилмадим, ўзимизникиларни отмадим.

— Бекордан бекорга бу ёққа юборишмайди! — нарироқда ўтирган, қирқ беш-эллик ёшлардаги аёл эркакларникидек калталанган сочи устидан рўмолини қайта ўраркан тўнғилади. — Ўзингдан фаришта ясама, ҳеч ўхшамаяпти. Бирор айбинг борки, бу «рейс»га илингансан, тўғрими гапим?

Жамила у билан баҳслашишни истамади.

— Гапингиз тўғридир, — деди у. — Давлатга ёқмаган иш қилгандирманки шу ёққа кетаяпмиз.

— Ҳа, ўлма! — шанғилади ўша аёл. — Тўғри сўзни ҳам мард одам гапирди!

— Мард бўлишдан нима фойда? — кесатгандек ундан сўради Надя. — Қорин тўядими? «Этап»да сизга енгиллик берадими? Сиз айтаётган нарсалар аслида сиз вагонга чиқаётган жойларда қолиб кетади.

Унинг фавқулодда журъати ва дадил сўзлашидан Жамила таажжубга тушди. Ундан бундай сўзларни сира кутмаганди.

— Кўринишингдан талабага ўхшайсан, топдимми? — сўради эркакшода аёл. — Сендақалар гапга уста бўлади. Ҳолатингни кўриб, — у Надянинг қорнига

ишора қилди, — раҳмим келди. Бўлмасам сен билан бошқача гаплашардим.

Надянинг бўш келгиси келмади. Ўрнидан аста турди ва аёлнинг кўзларига тик боқди.

— Қўлингиздан нима келади? Ўзингизни ким деб ўйлаяпсиз? Биздан нима фарқингиз бор?

Аёл жиддий тортди ва Надянинг олдига келди.

— Хўш, қизча, нима демоқчи эдинг? — у Надянинг пахталигининг ёқасидан олди.

Надя ёқасини унинг қўлларидан бўшатмоқчи бўлди, бироқ кучи етмади. Аёлнинг ҳирсдек кучи бор эди. Надя яна бир-икки уринди, эплормади. Улардан кўз узмай турган Жамила бунга чидай олмади.

— Қўйиб юборинг уни! — ўзи кутмаган ҳолда бақриб юборди.

Аёл Надянинг ёқасини бўшатиб Жамилага юз-ма-юз бўлди. Унинг кўзларига ошқора нафрат билан тикилди, истеҳзоли кулди.

— Тушунмадим, нима дединг? Ёки сен ҳам анави жиблажибоннинг сабоқдошимисан?

Жамиланинг индамаётганидан дадилланган аёл энди унинг ёқасидан олди. Бу Жамиланинг иззат-нафсига тегиб кетди. У куч билан аёлнинг қўлларини сидириб ташлади. Бу билан қаноатланмай унинг қўлларини қайириб, уни чўккалатиб қўйди. Оғриққа чидай олмаган аёл: «Бас қил! Бас қил!» деб юборди. Жамилада шунча қирғин-барот урушларни кўрган жангчининг сиёки туйқус бўй берган ва у бир ёввойи кучга айланган-қўйганди. Аёл ҳам қаршисидаги оддий қиз эмас, балки синовларда тобланган аскар турганини сизди.

— Ҳарбиймисан? — сўради у.

— Ҳа.

— Қандай шамоллар билан бу томонларга келиб қолдинг? — симиллаётган қўлини ишқаркан сўради аёл.

— Немисни ҳимоя қилдим, шунинг учун! — деди Жамила қатъий.

Аёл кутилмаганда қўлини чўзди.

— Зоя. Зоя Смирнова.

Бир муддат иккиланиб қолган Жамила барибир одамгарчилик истиҳоласи ва риоясида қўлини узатди.

— Жамила.

— Қаердансан?

— Ўзбекистондан.

— Тўғриси, ўзбекни учратаман, деб сира ўйламагандим. Мабодо пулемёт орқалаб юрмаганмисан?

— Снайпер эдим.

— Ҳа-а, шундай дегин.

Эркакшода аёл бошқа гапирмади. Жамилага совуқ қараб қўйди-да, вагоннинг бошқа томонига юрди ва қоронғи бурчагида кўздан ғойиб бўлди. Жамиланинг ёнида турган аёллардан бири шипшигандек бўлди:

— Бу аёл билан бекорга тўқнаш келдинг, қизгина!

Жамила унга қаради.

— Бу Зойка деганлари бошлиқларга ишлайди.

Жамила ҳеч нарсага тушунмади. Вагон секинлаб, суҳбат узилди. Уларни кузатиб ўтирган бошқа аёллар «гурр» этиб, ўрниларидан туриб кетишди. Неча кундан бери тўхтовсиз юрганларидан қаерга келганликларини билишга қизиқиш қўрқувдан устун келганди.

4

Поезд овлоқ бир жойдаги, ёғочлардан наридан-бери тикланган бекатда тўхтади. Яқин-атрофда тирик жон кўринмайди.

Аввал қуролланган соқчилар ва итлар тушди. Сўнг бирин-кетин вагонлар эшикларидagi қулфлар очилди ва аёллар пастга сакраб туша бошлашди. Аскарлар бақриришар, итлар тинмай вовуларди. Бир хил

кийинган маҳкумаларни вагонларнинг ёнида сафга тизишди. Уларни кўрган одамнинг хаёлига: «Ҳамма аёлни тўплаб бу овлоқ ерларга олиб келишганми?..» деган ўй келарди. Ёмғир ёғар, аммо бунга ҳеч ким эътибор бермайди. Қаердандир бу издаҳомга бошқош бўлиб келаётган, елкасида майор погонлари бор зобит пайдо бўлди. Ортидан эса унинг юришига монанд қадам ташлаб келаётган соқчи-аскар ёмғирпўш кўтариб олган. Зобитнинг эгнида оқ пўстин, бошида қизил юлдузча қадалган оқ телпак, қора қўлқоп кийганди. Ёмғир ва совуқда дийдираб, изиллаб турган маҳкумалар билан заррача иши йўқ, уларнинг тақдири уни қизиқтирмайди. Бундай «этап»ларнинг қанчасини кўрган. У қўлтиғига қистирилган қалин дафтарни олиб, исм-шарифларни бирма-бир ўқий кетди. Рўйхатдагиларнинг ҳаммаси сафда ва соғ-саломат эканлигига ишонч ҳосил қилгач, қўзғалишга буйруқ берди.

Ёмғир кучайиб борар, рўмол ва пахталиклар обдан ивиган, совуқ аёлларнинг суяк-суягига етди. Бу билан на майорнинг, на аскарларнинг иши бор. Кети кўринмайдиган сафлар лойни чилп-чилп кечганича кетиб борарди. Атроф-жавониб энди бир хил манзара — қаёққа қарама фақат дашт. Бу ерларда одамлар яшашига биров ишонмайди. Ҳатто фронтда ҳам бундай аҳволга тушмаган Жамила хавотирланганича ён-атрофни кузатиб борар, ўзига эмас, ёнида оғир қадам ташлаётган Надяга ачинарди. Кўп юрмасдан у чарчаб қолди, бироқ бошқалардан ортда қолиб кетмаслик илинжида қадам ташларди.

Жамила беихтиёр ўйга берилди. Аслида унга ноҳақлик қилишмадими?! Фронтда душманга қарши курашди, бир сония бўлсин Ватанга хиёнат, қуролдошларига қасд қилиш ҳатто хаёлининг кўчасидан ҳам ўтмади. Бирор марта мукофот, унвон тамасида

бўлмади. Бошида урушга кетишни раис Хўжаевнинг тухмати-ю таъқибидан қутулишнинг ягона чораси, деб билгани рост. Урушнинг бор даҳшати, фожиаси ва келтиражак кулфатларини ўз кўзлари билан кўргач, душманга нисбатан кўнглида нафрат туғилди, ҳам ҳар сонияда улғайиб борди. Жон тамасида бирор ҳарбий амалиётдан бўйин товламади. Украинадан Сталинградгача, ундан Кёнисберггача оловли йўлни босиб ўтди, неча-неча ўлимлардан омон қолди. Шунда илқис тоғасининг гапларини эслади: «Булар ҳеч қачон одамдан миннатдор бўлмаган! Аслида булар фирром, паст, ор-номуси йўқ, Худодан юз ўтирган, шайтонга қўл берган тоифа! Қизим, сен буларни билмайсан!..» Жамила энди бу сўзларнинг маъносига тушуна бошлаганди. Унга ҳукм ўқиган Громовлар унинг полковник Арне Мюллерни асир олгани, оберштурмбанфюрер Фридрих Зоммер ва яна қанчадан-қанча немис зобит ва аскарларини йўқ қилганига миннатдорчилик билдиргандек, унга тухмат қилди, қилмаган ишини қилдига чиқарди.

Қадамлари оғирлашганини сезиб хаёллари тўзғиди ва оёқларига қаради. Ёмғир кучайганидан даштнинг бўш ва қумоқ тупроғи обдан ивиб лойга айланган, ботмон-ботмон лой оёққа илашиб чиқади. Қуёш ботарди-ю атрофда ҳамон бошпана бўладиган жой кўринмасди. Урушда эмас, балки шу кимсасиз жойларда ўлиб кетиши мумкинлиги кўнглидан ўтди. Кутилмаганда ёнида кетаётган Надя юзтубан йиқилди. Жамила шошганича ёрдамга ошиқди. Надя зўрға нафас олар, юз-кўзлари ва ёмғирдан оғирлашган пахталиги лой бўлганди. Жамила унинг қўлтиғидан олиб кўтармоқчи бўлди, бироқ Надя туролмасди. Сафнинг тартиби бузилгани, баъзи маҳкумаларнинг тўхтаб қолгани «этап» нозири бўлган майорни кутуртириб юборди.

— Нега тўхтаб турибсанлар?! — ёмғир ва совуқда қолиб кетганини аламини аёллардан олгандек қўполлашди майор.

— Кўрмаяпсанми, мана бу аёлнинг мазаси қочиб қолди, — ёши каттароқ аёл деди унга жавобан. — Ёрдам керак...

— Мазаси қочганмиш! — аёлнинг ялингандек гапириши ва маҳкумалардан бирининг ёрдамга муҳтожлиги ҳам майорни юмшатмади. У аёллар орасидан ўтаркан, ҳамон ерда ётган Надяга кўзи тушди.

— Унга нима бўлди? — сўради у яна.

— Ҳомиладор! — биринчи бўлиб деди Жамила. — Озроқ нафас ростлаши керак.

— Керак, керак, яна нима керак! — тўнғиллади майор. — Вақт йўқ, ёрдамга!

— Аҳволини кўриб турибсиз-ку! — деди унинг гапидан малолланган Жамила.

— Ақл ўргатма! — унга еб қўйгудек бўлиб ўқрайди майор. — Қаердан биламан, ростданми ёки ата-йин қиялтимми!

Жамиланинг унга нисбатан нафрати ортди, бироқ буни сиртига чиқармай ўзини босди. Тилига эрк берса аввало ўзи, қолаверса, Надяга қийин бўлади. Қўлида қуроли ва ваколоти билан айниқса «этап»ларни қўриқлаётган зобит ва аскар-соқчилардан қўрққулик. Маҳкумни отиб қўйса ҳақми ёки ноҳақмиди, биров айбламайди, жазога тортмайди. «Қочишга уринди» дейилади, олам гулистон. Тузумга, давлат сиёсатига терс иш қилганлар ёки шунда гумон қилинган миллион-миллион одамлар учун дохий ўйлаб топган меҳнат лагерларида аслида ҳеч қандай қонунлар йўқ. Буларни ўша жамлоқларнинг назоратчилари, соқчилари ўйлаб топадилар.

— Ундай демоқчи эмасдим, — иложи борича ўзини паст олишга ҳаракат қилди Жамила. — Бу аёл

чиндан ҳам ёрдамга муҳтож. Илтимос... сиздан ўти-
наман... озгина ўзига келиб олсин.

Ҳайтовур, Жамиланинг ялиниб гапириши майор-
ни анча ҳовуридан туширди. Бир Надяга, бир Жа-
милага қараб:

— Майли, фақат сен қоласан! — деди у. — Лекин
эсингдан чиқмасин, колонна ўтиб бўлгунича вақт
бераман. Сўнг дарров йўлга тушасизлар!

— Хўп... хўп... — деди шоша-пиша Жамила.

— Қолганлар яна сафлансин, саф бузилмасин! —
балад овозда буюрди майор.

Надянинг атрофида ўралашган аёллар яна сафга
тизилишди ва йўлда давом этишди. Жамила лойга
қоришиб ётган Надянинг бошини кўтарди. Қўли би-
лан унинг юзидаги лойни сидириб ташлади. Қўлини
унинг пешонасига қўйди. Ҳарорати юқори. Юраги
шувуллади — қандай ёрдам беради?! Дори-дармон
йўқ, борадиган жойлари маълум бўлмаса.

— Надя, туришингиз керак, — деди у. — Ило-
жини қилиб юрмасангиз бўлмайди. Соқчилар билан
ҳазиллашиб бўлмайди.

— Мени... мени... шу ерда қолдириб кетаверинг...

— зўрға гапирди Надя: — Ортиқ юролмайман...

— Тувиладиган фарзандингизни ўйланг!

Жамила керакли сўзларни топганди. Надя унинг
кўзларига қаради.

— Туришимга ёрдам беринг, илтимос! — энди
овозида аввалги сўниклик, умидсизликдан асар ҳам
қолмаганди.

Жамила дарров унинг қўлтигидан олди ва туриш-
га кўмаклашди. Надя базўр турди ва Жамилага суя-
ниб олди. Милтигини қўлига олганича улардан кўз
узмай турган соқчи эса қуролини елкасига осди ва
саф бошига шошиб кетди.

— Сизни менга Худонинг ўзи етказди, — ҳанси-
раганича деди Надя.

Жамиланинг ёдига жекса яхудий аёлнинг сўзлари тушди: «Худонинг ўзи етказди...» Кимсасиз ва совуқ даштдаги аҳволига ҳавас қилиб бўлмасада беихтиёр жилмайди.

5

Ниҳоят, шом ғира-ширасида узоқда хунук қақ-қайган пастак бинолар тизмаси, улар ўртасидаси баланд бўлмаган минора кўринди. Сафдан анча қолиб кетган Жамиланинг ичига илиқлик югурди. Надяга ёрдам бериб ниҳоятда толиққан, оёқ-қўлларида куч қолмаганди. Вужудида қолган сўнгги куч ва журъатни йиғиб деди:

— Етиб қолдик... Ҳозир етамин...

— Сизга жуда... жуда қийнадим... — хижолат бўлиб деди Надя.

— Ундай хаёлларга борманг... Мана... қаранг...

«Этап» лагерга етиб келди. Симтўрлар билан ўралган, қуроланган аскар соқчиликда турган минора, бостирмага ўхшаган ва ёғочдан тикланган бинолар — бараклар кўзга совуқ ва бефайз кўринади. Тиканли симлар тортилган ва бир томонга майишган лагер дарбозаси очилди. Маҳкумалар кенг ҳовлига киритилиб, бир неча қатор сафларга тизилди. Қайсидир бинодан зобит ва аскарлар чиқиб келишди, итларнинг вовуллаши ҳамма ёқни тутиб кетди. Бу вақтга келиб ёмғир бироз бўшашган, лекин қуйишда давом этади. Аёлларнинг узоқ йўлни пиёда ва ёмғир остида босиб ўтганлари ҳеч кимни қизиқтирмасди. Аввал янги келганларнинг рўйхати обдан текшириб чиқилиб, бирор киши йўлда қолиб ёки қочиб кетмаганига ишонч ҳосил қилинди. Сўнг лагер ноziри, қирқ ёшлардаги майор олдинги қаторда маҳкумаларни кўздан кечирган бўлди. У на ёмғирга ва на совуққа эътибор қиларди.

— Бу ерга нима учун келганингларни жуда яхши биласизлар! — балад овозда дона-дона қилиб гапир кетди у. — Албатта курортга йўланма олганинглар йўқ. Давлатга, сиёсатга қарши бўлганинглар учун жазо олдинглар, буни ҳеч бирингиз инкор эта олмайсиз. Ватанга душманлик ёки хиёнат қилишни ўйлаган ҳар бир одам, аввало, шу нарсани доим ёдида сақлаши шарт: биз ҳар қандай ҳолда ҳам ичимиздаги душманларимизни топа оламиз, хоҳ тинчлик вақти бўлсин, хоҳ уруш! Ва бунга душманларимиз ҳеч қачон шубҳа қилишмасин. Бу ерда қайта тарбияланиб давлатимиз, қолаверса, шахсан ўртоқ Сталин воя ва шиорларини қалбингизга жой қилишингизга ишончимиз қатъий!..

Унинг гапларига эшитаркан, Жамила Громовнинг сўзларини элади. «Худди бир-бирларига ўхшайдилар-а, майор Громов ҳам шунақа сўзларни яхши кўрарди, буларнинг зуваласи бир жойдан олинса керак» — ўй ўтди кўнглидан. Майор узоқдан-узоқ гапирди, доҳийлар — Ленин ва Сталиндан иқтибослар келтирди. Аёлларнинг ҳолдан тойгани, ёмғир ёваётгани уни сира қизиқтирмасди. Тик туришга Жамиланинг ҳам ҳоли қолмади. У ёнида аранг турган Надяга хавотирланиб қараб-қараб қўярди. У эса кўзларини юмиб олган, нафас оляптими-йўқми, билиб бўлмасди. Ниҳоят майорнинг айтиладиган сўзлари тугади, шекилли енгил тин олди ва ортидаги бошқа зобит ва аскарларга юзланиб, маҳкумаларни баракларга тақсимлашни буюрди. Зобитлардан бири, ёшроқ лейтенант ҳозиргина рўйхатда белгиланган аёлларни гуруҳларга ажратди ва қайси баракларга боришларини тушунтирди. Аёллар-маҳкумалар баракларга олинди.

Надяни қўлтиқлаб қоронғи баракка кирган Жамиланинг ичкаридаги қўланса ва бўғиқ ҳаводан кўнгли ағдарилди. Ўқчиб юбормаслиги учун қўли билан оғзини ёпди. Ичкаридаги ҳавога чидаб бўл-

масди. Чироқ ёқилди. Тахталардан устма-уст қилиб ясалган сўри-жойларда қимирлаган увадалар, йиртиқ-ямоқ шинеллар, пахталиклар кўринди. Аслида булар аёл маҳкумалар эди. Айримлари кўрқув ва хавотир билан, яна айримлари лоқайд боқадилар. Бироқ лагердаги оғир ҳаёт, тани-жонига номувофиқ машаққатли меҳнат уларнинг чехрасига бирдек қуюқ соя ташлаган. Баъзиларининг юз-кўзида аввалги маъсумалик, латофат бир умрга тарк этгандек. Рўмоллар ҳам яширишга ожиз, эркакларникидек калталанган сочлар ҳам буни тасдиқлаб тургандек. Уларга ҳайрат, таажжуб, ҳам даҳшат ичра қараб турган Жамила одамга ваҳший муомала ва муносабат у эркак бўладими ёки аёл, инсонийлик қиёфасидан чиқариб қўйишини янада чуқурроқ ҳис қилди. Уларни кузатаркан, кўз олдидан немис концлагерларидан озод қилинган шўро ҳарбий асирлари ўтди. Улар ҳам аслида шу маҳкума-аёлларга қисматдош эмасмиди?! Улар ҳам немисларнинг ноинсонийлигидан худди шундай аҳволга тушмаганмидилар? Немислар билан уларни бу ҳолатга солаётган НКВДнинг нима фарқи бор? Ёки ўша майор Громовнинг таъбири билан айтилса, НКВД бу «давлат» бўлса, у айтмоқчи ўша «давлат» билан немисларнинг Учинчи Рейхи бир-биридан қандай фарқланади? Иккиси ҳам одамларни хўрласа, ваҳший кепатага киритса...

Баракка кириб келган лейтенант баланд овозда сўради:

— Жой борми?

Қаердадир ичкарироқдан, чироқ заиф ёруғи аранг етиб бораётган бурчагидан норози овоз эшитилди:

— Қимирлашга ҳам жой йўқ-ку, гражданин лейтенант! Бир кишилик жойга уч кишилаб тиқилиб олганмиз.

Лейтенант шусиз ҳам бараклардаги шароит ва аҳволни яхши биларди. Фронт ва унинг орти одам-

ларга ҳар қачонгидан ҳам одамларга муҳтож бўлса-да, доҳий ихтироси — жазо қурилмаси тўхтамай ишлар, уни тўйдириб туриш учун маҳкум ва маҳкумалар пайдар-пай жўнатиб турилади. Лейтенант бир муддат ўйланиб тургач ортидаги маҳкумаларга юзланди.

— Бугунча ерга жойлашиб турасизлар! — деди буйруқ оҳангида. — Бир кеча минг кеча бўлмайди.

Янги келган аёлларга қаерга жойлашишнинг фарқи йўқ эди. Бирор жойга шундоқ чўзилиш ва йўл азобларини унутиш илинжида илҳақ туришарди. Лейтенантдан буйруқ етиши билан ўртадаги йўлак ва кираверишдаги бўш жойларни ишғол қила кетишди. Жамила чаққонлик билан Надяни четроқ жойга ўтқизди ва деворга суянишига ёрдам берди. Чиқишга човланаётган лейтенантнинг олдига бориб деди:

— Гражданин лейтенант, орамизда ҳомиладор аёл бор, унга озроқ ёрдам керак.

Лейтенант маҳкумалардан бири ҳомиладор эканини эшитди-ю тараддууд ичида қолди. Бир томондан одамгарчилик масаласи, иккинчи томондан лагернинг темир интизоми риояси бир-бири билан кураша кетди.

— Ҳеч қандай ёрдам бера олмайман! — очиғини тан олди у. — Ҳамширамиз икки кун олдин шаҳарга кетган, ҳали келгани йўқ. Қўлимдан ҳеч нарса келмайди... — у ўйланиб тургач, пальтоси чўнтагидан газета қоғозига ўралган икки дона чақмоқ қандни олди ва Жамилага узатди.

— Қўлимдан келгани шу, сувга солиб ичса анча қувват бўлади, — деди у, биринчи марта кўзларини яширишга уриниб.

Жамила иккиланди. Қандни олиш-олмаслигини билолмай қолди. Барибир ўзида журъат топиб қандга қўл узатди.

— Нозирга айтиб кўраман, — давом этди лейтенант. — Балки ёрдам берар.

У бошқа сўз айтмади, тез-тез юрганича чиқиб кетди. Шу пайт сўрилардан биридан ўрта ёшлардаги аёл суғурилиб тушди-да, Жамиланинг ёнига келди.

— Ҳомиладор деганинг қани? — сўради у.

Жамила деворга суянганича ўтирган Надяни кўрсатди. Аёл эса печқадаги катта чойнақдан пачоқ кружкага сув қўйди ва тез-тез юрганича Надянинг олдига келди. Унга сув тутқизди.

— Ичинга иссиқ киради, ич! — кружкани Надянинг лабларига яқинроқ тутди.

Жамила ҳам Надянинг олдига келди ва кружкага ҳозиргина лейтенант берган чақмоқни ташлади.

— Ич! — деди у ҳам.

Надя қалтираган қўллари билан кружкани қўшқўллаб ушлади ва сувдан ичди. Қултум сувни ютишга ҳам мажоли қолмаганди. Унинг пешонасига қўлини қўйган аёл Жамилага юзланди.

— Иссиғи ҳам бор! Ҳечқиси йўқ, озгина дам олса ўзига келиб қолади. Ҳомиласи неча ойлик экан?

— Бунисини билмайман.

— Етти ойлик... — заиф овозда деди Надя.

— Фарзанд кўришинг яқин экан, қизгина! — овозига қувноқ тус беришга уриниб деди аёл. — Кел, менинг жойимга чиқа қол, иссиқроқ.

Надя бир унга, бир Жамилага қаради. Бировнинг ўрнини эгаллаётгани уни анча хижолатга солиб қўйганди.

— Тура қол, бундай ўтирма! — қатъий оҳангда деди аёл.

Жамила унга туришга ёрдам берди. Жойлашиб олган Надя Жамилага юзланди.

— Сен бўлмаганингда йўлда қолиб кетардим, — деди заиф овозда.

— Қаерликсан? — Надяга ёрдам берган аёл сўради.

– Ўзбекистондан.

– Исми-шарифим Зинаида Михалкова. Зинаида Ивановна, десанг ҳам бўлади. Қандай шамоллар сени бу ёқларга олиб келди?

– Фронтидан келдим, ишим шунақа бўлиб қолди.

– Урушдан?! – ажабланди аёл. – Шунақаси ҳам бўларканми?

– Билмадим... бу ҳаётда ҳамма нарса бўларкан.

– Ҳа, гапинг тўғри, ҳаётда ҳам нарса бўлади. Мана, мен ҳам 38-йилгача Ленинград университетида рус тили ва адабиётидан дарс берардим. Таалабаларга Шўро мафкурасига ёд бўлган шеърларни ўқиган, буржуа адабиётини тарғиботи билан шуғулланган, ленинизм-марксизм ғояларига ишончсизлик кайфиятида бўлган деган айбларни қўйишди. Терговда бунни аввал тан олмадим. Кейин қийноққа солишди...

У гапиролмай тўхтаб қолди. Чироқнинг заиф ёғдусида кўзларидан думалаган кўз ёшлари, титраётган лаблари кўринди. Яқин ўтмишнинг қора, қўрқинчли саҳифалари бирин-кетин варақлана кетди. Тергов қилинадиган хона зах, деворларида қон излари, оёқ ости сув... Қонни ювиш учун доим сув сепишларини тушунди. Худди шу нарса доим тушларига ҳам кириб чиқади. Биринчи марта кўрганидаги манзара ҳали-ҳамон кўз олдида. Ҳар бир икир-чикиригача, чизик-доригача, панжара тутилган ойнадаги синик-дарзларигача. Биринчи марта сўроққа олиб кирилганида ҳарбий кийимдаги, лекин олдига резина фартук таққан, қўлларида резина қўлқоп кишини, унинг ёнидаги аскарни кўрганди. У аввал унга қўйилган айбларни тан олиш ёки олмаслигимни сўраганди. Тан олмаслигимни айтганида кутилмаганда юзига мушт тушди. Ўтирган жойидан анча нарига учиб тушди. Бунисини кутмаганди. Даҳшатга тушди. Аскар уни яна стулга ўтқизиб қўйди. Яна

мушт... Умри бино бўлиб бундай хўрланган эмасди. Даҳшатли қийноқлар, зах ва совуқ қарцерлар ҳам уни синдира олмади. Лекин кунлардан бирида сўроқ қилаётган ҳарбий уни аскарларга зўрлатишини айтганида ҳамма айбини тан олди-қўйди. Ор-номуси топталишини кўз олдига келтира олмас, бундай доғ билан яшашни тасаввурига ҳам сиғдира олмасди. Шу-шу, ўн йилга ҳукм қилишди... Бу ҳақда узоқ йўлдан келган маҳкумаларга айтгиси келмади. Буларни кишиларга дастурхон қилишни ҳам истамасди. Меҳнат лагерларига келтирилаётганларнинг кўплари айбсиз экани, тухмат билан ноҳақ қамалганига ишончи комил эди.

— Энди дам олайлик! — деди у Надя ва Жамилага қараб. — Нарироқда жой бор, ўша ерга жойлашсак бўлади.

Жамила ва Зинаида Ивановна четроққа жойлашди:

— Фронтида ҳамшира эдингми? — сўради Зинаида Ивановна.

— Йўқ, ўқчи полкида снайпер эдим.

Зинаида Ивановна унинг снайпер бўлганини эшитиб ҳайратланди ва унга нисбатан ҳурмати ортди.

— Бу ёққа нега ҳукм қилишди? — яна сўради у.

— Тухмат қилишди, — деди хўрсиниб Жамила. — Махсус бўлимдагиларнинг тухматига учрадим.

— Ҳа, булар «махсусчи»лардан ўлиб қутулиш мумкин. Балки нима бўлганини ўзинг айтиб берарсан.

Жамила бошидан ўтган ишларни қисқача сўзлаб берди.

— Демак, бу ўша сен экансан-да, немис оберштурмбанфюрерни отган?! — ҳайрати ортиб деди Зинаида Ивановна.

— Сиз буни қаердан биласиз?

— Фронт нашрларидан бири лагергача келганди. Аниқроғи, майда-чуйдалар ўралган экан бир газета-

га. Ўқигани на китоб, на газета бор. Шундай газетада ўқигандим, расминг ҳам бормиди?

— Ҳа, — деди бироз ийманиб Жамила.

— Ўзинг ҳам анча камтар қиз экансан, бу яхши хислат баъзида.

— Баъзида, дейсизми?! — ажабланди Жамила.

— Айтаман-да... — Зинаида Ивановна жим бўлиб қолди.

6

Эртаси куни барча маҳкумалар жамлоқ ҳовлисига сафга тизилди. Уларнинг сафида тураркан Жамила энди «ёпилгани»ни³⁵ қалби билан янада чуқур ҳис қилди. Бундан кейинги ҳаёти жиноят қилган-қилмаган мана шу аёллар орасида ўтишини ўйлаб кўнглига зулмат оралади, беихтиёр кўзларидан ёш тирқираб чиқиб кетди. Ёнидаги Надянинг кутилмаганда хириллашидан ўйлари тузғиди. Қорнини ушлаган шўрлик аёл ҳолсизлигидан ерга ўтириб қолди. Бу ҳам унга ёрдам бермади — ёнбошига қулади. Жамила беихтиёр қичқириб юборди:

— Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар! Аёлниг аҳволи оғирлашяпти!..

Маҳкумаларнинг кўрикка сафлаган жамлоқ но-зири, ўрта бўйли, тўладан келган, соқоли қиртишлаб олинган майор Шувалов олдинига бефарқ ва лоқайд қараб турди. Аёлниг ҳоли чиндан оғирлигига ишон-гач, бўғилган овозда сўради:

— Унга нима бўлди?

— У ҳомиладор, — деди Жамила. — Икки кундан бери туз ҳам тотмаган.

Майор ёнига «чирт» этиб тупурди. Бир муддат остки лабини тишлаб-тишлаб турди. Жамила эса

³⁵ Ўзига хос жаргон, «қамалди» деган маънода ишлатилади.

ундан тезроқ буйруқ бўлишини кутар, ишора етиши билан Надянинг қўлтиғидан ушлаб баракка олиб бо-ришни ўйларди. Атайин қиялпими ёки одати, майор жавобда ҳаялларди. Ниҳоят, ўйларидан бош кўтар-дими ёки бирор қарорга келдими, ортидаги аскар-ларга қаради. Бош ирғаб уларга ишора қилди ва:

— Жойига олиб кириб қўйинглар! Бир-икки кун ётса, ўзига келиб қолади.

Икки аскар милтиғини елкасига осиб, аёллар сафи орасига кирди. Надянинг икки қўлтиғидан олиб ба-рак томон... судраб кетишди. Кўмак ва давога муҳтож ожизага бундай муомалани кутмаган Жамила қотиб қолди, тилидан сўз қочди. Надяни худди ашаддий жиноятчини тутгандек ва уни ҳибсга элтаётгандек олиб кетишарди. Бундай хўрлик ва муомалага чидай олмаган Жамила жим тура олмади:

— Гражданин майор, унга юмшоқроқ муомала керак! — деб юборди ўзи билмай.

Майор қўрқинч туш кўриб уйғонган одамдек чў-чиб тушди, ўйларини тўзритган маҳкумани топиш илинжида кўзлари саф узра югурди. Тополмади.

— Ким гапирди?! — ғазабланганидан бақираёзди.

Жамила индамади, ҳамма сукутда эди. Унинг ёни-даги Зинаида Ивановна аста пичирлади:

— Бекор қилдинг, қизгина... бу ер сенга фронт эмас...

Майор иккинчи марта саволини такрорлади:

— Кимдан чиқди бу гап?!

Зинаида Ивановна яна пичирлади:

— Бошқаларга жабр қилма, тан олиб қўя қол!

Жамиланинг ўзи ҳам шу ўйда эди. Майорнинг биринчи сўровидан кейиноқ «мен!» деб чиқиши манманлик бўлиши истиҳоласида бошида индамай туришни лозим топганди.

— Мен! — дея овоз берди у.

— Олдинга чиқ! — таҳдидли оҳангда деди майор.

Жамила маҳкумаларни оралаб сафдан ажралди. Майор унинг кўзларига тикилди ва аввал унинг гапиришини кутди. Жамила жамлоқ қодаларига кўра деди:

– Маҳкума Жамила Қодирова. ЖК 169-моддаси...

– Сен мараз, ватан хоини, саботажчи, ҳали менга ақл ўргатмоқчимисан!.. — майорни жиноят кодексини сув қилиб ичиб юборган дейиш ноўрин бўларди. Жамлоққа асосан уч-тўрт модда бўйича маҳкумалар келтирилди, майор эса нафақат уларни, балки уларга «а», «б», «в» ва ҳоказо ҳарфлар билан илова қилинадиган моддаларни ҳам ёддан биларди. Агар уйқусидан уйғотиб, ўша уч-тўрт модданинг тартиби ва ҳарфини айтса, тугилмай, адашмай шариллатиб айта оларди. Шунинг учун Жамиланинг Ватанга хиёнат ва ҳарбий уставга қарши саботажликда айбланганини дарров билган, бу эса нафақат тилига, балки ваколатига эркинлик бериб юборганди. Аввалига қаҳр-ғазаби асосан қўпол ва беибо сўзларда намоён бўлган бўлса, кейингилари мушт бўлиб тугилган қўлларига, ялтиратиб мойланган этикли оёқларига югурди. Ҳақоратни бир мунча тушунса ва ҳатто қабул қилса бўлар, бироқ аёл кишига қўл кўтариш, зўравонлик қилишни ҳазм қилиб бўлмасди. Жамила юзига тушган дастлабки зарбадаёқ мувозанати ва ҳушини йўқотди. Сўнг ерга қулади. Бу билан қаноатланмаган майор уни тепкилашга тушганди. Бахтига унинг қалин пахталиги бор эди, зарбалар оврини анча енгиллаштирарди. Аёлни тепиб-тепиб чарчаган майор яна аскарларга буюрди:

– Буни... бу маразни... карцерга ташланглар! Уч кун овқат берманглар! Ўзига келгандан кейин чиқарсанлар!

Ҳозиргина Надяга раҳми келиб турган Жамила унинг аҳволига тушганди. Аскарлар уни ҳам қўлтиғидан олишиб жамлоқнинг бошқа томонига судраб

кетишди: Маҳқумалар эса бу манзарани жимгина кузатиб туришарди.

Жамлоқ учун бу оддий ҳолат эди...

Маҳқумалар орасидаги Зинаида Ивановна яна пичирлади:

– Мараз! Худонинг қарғишига учрагур!..

ГУЛАГлардаги маҳқум ва маҳқумаларнинг тақдири, улар эркакми ёки аёл, ўхшаш эди. Эркак-аёл ажратиб ўтирилмас эди. Ҳали ҳушини йўқотмаган Жамиланинг илк кашфи шу эди.

7

Қарцер деганлари зах ва совуқ, ҳамма томони — шифти, деворлари, оёқ ости бетондан иборат хона эди. Ётгани ёки ўтиргани ҳеч нарса йўқ, шип-шийдам эди. Жамилани судраб келган аскарлар уни ичкарида шундоқ қолдириб занглаган темир эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетишди. Жамила гоҳ ўзига келар, гоҳ оғриқ зўридан яна ҳушини йўқотарди. Очлик, ташналик ҳам ўз сўзини айтишга тушганди. Кейин ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Қора-кулранг тусли бўшлиқ. Бир маҳал ундан бир отлик чиқиб келди. Тушими ёки ўнги — қаршисида от минган раис Хўжаев. Бошида қоракўл телпак, эгнида хийла уринган, чанг ўтирган костюм. Қўнжи тиззасига етган этигига газетани буклаб тикиб олган.

– Қодирова, мендан, аниқроғи биздан қочмоқчи бўлдингми, биздан-а? Ахир биз, ўртоқ майор Громов билан давлатнинг кўз-қуловимиз-ку! Биздан қочиб бўлмайди, Қодирова, асло қочиб бўлмайди!

– Ўртоқ Хўжаев жуда тўғри гапирдилар! — майор Громовнинг жарангдор овози эшитилди. У ҳам қора от миниб олган, худди ҳарбий парадада қатнашадигандек ясан-тусан қилиб олган, кўкракларида орден ва медаллари, ҳам планшети осирлик. У план-

шетини олиб бир даста қоғоз чиқариб ҳавода уларни сермади.

— Ўртоқ Хўжаев ҳам гувоҳликка ўтдилар, уларнинг сўзларини мана бу қоғозларга батафсил тушириб олганман. Мабодо бу ердан ҳам қутуладиган бўлсанг буларни ишга соламиз. Бир нарса доим эсингда турсин, Қодирова — биздан қочиб бўлмайди, асло қочиб бўлмайди!

Кейин бўшлиқ-туман аста кўтарилди-ю аёл ва эркак ҳамда лейтенант Бобров кўринди. Ҳаммалари бир хилда оппоқ кийинишганди.

— Ўртоқ лейтенант...

— Отставить, Қодирова! — деди лейтенант.

— Қизим... — аёл заиф пичирлади.

— Қизим?! — Жамила ажабланди. — Кимсизлар?

— Мен сенинг онангман, бу киши эса — отанг!

Жамила эътибор бермаган экан, аёлнинг ёнидаги киши — отаси сув тўла катта косани ушлаб турарди. Косани қўшқўллаб тутганича унга узатди.

— Ҳали ризқинг узилмади, қизим, бошингни кўтар! — деди отаси.

Жамила иккиланмади — косани олди. Кейин ҳаммаси йўқолди, ота-онаси ҳам, лейтенант Бобров ҳам. Раис ва майор ҳам кўринмасди. Кўзлари қора нарсаларни элас-элас илғай бошлади. Бир муддат ўтгач эса қора тортган деворга тикилганини сизди. Энди у текис нафас олар, оғриқлар ҳам анча чекинганди. Бир амаллаб ўрнидан туриб деворга суянганича ўтириб олди. Қизик, урушда тупроқ остида қолганида ҳам шундай туш кўрганди. Сув тўла коса. Бу сафар ҳам шундай. Насиб қилса, бу ерлардан ҳам эсон-омон чиқиб кетади. У ўрнидан туришга уринди. Бир амаллаб қаддини ростлади ҳам. Оғриқлар ҳали тарк этмаган, айниқса, оёғидаги — тиззасидагиси симилай бошлаганди. Бир-икки қадам ташлади, ҳаракатлари ўнғайсиз чиқди. Оқсаётганини сезди-ю

галати бўлиб кетди. «Ногирон бўлиб қоламанми!?» — туйқус кўнглидан ўй оралади-ю юраги шувиллади. «Ахир фронтга қайтишим керак, бу аҳволимда юборишмайди-ку!..»

8

Жамила майор Шуваловнинг қаршисида зўрға турарди.

Майор унга истеҳзоли қараб, столидаги шиша идишдан стаканга тўлдириб ароқ қуйди ва уни бир кўтаришда бўшатди. Газагига тақсимчадаги нондан бир тишлади ва яна кўк пиёзни оғзига тикди. Жамила нонга умидланиб қаради ва яна кўзларини ерга қадади.

— Хўш, маҳбус Қодирова, ўзингга келдингми? — сўради майор.

Жамила кўзларини ерга тикканича жим тураверди.

— Нега гапирмайсан, бировларга ақл ўргатишга уста эдинг-ку! — майор яна стаканга қулқулатиб ароқ қуйди. Шаффоф суюқликни кўриб Жамила ўзини зўрға босди. Ташналик шунчалик забтига олгандики, томоғини ҳўллаш учун керак бўлса шишадаги ароқни ҳам ичишга тайёр эди. Уч кун ичида фақат бир марта пачоқ идишда сув берилган Жамиланинг ҳолатини майор жуда яхши биларди. Шунинг учун қаршисида қийналаётган маҳкумани кўриб ҳузурланарди.

— Сенинг гапингни эшитишга кўзим учиб тургани ҳам йўқ! — деди майор. — Фақат бир нарсани айтиб қўйишим керак — бундан бу ёғига тилингни тишларинг орасида сақла, бошинг омон қолади, очдан ўлмайсан. Сен кимлигингни биласанми? Эслатиб қўяман — сен ҳеч ким эмассан. Исмингни фақат сен биласан, биз эса рақамингни айтамыз, фалон модда билан келган, деймиз. Фарқни тушунайсанми? Ла-

гернинг бир қонуни бор — бу ерда ақллилик қилиш у ёқда турсин, сўз ҳам айтиш мумкин эмас! Қаерга келганингни энди тушундингми?

Бу гапларга якун яшаш учун Жамила бош ирғаб қўйди. Унинг ювош сиёқидан анча ҳовуридан тушган майор деди:

— Бор! Бошқа кўзимга кўринма!

Жамила ташқарига чиқди. У ўзини ер билан битта қилингандек сезарди.

Баракка кирганида аёллар бирдек унга қараб қолишди. Зинаида Ивановна эса дарҳол унинг истиқболига ошиқди ва унинг аҳволини сезиб қўлтиғидан олди.

— Илиқ сув беринглар! — деди у.

Аёллардан бири шоша-пиша сув келтирди. Жамила идишни қўшқўллаб ушлаб титраганича сувни ича бошлади. Яна кимдир нами қочган нон узатди. Жамила жон ҳолатда нонни олди ва катта қилиб тишлади. Бир-икки марта шундай қилгач, аҳволини ўзи ҳам сезди-ю нонни мижиқлагудек бўлиб юзларига босди ва кутилмаганда ҳўнграб йиғлаб юборди. Нон бурдаланди, ушоқларга айланиб ерга тўкилди. Аёллар эса жимгина уни кузатиб тиришарди...

...Жамилани жойига ётқизиб қўйишди. Унинг иссиғи кўтарилган, дам ҳушига келар, дам йўқотарди. Зах ва совуқ карцердаги уч кун ўз сўзини айтганди.

Кейинги кунни Жамила ва Надяни ишга олиб чиқишмади. Улар барақда қолишди. Ёнма-ён ётишаркан, Надя деди:

— Мени кечиринг, ҳаммаси мени деб бўлди.

— Ундай деманг.... — уни хижолатдан чиқаришга уринди Жамила.

— Сиз бўлмаганингизда ўлиб кетардим.

— Мен эмас, Худо сизга ёрдам берди! — деди қатъий ишонч билан Жамила ва бундай деганига таажжубланди. У авваллари ҳеч Худо сўзини тилга ол-

ган эмасди. Мактабда унинг онгу шуурига эътиқод-сизликни муҳрлашганди. Бироқ оғир кунларида Худо унга Ўзини эслатганди. Буни илкис англаганида кўнгли бузилди, кўзларида ёш ҳалқаланди. «Худо-жон, ўзинг ёрдам бер!» — деган нидо қалбининг туб-тубларидан отилди.

— Мен... мен... туғиладиган боламга ачинапман!

— деди Надя йиғламсираб. — Бу ерларда унга нима бўлишини ҳам билмайман.

Жамила синиқ жилмайди.

— Унинг ташвишини қилманг, Худо бор! — деди у.

Ҳеч нарсага тушунмаган Надя унга қараб қолди. Жамила эса хаёлларига шўнғиганди. Ҳар доим киши кўзидан холи намоз ўқийдиган тоғаси, унинг «Ўзингдан қўйма, Худойим!» дейиши ёдига тушди. У доим пичирлаб юрарди. Оиладати аёллар нима деб пичирлашини сўрай олишмасди. Ҳам оила бошлиғи, ҳам отанинг риояси, салобати бунга йўл қўймасди. Барибир кунлардан бир куни Жамиланинг қизиқиши устун келиб сўраганди: «Тоға, нима деб юрасиз доим? Овоз чиқариб гапириб юринг». Тоғаси жилмайиб деганди: «Худони тилдан қўймайман-да, қизим». «Қандай қилиб?» «Субҳаноллоҳ, дейман, алҳамдулиллоҳ, дейман, дейвераман... э, қизим, гап кўп!» Жамила ҳайрон бўлганди. Булар нима дегани? Нега бундай дейилади? Кейинроқ тоғасининг аёли ҳаммасини тушунтириб берганди. Лекин ўшанда Жамила буларга эътибор бермади. Ҳатто фронтда экан, бу сўзлар хаёлига ҳам келмади. Ўлим шарпаси кезиб юрган, ҳар сонияда ўлиши мумкин бўлган жанг майдонларида эмас, балки айнан Сибирнинг кимсасиз жойида буни эслади. Назарида урушда омон қолиш мумкин эди, бу ерларда эса йўқ! Урушда жисминг ўлади, бу ерда эса руҳингни синдиришади, ўлдиришади! Майор Шувалов тўғри айтганига иймон келтирди: «Сен ҳеч ким эмассан... сўз ҳам ай-

тиш мумкин эмас!» Беихтиёр тилига яна сўз югурди: «Художон, ўзинг ёрдам бер!..» Негадир кўнгли равшан тортган, елкасини эзиб келган тегирмон тоши кумга айланиб ҳавога учганди...

...Хат-саводи бўлгани учун жамлоқнинг ҳужалиқ ҳисобини Зинаида Ивановна юритарди. У нозир майор Шуваловнинг рухсати билан Жамилага енгилроқ иш — кирхона ишларига қўйди. Майорнинг тепкиларидан сўнг бироз оқсоқланиб юрадиган бўлиб қолган Жамила эртадан кечгача кир ювар, сув таширди.

Шўро қўшинлари эса Берлин остоналарида эди...

9

Ҳафтада бир марта жамлоққа эски, шалоғи чиққан полуторка озиқ-овқат олиб келарди. Унинг ҳайдовчиси кекса киши бўлиб, кўп жиҳатлари Жамиланинг Сталинград урушидаги қуролдоши ва гуруҳдоши Вася тоға — Василий Шевченкога ўхшаб кетарди. Кўзлари намланиб, маҳқумаларга раҳми келиб турадиган бу кишининг асл йсми-шарифи Сергей Остапович Хохлачев бўлса-да, жамлоқдагилар орасида уни «Остапич» дея танирдилар ва чақирардилар. Бу сафар келганида ошхона ва омборхонадагилар йўқ эди. Шунинг учун Зинаида Ивановна юкларни туширишга Жамилани ҳам чақирди. Остапич кузовнинг бир тавақасини туширди. Нон, картошка, карам, пиёз солинган қоплар қаторлашганди. Остапич ўзига яқин картошка тўла қопни ўзи томон тортди.

— Бир томонини менга беринг! — ортидан овоз эшитилди.

Остапич елкаси оша қараб буғдойранг чехрали, қора кўзли ва қошли қиз — Жамилани кўрди.

— Кўтара оласанми, қизим? — меҳрибонлик билан сўради у.

– Удалаймиз! – деди ишонч билан Жамила.

Остапич қопнинг бир учидан, Жамила эса иккинчи учидан ушлаб тортишди. Жамила оксоқланганидан бир томонга овганини кўрган Остапич:

– Оғир бўлса ерга ташла, қизим! – деди.

Жамила жилмайди.

– Хавотир олманг, ота, «Максимка»ларни³⁶ елкамизда кўтариб юрганмиз! – садафдек тишларини кўз-кўз қилгандек яна жилмайди Жамила.

– «Максимка»ларни дейсанми?! Нима, фронтда бўлганмисан? – ишонмаганидан унга саволомуз қаради Остапич.

– Ҳа.

Остапич унинг оксоқланиб қадам босишидан яранган бўлса керак, деган хаёлга борди.

– Қизгинам, сен ҳам немиснинг ўқидан бебахра қолмаган кўринасан, – деди у афсусланиб.

Жамиланинг юзига нохушлик соя ташлади.

– Немиснинг ўқидан Худо асради, – деди у паст овозда.

Остапич ҳаммасини англагандек бўлди ва афсус билан бош чайқади.

– Айтмасанг ҳам бошингдан кўп савдолар ўтганини сезяпман, қизим, – у ҳам овозини пастлатди.

– Сенга ўхшаганлар кўп бу ерда, нима дейишга ҳам ҳайронман.

Гап билан бўлиб омборга киришди ва қопни тушириб, деворга суяб қўйишди. Зинаида Ивановна ҳам омборга кирди-ю уларнинг суҳбати узилди.

– Остапич, ёрдамингиз керак! – деди Зинаида Ивановна.

– Қўлимдан келса бемалол, Зинаида Ивановна.

– Ҳомиладор бир маҳкума бор. Бугун-эрта кўзи ёриydi. Нима қилишга ҳам ҳайронмиз.

³⁶ «Максим» русумидаги пулемёт, анча оғир бўлган.

Овзи очилиб қолган Остапич чеккалари кирланган пилоткасини бошидан олиб, беихтиёр чўқинди. Кўзлари пирпиради, хато эшитмадиммикин, деган ўйда Зинаида Ивановнага тикилиб қолди. Ундан бошқа изоҳ бўлмагач, сўради:

— Ҳомиладор, дейсизми, Зинаида Ивановна?

— Ҳа, ҳомиладор. Кейинги кунларда тез-тез касал бўлиб қоляпти. Лагерда на шифокор бор, на дори-дармон. Агар иложини қилсангиз бирор егулик ва чойшаб олиб келсангиз. Топа оласизми?

— Албатта топаман, Зинаида Ивановна! — ўйлаб ҳам ўтирмай деди Остапич.

Зинаида Ивановна пахталигининг чўнтагидан рўмолчага ўровлик нарса олди. Рўмолчанинг ичида тилла никоҳ узуги бор эди.

— Остапич, мана буни олинг, сиздан сўраган нарсаларни текинга бермайди, — узукни унга узатди Зинаида Ивановна.

— Э, қўйсангиз-чи, Зинаида Ивановна, мен бунақа нарсаларни тушунмасам, нархини билмасам, — ўзини ортга ташлаб деди Остапич.

— Эримнинг совғаси, — синиқ овозда деди Зинаида Ивановна. — Тилладан. Анча пулга киради. Олинг, илтимос, Остапич!

Остапич унинг қатъиятида қаршисида бўлгани ва узукни олди.

— Раҳмат сизга, Остапич!

— Аслида раҳматни мен сизга айтишим керак, Зинаида Ивановна, — кўнгли бузилган Остапич бўғиқ овозда деди. — Етти ёт аёлга ёрдам беряпсиз.

Жамила Зинаида Ивановна ва Сергей Остапичнинг инсонийлиги қаршисида лол эди. Одамийлик деярли унутилган, юраклар тош қотган бу овлоқ маконда бу ноёб ҳодисадек бир гап эди.

10

Нарсаларни бир четга қўяркан, беихтиёр Жамила бир вақтлар Нуриддин ҳиргойи қилиб юрадиган қўшиқни хазин овозда қўйлай кетди. Олдинлари қўшиқ қўйламагани, унинг сўзлари қандай қилиб миясига ўрнашиб қолганига ҳам ажабланмади. Ҳозирги аҳволи шунга мослигимми ёки кўнгли тиладимми, бунисини билмади.

*Дарё тошқин, сувлар шошқин, ўтолмайман-эй,
Отим ориқ, манзилимга етолмайман-эй...*

Бўзига нимадир тиқилиб ачишди, кўнгли бузилганидан кўзларига ёш келди. Нарса кўтарган қўллари титради ва юкларни ерга қўйди. Кутилмаганда ортидан Зинаида Ивановнанинг овози эшитилди-ю ўғирлик устида қўлга тушган одамдек чўчиб тушди. У қўйлагани учун эмас, балки кўз ёшларини сезиб қолишларидан уялар, ҳам қўрқарди.

— Яхши қўйларкансан, — деди Зинаида Иванова. — Қўшиқчи бўлганмисан, дейман!

— Йўғ-ей... — хижолат бўлди Жамила. — Бир эсимга тушиб қолди-да...

Зинаида Иванова «ишонмайман» дегандек унга тикилиб қолди.

— Мен ҳам баъзи-баъзида қўйлаб тураман, — деди у бир муддатлик жимликдан сўнг. — Дардлашгани одам тополмай қолсанг қўшиқ қўйлаганинг яхши-да. Мумтоз адабиётга қандайсан?

— Тўғриси, унчалик кўп шеър билмайман... — очиғини тан олди Жамила. — Билганим мактабда ёдлаганларим, холос.

— Бу ҳам катта гап, аслида! — мушоира завқидан Зинаида Ивановнанинг кўзлари порлади. — Қани, қани, бир эшитайлик-чи!

- Ўзбекчасиданми?
- Тушунмайманку, қизгина!

Жамила бир оз ўйланиб қолди-да, хаёлига туйқус оралаган сўзларни беихтиёр тилига кўчирди:

*Сибирь конларининг тагида
Мағрур сақланг сабот ва чигам.
Ғамгин захмат кетмас беҳуда —
Юксак хаёл, амалингиз ҳам.*

*Бахтсизликнинг соғиқ синглиси —
Умид қора чуқурда, инон,
Қўзғар ғайрат, қувноқлик ҳиссин,
Келур орзу этилган замон.*

*Мушкул жазо инларингизга —
Эркин товшим етган сингари,
Пўлат қопқалардан ўтиб ичкари —
Севги, дўстлик етади сизга!*

*Парчаланур оғир кишанлар,
Зиндон қулар ва эрк шодумон
Пешвоз чиқар эшикда у он,
Қилич берур сизга ёронлар³⁷.*

Жамиланинг эхтирос билан шеър ўқишидан Зинаида Ивановнанинг оғзи очилиб қолди. Гапирмоқчи бўлиб энди оғиз жуфтганида орқасидан совуқ овоз эшитилди:

— Нима бўлди, яна дардлашяпсанларми?

Зинаида Ивановна ортига ўтирилди ва ичкарига кириб келаётган Зойкани кўрди. Жамиланинг кўнгли нохушланди. Бу турқи совуқ, тунд аёл ҳақида бир вақтлар эшитгани ёдига тушди: «Бу Зойка деганлари бошлиқларга ишлайди».

³⁷ Миртемир таржимаси.

— Ундан кўра, ишларинг! Шундоқ ҳам кўп иш қолиб кетяпти! — ўзича ақл ўргатган бўлди у...

Жамила жавоб қайтармоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю Зинаида Ивановнанинг «жим!» деган ишорасини кўриб бўшашди. Аммо, барибир, жим бўлолмади:

— Худди ўзинг қойиллатиб ишлаётгандек гапирасан! — деди овозини кўтариб. — Иш жойинг бошқа ерда бўлса, нима қиляпсан бу томонларда?

Зойка индаёлмай қолди. Нимадир деб тўнғиллади-да, нари кетди.

— Бекор қилдинг бу билан гап айтишиб, — узоқлашаётган Зойкадан кўз узмай тураркан, деди Зинаида Иванова.

Жамила индамади.

— Майли, шеърхонликни ишдан кейин давом эттирармиз, — деди Зинаида Иванова. — Ишларни қилайлик...

...Зинаида Иванова ёки Зиночка (фақат эри уни шундай чақирарди) адабиётнинг пухта билимдонни, Пушкин, Лермонтов каби қалби соҳир шоирлар мухлиси эди. Тутқунликда вақт ўтиши қийин, айниқса, тунлари. Бундай кезларда у шеър ўқиб ўзини овутар, маҳкумлиқнинг ғамгин, ёқимсиз кунларини-ю машаққатли ҳаётини бир зум бўлсин унутишга ҳаракат қиларди. Жамила келди-ю аввалгидек шеърларни ичида, хаёлида эмас, ҳамма ухлаганда унга пичирлаб айтадиган бўлди. Гарчи бегона тилда бўлса ҳам, Жамила шеърга кўчган кўнгил изтироблари, орзу-умидларини жуда яхши англади. Ўзига хос баҳру байт, мушоира бошланарди. Рус мактабида ўқиганидан, ҳам адабиёт ўқитувчиси Клавдия Николаевнанинг алоҳида эътибори-ю меҳридан, Жамила ҳам кўп мумтоз шоирларнинг шеърларини ёд олганди. Мактабни битирганига анча бўлган эса-да, уларни адашмай, тутилмай ўқирди. Бундан Зинаида

Ивановна ўзгача завқланар, унга жавобан янги-янги шеърлардан ўқирди. Ҳаяжон, эҳтирос ҳамда аёллик нафосати қўшилиб шоирларнинг лафзи яна гўзал, ҳароратли бўлиб тириларди. Қоронғи, совуқ ва бефайз барак ёқимли ёғду ва илиқ меҳрга тўлгандек бўларди...

11

Туни билан ёққан ёмғир тонгга яқин хийла бўшашди.

Бу тонг ҳеч кимни ишга ҳайдашмади. Ҳаммани бараклар олдидаги майдонга йиғишди. Йўқламаларда унча-мунчага кўринавермайдиган майор Шувалов эса бу сафар аскарларга бош эди. Ўзига бино қўйгандек туриши, совуқ нигоҳию тунд юзидан бирор жиддий масала кўтарилишини барча маҳкумалар сезишарди. Ниҳоят, маҳкумалар санокдан ўтгач, майор бир қадам олдинга чиқди.

— Бу ерга нима учун келганингизни ҳаммангиз жуда яхши биласиз! — баланд овозда дона-дона қилиб гап бошлади у. — Доим бир нарсани такрор-такрор айтаман: сизларни бу ерга қайта тарбиялаш учун келтирилган! Лекин орангизда шундай маҳкумалар борки, улар ҳали ҳам аввалги ишларини давом эттиришмоқда! Ўртоқ, Сталинга, жонажон фирқамизга қарши, энг ёмони, бошқаларни ҳам ортидан эргаштиришга уринишмоқда.

У бир муддат жим бўлиб, олдиндаги қаторлардаги маҳкумаларни назаридан ўтказди. У ижирғангандек, нафратлангандек қарарди. Ниҳоят, унинг нигоҳи иккинчи қатордаги Зинаида Ивановнада тўхтади ва кўрсаткич бармоғи билан «олдимга кел!» ишорасини берди. Зинаида Ивановна таажжубланди. Олдинга бир қадам ташламоқчи бўлганида кимдир «пик» этиб кулди. У гарангсигандек овоз келган томонга

қаради ва лабларини қимтишга уринаётган, кўзларини ерга тиккан Зойкани кўрди. Нега сафга тизганларини бирдан тушунди-ю товонигача музлаб кетди. Сир бой бермасликка уриниб сафдан чиқди ва майорнинг қаршисидан жой олди. Тартиб рақами, қайси модда билан айбланганини айтди.

— Маҳбус, нега чақирганимни биласанми? — сўради майор.

— Йўқ, гражданин майор...

— Сен лагер ичида саботаж кўтаришга уринишда айбланасан!

Нигоҳини ерга тиккан Зинаида Ивановна майорнинг кўзларига тик боқишга куч ва журъат топа олди. Майорнинг айблови ўлим ҳукмидан-да оғир эди.

— Гражданин майор... сизни тушунмадим...

— Нимасига тушунмайсан! — овозига улуғвор тус берди майор. — Лагерда кўзғолон кўтармоқчи бўлгансан. Маҳбусларни шунга даъват қилгансан...

— Асло!

— Буюк Октябр инқилобидан олдин ўтган шоирларнинг шеърларини ўқиб, ўртоқ Сталинга, давлатимизга қарши кайфият ҳосил қилмоқчи бўлгансан! Сендақалар нафақат жамиятда, балки меҳнат лагерларида ҳам хавфли!

— Гражданин майор... мен фақат Пушкин ёки Лермонтовнинг шеърларини ўқиган бўлишим мумкин...

— Фарқи йўқ, кимларнинг шеърларини ўқиганинг! Улар на ўртоқ Ленинни, на ўртоқ Сталинни билишган! Шундай экан, бундай шоирларнинг шеърларидан нима кутиш мумкин?

Майорнинг ғариб, узуқ-юлуқ тасаввурида «буюк Октябр инқилоби»дан аввалги шоирларни ўқиш хавфли. Улар инқилобни; Ленин ва Сталинни куйлашмагани, мадҳ этишмагани учун унутмоқ, тилга олмаслик керак.

— Хўш, масалан, айтайлик, ўша сен айтган Пушкиндан ўртоқ Сталин ҳақида бирор шеър айта оласанми?

Зинаида Ивановна унинг олдида таҳқирланиши, хўрланишини хоҳламасди. Саволнинг ўта мантиқсизлиги ҳам уни ўйлантиргани йўқ. Кўзларини юмди-да, «Маҳбус» шеърини ўқий кетди: «Зах, рутубатли зиндонда, панжара ортида ўтираман...» Аввалига паст овозда бошланган мисралар аста авжига чиқа бошлади. Сафларда жонланиш кўринди. Буни сезган майор тоқатсизланди. Зинаида Ивановна тўхтатмоқчи бўлди-ю негадир журъати етмади. Шеър ўқиётган аёл маҳбус эмас, балки унинг устидан ҳукм ўқиётган ҳакамдек кўриниб кетди. Бировларга зуғум қилиб, таҳқирлашга ўрганган буни ҳазм қила олмади.

— Бас! — қичқираёзди майор.

Зинаида Ивановна жим бўлиб қолди.

— Қандай ҳаддинг сизди, яна ошкора саботаж кўтаришга! — тишлари орасидан тупук сачратиб ўдағайлади майор: — Қўзволон кўтаришга даъват қилишга ким руҳсат берди сизга!...

Майор ҳар қанча тўхмат қилса ҳам, алаҳсираса ҳам ёки бир неча қатор сафланган юзлаб маҳкумаларни «сизлар туш кўраяпсизлар, қаршингиздаги фалончи рақамли мана бу маҳбус саботаж кўтаришга ундаяпти» дея ишонтиришга уринтирса ҳам Зинаида Ивановна эътироз билдиришни, фикрини айтишни истамасди. Жазо тайинлаш, уни ижро этишга масъулларни, улар ҳарбий бўладими ёки бошқа амалдор, жазо машинасининг бир муруввати, қисми сифатида кўрарди. Буларда на ҳис-туйғу, на раҳм-шафқат бўлишини яхши биларди.

Маҳкумалар орасида Жамила бу саҳна томошасини кўриб, Зинаида Ивановнага тўхмат қилинаётганини билса-да, бу ҳақда гапиришга кўрқарди.

Майорнинг: «Бу ерда сен ҳеч кимсан!» дегани ёдидан ҳеч чиқмасди.

Майорнинг овози кўтарилгани сари унинг жавабаси ошар, ғалати қўрқинч бир кепатага кириб борарди. У бисотидаги сўзлар билан захри, ғазаби ва нафратини соча олмаслигига кўзи етди-ю кутилмагандан Зинаида Ивановнанинг юзига... тупуриб юборди.

Зинаида Ивановна сесканиб кетди.

Жамила кўзларини юмди.

Майор ножоиз иш қилганини сезибми, жим бўлиб қолди.

Зинаида Ивановнанинг таҳқирланишига чидай олмагандек, ёмғир кучайишга бошлади ва унинг юзини аста ювишга тушди. Бунга ҳам қаноатланмай, тирқираб чиққан кўз ёшларни ҳам яширмоқчи бўлди. Ҳаммадан ҳам Жамила бу томошанинг тезроқ тугашини, киши нигоҳидан холи жойга яширинишни ўйларди. Зинаида Ивановна эмас, балки ўзи таҳқирлангандек, хўрлангандек сезарди.

Майор негадир довдиради, балки умрида биринчи мартадир, маҳқумалардан кўзларини яширишга уринди. Тушунар-тушунмас гўлдиради. Асаблари дош бермай «тарқал ҳамманг!» дея буюрди. Буюрдими ёки ялиндими, билолмай қолди.

12

Кутилмаганда ҳовлида милтиқлар кетма-кет қасирлай кетди. Соқчи минорадаги пулемёт тариллади. Омборхонани супураётган Жамила қўрқиб кетди. Юраги бетлаб-бетламай ойнадан ташқарига қаради. Ёқасининг тутмалари ечилган, бир қўлида яримлаган шиша кўтарган майор Шувалов тўппончасидан осмонга ўқ узарди. Қолган аскарлар эса милтиқлари билан унга қўшилишган. Таажжуби ортган Жамила

юрак ютиб остона ҳатлади. Унга кўзи тушган майор отишдан тўхтади ва илжайди.

— Қодирова, бугун байрам! Байрам! Биласанми нега? — сўради у.

Жамила бошини сараклатди.

— Билиб қўй, Қодирова, бугун ғалаба куни! Бизнинг шонли Қизил Армиямиз немис фашистларини янчиб ташлади! Берлинда, Рейхстаг устига байроғимиз ўрнатилди! Бугун ғалаба! Ғалаба!

Жамиланинг бўғзига нимадир тикилгандек бўлиб гапиролмай қолди. Ғалаба? Армия Берлинга етдими? Немислар енгилдими? Муросани билмайдиган, «Тигр»лари билан окоплар устига бостирадиган, минг-минглар аскарларни асир олган, халқни қирган душман чиндан йўқми? Ёдига Украина fronti, Сталинград урушларидаги қирғин-барот урушлар, қуролдошлари — лейтенант Бобров ва Фроловалар тушди. Улар билан шу кунларни орзу қилиб жанг қилмаганмиди? Немисларни енгамиз, деб ўлимга-да тик боришмаганмиди?.. Ич-ичидан отилиб келаётган ҳаяжони бўғзини куйдира бошлаган, кўзларидан ёшлар тўхтовсиз оқарди.

Тўппончалар, милтиқлар овози тинмасди.

13

Баҳорнинг сўнги кунларида Надянинг кўзи ёриди — ўғилли бўлди! Жамлоқда маҳкумаларнинг туғиши янгилик эмасди. Бироқ ўзи бору номи йўқ, фақат икки хонали сон билан белгиланадиган бу жамлоқда биринчи марта бола туғилди. Зинаида Ивановнанинг жамлоқ нозирига илтимослари ортидан Надяга омбордан жой қилиб берилганди. Унинг бахтига маҳкумалар орасидан ҳамшира ҳам топила қолди. Бироқ она ва боланинг аҳволи оғир эди. Надя ҳатто боласини эмиза олмай қолди. Шунда Зинаида Ива-

новна узоқ уйлаб ва бошқалар билан маслаҳатлашиб, болани шаҳарга юборишга қарор қилди. Фикрини Надяга ҳам айтди.

— Болангизга бу ерда қийин бўлади... — бу гапларни айтиш унга ҳам осон эмасди. Бироқ ичи ачиганидан шундай қилишга мажбур эди. — Маслаҳатим — болани шаҳарга жўнатиб юбориш керак.

— Кимга? — Надянинг овози ҳам хириллаб, ҳам зўрға чиқди.

— Мен Остапич билан гаплашиб кўраман. Балки бирор йўлини топар.

Надя кўзларини юмиб анчагача индаёлмай қолди. Унга илиқ сув қуйиб узатаётган Жамила Надянинг иложсизлик ва аросат ичида қийналаётганини сезди. Унинг ёнида чойшабга йўрғакланган бола ухларди. Надянинг юмуқ кўзларининг четидан ёш чиқиб кетди. Унга туйқус кўзи тушган Жамиланинг кўнгли бузилди.

— Мен... розиман... Зинаида Ивановна... — деди заиф овозда Надя.

— Шундай қилсак бола тирик қолади, тўғриси айтяпман! — деди Зинаида Ивановна.

Надя индамади. Боласига қараб юм-юм йиғлашга тушиб кетганди. Унга қарамасликка ҳаракат қилаётган Жамиланинг юраги эзилди, кўзларида ёшлар ҳалқаланди.

Зинаида Ивановнанинг фикри Остапичга ҳам маъқул тушди.

— Кампирим буни эплайди, Зинаида Ивановна! — деди у. — Боладан хавотир олманглр.

Йўрғакланган болани унга тутқизишди. Жажжи болакай унинг қўлларида ушоқдек кўринарди. Остапич унга озор етказишдан қўрқарди.

— Қизим, — Надяга юзланиб деди у. — Кўнглинг тўқ бўлсин. Ўз боламдек қарайман.

Бошини ёстикдан кўтара олмаган Надя билинар-билинимас бош ирғади. Остапич нима дейишини билмай турди, Зинаида Ивановнага қараб:

— Майли, мен борай, йўл ҳам узоқ, эртароқ етиб олай, — деди. — Дарвоқе, ўғилми-қиз?

— Ўғил... — деди Надя.

— Исми-чи?

— Саша... Александр...

Остапич яна Зинаида Ивановнага қаради. Унинг нигоҳидан учган маънони англаган Зинаида Ивановна:

— Тўлиқ исми Александр Михайлович Анюков бўлади, Остапич! — деди.

— Хўп, хўп, тушундим, Зинаида Ивановна! — деди шоша-пиша Остапич. — Александр Михайлович Анюков! Эсимда қолди. Бўлмасам... хайр! Қизим, сен хавотир олма, ҳали боланг катта бўлиб кетади. Уйингга қайтганингда атрофингга ўйнаб юрадиган бўлади.

Надя унга илтижоли, ҳам миннатдор бўлиб термилди, кўз ёшлари тўхтамасди. Остапич яна бир марта хайрлашди-да, ташқарига чиқиб кетди. Надя ўрнидан туришга чоғланди, бироқ кучи етмади. У боласини Остапичнинг полуторкаси кўздан йўқолгунча кузатиб қўйишни истар, лекин кучи йўқлиги сабаб қўзғала олмади, ҳам.

— Болам! Болам!.. — дея олди зўрға. Вужудида қолган бор кучи фақат шу биргина сўзга етди, холос.

Унга қўшилиб Жамила ҳам йиғлар, унинг ҳам юраги парча-парча бўлганди.

14

Кейинги кунларда майор Шуваловнинг пайтавасига қурт тушиб қолган. Аввалги ўзига бино қўйган, бировнинг сўзини олмайдиган ва қўрқинчли майор-

дан асар ҳам қолмаган. Умрида кирмаган баракларга кириб шароитни текширади; омборхона, кирхоналарни неча марта бош сукди. Жамлоқдаги барча соқчи-аскарларни қайта-қайта сафлаб, ўзича сипоришларни берди. Жамлоқ дарбозаси устидаги ранги ўчган алвон байроқ ўрнига янгиси ўрнатилди; дохийларнинг шиорлари қайтадан бўялди. Ҳатто қаердан-дир оҳак келтирилиб киравериш йўлак четлари ҳам оқланди. Маҳкумалар орасида турфа миш-мишлар юриб кетди: «Лагерларнинг умумий бошлиқлари келишармиш!..», «Кўплар авф этилармиш!..», «Муддатлар қисқартирилармиш!..» Ана шундай овозалар, тайёргарликлар билан орадан бир ой ўтгач жамлоқ ҳовлисига қора «Мерседес» ва аскар тўла полуторка кириб келди. Машинадан генерал унвонидаги ҳарбий тушди ва истиқболига ошиққан майор Шуваловга ҳам эътибор бермай баракларни, соқчи минорани назаридан ўтказди.

— Ўртоқ генерал-лейтенант, жамлоқ ҳарбий таркиби кўриққа тайёр! — қўлини чаккасига тираб дона-дона қилиб гапира кетди майор. — Жамлоқ ноziри майор Шувалов!

Генерал унга қўлини узатди. Ҳовлиққанидан майор унинг қўлини қўшқўллаб олиб юборай деди.

— Маҳкумалар қаерда? — сўради генерал бараклар томон юаркан.

— Уларнинг ҳаммаси ишда, ўртоқ генерал-лейтенант! — генералнинг ортидан қолмасликка уриниб маълумот берди майор.

— Ошхона ва омборхона қайси томонда? — даб-дурустан сўраб қолди генерал.

— Бу ёқда, ўртоқ генерал-лейтенант! — ҳожати бўлмаса-да, ўзини четга олиб йўл кўрсатди майор.

— Бошланг!

— Хўп бўлади, ўртоқ генерал-лейтенант.

Майор шошиб, қайси томонга юришни кўрсатди. Генерал омборхонага кирди. Озиқ-овқат захираларини кўздан кечираркан, картошка тўла қопларни бир четга тартиб билан қўяётган Жамилага кўзи тушди. Генерал унга тикилиб қолди. Жамила кутилмаган меҳмонларни кўрди-ю доводиради. Майор эса қўли билан киши билмас «кет!» деган маънода ишора қилди. Жамила кўзларини ерга тикди, генералга салом берганича ортга бурилмоқчи бўлди.

— Маҳкума, тўхтаг! — унинг ортидан буюрди генерал.

Жамила таққа тўхтаб қолди, журъати етиб-етмай унга юзланди. Генерал бу сафар саволомуз тикилди, унинг қошлари чимирилган, қовоқлари уюлганди.

— Фронгда бўлганмисиз? — дабдурустдан сўради у.

— Ҳа, ўртоқ... кечирасиз, гражданин генерал...

— Генерал-лейтенант! — уни тўғрилаб қўйган бўлди майор Шувалов.

— Кечирасиз, гражданин генерал-лейтенант, фронгда бўлганман.

— Полковник Романенконинг дивизиясида бир снайпер қиз бор эди, ўзбек, шунга ўхшатдим сизни.

Жамила титраб кетди. Юрак ютиниб генералнинг кўзларига қаради. Кўзлари таниш. Қаерда кўрган бўлиши мумкин?

— Жамила Қодирова, эди! — ишонч билан деди генерал.

— Мен Жамила Қодироваман, гражданин генерал-лейтенант! — деди Жамила. — Урушни 33-гвардия дивизияси, 84-ўқчи полки таркибида Кёнисбергда яқунладим.

— Яқунладим?! — унга ишонқирамай боқди генерал. — Яқунладимми ёки шунга мажбур қилишдимми?

— Яқунлашга мажбур қилишди, гражданин...

— Ўртоқ генерал, деяверинг, Қодирова.

Жамиланинг ичида нимадир узилиб кетгандек бўлди. Генералга миннатдорчилик назари билан қаради.

— Мени танимадингизми? — сўради генерал.

— Йўқ, ўртоқ генерал...

— Новгородов Юрий Алексеевич! — деди генерал. — Майор Громовнинг ҳисоботи бўйича сизни сўроқ қилганман, у вақтда полковник эдим. Эсладингизми?

Жамиланинг юзлари ёришиб кетди. Зулмат оралаган кўнглига ёруғлик инди.

— Танидим, ўртоқ генерал, танидим! — қичқираёзди Жамила.

Генерал Новгородов Жамилани таниди-ю кўз олдидан чехраси сўник, киргайган кўзлари ичига ботган, озиб кетганидан ёноқлари хийла бўртган аёли, кўзлари жавдираган болалари ўтди. Ушанда Тошкентга келган, сўраб-суриштириб оиласи қаерда яшаётганини билганди. Тасавурида оиласини ўзига тўқ одамлар қабул қилишганди. Бироқ Эски Шаҳарнинг эгри-бугри кўчаларидан ўтиб бораркан, бу тасавури пучга чиқди. Маҳаллада бой ёки ўзига тўқ одам яшайдиган уй кўринмасди. Ҳатто машина кўча торлигидан юролмай қолиб у ёрига пиёда кетишга мажбур бўлишди. Ниҳоят, уни бошлаб келаётган НКВД зобити: «Ўртоқ генерал-лейтенант, биздаги маълумот бўйича оилангиз, яъни Мария Новгородова шу ҳовлида яшайди!» деганида, кичкина, кўрimsиз ва кўҳна эшикка ишонқирамай қараб қолганди. Ўзбекона урф-одат ва таомилни билмаган зобит, худди бу ерда сўроққа олиб кетилиши лозим бўлган киши яшайдигандек, эшикни қаттиқ тақиллатди. Унинг ишидан хижолат тортган генерал: «Лейтенант, биз меҳмонга келдик!» деди-да, ўзи бориб эшикни аста чертди. Ўзини йўқотиб қўйган зобит доводи-

раб қолди. Эшик очилиб қотмадан келган, калта тарашилган соқол-муйлаблик, бошида тахи бузилмаган марғилоннусха дўши, яктаги устидан одми кўк тўн кийган қария кўриниш берди. У ҳарбийларни кўриб қўрқиб кетди, бир мuddат тили сўзга айланмай қолди. Буни сезган Новгородов:

— Салом... мен оиламни излаб келувдим... Мария Новгородова сизникида яшамайдими?

Бирдан қариянинг кўзлари порлади, юзлари ёришди.

— Келинг... келинг! Марияхон... Марияхон шу ерда яшайди! — деди у русчада.

Қариянинг ортида бошида гулдор румол, эгнида кенг кўйлак аёл кўринди. Новгородов уни зурға таниди: Мария! Оқ-сариклигини айтмаса, узбек аёлининг нақ ўзи.

— Юра!!! — Мария ўзини эрининг кучоғига ташлади.

Кўзлари жикқа ёшга тўлган генерал аёлини бағрига босди.

Катта ўғли — ўн бир ёшли Славикнинг тақир бошида оқ нақшлари сарғайган, анча уринган дўппи. Қария — Каримберди ота генерал ва зобитларни уйга таклиф қилди. Генерал иккиланди, Каримберди ота барибир қўймади. Зобитлар уйга киришди. Мария, бу ерга келиб ўрганганидек, меҳмонларга дастурхон ёзди, озроқ қора нон, тақсимчада ўрик қоқиси қўйди, тезда катта сопол чойнақда чой киритилди.

— Ота, — деди генерал бўйиқ овозда, — сиздан бир умрга миннатдорман!

— Унақа деманг... айб бўлади! — деди паст овозда Каримберди ота. — Бировдан нарса тамасида бу ишларни қилмаймиз. Худонинг бандаси бошига синов тушса қараб ўтиришлик яхши эмас, ахир...

Оддий одамнинг фалсафасидан генералнинг унга хурмати ортганди.

— Маҳалламизни бир айлансангиз биласиз, деяри ҳаммасида урушдан келган оилалар, болалар бор, — давом этди Каримберди ота.

Генералнинг нигоҳи девордаги ёш йигитнинг суратига тушди. Кўзлари Каримберди отаникига ўхшайди.

— Ўғлингизми, ота?

Каримберди ота хўрсинди, пиёлани тутган қўллари титради, кўзларини дастурхонга тикди.

— Ўғлим... Польшада омонатни топширибди, — деди заиф овозда. — Қорахат келди. Йигирмага кирарди бу йил. Чимилдиққа ҳам кирмади... Насиб қилса қабрини топмоқчиман...

Генералнинг кўнгли бузилди, ҳам бундай савол берганига афсус қилди.

— Узр, ота, дардингизни яралаб қўйибман.

— Унақа деманг, кўпга келгани тўй, пешонада борини кўрасиз, ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Маҳалламиздаги ўн бир ҳовли қорахат олган, болаларимиз қайтишмади. Худо жойларини жаннатда қилсин.

Генерал урушга борини берган, эътиқоди бутун ва бағри кенг халқнинг рамзи — қиёфасини Каримберди отада кўрмоқда эди. Ўзбекистондан бир ярим миллиондан ортиқ жангчилар урушга кетгани, миллионлаб одамлар — болалар, аёллар ва кексаларни шу юрт қабул қилганини яхши биларди. Шунда кўнглидан бир ўй ўтди: шундай халқ билан урушда енгдик!

— Ота, сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин, тортинмай айтаверинг.

Каримберди ота яна хўрсинди ва намли кўзларини генералга тикди.

— Ўғлимнинг қабрини топишга ёрдам беринг, бир калима Қуръон ўқимасам кўнглим жойига тушмайди.

— Қўлимдан келганича ёрдам бераман, ота... дарвоқе, қорахатни сақлаб қўйганмисиз?

— Ҳа... — Каримберди ота ўрнидан чаққон туриб, токчадаги чинни чойнаклардан бирига солинган, учбурчак қилиб букланган хатни олди.

Генерал хат устидаги дала почтасининг манзилини кўздан кечиргач:

— Кўнглингиз хотиржам бўлсин, албатта топамиз!

— деди ишонч билан.

Каримберди ота худди ўғлини тирик кўргандек хурсанд бўлиб кетди.

Ушанда ҳали НКВД полковниги бўлган Новгородов майор Громовнинг тўхматига ишонмай уни терговдан озод қилгани ёдига тушди. Генерал унга қулини узатди. Ундан бир неча қадам нарида турган Жамила у томон юрди. Унинг оқсоқланиши генералнинг назаридан четда қолмади. Қизнинг қулини сиқиб қуяркан:

— Немиснинг ўқи четлаб ўтмаган куринади, Қодирова, — деди.

Майор довдиради. Жамила кўзларини яширди. Бу икки ҳолат ҳам генералдан махфий қолмади.

— Сизни бу аҳволга солганларни албатта топамиз, Қодирова! — деди у. — Бири полковник Громов бўлса керак?

— Мени тергов қилганида у майор эди...

— Яқинда полковник бўлди!

Майор Шувалов бошини елкалари орасига олишга уринар, қочгани жой тополмасди.

— Ўртоқ майор, фронтда қаерда бўлдингиз?

Майор каловланди, ҳам саросимага тушди.

— Ўртоқ генерал-лейтенант, менинг фронтим шу ерда эди...

— Қодированинг фронтда ким бўлганини биласизми?

— Йўқ... айборман, ўртоқ генерал-лейтенант, унинг шахсий «иши»ни қўрмабман...

— Одатда бундай қаҳрамонликлар «иш»ларга тиркалмайди! Узим маълумот-бериб қўя қолай, Жамила Қодирова 1942 йили Берлиндан Украинага маҳсус топшириқ билан юборилган оберштурмбанфюрер Фридрих Зоммерни йўқ қилган снайпер бўлади, фронт газеталарида ёзилган, ўқимаганмисиз!?

— Айбдорман, ўртоқ генерал-лейтенант.

— Қодирова, «иш»ингизни қайта кўтарамиз, — деди Жамилага юзланиб генерал. — Ишончим комил, бу ердан чиқиб кетасиз.

— Катта раҳмат, ўртоқ генерал.

— Мен ҳам Қодированинг айбсиз эканига бошидаёқ ишонгандим, ўртоқ генерал-лейтенант! — деди майор тантанали оҳангда.

— Шунинг учун фронтдан бутун қайтган жангчи лагерда оқсоқланиб қолибди-да, ўртоқ майор.

Майор унга бақрайиб қолди, тилидан сўз, юзидан ранг қочганди.

— Майор, Қодированинг шахсий «иши»ни келтиринг! — буюриб қолди генерал.

Майор «хўп бўлади, ўртоқ генерал-лейтенант!» деди-да, идораси томон чопиб кетди. У кетгач генерал:

— Хавотир олманг, Қодирова, озод бўлишингизга ёрдам бераман, — деди.

— Раҳмат, ўртоқ генерал-лейтенант! Сизга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмайман.

Генерал негадир жилмайиб қўйди...

15

Маҳжуманинг ҳаёти уни ўз из измига бўйсундирди — ёруғ кунларга етиш умиди аста-аста сўнди ва қалбининг туб-тубларига яширинди. Баъзида учкун бўлиб милтилаб қоларди-ю шу заҳоти ғойиб бўларди. Бир-бирига зид, тушуниксиз ҳислар уни чулғаб оларди. Шу тахлит кунлар ҳафталарга, ҳафталар эса ойларга уланганди. Жамила энди озодликка чиқиш-

ни эмас, балки тирик қолишни ўйларди. Генерал Новгородовнинг кутилмаган ташрифи ва ваъдасидан сўнг ўша заиф милтиллаётган умид учқунлари бирдан ёрқин, ҳароратли чўққа айланди. Генерал кетгач у ўзгача ҳаяжон, энтиқиш билан кунлар санар, тезроқ бу ерлардан кетиш орзуси сония сайин аланга оларди. Ана шундай илинж, кутиш ичида бир неча ҳафталарни қаритди. На генералдан, на унинг озод бўлишидан дарак йўқ эди.

Сталинградда кўрган бир манзара кейинги кунларда бот-бот эсига тушадиган бўлиб қолди. Қулаган, деворлари омонат, оёқ остиларида ҳар хил нарсалар қалашган уйга киришди. Екатерина Фролова шу ердан немисларни кузатмоқчи эди. Бир вақтлар зиёли оиланинг хонадони бўлгани яққол сезилади. Стол, курсилар, китоб жавони ағанаган, куйик китоблар ҳар ёқда сочилиб ётибди. Дераза тоқчасидаги гултувақда эса нозик атиргул... Ҳайратланарлиси, на ўқлар, на снарядлар унга шикаст етказа олган. Гул ҳам, гултувақ ҳам бутун. Гул япроқларига губор, қора куйинди ўтирган. Волга тарафдан эсаётган аччиқ изиринда ожиз тебранади. Жамила бир муддат унга тикилиб қолган, вайроналар орасидаги бу мўъжиза уни ҳайратга солиб қўйганди... Ҳадди аълосига етган қаҳр ва қирғиндан омон қолган гул унинг ёдига тушди. Жамила бу гулда ўз қисмати уни ўқигандек бўлди.

Озгина шафқат ва меҳрга муҳтож гул...

16

Жамила ҳар сафар жамлоқ дарбозаси остида Остачичнинг полуторкаси кўринганида юраги ўзгача тепа бошлар, бирор хушхабар келтирдимикин, деган илинжда уни қаршиларди. Аммо ҳар сафар у бошқа нарсалардан сўзларди: Надянинг ўғли анча катта бўлиб қолгани, шаҳарда нарх-наволар кўтарилгани,

японлар ҳам енгилгани... Жамиланинг озод этилиши ҳақида лом-мим демасди.

Ёз ўтди.

Рутубатли, серёғин куз яримлади.

Биринчи қор ёғди-ю ҳамма ёқни қоплади. Атроф-жавониб оппоқ тўшакка бурканди-қўйди. Жамиланинг уйга қайтиш орзуси ҳам қор остида қолгандек бўлди. Энди у бу ҳақда ўйламай қўйди. Ана шундай кунлардан бирида Остапичнинг полуторкаси жамлоқ ҳовлисига кириб келди. Ҳар доимгидек омборхона олдида эмас, шундоқ ҳовлида тўхтади. Жамила таажжубланди. Кузовдаги юкларни омборхонага ташийдиларми? Кабинадан кўк гардишли фуражка кийган НКВД лейтенанти тушди. Остапич чаққон ҳаракат қилиб уни майор Шуваловнинг идорасига бошлаб кетди. Юк кутган Жамиланинг таажжуби ортди. Кўп ўтмай майорнинг идораси — ёғоч уйдан майор Шувалов ва лейтенант чиқиб келишди.

— Қодирова! — қичқирди майор.

Жамила НКВД лейтенанти нега келганини туйқус англади-ю қўл-оёғи ҳолсизланиб ерга ўтириб қолай деди. Уни кузатиб турган Зинаида Ивановна:

— Хурсанд бўл, қизгина, озодсан! — деди.

— Қодирова! — иккинчи марта қичқирди майор.

Жамиланинг ҳуши ўзига қайтгандек бўлди. Шоша-пиша рўмолини тўғрилаб ташқарига чиқди.

— Оқланибсан, Қодирова! — деди майор. — Энди уйингга қайтасан!

Жамила туш кўраётганга ўхшарди.

НКВД лейтенанти қўлидаги «иш»ни очиб суратга қаради. Қаршисидаги аёл чиндан ҳам суратдаги маҳкума эканлигини билгач, деди:

— Жамила Қодирова, ишингиз қайта кўриб чиқилди ва сиз оқландингиз. Нарсаларингизни йиғиштиринг, биз билан кетасиз.

— Хўп... — Жамиланинг тили сўзга зўрға айланди.

Жамиланинг йиғиштирадиган нарсаси йўқ эди. Дарров тайёр бўлди. Зинаида Ивановна ва Надя билан кучоқлашиб хайрлашди. Надяга: «Бу ердан чиқсангиз ўғлингизни, Александр Михайловични ўпиб қўйинг!» деди. Надя синиқ жилмайди. Лейтенант кабинага жойлашаркан, совуқ авжига чиқаётган ва қор ёғаётган бўлишига қарамай, Жамилага «кузовга чиқ!» дегандек бош ирғади. Жамила кузовга тармашди ва енгил ҳаракат билан чиқиб олди. Ярим қарич қорни сидириб ташлаб ўзига жой тайёрлаган бўлди. У на совуққа, на қорга эътибор қиларди. Тезроқ бу ерлардан кетишни ўйларди, холос. Остапич лейтенантга истехзоли қараб қўйди, киши билмас четга тупурди, ичида сўжинди: «мараз!»

Полуторка оғир силкиниб қўзғалди. Кузов деворига суяниб олган Жамила кўкка термилди. Осмон ҳам, ер ҳам бирдек оппоқ. Паға-паға ёғаётган қор юз-кўзларига урилар, эриб бўйнига оқарди. Тоғасининг айтганлари илкис ёдига тушди: «Ҳар бир қор томчисини бир фаришга ерга олиб тушади!» У энтиқди: Фаришталар овоз бўлганимга қор парчалар улашяпти!..

Кабинага жойлашиб олган лейтенант эса қўйнидан букланган газетани олди. Унинг номи — «Уничтожим врага» Остапичнинг назаридан махфий қолмади. «Шундай совуқда газета ўқиш кўнглига сиғадими?!» — унинг энсаси қотди. Унинг кўнглидан ўтган ўйни ўқигандек, лейтенант деди:

— Генерал Новгородов лагердан қайтишимда албатта шу газетани ўқишимни тайинлаганди, ҳайронман.

У газетанинг бош саҳифасига ҳушсиз кўз ташлади. Ундаги снайпер-аёлнинг сурати эътиборини тортди-ю қошлари чимирилди. Сурат остида йирик ҳарфлардаги сўзларни овоз чиқариб ўқиди:

«Одгий ўзбек қизи Жамила Қодирова ёки «Ўзбечка» номи гитлерчиларнинг юрагига гулгула солмоқда...»

Лейтенантнинг шошқалоқ нигоҳи сатрлар узра югура кетди ва тезда кафтдек мақолани ўқиб битирди. Сунг тиззасидаги «иш»ни очди, суратта қаради. Газета ва «иш»даги суратда бир киши эди: Жамила Қодирова!

– Тўхтатинг! – кутилмаганда буюрди лейтенант.

Остапич таажжубланиб машинани тўхтатди. Лейтенант тезда кабинадан тушди ва кузов томон юрди.

– Қодирова! – деди у.

Совуқдан қотиб қолган ва усти қор Жамила зўрға ўрнидан турди.

– Узр... сизни танимабман... менинг ўрнимда кабинада кетасиз...

Жамила иккиланиб қолди. Лейтенантнинг қатъий нигоҳидан бўшашиб аста кузовдан тушди. Лейтенант унга ёрдамга шошди. Жамила кабинага жойлашди. Остапич унга мамнун қараб қўйди ва:

– Қизим, энди озодсан! – деди.

Жамила зўрға бош ирлаб қўйди. Кузовга жойлашган лейтенант «юравер» дегандек кабина томига уриб қўйди. Полуторка бу сафар енгил қўзғалди.

Жамила кўзларини юмди. Овлақ, совуқ ва хосиятсиз жойлардан қутулганига энди астойдил ишонганди. Кўзларидан ёш оқар, унсиз йиғлар, унга қараб-қараб қўяётган Остапич эса индамасди...

2017 – 2018 йиллар

МУНДАРИЖА

Учинчи Рейх «Абвер» хизматининг 1943 йилги махфий ёзишмаларидан:.....	5
БИРИНЧИ ҚИСМ. Ваҳшат ўлкасида.....	7
ИККИНЧИ ҚИСМ. Сталинград: снайперлар уруши	167
УЧИНЧИ ҚИСМ. Маҳкума.....	231

Адабий-бадиий нашр

БАХТИЁР АБДУҒАФУР

«УЗБЕЧКА»

ёхуд снайпер қиз ҳақида қисса

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадиий муҳаррир
Дилфуза САЛИХОДЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 05.07.2019 йилда руҳсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 9,0. Шартли босма табағи 15,12.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 10000 (I завод 3000) нусха. Буюртма № 179.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru